


619.616.5

Э-747

ЭХ. ЭРГАШЕВ  
Ж.Ш. ШОПУЛАТОВ

ХАЙВОНЛАРНИҢ  
АРАХНО-ЭНТОМОЗЛАРИ  
БИЛАН ПРОТОЗООЗЛАРИ

232622



619 : 616.5

Э-747

Э. Ҳ. ЭРГАШЕВ,  
Ж. Ш. ШОПҮЛАТОВ

ҲАЙВОНЛАРНИНГ  
АРАХНО-  
ЭНТОМОЗЛАРИ  
БИЛАН  
ПРОТОЗООЗЛАРИ

№ 34935



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ  
Тошкент—1973

636.09

Э74

**Эргашев Э. X. ва Шопўлатов Ж. Ш.**

Ҳайвонларнинг арахно-энтомозлари билан протозоозлари. Т., «Ўзбекистон», 1973.

214 б., расм.

Протозоозлар ҳамда арахно-энтомозлар ҳайвонларнинг оғир кечадиган қасалликлари бўлиб, чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий заарар келтиради. Ушбу китобда бу қасалликларнинг таърифи, олдини олиш чоралари ва даволаш усуллари қисқача баён этилди.

Китобча ветеринар врачлар, зоотехниклар ҳамда тегишли вузларнинг студентларига мўлжалланган.

I. Соавт.

**Эргашев Э. X. и Шапулатов Д. Ш. Арахно-энтомозы и протозоозы животных.**

*На узбекском языке*

*Эркин Хамидович Эргашев,*

*Джакангир Шапулатович Шапулатов*

**АРАХНО-ЭНТОМОЗЫ И ПРОТОЗООЗЫ  
ЖИВОТНЫХ**

Издательство «Узбекистан» — 1973 -- Ташкент

Редактор З. Содикхўжаева

Рассом И. С. Вахитов

Бадиий редактор М. З. Гумаров

Техн. редактор А. Альберт

Корректор Ш. Мақсадова

Теришга берилди 15/I-1973. Босишига рухсат этилди 3/VII-1973. Қоғоз формати 84×108/32 № 2. Бос. л. 6,75. Шартли бос. л. 11,34. Нашр л. 11,6. Тиражи 7000. Р09522. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 324—72.

ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишларни бўйича Давлат комитети Ташиболиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан Самарқандаги Морозов номли босмахонада босилди. Заказ № 3300. 54 т.

636.09

04—7—4                  133                  8—73                  (C) «Ўзбекистон» нашриёти — 1973 й.  
Э—M351                  (06)                  73

## **ВЕТЕРИНАРИЯ АРАХНО-ЭНТОМОЛОГИЯСИ**

### **БҮГИМОЁҚЛИЛАР ВА УЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ**

Бўғимоёқлиларнинг (Артропода типи) вакиллари ер бетининг ҳаммасида — қуруқликда ҳам, сувда ҳам кенг тарқалган. Уларнинг бир миллиондан кўпроқ тури мавжуд. Бўғимоёқлиларнинг фойдали ва заарли турлари бор, уларни ўрганиш лозим. Бўғимоёқлиларнинг кўпгина турлари ўсимликларни чанглатади, асал ишлаб чиқади, ипак беради. Айрим ҳашаротлар билан каналар иштироқида тупроқ структураси ўзгариб, унинг сифати яхшиланади.

Кўпинча океан, денгиз ва кўлларда яшайдиган қисқичбақасимонлар балиқларнинг озиқ манбай ҳисобланади. Шунинг билан бир қаторда жуда кўп турдаги бўғимоёқлилар қишлоқ хўжалигига, жумладан, чорвачиликка иқтисодий жиҳатдан катта зарар етказади. Улар қишлоқ хўжалигига ва полиз экинларига ҳамда боғ ва ўрмонларга ҳам зарар келтиради. Одам ҳамда ҳайвон организмидаги паразитлик қилиб, кўпгина бўғимоёқлилар ўз хўжайнларида оғир ўтадиган хилма-хил касалликларни қўзғайди ёки қатор инфекцион ва инвазион касалликларни тарқатади. Ҳайвонларга зарар келтирадиган бўғимоёқлиларнинг тузилишини, ривожланиш қонуниятларини, улар томонидан қўзғатиладиган ёки тарқатиладиган касалликларни, шунингдек, уларга қарши кураш тадбирларини ўргатадиган фанга арахно-энтомология дейилади.

Бўғимоёқлиларнинг танаси икки томонлама симметрик тузилган бўлиб, бўғимоёқлари метамер жойлашган

ҳайвонлардир. Уларнинг танаси ҳалқалардан тузилган бўлиб, ҳалқа шаклидагиси бўғим (сегмент) ҳосил қиласди. Ушбу бўғимлар бир-бири билан бутунлай бирикиб, бутунтаналилар, масалан каналар ёки бир неча бўғимлар ўзаро бирикиб танани уч бўлакка — бош, кўкрак ва қоринга бўладиган ҳашаротларни ёки бош-кўкрак ҳамда қориндан иборат, танаси икки бўлакдан тузилган ўргимчакларни ҳосил қиласди. Бўғимоёқлиларнинг танаси хитиндан тузилган кутикула билан қопланиб, у ташқи скелетни ҳосил қиласди. Ушбу скелетнинг ички томонида кўндаланг тарғил мускуллар, ташқи томонидан эса учтўрт жуфт бўғимоёқлар жойлашган. Бўғимоёқлиларнинг айрим вакилларининг маҳсус мўйлови («сяшки») бор. Мана шундай мўйлов уларнинг бош қисмида ёки бош-кўкрак қисмида жойлашади ҳамда кўкракдан бошланадиган бир-икки жуфт қанотлари бўлади.

Бўғимоёқлиларнинг оғиз тешиги тананинг олдинги қисмида, ануси эса тана кетидадир.

Қон айланиш системаси очиқ. Қони кўпинча рангсиз ёки ҳар хил рангли бўлади. Нерв системаси занжир шаклида тузилган. Унинг маркази «бош мия» ичак остида, нерв занжирлари қорин бўйлаб жойлашади.

Бўғимоёқлилар типи бир қанча синфдан ташкил топган. Улардан асосийлари:

Қисқичбақасимонлар (крустацеа), кўп оёқлилар (мириопода), ҳашаротлар (инсекта), ўргимчаклар (арахнида) дир.

Қисқичбақасимонлар (крустацеа) асосан сувда ҳаёт кечирадиган бўғимоёқлилардан бўлиб, жабраларидан нафас олади. Бошида икки жуфт мўйлови бўлади. Уларнинг 20 мингга яқин тури мавжуд.

Кўп оёқлилар (мириопода) ерда яшаб ҳаво билан нафас оладиган бўғимоёқлилар. Яхши сезиладиган боши бор. Танаси бўғимлардан иборат. Уларнинг бир жуфт мўйловлари ва жуда ҳам кўп оёқлари бўлади. Кўп оёқлилар синфининг саккиз мингга яқин тури маълум.

Ҳашаротлар (инсекта) танаси бош, кўкрак ва қорин бўлакларидан тузилган бўғимоёқлилар. Уларнинг мўйловлари бир жуфт. Оёқлари уч жуфт, кекирдакларидан (трахея) нафас олади. Кўпгина ҳашаротларнинг бир ёки икки жуфт қанотлари бўлади. Ҳашаротлар сувда ҳам, қуруқликда ҳам ҳаёт кечирадилар. Ҳозирги вақтда ҳашаротларнинг юз минглаб тури мавжуд.

Ўргимчаксимонлар (аракнида) нинг танаси бирикиб кетган (каналар) ёки бош-кўкрак билан қориндан иборат, танаси икки бўлак (ўргимчак), ўргимчаксимонларда мўйловлар бўлмайди, кўпинча трахеядан нафас олади, жинсий етук ўргимчаксимонларнинг оёқлари тўрт жуфт.

Ўргимчаксимонларнинг ҳаммаси қуруқликда яшайди. Уларнинг 28 мингдан кўпроқ тури мавжуд. Ўргимчаксимонлар томонидан қўзғатиладиган касалликларни — аракнозлар, ҳашаротлар томонидан қўзғатиладиган касалликларни эса **энтомозлар** дейилади.

### КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИ ҲАМДА КАСАЛЛИК ТАРҚАТУВЧИ БЎҒИМОЁҚЛИЛАР

Рус врачларидан Г. Н. Минх (1874, 1878 й.) ва О. О. Мочутковский (1876 й.) дунёда биринчи марта қон сўрувчи ҳашаротлар юқумли касалликларнинг қўзғатувчиларини, жумладан, қайталовчи тиф билан тепкили тифни тарқатади, деган эди. Сўнгги текширишлар бу фикрларнинг тўғрилигини тасдиқлади.

Т. Смит билан Ф. Кильборн (1893 й.) пироплазмоз қўзғатувчисини ўргимчаксимон синф вакиллари — каналар тарқатишини аниқлашди. Шу давр ичida Р. Росс (1894 й.) одамларга безгак плазмодийсини анофелес пашиб юқтиришини; кулекс пашибанинг совуқ плазмодийсини тарқатишини аниқлади. Д. Брюс (1895 й.) трипанозомознинг тарқалишида қон сўрувчи сўналарнинг иштирок этишини аниқлади. Шундай қилиб XIX асрнинг охири XX асрнинг бошида бўғимоёқлиларнинг касаллик тарқатиши тўғрисидаги тушунча кенгая борди.

Бир группа ветеринар мутахассислар турли ҳайвонларнинг гемоспоридиозлари ва айрим трипанозомозларнинг тарқалишида бўғимоёқлиларнинг аҳамиятини ўрганиш билан бирга инвазион, инфекцион ва вирус касалликларини тарқатувчи бўғимоёқлиларнинг турини аниқлаб, уларнинг биологик ривожланиш даврида касаллик қўзғатувчиларни тарқатиш усулларини, уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишиди. Бўғимоёқлиларни паразит сифатида ўрганиш натижасида айрим бўғимоёқлиларнинг ҳайвон танасида яшайдиган доимий паразит (бит, пат ва пархўрлар, қўтирилар, каналар), айримларининг эса вақтиначалик паразит (бурга, ит ва от

чивинлари, сўна, чивин ва қатор каналар) эканлиги аниқланди. Улар ўз хўжайинларининг қонини сўриб, уларнинг жун, пат, тери сифатини бузади, ҳайвонни ориқлатиб, маҳсулдорлигини камайтиради.

Кўпинча бўғимоёқлилар оғиз аппаратлари билан ҳайвоннинг терисини жароҳатлайди, сўлаги орқали заҳарлайди. Натижада тери яллиғланади. Айрим бўғимоёқлилар, ҳайвон танасида паразитлик қилиб яшайди, бу вақтда касаллик кўпинча оғир ўтиб, ҳайвонни ўлимга олиб келадиган қўтириб, бўка, лингватулёз каби специфик касалликларни қўзғайди. Бундай касалликлар хўжаликлар учун иқтисодий жиҳатдан заарлидир.

Бўғимоёқлилар одам ва ҳайвонларга хос кўргина инвазион касалликларни қўзғатувчи паразитларнинг дефинитив ёки оралиқ хўжайинидир. Жунхўр, бурга, чивин ва ниначи танасида айрим турдаги гельминтлар ривожланса, айрим бўғимоёқлилар танасида трипанозомлар, безгак плазмодийлари, гемоспоридийлар, спирохетлар ривожланади.

Айниқса ўргимчаксимонлар билан ҳашаротларнинг одам ҳамда ҳайвонларнинг инвазион ва инфекцион касалликларини тарқатишда аҳамияти катта.

Одатда икки категория касаллик тарқатувчилар фарқ қилинади. Биринчи категория касаллик тарқатувчи танасида касалликни қўзғатувчи паразит ривожланмайди, яъни кўпаймайди, фақатгина касалланган ҳайвондан соғ ҳайвонга ўтади, булар касалликни **механик тарқатувчи** дейилади. Иккинчи категорияга кирувчи касаллик тарқатувчилар танасида касалликни қўзғатувчи сабаб ривожланиб кўпаяди, сўнгра иккинчи организмга ўtkазади. Буларни **биологик тарқатувчилар** деб аталади.

Ушбу биологик тарқатувчилар кўпинча қўзғатувчиларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади.

Айрим касалликларнинг тарқалишида ўргимчаксимонлар билан ҳашаротларнинг роли катта. Бу касалликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш, бўғимоёқлилар билан курашишдан иборатdir.

## БОБ

# ВЕТЕРИНАРИЯ АРАХНОЛОГИЯСИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ АРАХНОЗЛАРИ

Паразитологиянинг ушбу қисми паразит ўргимчаксимонлар томонидан қўзғатиладиган ҳар хил ҳайвонлар ҳамда қушларнинг арахноз касалликлари ва уларга қарши кураш тадбирларини ўргатади. Паразит ўргимчаксимонларнинг турлари кўп бўлиб, улар морфологик тузилиши, биологик ривожланиши, экологик хусусиятлари жиҳатидан хилма-хилдир.

## ЎРГИМЧАКСИМОНЛАРНИНГ СИСТЕМАТИКАСИ

Яқин вақтларгача ўргимчаксимонлар синфи — Арахнида иккита туркумга бўлинар эди:

I тилсимонлар — Лингватулида,

II каналар — Акарина.

А. А. Захваткина (1949—1952 й.) канда туркумини ҳар томонлама чуқур ўрганиб учга бўлади:

1) Акариформес — саркоптоид ёки ҳақиқий каналар туркуми;

2) Паразитоформес — гамазоид ва иксодоид каналар туркуми;

3) Опилиоакарина — пичанўар каналар туркуми.

Ветеринария соҳасида олдинги икки туркум вакилларини ўрганишнинг аҳамияти катта.

Акариформес туркуми — бу саркоптоид — ҳақиқий каналар ҳамма каналарнинг учдан икки қисмини ўз ичига олиб, учта кенжак туркумдан ташкил топади:

1) Саркоптиформес,

2) Тромбидоформес,

3) Орибатей.

1. Кенжатуркум Саркоптиформес (саркоптоид каналар). Бу каналар жуда кичкина бўлиб, кекирдаги, стигма ва қорин қалқони бўлмайди. Оёқ панжаларида сўрғич ва тирноқлари бор. Жинсий белгиси (диморфизм) яхши фарқланган.

Уларнинг эркин яшовчи ва паразит формалари мавжуд. Ушбу кенжатуркумнинг қўйидаги учта катта оила вакилларини ўрганишнинг хўжалик учун аҳамияти катта.

1-катта оила: Тироглифоидэ — омбор каналари.

2- »— »—: Саркоптоидэ — қўтириданалари.

3- »— »—: Аналгезоидэ — пат каналари.

Тироглифоидэ (омбор) каналари жуда кичик, кўзи йўқ, қисқиличи, икки бўғинли хелицераси (жағлари) кемирувчи типда тузилган ва уч бўғинли пайпаслагичи бор.

Танаси юмшоқ, рангиз. Кекирдаги бўлмайди. Омбор каналари, ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш органларига тушганда ошқозон ва ичак касалликларини қўзғатиши мумкин. Нафас органларига тушганда катарал яллиғлантириб, астмага ўхшаш ҳодисаларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бу каналар ун, дон ва ҳоказоларга тушиб истеъмол қилинганда одам терисида ҳар хил дерматитларни қўзғатади.

Саркоптоидэ каналар — хусусий қўтириданалари: тери усти ёки тери ичи қўтириданалардан иборат бўлиб, одам ва ҳайвонларга хос паразитларни ўз ичига олади. Ушбу каналар ҳам жуда кичик бўлиб, кўзлари, кекирдаги, қон айланиш системаси бўлмайди. Оғиз аппарати кемирувчи типда, хелицераси (жағи) қисқиҷисмон ва калта; беш бўғинли оёқлари тирноқсиз, аммо сўрғичлари бор. Танаси икки қисмдан: оғиз органлари ҳамда икки жуфт оёқлари бўлган протеросом (олдинги қисм)дан ва икки жуфт орқа оёқлари (кейинги қисм) гистеросомдан иборат.

Танаси юмшоқ, кенгаймаган, чизилган ёки бурмаланган, айрим вақтларда тукча ва тишчалари бўлади. Аналгезоидэ каналар паррандаларнинг патида паразитлик қиласи.

Бу каналар билан китобнинг маҳсус қисмида тўлиқроқ танишиб чиқамиз.

2. Кенжатуркум — Орибатей кўпгина (40 дан ортиқроқ) эркин яшовчи каналарни ўз ичига олади,

Уларнинг кўпчилиги ҳайвонларда паразитлик қиласига ийим цестодларнинг оралиқ хўжайини вазифасини ба-жаради (мониезиозга қаранг).

3. Кенжак туркум — Тромбидиформес ҳам бир қанча оиласини ўз ичига олади.

Улардан — Демодицидэ оиласини демодекс авлодига кирадиган, кичкина кекирдаксиз, танаси қуртга ўхшаш, оёқлари жуда калта каналар одам ва ҳайвонларда учрайдиган (железница) демодикоз касаллигининг қўзғатувчисидир.

Паразитоформес туркуми — олдинги туркумга қаранданда бирмунча камроқ тур ва авлодларни ўз ичига олади. Бу туркумнинг иккита катта оила: 1. Гамазоидэ (гамазоид) каналари, 2. Катта оила иксодоидэ (иксодоид) каналарни ўрганишнинг аҳамияти катта. Бу каналарнинг танаси бош-кўкрак просома ва қорин-опистомага бўлинади. Бош-кўкрак қисмида оғиз аппарати ва тўрт жуфт оёқлари жойлашган. Уларнинг скелети ташқарида бўлиб, яхши ривожланган хитиндан иборат. Бу туркум вакилларидан айримларининг кўзлари бор.

Тўртинчи жуфт оёқларининг танага бириккан жойида — унинг орқасида очиладиган кекирдак орқали нафас олади. Қон айланиш системаси ҳам мавжуд. Оғиз органлари кемиришга ёки қазиб сўришга мослашган. Оёқлари олти бўғинли: уларнинг панжалари кўпинча сўрувчи ёстиқчалар ва тирноқчалар билан таъминланган. Ушбу айрим жинсли паразитлар одатда тухум қўйиб ривожланади (тирик туғадиганлари ҳам бор).

Урғочилари сперматоформ усулда уруғланади. Каналар эмбрион даврдан кейин ташқарида метаморфоз ўзгариш билан ривожланади. Тухумдан чиқсан личинка, икки стадияли нимфага ва имагога айланади. Гамазоид ва иксодоид каналар группаси ўзларининг таркиби, морфологик тузилиши, биологик ва экологик хусусиятлари жиҳатидан жуда хилма-хилдир. Улар орасида сапрофаглар, ўсимликхўрлар, йиртқичлари ва кўпгина паразитлик билан ҳаёт кечирадиганлари учрайди. Паразит каналарнинг кўпчилиги қон сўриб яшайди. Улар ҳар хил ёввойи ва уй ҳайвонларининг, қушларнинг ва одамнинг қони билан озиқланади. Уларнинг айримлари яйловда яшаса, айримлари йиртқичларнинг инида, баъзилари уй ҳайвонлари билан қушлар боқиладиган биноларда яшайди.

Қонсўар каналарнинг кўпчилиги ҳайвонларнинг вақтинча эктопаразити ҳисобланса оз қисми доимий эктопаразит ва ҳатто эндопаразитлардир.

Кўпгина турдаги каналар ҳайвон ва одамларнинг ҳар хил инвазион, инфекцион ва вирус касалликларининг қўзғатувчиларини тарқатади. Шунингдек, касаллик қўзғатувчилар кананинг тухуми орқали (трансовариал) бир қанча авлодига ўтиши мумкин. Бунинг натижасида табиатда касаллик қўзғатувчиларнинг айланиб юриши учун шароит яратилади ва у касалликнинг доимий манбаи ҳисобланади. Каналар танасининг бош-кўкрак ва қорин қисмларга — бўғимларга бўлиниши жуда камдан-кам сақланиб қолган. Уларнинг кўпчилигига қорин бўғимларга бўлинмагани (иксодидэ оиласи) ҳолда бош-кўкрак ҳам қоринга тамомила қўшилиб кетган. Улар танасидаги бўғимлар тукчаларининг жойлашишига қараб тасдиқланади. Одатда улар танасининг устида қалинлашган хитин бўлиб, қалқонни ташкил қиласи. Аммо бу қалқон айрим вақтларда бўлмаслиги (Аргазидэ оиласида) ҳам мумкин. Теридаги сезги аппарати яхши ривожланган бўлиб, тукчалар (хетлар) ва лира шаклли органлардан иборат.

Коксаль безлари бир жуфт, аммо улар иксодидэ каналарида бўлмайди. Айрим паразит каналарнинг нимфал стадияси камайса (Иксодидэ оиласида битта нимфал стадияси бор), айримларида (Аргазидэ каналарида уч марта ва ундан ортиқроқ) кўпаяди.

Иксодоидэ катта оилага мансуб каналар айниқса қонга тўйиб олган урғочилари (2—2,5 см) катта бўлади. Каналар ўзларининг морфологик тузилиши, биологик ривожланиши ва экологик хусусияти бўйича хилма-хилдир. Уларнинг оғиз аппарати ҳайвон терисини тешиб, унга ёпишишга мослашгандир. Турли ривожланиш даврида улар уй ҳайвонлари билан ёввойи ҳайвонларга юз минг нусхада ҳужум қилиб қонини сўради ва вақтинча эктопаразитлик қиласи.

Қон сўриб тўйган кана ҳайвон танасидан ерга тушиб кўпаяди ва қишлияди. Ҳар хил ривожланиш даврига кўра, яйловда ёки молхоналарда яшайдиган каналарнинг кўпчилиги йилнинг иссиқ фаслида актив ҳаракат қиласи, совуқ тушиши билан булар ер ёриқларига, тошларнинг остига ва ҳоказоларга кириб анабиоз ҳолатига ўтади.

Каналар ўз эгаларининг қонини сўриб ориқлатади, маҳсулдорлигини камайтиради, ўсиш ва ривожланиши ни секинлаштиради.

Гамазоидэ катта оила каналаридан Дермениссидэ оиласига кирувчи Дермениссус авлодининг турлари кўпроқ товуқларда паразитлик қилади.

Иксодоидэ катта оиласи қўйидаги икки оилани ўз ичига олади:

1. Иксодидэ — иксодид (яйлов) каналар.
2. Аргазидэ — аргазид (юмшоқ) каналар.

Чорвачиликка асосан иксодид (яйлов) каналари зарар келтиради ва бу оила олти авлодни ўз ичига олади:

- 1- авлод иксодес.
- 2- „ — боофилус.
- 3- „ — ҳемафизалис.
- 4- „ — дермацентрор.
- 5- „ — рипицефалус.
- 6- „ — ҳиаломма.

Аргазид оиласи ҳам бир қанча авлодни ўз ичига олади ва улардан ветеринария соҳасида иккита авлод вакилларининг аҳамияти катта. Улар қўйидагилардир:

- 1- авлод — орнитодорос.
- 2- „ — аргас.


### ИКСОДИД [ЯЙЛОВ] КАНАЛАРИ

**Морфологияси.** Иксодид каналарининг танаси халтacha шаклида бўлиб, бўғимлари билинмайди. Оч каналар ясси ва узунчоқ-овал шаклда, уларниг олдинги қисми энсизроқ бўлади (1-расм). Кон сўриб тўйган каналарнинг танаси тухум шаклида. Улар ташқи томондан юпқа хитинли парда билан қопланган, айниқса, урғочи личинка ва нимфалар озиқланганида, танаси чўзилиши мумкин. Аммо кана танасининг айрим қисмлари, яъни эркакларининг дорзал ва вентрал қисми (урғочиларининг вентрал сатҳида бўлмайди), хартум ва кокслари қалқон ҳосил қилувчи склеритик хитин билан қопланган. Ушбу склеритик қалқон эркакларининг ҳамиша дорзал



1-расм. Боофилус қалкаратус личинкаси

томонида жойлашган бўлади, у урғочиларида нимфа ва личинкаларининг фақатгина олдинги учдан бир қисмини қоплайди (2-расм). Шунинг учун ҳам эркак каналарни дорзал қалқонининг катталигига қараб урғочиларидан осон (жинсий диморфизм) ажратиш мумкин. Қалқон-



2-расм. Эркак Xiphinema canis:  
A — дорзал сатҳи;

1 — хартум; 2 — цервикал жўяклар; 3 — кўз; 4 — латерал жўяклари; 5 — каудал майдони; 6 — орқа ён жўяклари; 7 — орқа ён ўрта жўяклари; 8 — фестонлари; 9 — парма; 10 — перитрема ўсимталашининг учи; 11 — вертлуг; 12 — сон; 13 — болдир; 14 — панжа олди; 15 — панжа; 16 — галлера органи; 17 — ирроқлар; 18 — ёстиқча; 19 — скапула; 20 — ён бўлмалар

B — Вентрал сатҳи:


1—I—IV—коқслар; 2—жинсий тешиги; 3—жўяк; 4—анал тешиги; 5—анал жўяги; 6—перитрема; 7—стигма; 8—аданал қалқони; 9—акцессор қалқони; 10—субанал қалқони; 11—коқсларнинг ички қисқичи; 12—коқсларнинг ташқи қисқичи

нинг олдинги энсизланган қисмини елка — скапула дейилиб, унинг орқа қисмини эса каудал сатҳи дейилади. Урғочи каналарнинг дорзал қалқони думалоқ — юрак, яъни ромба шаклида.

Эркак яйлов каналарининг қорин томонида вентрал қалқон бўлади. Вентрал қалқон айрим каналар қорининг ҳаммасини (иксадес авлоди) қоплайди, бошқаларининг эса айрим ерларини қоплаб туради. Айримларининг иккита жуфт аналь қалқони бўлиб, уларнинг формаси ва катта-кичиклигига қараб каналарнинг турини аниқлаш мумкин.

Оч каналар оч-сариқ, сариқроқ-қўнғир, қорамтири, ҳатто қора бўлади. Кон сўриб тўйған урғочи каналар-

нинг, нимфа ва личинкалари кул ранг, оч сариқ бўлади. Айримларининг дорзал қалқони камроқ хартум ва оёқлари эмал пигменти билан қопланган бўлиб, кана жуда чиройли, оқ-кумуш рангда товланиб туради (Дермацентор авлоди, З-расм)




З-расм. Иксодидэ оиласига кирувчи каналарнинг морфологияси

Вояга етган каналар билан нимфаларнинг оёқлари тўрт жуфт, личинкаларники эса уч жуфт бўлиб, олтида ҳаракатчан бўғиндан: чаноқчалар (кокслар), кўсги (вертлуга), сон, болдир, панжа олди ва панжадан ташкил топган оёқлари кананинг қорин томонидаги ҳаракатсиз кокслар билан бирлашган. Ҳар қайси панжа иккита тирноқ ва сўрғич билан тугайди, у айниқса биринчи жуфт оёқларида яхши ривожланган бўлади. Сўрғичла-

ри ёрдамида каналар вертикал ва горизонтал йўналишда ҳаракат қиласи.

Айрим каналар узун оёқларида тез юриб, деярли узоқ масофани босиб ўтади. Биринчи жуфт оёқларида,



4 - расм. Кана хартуми. Чапда дорсал томони;

1 — сизувчи майдон; 2 — пайпаслагичнинг биринчи бўғини; 3 — пайпаслагичнинг иккинчи бўғини; 4 — пайпаслагичнинг учинчи бўғини; 5 — хелицера қутиси; 6 — хелицера илмоқчаси; 7 — хартум асоси; 8 — елка карнуаси; 9 — хартум асосининг орқа қираси.

#### Унгда вентрал томони

1 — пайпаслагичнинг тўртинчи бўғини; 2 — хелицера илмоқчаси; 3 — гипостома

панжаларининг дорзал томонида, унинг өнг учида маҳсус орган Галлера жойлашган, у сезиш вазифасини бажарса керак. Хартумлардан (гнатосома) ташкил топган оғиз аппарати хартум асоси билан хартумнинг ўзидан иборат. Хартумнинг таркибий қисмига гипостом, хелицералар билан пайпаслагичлар киради (4-расм). Ҳаракатчан хартум тана билан бириккан, у тананинг олдинги қисмидан бўртиб, қалқон скапуласи оралигидаги маҳсус жўяқда жойлашган. Хартумлари узун ёки қисқалигига қараб узун хартумли ва қисқа хартумли каналар мавжуд.

Хартум асоси — хитиндан ташкил топган, кўпроқ у тўғри бурчакли тўрт бурчак, камроқ олти бурчакли ва бошқа шаклда бўлади.

Гипостом — бир бўлак пастки жағдан иборат бўлиб, хартум асосининг ўрта қисмидан олдинга қараб йўналган. Унинг юзаси орқага қайрилган тищалар билан қопланган. Тищалари тартиби билан қатор узунасига жойлашади (икки-тўрт жуфт ва ундан кўпроқ). Улар гипостом учида майдароқ, пастроқда бирмунча каттароқ бўлади.

Гипостомнинг ўткир томони хелицералар билан бирга ҳайвон терисини тешишда иштирок қиласи.

Каналар гипостом ёрдамида ҳайвон танасига мустаҳкам ёпишиб олади.

Хелицера — икки бўлак юқориги жағ хитиндан

иборат бўлиб, хелицера гипостомнинг уч томонида жойлашади, у цилиндр шаклидаги асос қисми ва ҳаракатчан бўртмалар пайпаслагичлар (пальпа)дан тузилган. Унинг асосий қисми маҳсус футляр (филоф) да бўлади. Хелицера мускуллар ёрдамида футляр ичига тортилиб ёки ундан чиқарилиб туради. Хелицера пайпаслагичларининг тишчалари — илмоқчалари бўлиб, улар билан кана ҳайвон терисини яралайди ва унга гипостомни киритиш учун яранинг чеккаларини итариб оғзини очади. Гипостом билан хелицера футляри битта канални ташкил қилиб, унинг олдинги томони (офиз тешиги)дан ҳосил бўлган теридаги ярага каналарнинг сўлаги ажралиб чиқади ва шу яра орқали ҳайвон қонини сўриб олади.

Гипостомнинг ён томонида биттадан тўрт бўғинли пайпаслагич жойлашади. Уларнинг биринчи бўғини яхши билинмайди ва хартумнинг асос қисмига бирикади, иккинчи бўғин катта бўлиб, айрим вақтларда унинг ташқи томонида ўсимтаси бўлади. Учидаги учинчи бўғин, иккинчи бўғинга қараганда қисқа ва унинг эркин қисми энсизланиб боради. Бўғиннинг учида унинг пастки сатҳидаги чуқурроқ жойида унчалик ривожланиб етишмаган тўртинчи бўғин жойлашиб, учи сезиш вазифасини бажарадиган тукчалар билан тугайди. Пайпаслагичларнинг узунлиги ва тузилиши каналарнинг турига қараб ҳар хил бўлади. Уларнинг ички сатҳи қайрилган ва гипостом билан хелицера бирикканда уларни бекитиб туради.

Пайпаслагичлар сезиш органлари вазифасини бажаради. Каналар у билан тери устини пайпаслаб, хартумини қадайдиган жойни танлайди.


Яйлов каналарининг ҳазм органлари оғиз тешиги, хартум, сўлак безлари, томоқ, қисқагина қизилўнгач, ўртаичак (ошқозон), ингичка ва кейинги ичак ҳамда унга илашган ректаль пуфак билан анал тешикдан иборат. Ажратув системаси ингичка ва узунгина найча шаклидаги мальпигиева (ингичка ва узунгина найча) томирлардан иборат бўлиб, ректал пуфакка очилади.

**Нафас олиш органлари** — узун ва ингичка найча шаклида кананинг икки ён томонидан ўтиб, тўртинчи жуфт оёқларининг кокси ёнида нафас олиш тешиги (стигма) билан тугайдиган кекирдакдан иборат. Каналарнинг ушбу нафас олиш тешиги маҳсус пластинка — перитремага жойлашган.

Перитрема думалоқ, овал, вергулсимон, ретортсимон ва бошқа формада бўлиб, унинг узунлиги ҳам каналарнинг турига қараб хилма-хилдир. Шунинг учун перитреманинг формаси ва унинг катта-кичиклигига қараб, яйлов каналарнинг қайси авлодга кириб, қайси касалликни тарқатувчи эканлигини аниқлашда катта аҳамияти бор.

Нерв системаси занжир шаклида, қорин томонида жойлашган бир бутун тугунчадан иборат. Кўпгина яйлов каналарининг (Иксодес ва Ҳемафизалис авлодларига кирадиган каналардан бошқа) қирғоқ кўзлари бор, улар яssi, яrim шар орбита шаклида бўлади. Улар кана дорзал қалқонининг олдинги учдан бир қисмida ўнг ва чап ён қиррасида жойлашади.

Бундан ташқари, маҳсус ҳид билиш, эшитиш (Галлер) органлари ва сезиш тукчалари ҳамда перитрема билан хартум асосида кўп тешикли (порали) майдончasi бўлади. Эркакларининг жинсий системаси уруғдонлардан, уруғ йўллари, жинсий тешик ва қўшимча безлардан иборатdir. Қўшимча безлардан маҳсус халтacha — сперматафора ҳосил қилиниб, унда эркаклик жинсий маҳсулотлари тўпланади. Айрим вақтларда эркаклари-



5-расм. Жинсий етук урғочи кананинг ички тузилиши:

1 — ичак ўсимталари; 2 — сўлак безлари; 3 — тухумдор; 4 — ректал халтача; 5 — мальпиг томирчалар; 6 — трахея; 7 — тухумдор йўли; 8 — женэ органи; 9 — влагалиша.


нинг жинсий ёриғи, жинсий хитинлашган пластинка (апрон) билан қопланган. Эркаклари жинсий алоқа даврида хартумлари билан урғочиларининг жинсий тешигини кенгайтириб, унга сперматофорларини киритади. Урғочиларининг жинсий системаси: тухумдон, тухум йўллари, бачадон, қин (вагина), жинсий безлар, Женэ органи ва жинсий тешиклардан иборат (5-расм).

Женэ — орган тана ичидаги хартум асосининг ёнида жойлашган безли халтачадир. Тухум қўйиш даврида бу орган маҳсус тешикча орқали ташқарига бўртиб, тухумларни суртма (ёғсимон суюқлиқ) билан бекитиб, ташқи муҳит таъсирида қуриб қолишдан сақлайди. Жинсий тешиги кана танасининг вентрал сатҳида, кўпинча унинг олдинги учдан бир қисмида очилади. У кўндаланг ёриқча шаклида тузилгандир.

**Биологияси.** Каналар айрим жинсли, улар тухум қўйиб ривожланади: битта она кана уч-тўрт мингдан то ўн-ўн беш минггacha тухум қўяди (6-расм).

Тухумлари кичкина ва кўпинча овал шаклда сариқ ранглидир.

234935  
6-расм Ургочи Дермацентор кана (тухум қўймоқда)



Она кана уруғланиб, ҳайвон қонини сўриб тўйғандан кейин ташқи муҳитга чиқиб, тухумларини ерга қўяди. Она кана тухумининг ҳаммасини қўйиб бўлиши билан ўлади. Тухумдан жуда кичкина олти оёқли личинка чиқади. У ҳайвон қонини сўриб туллайди ва ташқи кўринишидан она канага ўхшаган саккиз оёқли нимфага айланади. Личинка ҳамда нимфа, каналарнинг жинсий вояга етмаган фазаси бўлганлиги учун жинсий кўпаймайди. Уларнинг жинсий тешиги йўқ. Личинкаларнинг нафас олиш органи бўлмайди. Улар бутун танасининг сатҳи билан нафас олади. Нимфа, танасининг икки бикинида тўртинчи жуфт оёқларининг ёнида жойлашган стигма билан туговчи кекирдақдан нафас олади. Озиқ-

ланиб тўйгандан кейин нимфалар туллаб, жинсий вояга етган эркак ва урғочи канага айланади.

Шундай қилиб, каналар ўз бошидан метаморфоз ўзгаришларни кечириб, бу даврда икки марта туллайди ва учта ҳаракатчан: личинка, нимфа ҳамда имаго фазасини ўказади.

Каналар личинка ва нимфа даврида кўпинча ёввойи ҳайвонлар ва қушларнинг ҳисобига яшайди. Жинсий вояга етган фазасида йирик, одатда уй ҳайвонларининг қони билан озиқланади. Баъзи бир турдаги каналар асосан Ҳиаломма скупенза, X. анатоликум, X. детритум, Боофилус калкарратус ҳамма ҳаракатчан фазасида уй ҳайвонлари ҳисобига яшайди.

Каналар ўзларининг ҳар бир ҳаракатчан фазасида туллаганидан кейин, ҳайвон танасида унинг қонини сўриб яшайди ва шу вақтда кана танасини ўраб олган хитин моддаси бирмунча қаттиқлашади.


Айрим личинкалар, оч қолган нимфа ва имаголар ўтларга ёпишиб ҳаракат қиласди. Улар орқа оёқлари билан ўтларга ёпишиб олади ва олдинги бир жуфт оёқларини юқорига кўтариб, тебранма ҳаракатга келтиради. Каналар эшлиши (Галлера) органлари ёрдамида ҳайвонларнинг яқинлашаётганини сезиб, юқори кўтариб турган оёқларидаги тирноқ ва сўрғичлари билан ҳайвон танасига ёпишиб олади ва дарҳол хартуми билан терини тешиб ҳайвон қонини сўра бошлайди.

Каналар, айниқса урғочилари ўзларининг ҳар бир ривожланиш фазасида ҳайвон қонини сўради. Натижада улар бир неча юз марта оғирлашиб кетади.

Ҳайвон танасида қон сўриш муддати каналар ривожланиш даврига қараб (личинкалар 3—7 кун, нимфалар, 3—10 кун, имаго 8—10 кун қон сўради) уч-үн кун давом этади. Личинкаларнинг эмбрионал ривожланиш даври бир ой ва ундан ҳам кўпроқ давом этиб, уларнинг туллаб, нимфа ва имагога айланиши бир неча кундан бир ойгача (айрим вақтларда ундан ҳам кўп) чўзилади.

Каналар ўзларининг ҳар хил ривожланиш даврида хилма-хил табиий шароитда яшаб қишлиши мумкин, кўпроқ каналарнинг кузда қўйган тухумлари қишида тириклигича қишлияди ва ундан келгуси йили баҳорда личинка чиқади.

Айрим турдаги каналар Ҳиаломма скупенза жинсий вояга етган фазасида ҳайвон танасида қишлиайди ва ҳатто ривожланиш даврини шу организмда ўтказади. Эркак каналар урғочилариға қараганда ҳайвон қонини камроқ сүради ва хўжайнининг танасида узоқ яшамайди. Одатда бир жойдан иккинчи жойга ўтиб, урғочи каналарни излайди ва уларни топиб уруғлантиради.



7-расм. Бир хўжайнлик каналарнинг ривожланиш схемаси


Шунингдек, гемоспоридийлар юққан каналар бир ҳайвондан иккинчисига ўтиб, бир қанча ҳайвонларга касалликни юқтиради.

Каналарнинг айрим турларини, жумладан, Ҳиаломма скупенза урғочилари ҳам бир ҳайвондан иккинчисига ўтиб касалликни тарқатиши мумкин. Ривожланиши ва озиқланишига қараб бир хўжайнли, икки ва уч хўжайнли яйлов каналари мавжуд.

Бир хўжайнли каналар *Boophilus calcaratus*, Ҳиаломма скупенза метаморфоз ўзгаришини (ҳамма актив фазасида ерга тушмасдан) бир хўжайн танасида ўтказади (7-расм).

Икки хўжайнли каналар ўзининг биринчи хўжайнлирига личинкалик даврида ҳужум қилиб озиқлангандан кейин хўжайнни танасидан тушмасдан, шу ерда туллаб, нимфага айланади. Нимфа қон сўриб тўйгандан кейин ерга тушиб туллайди, сўнгра имагога айланади. Имаго озиқланиш учун шу ёки бошқа турдаги ҳайвонга (иккинчи хўжайнга) ҳужум қилиб, уларнинг қонини сўриб тўйгандан кейин, ерга тушади (8-расм). Икки хўжайнли каналарга *Rhipicephalus bursa*, Ҳиаломма плумбеум, Ҳ. детритум ва бошқалар киради.

Уч хўжайинли каналар — тартибли равишда учта ҳайвон организмини алмаштиради (9- расм). Биринчи хўжайинига личинка даврида ҳужум қилиб, қонини сўриб тўйгандан сўнг, ерга тушади, туллайди ва нимфага айланади. Нимфа иккинчи хўжайинга ўрмалаб ўтади ва унинг қонини сўриб ерга тушади, ташқи муҳитда туллаб,



8-расм. Икки хўжайинлик каналарнинг ривожланиш схемаси



9-расм. Уч хўжайинлик каналарнинг ривожланиш схемаси

имагога айланади. У учинчи хўжайинга ҳужум қилиб, унинг қонини сўради, сўнгра тухум қўйиш учун ерга тушади. Бу хилдаги ривожланиш типи яйлов каналарининг Иксодес, Ҳемафизалис, Дермацентор авлодлари ва Рипицефалус (Р. тураникус, Р. сангвинеус) ва ҳиаломма (Ҳ. анатоликум ва бошқалар) вакиллари учун характерлидир.

Бир ва икки хўжайинли каналарнинг личинка ва нимфалари ўз хўжайини сифатида майда ёввойи суг эмизувчилар (кўпинча кемирувчилар ва ҳашаротхўрлар), қушлар, камроқ судралиб юрувчилар (калтакесак, илон) нинг ҳисобига яшайди. Имаго даврида эса катта

уй ва ёввойи (буғи, арҳар, чўчқа) ҳайвонларнинг қонини сўриб озиқланади.


СССРнинг иксодофауна таркибида элликдан кўпроқ яйлов каналари бўлиб, ҳар хил зоналарда турлича тарқалган. Шимолий районларда айрим турлар учраб, асосан Иксодес (И. рицинус ва И. персулкатус) авлодининг вакиллариидир; ўрта миңтақада яшашга кўп хилдаги яйлов каналари мослашган, улар Иксодес ва Дермацентор (Д. Маргинотус ва Д. пиктус) авлод вакиллари ҳисобланади. Иссиқ — жанубий районларда (зоналарда) бошқа районларга қараганда яйлов каналарининг кўпроқ хиллари кенг тарқалганлиги шубҳасизdir.

**Иксодес авлоди.** СССРда бу авлоднинг 20 га яқин турлари учрайди, улар ҳар хил географик зоналарда деярли кенг тарқалган. Бу каналар уч хўжайин иштирокида ривожланади. Уларнинг хўжайинлари кўпинча майда ёввойи сут эмизувчилар, қушлардир, фақатгина Иксодес рицинус ва И. персулкатус уй ҳайвонларида тез-тез учраб улар қорамолларда учрайдиган гемоспоридиоз касалликларининг қўзғатувчиларини тарқатади.

**Морфологик тузилиши.** (10, 11-расмлар). Ушбу авлод вакилларининг хартуми узун, асоси тўрт бурчакли ҳамда кўзлари бўлмаслиги билан характерлидир. Анал

10-расм. Эркак Иксодес рицинус канасининг вентрал сатҳи:


1 — генитал қалқони; 2 — жинсий тешик; 3 — ўртанги қалқон; 4 — адданал қалқони; 5 — анал тешиги; 6 — анал қалқони; 7 — анал жўяги; 8 — эпимераль қалқони; 9 — перитрема



жўяги анал тешигининг олдида жойлашган. Перитремаси деярли думалоқ, эркакларининг вентрал сатҳининг ҳаммаси хитинли қалқон билан қопланган. Дорзал қалқони, оёқлари ва хартуми қора қўнғир рангда бўлиб, урғочиларининг кутикуласи оқ-сарғиш бўлади.

Иксодес персулкатус морфологик жиҳатдан ҳам, биологик хусусияти билан ҳам иксодес рицинусга ўхшайди.

**Иксодес рицинус ва унинг биологик хусусиятлари.**  
Имаго даври учун хўжайин асосан қорамол, от, қўй, эчки, ит, ёввойи ҳайвонлардан эса буғи, тулки, қуён, типратикон ва бошқалар ҳисобланади (12-расм).




11-расм. Иксодес рицинус А. Эркак кана:  
1 — хартум, 2 — дорсал қалқони; 3 — I ва II кокслари; 4 — перитрема.  
Б. Ургочи кана:  
1 — хартум; 2 — қалқон; 3 — перитрема

Кана личинкалик ва нимфалик даврларида асосан сичқонсимон кемирувчилар, типратикон ва судралиб юрувчиларда паразитлик қиласи. Бу каналар имаголик ва нимфалик даврларида одамга ҳам ҳужум қилиши мумкин. Улар Шимолий (шимолий кенгликтинг  $62^{\circ}$  гача) ва шимоли-ғарбий областларда, ўрта зона (Уралгача)да, шунингдек, жанубий районларда учрайди.

**Иксодес рицинус** намлик ва иссиқликин ҳоҳлайдиган каналар бўлиб, ўрмон ва бутазор зоналарда кўпроқ тарқалган. Бу кананинг тухумлари сувда ҳам ривожланади. Кана бирмунча совуқ ( $-20^{\circ}$ )ни бошидан кечириб, ҳамма ривожланиш фазалари табиий муҳитда қишлийди. Етук каналар йилнинг фаслларига қараб, ўзлари тарқалган зоналарда икки мавсумда жуда кўпайиб кетади.

Биринчи мавсум апрель ойидан август ойининг биринчи ярмигача ва иккинчи мавсум август ойининг ик-



12-расм. Иксодес рицинус кана хұжайинлари:

1 — Товуқ, 2 — Тұргай, 3 — Үрмөн тұргайы, 4 — Қавказ қирғовулы, 5 — Мусича, 6 — Чумчук, 7 — Сайровчи үрмөн қуши (Дрозд), 8 — Сыгир, 9 — От, 10 — Бұйвол, 11 — Құй, 12 — Эчки, 13 — Ит, 14 — Типратикон, 15 — Олмахон (Хомаяк), 16 — Тулки, 17 — Қуён, 18 — Бүри, 19 — Соня (Олмахонга үшаш кемирудын ҳайвон), 20 — Еввойи чүчқа, 21 — Бұрсуқ, 22 — Сичқонсимон кемирудын қемирудын ҳайвон, 23 — Күршапалак, 24 — Калтакесак

кинчи ярмидан октябрь ойининг биринчи ярмиғача да-  
вом әтади. Каналар кузга нисбатан баҳорда күпроқ  
бўлади. Ёзда вояга етган каналар кам бўлса ҳам улар-  
нинг ёввойи ҳамда уй ҳайвонларида учрайдиган личин-  
ка ва нимфаларининг сони кескин кўпайиб кетади.

Бу каналарнинг табиий ривожланиш цикли (тухум-  
дан тухумгача) тўрт йилгача чўзилиб, ўртача 250—280  
кунга тенгдир.

Бу турдаги каналарнинг иккинчи хусусияти шундан иборатки, улар ҳамма ривожланиш даврида узоқ муддат (икки йилдан ошиқ) очликка чидай олади. Шунинг учун ҳам узоқ вақт мол боқилмаган яйловларда молларга каналарнинг ҳужум қилиши мумкин.

Бундай яйловларда каналар ёввойи ҳайвонлар ҳисобига яшаб күпайиши мумкин.

**Заари.** Бу авлодга кирудчи каналар қорамолларга бабезиеллөз, франсаиеллөз ва анамплазмоз каби касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатади. Шунингдек, қўйларда учрайдиган Шотланд энцефалит вируси ва одамлардаги кана энцефалитини тарқатади.


Қўзғатувчиларни кананинг ҳамма актив ҳаракатчан фазаси тарқатса ҳам имаго даврида кўпроқ заарлайди. Каналар гемоспоридийларни ўз авлодларига трансовариал (тухумлари орқали) ўтказади.

Иксодес рицинус тулерамия қўзғатувчисини ҳам тарқатади, шундан кейин бу касалликни кемирудчилар ўртасида табиий манбалари пайдо бўлади, кейинчадик бу ердан уй ҳайвонларига тарқалади.

**Ҳемафизалис авлоди.** СССРда бу авлоднинг 12 тури мавжуд, улар мамлакатимизнинг жанубий районларида учрайди. Ҳемафизалис текислик ва тоғ олди даштларида, қисман ярим дашт (сичқон инларида), тоғларнинг пастки ва ўрта бағирларида, Узоқ Шарқдаги ўрмонларда кенг тарқалган. Ушбу уч хўжайнли авлодга кирудчи каналар ўзларининг имаго даврида уй ҳайвонларида паразитлик қиласди. Личинка ва нимфалари майдага ёввойи сут эмизуви ҳайвонлар, қушлар ва рептилийлар ҳисобига яшайди. Ёз ва куз ойларида улар жуда кўп тарқалади.

**Морфологик тузилиши** (13- расм). Унчалик катта бўлмаган бу кананинг хартуми қисқа, унинг асоси тўрт бурчакли. Анал жўяги, анал тешигининг орқасида жойлашган. Перитремаси кенг, овал шаклда, эркакларида кўзлари ҳамда вентрал қалқон бўлмайди.

**Ҳемафизалис пунктата ва унинг биологик хусусияти.** Имаго даври қорамоллар, қўй, от, камроқ эчки, бўйвол, ит, чўчқа, буғи, зубр, айрим вақтларда бошқа ёввойи ҳайвон ва қушларда паразитлик қиласди. Личинкалари асосан қушларнинг, нимфалари эса кемирудчилар қони билан озиқланади (14- расм).



13-расм. Ҳемафизалис авлод каналари: А. Эркак кана:

1 — X. пунктата; 2 — X. отафилы; 3 — X. сулката; а — хартум; б — қалқон, В — IV — кокслар; г — перитрема. Б — Үргочи кана: 1 — X. пунктата; 2 — X. отафилы; 3 — X. сulkата; а — хартум; б — қалқон; в — кокслар; г — перитрема.

Имаго даври баҳор (март-май) ва куз (сентябрь октябрь) ойларида кучли паразитлик қилиб жуда күп тарқалади. Максимал миқдордаги личинкалари июль-августда, нимфалари август-сентябрь ойларида пайдо бўлади. Бу авлод турлари шимолий Кавказ, Закавказье, Қрим



14-расм. Ҳематизалис пунктата кана хўжайинлари:

1 — Товук, 2 — Ўрмон тўрғайи, 3 — Бедана, 4 — Сайровчи ўрмон қуши (Дрозд),  
5 — Бойўғли, 6 — Кул ранг каклик, 7 — Қорақарга, 8 — Тўргай, 9 — Зағизон, 10 —  
Чекан, 11 — Буйвол, 12 — От, 13 — Туя, 14 — Сигир, 15 — Қўй, 16 — Ит, 17 — Эч-  
ки, 18 — Сичқонсимон кемирувчилар, 19 — Қуён, 20 — Тулки, 21 — Типратикон,  
22 — Кўршапалак, 23 — Калтакесак, 24 — Кавказ Агамаси, 25 — Заҳарли қора илони,  
26 — Оддий сув илони

РСФСР, Украина, Молдавия, Ўрта Осиё республика-  
лари, қуий Поволженинг айрим пунктлари, Воронеж  
области ва бошқа айрим областларда учрайди.

Ҳемафизалис пунктата бу авлоднинг бошқа турларига қараганда шимол томонда бирмунча кўпроқ тарқалган. Бу кана тоғ ва тоғ олди зоналарида кўп учрайди.

Шимолий Қавказ ва Закавказъеда ҳемафизалис авлодининг ҳемафизалис пунктата тури бошқа турларга қараганда жуда кўп учрайди.

Табиатда кана имаго даврида қишлиайди. Урочи она кана 3—5 минг тухум қўяди. Бу турнинг метаморфоз ўзгариши 70 кундан 850 кунгача чўзилади. У кўпинча йилида бир авлод (генерация) беради. Ташқи муҳитда оч яшаш муддати личинкалар учун 10 ой, нимфалар учун эса 8 ойга тенг.

**Зарари.** СССРнинг ўрта миңтақасидаги районларда ҳемафизалис канаси имаголик даврида қорамолларга пироплазмоз ва қўйларга тейлериоз касалликларининг қўзғатувчиларини юқтиради. Каналар бу қўзғатувчиларни ўз авлодларига трансовариал йўл билан ўтказади. Шунингдек, бу кана табиатда бруцеллёз ва туляремия ташувчисидир. У одамларда учрайдиган риккетсиоз, кана тошма тифини ҳам тарқатади.

**Боофилус авлоди.** Бу авлоднинг 20 га яқин тури бўлиб, СССРда фақатгина бир тури учрайди. У жанубий дашт районларда яшайди. Бу кана ўзининг кеңг тарқалган зоналарида денгиз сатҳидан 600—700 метр баландликдан юқорида учрамайди. У фақатгина уй ҳайвонларида паразитлик қиласи.


**Морфологик тузилиши** (15-расм). Бу иссиқ ва намликини севувчи каналарнинг хартуми қисқа, унинг асоси олти бурчаклидир. Кўзлари бор, анал тешиги атрофида жўяги бўлмайди. Перитремаси кичкина ва думалоқ. Урочиларининг кутикуласи оч-қўнғир, дорзал қалқони тилча шаклида.

**Биологик хусусияти.** Боофилус калкаратус қорамолларда, камроқ отларда паразитлик қиласи. Бу кана ҳайвон танасида йилига икки-уч марта баҳор (апрель-май), ёз (июль-август) ва куз (сентябрь-ноябрь) ойларида кўп миқдорда паразитлик қиласи. Демак, бу хил кананинг паразитлик қилиш муддати жуда узоқ давом этади. Ҳайвон каналашининг баҳор ва ёзги юқори нуқтасининг оралиғидаги давр июнь ойига тўғри келса, ёз ва кузги тарқалиш нуқтасининг оралиғидаги вақт августнинг охири, ноябрнинг бошига тўғри келади (16-расм).

Биринчи оралиқда (июнь ойи) бу кана сони жуда камайиб, ҳайвон танасида битта-иккита қолади, холос;

Иккинчи оралиқдаги (августнинг охири — сентябрнинг бошида) вақтда танадаги кана миқдори бирмунча етарли бўлади.

Баҳорда ҳам худди ёз ва куз фаслидагидек унчалик кўп бўлмайди (кўргина тухум ва личинкалари қишида).




15-расм. *Boophilus calcaratus A.* Эркак кана:

1 — хартум; 2 — қалқон; 3 — кокси; 4 — анал қалқонлари.

Б. Урғочи кана:

1 — хартум; 2 — қалқон; 3 — биринчи кокс; 4 — перитрема



91-расм. *Boophilus calcaratus*ning пайдо бўлиш мавсуми ва паразитлик қилиш динамикаси

ўлиб кетади). Бундай каналарнинг айрим давр ва фасларда учрашининг асосий сабаби, уларнинг йил давомида неча авлод (генерация) беришига боғлиқ. Боофилус калкаратус кенг тарқалган районларда уч авлод бериши мумкин.

Ҳар бир ривожланиш даврида ҳосил бўлган кананинг паразитлик қилиши ҳайвонда ёш личинка ва кимфаларнинг пайдо бўлишидан бошланади ва секин-аста уларнинг сони камайиб, етук имаголар сони кўпая боради. Ўзларининг тарқалган зоналарида Боофилус калкаратус бошқа иксодид каналарига қараганда кўпроқ учрайди. Қорамоллар деярли 100 процент каналаган бўлиб, бир ҳайвонда бир неча юз ва минг хил кана паразитлик қиласи. Боофилус калакаратус Жанубий Украйна, Крим, Шимолий Қавказ ва Закавказъеда кенг тарқалган. Ўрта Осиё республикаларининг асосан тоғ ва иссиқ ўрмонзор, дашт ва тоғли ўрмонзор зоналарида учрайди. Улар дашт зоналардаги сув манбаларига яқин жойларга мослашган бўлиб, дарёларнинг ёқасида яшайди.

Бу каналарнинг тухумдан тухумгача ривожланиши ўрта ҳисобда икки ой давом этади. Ҳайвон қонини сўриб ерга тушганидан кейин орадан 2—10 кун ўтгач она кана тухум қўяди. 20—30 (45) кундан кейин ушбу тухумлардан олти оёқли личинкалар чиқади. Личинкаларнинг ҳайвонга ёпишиб нимфага айланиши 21—30 кун (ҳар бир фазаси ўртacha 7—9 кун) давом этади. Каналар асосан ҳайвоннинг кўкрак ва танасининг пастки қисмida жойлашади. Личинкалари олти-етти ойгача оч яшай олади. Личинкаларнинг оч яшаш муддати яйловлардаги каналарга қарши тадбирларни тузишда ҳисобга олиниши керак. Бу кананинг тухум ва личинкалари қишлиайди.


**Зарари.** Боофилус личинкалари қорамолларнинг пироплазмоз, франсаиллёз, анаплазмоз ва спирахетознинг қўзгатувчиларини юқтиради. Қон паразитлар етук урғочи каналардан уларнинг личинкаларига трансовариал ўтиб, уч авлоддан кўпроқ (пироплазмоз) сақланиб қолади. Каналарнинг кўп нусхаси ҳужум қилганда ҳайвоннинг териси қўполлашади, жунлари тушиб, пўстлоқлар пайдо бўлади.

**Дермацентор авлоди.** СССРда ушбу авлоднинг 10 дан ортиқроқ тури учрайди. Булар СССРнинг бутун ғарбий қисмидан то Тинч океан ёқаларигача кенг тарқалган.

Шимол томондан тайганинг жанубий қисмигача ва жанубдан Ватанимизнинг давлат чегарасигача тўғри келади. Каналар даштларда (Дермацентр маргинатус ва Д. Нутталли), ўрмонда (Д. силварум Д. пиктус) ва саҳрова (Дагистаникус) яшайди.

Бу каналар уч хўжайнилидир. Имаголари ёввойи ҳамда йирик уй ҳайвонларининг личинка ва нимфалари — кичкина ёввойи ҳайвонларнинг, кўпинча кемирувчи ва ҳашаротхўрларнинг қони билан озиқланади.

**Морфологик тузилиши (17-расм).** Бу авлод каналарнинг дорзal қалқони кумуш рангли ялтироқ бўлиши



17-расм. Дермацентор авлод каналари.

*A* — эркак ва

*B* — ўрточи каналари.

1 — Д. пиктус; 2 —

Д. маргинатус; 3 —

Д. силварум; 4 —

Д. Нутталли; *a* —

хартум; *b* — қалқон;

*c* — перитрема;

*d* — биринчи

кокс; *e* — тўртинчи

кокс

билин характерланади. Шунинг учун ҳам дермацентор каналарини бошқа иксодид каналардан микроскоп остида осонгина ажратиш мумкин. Дермацентор каналарининг хартуми калта, унинг асоси тўртбурчак, кўзлари бор, анал жўяги анал тешигининг орқа томонида жойлашган, перитремаси катта, овал шаклда.

**Дермацентор никтус ва унинг биологик хусусиятлари.** Имаго даврида қорамоллар, от, ит, қўй, буғи, чўчқа, тулки, қуён, типратикон ва бошқа ҳайвонларнинг қони билан озиқланади. Личинка ва нимфалари сичқонсимон кемиравчилар, ҳашаротхўрлар (типратикон) ва йиртқичлар ҳисобига яшайди.

Имаго даври баҳор (март-май) ва куз (август-сентябрь) ойларида жуда кўп тарқалади. Ёз ойлари кўп бўлмайди, йилнинг совуқ вақтида (декабрь-февраль) ҳайвонларда битта-иккита (ҳайвон танасида қишилаётганлари) бўлиши мумкин. Личинкалари июнь ойидан июль ойигача, нимфалари июлдан августгача учрайди. Имаголар икки-уч йилгача оч яшаши мумкин. Нимфа узоқ вақт оч яшай олмайди. Одатда имаго даврида қишлиайди.

Йилига фақатгина бир авлод беради, янги авлод кузда пайдо бўлади. Улар кўпинча икки марта қишилаб, фақатгина учинчи йили ҳайвонларга ҳужум қиласди.

**Дермацентор никтус** Ватанимизнинг фарбий чегарасидан то Красноярск ўлкасининг ўрмонзор ва ўрмон дашт зоналаригача тарқалган. У, шунингдек, Қрим, Шимолий Қавказ, Закавказье, шарқий Қозоғистон, Қирғизистон ва фарбий Олтойда ҳам учрайди.

**Зарари.** Имаго даврида отларга пироплазмоз, нутталлиоз, итларга, қорамолларга туляремия (табиий манба)ни юқтиради. Етук кана гемоспоридийлар билан туляремия қўзғатувчиларини трансовариал йўл билан келгуси наслига ўтказади.

**Дермацентор маргинатус ва унинг биологик хусусиятлари.** Имаголари кўпинча уй ҳайвонларининг, асосан қорамоллар, от, қўйларнинг қони билан озиқланади. Шу даврда ёввойи чўчқа, бўри, қуён ва типратиконларда ҳам паразитлик қиласди. Личинкалари сичқонсимон кемиравчилар, типратикон, қуён ҳисобига, нимфалари — типратикон билан қуёнларнинг ҳисобига яшайди.

Имаголари қишлиайди. Кана йилига фақат бир авлод беради. Имаголарининг паразитлик қилиши баҳор ва куз

ойларида жуда кучаяди. Ўрта минтақада каналар март ойларининг охиридан бошлаб пайдо бўлади ва июль ойининг биринчи ярмигача, кузда сентябргача сақланади.

Жанубий зонада имаго йил бўйи учраши мумкин, аммо баҳор (февраль-май) ва куз (августнинг охири, октябрь-ноябрь) ойларида кўп тарқалади. Личинка ва нимфалари июнь-августда паразитлик қиласи, максимал нусхадаги личинкалар июнь ойида, нимфалар июль ва август ойларида учрайди. Дермацентр маргинатус Украйнада, Ростов обlastida, Қrimda, Шимолий Қavказда, Закавказъеда, Ўрта ва Қуёй Поволжъеда, Қозогистонда ва Farbий Сибирнинг жанубида кенг тарқалган. У текисликдаги даштларда яшайди, шунингдек, Қavказ, Қrim, Ўрта Осиё respublikalarining даштларидаги ўрмонзорларда ва тоғдаги ўрмонзорларда ҳам учрайди.

**Зарари.** Имаголари отларнинг гемоспоридиоз, қўйларнинг бабезиеллёз, тейлериз ва анаплазмоз, отларнинг энцефаломиелит, қўйларнинг бруцеллёз, туляремия қўзғатувчиларини юқтиради. Итлардаги пироплазмоз касаллигининг қўзғатувчисини ҳам юқтиради, деган фикр бор. Булардан ташқари, бу кана одамларда учрайдиган таун, туляремия ва тошма тиф, қўзғатувчиларини ўз тасида сақлайди ва юқтиради.


**Рипицефалус авлоди.** СССРда бу авлодга етти хил кана киради, улар асосан мамлакатимизнинг жанубида (Шимолий Қavказ ва жануброқда) учрайди. Улар дашт, ярим саҳро ва саҳро зоналарида тарқалган. Икки хўжайин (Ripicephalus bursa) ва уч хўжайин (R. turanicus R. sanguineus) иштирокида ривожланади. Одатда ҳар йили бир авлод беради.

Баҳор ёки ёз ойларида бир марта жуда кўп тарқалади. Булар хилма-хил уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳисобига яшайди.

**Морфологик тузилиши** (18-расм). Бу иссиқни севувчи қизғиши-қўнғир рангли каналарнинг хартуми калта ва унинг асоси олти бурчакли бўлади. Кўзлари бор. Анал жўяги, анал тешигининг орқасида жойлашади. Перитремаси узуроқ, реторт шаклида, ўсимтаси бор. Эркакларининг вентрал қалқони икки жуфт.

**Рипицефалус бурса.** Унинг биологик хусусиятлари. Бу икки хўжайинли кана. Имаго даврида хўжайинлари унчалик кўп эмас, асосан қорамоллар, қўй, эчки ва кам-

роқ бошқа уй ҳайвонларининг қонини сўриб яшайди. Баъзан ёввойи ҳайвонларда ҳам учрайди. Личинка билан нимфалари қорамол, қўй ҳамда эчкиларнинг, камдан-кам отларнинг қони билан озиқланади. Йил давомида бир марта (ёз ойларида) авлод беради. Май ойларида




18-расм. Рипицефалус авлод каналари  
А — эркак ва Б — ургочи канаси:

1 — Р. бурза; 2 — Р. сангүниус; 3 — Р. тураникус; а — хартум; б — қалқон; в — анал қалқони; г — перитрема

канаси унча кўп бўлмайди. Июнь ойларига келиб (19-расм) улар ҳаддан ташқари кўпаяди ва шу ойнинг иккинчи ярмидан бошлаб камая бошлайди. Личинкалари ҳамда нимфалари сентябрнинг охири, октябрь ойи ва ундан кейинроққача паразитлик қиласди. Нимфаларнинг айрим қисми, яъни октябрь ойларидан кейинроқ қон сўрганлари, қишлиб чиқиб келгуси йили баҳорда туллайди. Одатда қонга тўймаган ориқ имаго қишилайди. Ривожланиш цикли 3,5—5,5 ой давом этади. Очликка имаго 4—6 ойгача, личинкалари эса 6—8 ойгача чидайди.

Рипицефалус бурса шимолий Кавказ, Закавказье, Қрим, Туркманистоннинг фарбий қисмидаги тоғ олди, ўрмонзор даштларида, паст тоғли бутазорлардан иборат ўрмонларда тарқалган (700 м баландликкача).

**Зарари.** Бу кана имаголик даврида асосан қўй ва эч-киларнинг гемоспоридиоз — касалликлари қўзғатувчиларини юқтиради. Бу инвазия кана танасида унинг 22-авлодига (наслига)ча сақланиши мумкин (Бабезиелла овис). Бундан ташқари, бу кана қорамолларни пироплазмоз, анаплазмоз ва отлардаги нутталлиоз касаллигини юқтиради.



19-расм. Рипицефалус бурза пайдо бўлиш мавсуми ва паразитлик қилиш динамикаси

**Рипицефалус тураникус.** Бу кана R. бурсадан уч хўжайинли паразит эканлиги ҳамда дорзал қалқонининг чўзиқлиги, олдинги томонининг энсизланиб бориши билан ажралиб туради. Кўзлари бирмунча бўртиб чиқсан. Перитремаси узунчоқ, қисқагина, аммо энлик ўсимтаси бор.

**Биологик хусусиятлари.** Имаголари асосан эчки, қўй, ит, қорамоллар, отлар ва ҳар хил ёввойи ҳайвонларнинг қонини сўради. Личинкалари ва нимфалари кемиувчилар (қуён ва сичқонлар), ҳашаротхўрлар (типратиконлар)нинг қони билан озиқланади (20-расм). Имаго эчки ва қўйлар қулоғининг ичига ёпишиб олади (21-расм). Имаго одатда баҳор ва ёз ойларида, камдан-кам (Ўзбекистонда) куз ойларида паразитлик қиласди. Уларнинг бир-икки хили февраль-март ойларида учраб, апрель-май, қисман июнь ва сентябрь ойларида жуда кўпаяди. Одатда етук имаго қишлиайди. Бир цикл ривожланиши ўртача икки-уч ой давом этади. Бу кана



20-расм. Рипицефалус тураникус хўжайинлари:

1 — Сассиқпопишик; 2 — Қорақарға; 3 — Тўргай; 4 — Бойёғли; 5 — Қузгун; 6 — Сарыровчи ўрмон қуши (Дрозд); 7 — От; 8 — Сигир; 9 — Чўчқа, 10 — Буйвол; 11 — Кýй; 12 — Эчки; 13 — Эшак; 14 — Туя; 15 — Ит; 16 — Типратикан; 17 — Бўри; 18 — Сичконсимион кемиувчилар; 19 — Айиç; 20 — Перевязка; 21 — Қуён; 22 — Қуриçликда юрадига тошбақа; 23 — Қалтаçесак.


Доғистон, Закавказье, Ўрта Осиё республикаларининг қуруқ дашт ва ярим саҳро зоналарида кенг тарқалган.

**Зарари.** Қўй ва эчкиларда тез-тез учрайдиган паразит бўлиб, ҳайвон қулогининг ичидаги тўп-тўп бўлиб яшашидан яралар пайдо бўлиб, йирингли инфекция ривожланishi мумкин. Қўзи ва улоқларнинг қонини сўриб ориқлатади, ҳатто уларни ўлимга олиб келади.

Рипицефалуснинг имаголари отларнинг нутталлиоз, уй ва ёввойи чўчқаларнинг пироплазмоз, қорамоллар-

нинг анаплазмоз, қўйларнинг тейлериоз, анаплазмоз касаллиги, отлардаги япон энцефаломиелитнинг қўзғатувчиларини юқтиради.

**Ҳиаллома авлоди.** СССРда шу авлоднинг ўндан ортиқ тури учрайди, улар жанубий районларда тарқалган. Ай-



21- расм. Эчки қулоғи тоғайига ёпишган Рипидофалус тураникус


ниңса Ўрта Осиё республикаларининг саҳро-дашт, ярим саҳро ва саҳро зоналарида бу авлоднинг кўп тури учрайди. Айрим турлари (Ҳиаллома детритум ва Ҳ. анатоликум) ҳайвонлар боқиладиган молхона ва унинг атрофида яшашга мослашган.

Бу каналар бир (Ҳ. скупенза) икки (Ҳ. детритум ва бошқалар) ва уч (Ҳ. анатоликум ва бошқалар) хўжайнин иштирокида ривожланади.

Одатда йилига бир авлод беради. Ҳайвонларни баҳорда, ёз ойларида, камроқ куз ва қишида кана босади. Етук каналар асосан қорамол, от ва бошқа катта уй ҳайвонларига ҳужум қиласи, уларнинг личинка ва нимфалари ёввойи ҳайвонлар (қушлар, кемирувчиларда Ҳ. плумбеум ва бошқалар) ёки уй ҳайвонлари, кўпроқ қорамолларнинг (Ҳ. скупенза, Ҳ. анатоликум, Ҳ. детритум) қони билан озиқланади.

**Ҳиаломма детритум ва унинг морфологик тузилиши** (22- расм). Ҳиаломма авлодининг вакиллари бошқа яйлов каналарига қараганда (1 см дан) каттароқ, қора, хартуми узун, унинг асоси тўртбурчакли, кўзлари бор. Анал жўяги анал тешигининг орқасида жойлашган. Перитремаси вергулсизмон. Эркакларининг вентрал қалқони уч жуфт бўлиши билан характерланади.

**Биологик ҳусусияти.** Ҳиаломма детритум — икки хўжайнинли кана; имаголари асосан қорамолларда, камроқ от, туя, қўй ва бошқа уй ҳайвонларидаги личинка ва нимфалари асосан қорамолларда паразитлик қиласи. Бу



22-расм. Ҳиаломма авлод каналари.

А- әркак ва Б- ургочи кана.

1—Х. дитритум; 2—Х. анатоликум;; 3—Х. плумбеум;  
4—Х. скупенза; а—хартум; б—қалқон; в—анал қалқони; г—перитрема.

каналар ҳайвонлар яшайдиган биноларга мослашиб (девор ва охурларнинг ёриқларида) ривожлана беради.

Имаголари май-август (максимал күтарилиши июнь-июль) ойларида паразитлик қилади. Личинка ҳамда ним-

фалик даври август-сентябрь ойларига түғри келади, улар қон сўриб бўлгач, ҳайвон танасидан ерга тушиб, ташқи муҳитда қишлиайди. Қон сўрмаганлари ҳайвон танасида қолиб, келгуси йил баҳорда имагога айланади. Ҳайвон танасида личинкалари ҳам қишлиши мумкин.

Етук урғочи кана 5—7 минг тухум қўяди ва улардан бир-икки ойдан кейин личинкалар чиқади. Личинка билан нимфа ўрта ҳисобда ўн кунгача қон сўради. Кана нинг тўлиқ ривожланиши тўрт ойдан 13 ойгача давом этади. Личинкалари етти-саккиз, имаголари — олти-саккиз ойгача оч яшаши мумкин. Бу кана Озарбайжон ССР, шарқий Грузия, Арманистон республикалари, Туркманистон, жанубий Қозоғистон, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг саҳро ва ярим саҳро зоналарида кенг тарқалган.


**Зарари.** Ҳиаломма детритум қорамоллардаги тейлериоз касаллигининг асосий юқтирувчиларидан бири. Одатда личинка ва нимфалик даврида ўзларига юқтириб, имаго даврида ҳайвонга юқтиради, яъни юқтириш бир цикл ривожланишида бўлиб, трансовариал ўтмайди.

**Ҳиаломма скупенза.** Морфологик тузилиши жиҳатдан олдинги канага ўхшайди. Аммо бир хўжайнлик паразит бўлганлиги учун ҳиаломма авлодининг ҳамма бошқа вакилларидан фарқ қиласди. Ҳиаломма скупенза, асосан қорамолларда, камроқ отларда, жуда ҳам кам миқдорда бошқа молларнинг қонини сўради.


Бу кана қишида етти ойдан ортиқроқ паразитлик қиласди (23-расм). Кана биринчи марта ҳайвон танасида кузда — октябрь ойида пайдо бўлади ва келгуси йили баҳорда — апрель-май ойларида йўқолиб кетади. Личинкалари октябрь ойида пайдо бўлиб, дарҳол туллаб, нимфага айланади. Улар декабрининг охири, январь ойининг биринчи ярмида жуда кўпаяди. Битта-яримта имаго ноябрь ойларининг охирида учрайди, шундан кейин улар жуда кўпайиб январь ойидан апрель ойигача паразитлик қиласди. Қон сўриб тўйған каналар март-апрель ойларида учрайди.

Личинка билан нимфа бирин-кетин ҳайвон танасининг бир жойида қон сўради. Имаго эса ўрмалаб, ҳайвон танасининг ҳар хил қисмида паразитлик қиласди, ҳатто қўшни ҳайвонга ўтиб, унинг қонини сўриши ҳам мумкин.

Урғочи кана бир ойда 6—8 минг тухум қўяди. Шундан кейин орадан 15—90 кун ўтгач ундан личинка чи-



1 — от, 2 — қорамол, 3 — туя, 4 — қуй, 5 — эчкى, 6 — ит, 7 — қуён.



23-расм. А — Ҳиаломма скупеиза хұжайилари ва Б уннинг пайдо бўлиш мавсуми ҳамда паразитлик қилиш динамикаси


қади. Бу кана шимолий Қавказ, Закавказье ва Үрта Осиё республикаларида, жанубий Қозоғистон области, Үрта Поволжье, Украинада тарқалган. Ҳиаломма авлодининг ҳамма бошқа вакиллари Ватанимизнинг жанубий районларида учрайди.

**Зарари.** Бу кананинг кўп нусхаси ҳайвонга ҳужум (бир қанча минг нусхада) қилиб, 7 ойдан кўпроқ қон сўрадиган хавфли эктопаразитлардир. Улар ҳайвонни ориқлатиб, маҳсулдорлигини камайтиради. Шунингдек, бу каналар қорамолларга тейлериоз, анаплазмоз, отларга нутталлиоз, чўчқаларга пироплазмоз касаллигининг хусусий қўзғатувчиларини юқтиради. Имаго касалланган ва соғ ҳайвон танасида ўрмалаб юради, уларнинг қонини сўриб, касалликни тарқатади. Охирги вақтда бу кана танасида бруцеллёз ва ўлат касаллигини қўзғатувчилари сақланиб қолиб, бошқа ҳайвон ва одамга юқтириши аниқланган.

**Ҳиаломма анатоликум.** Унчалик катта бўлмаган учхўжайнли кана бўлиб, ривожланишининг ҳамма даврида асосан қорамолларда паразитлик қиласи, айрим вақтларда от ва бошқа ҳайвонларнинг қонини сўради.

Имаголари асосан баҳор ва ёз ойларида паразитлик қиласи, айримлари бутун йил бўйи ҳайвон қонини сўради.

Ўзбекистон шароитида оч каналар апрель ойида пайдо бўла бошлайди, кейинчалик май-июнъ ойларида, кес-



24-расм. Ҳиаломма анатоликум пайдо бўлиш мавсуми ва паразитлик қилиш динамикаси

кин кўпаяди (24-расм). Июль-август, айниқса сентябрь ойида жуда камаяди. Личинкалари июль-август ойларида, нимфалари август-сентябрь ойлари ва ундан кейинроқ ҳам паразитлик қилади. Имаголари, семиз нимфалари, баъзан тухумлари қишлиайди.

Ҳиаломма анатоликумнинг ривожланиши 1,5—2 ой давом этади. Нимфалари ҳайвон қулоқларининг қиррасига, айримлари кўз қовоғига, орқа қисмига, дум томонига ёпишиб олади (25-расм).

Имаголари 10, личинка ва нимфалари 8—10 ой очликка чидайди. Бу кана Чечен-Ингуш АССРда, Закавказье да ва Ўрта Осиё республикаларида тарқалган. Асосан дашт ва ярим саҳро массивида, дарё чеккаларида, тоғли дашт яйловларда дарё сатҳидан 500 метр баландликда яшайди. Бу кана ҳайвонлар яшайдиган биноларда ва унинг атрофида ҳам учраши мумкин.

**Зарари.** Имаголари ёки нимфалари қорамолларга тейлериоз қўзғатувчисини юқтиради ҳамда листериоз, қу иситма қўзғатувчиларини ўз танасида сақлайди ва юқтиради.

**Ҳиаломма плумбеум** — бирмунча катта, икки хўжайинли кана. Айрим морфологик тузилиши билан Ҳ. анатоликумдан фарқ қилади.

**Биологик хусусиятлари.** Ҳ. плумбеум имаголари қорамолларда, от, қўй, эчки, бўйвол, эшак, чўчқа, ит, товуқ, фоз ва ҳар хил ёввойи ҳайвонларнинг танасида паразитлик қилади (26- расм). Личинка ва нимфалари ҳар хил ёввойи қушлар, қуёнлар, типратикон танасида паразитлик қилади, баъзан қорамоллар билан отларнинг қонини сўради. Урғочи кана 10—16 минггача тухум қўяди. Имаголари, қон сўриб тўйган нимфалари ва тухумлари қишлиайди. Имаго асосан апрель ойида пайдо бўла бошлайди, май ва июнь ойларида жуда кўпаяди. Июль ойидан бошлаб яна камая бошлайди. Личинкалари асосан июнь-август, нимфалари — июль-август ойларида паразитлик қилади.



25-расм. Бузоқнинг кўз қовоғидаги ҳиаломма анатоликум личинкалари билан нимфалари



26-расм. Ҳиаломма плумбеум хўжайнлари.

1—Товук; 2—Үрмон түргайи; 3—Қакку қуш; 4—Мусича; 5—Фоз; 6—Кул ранг каклик; 7—Чумчук; 8—Қорақарға; 9—Қарға; 10—Жиблажибон; 11—Загизон; 12—Түргай; 13—Лойхўрак; 14—Тор товуғи; 15—От; 16—Сигир; 17—Туя; 18—Буйвол; 19—Қўй; 20—Эзчи; 21—Эшак; 22—Ит; 23—Чўчқа; 24—Мушук; 25—Тулки; 26—Қўён; 27—Еввойи чўчқа; 28—Сичқонсимон кемирувчилар; 29—Типратикон; 30—Қуруқликда яшайдиган тошбақа; 31—Қалтакесак; 32—Кавказ агамаси

Иилига бир авлод беради. Бу кана шимолий Кавказ, Қрим, Закавказье, Украина, Қуий Поволжье ва Ўрта Осиё даштлари, ярим саҳро ва бутазор ўрмонларида (тор ва тор олди зоналарида) учрайди.

**Зарари.** Имаголари қорамолларга тейлериоз, отларга нутталлиоз ва пироплазмоз қўзғатувчиларини юқтиради. Қорамолларнинг тейлериоз, отларнинг пироплазмоз ва нутталлиоз қўзғатувчиси трансовариал йўл билан келгуси авлодига ўтади.

Бу кана бруцеллөз, қу иситмаси, туляремия, геморрагик иситма вирусини ҳам юқтириши мүмкін.

**Иксодидэ оиласига киравчи каналарнинг авлодларини аниқлаш жадвали**

Қана авлодлари	Хартуми	Хартум асоси	Күзлари	Анал жұяги	Перитрема
Иксодес	узун	тұртбурчак	йүқ	анал тешиги-нинг олдида	думалоқ
Хиаломма	узун	тұртбурчак	бор	анал тешиги-нинг орқаси-да	
Дермацентрор	калта	тұртбурчак	бор	анал тешиги-нинг орқаси-да	вергүлсімон
Хемафизалис	калта	тұртбурчак	йүқ	анал тешиги-нинг орқаси-да	катта, овал шаклда
Рипицефалус	калта	олтибурчак	бор	анал тешиги-нинг орқаси-да	овал шаклда
Боофилус	калта	олтибурчак	бор	анал тешиги-нинг орқаси-да йүқ	ретортсімон кичкина ва думалоқ

**ИКСОДИД КАНАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ**

Каналарга қарши курашдан мақсад биринчидан касаллик тарқатувчи каналарни қириб ташлашдан иборат. Каналарга қарши кураш тадбирлари уларни ҳамма ривожланиш даврида түрли дорилар, усуллар билан қириш маҳаллий табиий ва хұжалик шароитларини ҳисобға олган ҳолда амалға оширилади. Бу усуллар мураккаб комплекс тадбирлардан иборат бўлиб, каналарнинг турига ҳам боғлиқ.

Каналарни қириш, шунингдек, ҳайвонларни каналар тарқатадиган касалликлардан муҳофаза қилиш лозим. Бунинг учун касаллик тарқатувчи каналарни йўқотиш билан бирга улар тарқатадиган қўзғатувчилар ҳам йўқотилади.

Каналар йўқ қилинган колхоз, совхоз ва бошқа хұжалик территориясида улар тарқатадиган гемоспори-

диоз касаллуклари ҳам учрамайди. Ветеринария нұқтаи назаридан ўтказиладиган комплекс табиирлар каналарни қуийдаги объектларда қиришдан иборат:

1. Уй ҳайвонларининг танасидаги каналарни қириш,
2. Молхонадаги каналарни қириш,
3. Яйловдаги каналарни қириш.

### **УЙ ҲАЙВОНЛАРИ ТАНАСИДАГИ КАНАЛАРНИ ҚИРИШ**

Каналар ҳайвон танасида паразитлик қиладиган даврда мунтазам равишда ўлдириб турилади.

**Ҳайвонлар танасидаги каналарни механик усулда ўлдириш.** Ҳайвонлар танасига ёпишган каналарни қўлда узлуксиз равишда териб, йўқотиб туриш керак. Бунинг учун моллар ҳар куни соғиш, уларнинг танасини тозалаш вақтида ва яйловга ҳайдашдан олдин текшириб кўрилади. Шунда фақат етук (имаго) каналарнигина топиш мумкин, личинка ва нимфалар жуда кичкина бўлганлигидан кўринмасдан қолиши мумкин.

Механик усулда қириш моллар молхонада боқилганда қўлланилади, бунда териси жуда синчиклаб текширилиши талаб қилинади.

Каналар одатда ҳайвонларнинг бўйин қирраси, кўз атрофи, жағ оралиғи, қулоқларининг ички қирраси, кўкрак қафаси ёки уруғдон атрофи, чот, соннинг ички томони, анус атрофи ва дум илдизи ҳамда умуртқа поғонасига ёпишади. Механик усулда моллардаги канани ўлдириш ишончли тадбир бўла олмайди.

**Ҳайвонларнинг танасидаги канани химиявий усулда қириш.** Каналарни химиявий усулда йўқотиш учун молнинг танасига акарицид препарат (каналарни ўлдирадиган дори) сепилади ёки пуркалади.

Ҳавонинг иссиқ ёки совуқлигига қараб қуруқ усулда бу препаратнинг порошоги ёки суюқ эритмаси ишлатилади.

**Қуруқ усул.** Порошок ҳолдаги дори кўпроқ личинка ва нимфаларни қириб йўқотиша қўлланилади, бу молнинг танасига куз, қишиш ва эрта кўкламда сепилади.

Бунинг учун 7—12 процентли гексахлоран дустини ишлатиш мумкин. Ҳайвонга бу дорини сепишда резинка қўлқоп, чўтка, докадан қилинган халтачалар, порошок дори сепадиган (пуфлайдиган) асбоб ва бошқа буюмлардан фойдаланилади ва дорини терининг эпидерми-

сига етказишга ҳаракат қилиш керак. Бу вақтда күз ва нафас йўлларини ниҳоятда эҳтиёт қилиш керак.

Дори сепиш учун маҳсус жой белгиланган бўлиши лозим. Дори сепиш иши ҳаво очиқ вақтларда очиқ ерда, ҳаво айниган (булутли ёки ёғинли) вақтларда эса маҳсус ажратилган бостирма остида ўтказилади. Шу мақсадда битта молга унинг ёшига (катта-кичиклигига) қараб 12% ли 150—300 грамм дуст сарфланади, дуст айниқса ҳиаломма скупензага қарши ҳар 10—15 кунда икки марта октябрь ойида сепилганда, бу кананинг личинкалари бутунлай қирилади ва ҳайвон бу хавфли эктопаразитдан озод бўлади.

Қорамоллардаги ҳиаломма анатоликум, ҳиаломма детритум, рипицефалус бурса личинкалари ҳамда нимфаларини ўлдириш учун дустни ҳайвон танасига кузда сепиш керак. Ёзда қўйларда учрайдиган етук рипицефалус тураникус ва қорамоллардаги боофилус калкаратус личинкаларини ўлдириш учун сепилади. Ҳайвонларни дорилаш муддати 7—15 кун бўлиб, каналарнинг оз-кўплигига ва об-ҳаво шароитига боғлиқ.

Молларга дори сепиш иши тугаллангач, ортиб қолган дорилар йигиштириб олинади, дори ишлатилган жой эса яхшилаб тозаланади. Бу ишда қатнашган кишилар иш тамом бўлгач, юз, қўл ва бошларини совун билан яхшилаб ювишлари лозим. Уларнинг устки кийими қоқиб тозалангач, алоҳида жойда яхшилаб шамоллатилади. Молларга дори молхонада сепилганида охурга ва мол озигига дори тушмаслиги керак.

Гексахлорандан линимент ва мазъ тайёрлаш учун олдин дори яхшилаб майдаланади, сўнгра у оз-оздан олиб эритилган мойга аралаштирилади ва обдон эригунча иситилади. Гексахлоран концентрациясидан тайёрланган линимент ва мазъ 1—5% ли бўлиши керак.

Линимент ёки мазъ битта молга ҳар сафар 50,0--100,0 граммдан суртилади, дори бундан ортиқ сарфланса, мол заҳарланиши, унинг териси шикастланиши мумкин.

**Молларни ваннада чўмилтириш** ёки уларга суюқ дори пуркаш каналарга қарши курашда энг фойдали ва қулай усуллардан ҳисобланади. Бу иш баҳорда кун исиб, ҳаво ҳарорати  $+10 - 14^{\circ}$  га етганда бошланиб, кузда  $+10^{\circ}$ га тушгач тўхтатилади.

Молларни канага қарши чўмилтириш ёки уларга дори пуркашда маргимушли ангидрид эритмаси, хлорофос,

гексахлораннинг креолиндаги эмульсияси, СК-9 ва полихлоринен эритмалари ишлатилади.

Молларни чўмилтириш учун бетон ёки темир бетон ванна қилинади. Бу ваннанинг узунлигини 14 метр, чукурлигини мол танасини суюқлиққа чўктириш мумкин бўладиган даражада қилинади, унинг теварак-атрофидан молни ваннага киритиш учун торроқ қилиб йўлак ажратилади.

Бундан ташқари, ваннанинг чиқиш томонида цементланган майдонча ҳам бўлади. Бу майдонча мол ваннадан чиқаётганда унинг устидан оқиб тушадиган суюқлиқ қайтиб яна ваннага тушиши учун сал қияроқ қилиб ишланиши керак. Ванна атрофидаги майдон тўсиқлар билан ўраб олиниши лозим, бунда бошқа моллар ваннага яқинлаша олмайди. Моллар ванна ёнига келиб ундаги доридан исса, уларнинг заҳарланиб ҳалок бўлиши муқаррар.

### **Ҳайвонларни маргимуш ангирид эритмасида чўмилтириш**

Химия саноати натрий арсенитни кул ранг кукун ёки паста шаклида кўплаб чиқаради. Бу дори инсон ва ҳайвонлар учун жуда заҳарлидир.

Ҳайвонларни каналарга қарши чўмилтиришда маргимуш эритмасини фақат ветеринария врачининг ўзи ёки унинг раҳбарлигига ветфельдшер тайёрлаши мумкин. Бундай химиявий дорилар тайёрланадиган жойга бегона кишиларни ва ҳайвонларни яқинлаштириш ярамайди, бу жойга маҳсус қоровул тайинланади.

Ҳайвонларни яйлов каналарига қарши маргимуш ангиридининг эритмасида чўмилтириш ёки пуркашдаги натижа эритманинг кучи билан каналарнинг турига боғлиқ, чунки каналарнинг турига қараб уларнинг маргимуш эритмасига бўлган сезувчанлиги хилма-хилдир.

Қорамоллар ва отлардаги боофилус калкарatus, ҳиаломма анатоликум, ҳиаломма детритум, иксодес персулкатус каби каналарни ўлдириш учун маргимушли ангиридининг 0,16% ли эритмаси ишлатилади.

Рипицефалус тураникус каналарига қарши эчкилар 0,18—0,20 % ли эритмада чўмилтирилади. Отларда кўпроқ учрайдиган дермацентор авлодининг вакиллари-

ни ўлдириш учун 0,20—0,24% ли маргимуш эритмаси пуркалади ёки суртилади. Кана тушадиган давр ўтгунча ҳайвонлар бундай эритмада ҳар беш-олти кунда чўмилтирилади ёки бу эритма пуркаб (отларга) турилади.

Ўзбекистон шаронтида маргимуш эритмасида асосан қорамоллар чўмилтирилади. Маргимушнинг 0,16% ли эритмаси ҳайвон танасидаги канага тегиши билан уни (контактли заҳар) ўлдиради.

Шунингдек, ҳайвонларни ҳар 5—6 кунда маргимуш эритмасида мунтазам чўмилтириб туриш ёки дори пуркаш натижасида маълум миқдордаги маргимуш тери қон томирларига шимилади ва бундай ҳайвоннинг қонини сўрган каналар иккинчи ҳайвонга гемоспоридийларни юқтириш олдидан ўлади. Шундай қилиб, яйлов каналарини ўлдиришда энг яхши усул ҳайвонларни маргимуш эритмасида чўмилтиришдан иборат.

Бу вақтда ҳар бир мол ваннада 20 секунд туриши керак. Битта молни бир марта чўмилтириш учун 2—3 л эритма сарфланади. Ҳар сафар 5 000—8 000 мол чўмилтирилгандан сўнг ванна яхшилаб тозаланиши керак.

Ваннанинг катта-кичиклигига қараб унда 400—600 та мол чўмилтирилгач, яна зарур миқдордаги эритма қўшилади. Сув бетига сузиб чиқсан ҳар қандай ифлосликлар ва ахлатлар олиб ташланади. Моллар кун салқин пайтида эрталаб ёки кечқурун чўмилтирилади. Чарчаган ва терлаган молларни чўмилтириш ярамайди, уларга дам берилади. Шунингдек, териси жароҳатланган молларни ҳам чўмилтириш мумкин эмас.

Молларни чўмилтириш олдидан албатта сугориш зарур.

Софиладиган сигирлар чўмилтирилганда уларнинг танаси роса қуриб, елини ва эмизиклари тоза сув билан яхшилаб ювилмагуича бузоқни яқинлаштириш мумкин эмас. Каналарга қарши курашда молларни ваннада чўмилтиришдан ташқари, дори эритмасини пуркаш, шунингдек, уларнинг терисини эритма сепиб ишқалаш усуллари ҳам қўлланилади. Қорамол ва отларнинг танасига дори пуркашда ВМОН, ДУК, ЛСД, ОНҚ маркали «штанга» ва гидропульт, шунингдек, «Помона» ва «Автомакс» маркали аппаратлардан фойдаланилади. Ҳайвонларга суюқ эритма пуркаш ва унинг танасини дори эритмаси билан ишқалаш учун маҳсус жой ажратилган

бўлиши керак. Ҳайвонларга маргимуш ангидрид эритмасини шундай мўлжал билан пуркаш керакки, эритма гидропультдан тўппа-тўғри ҳайвон танасидаги жуннинг орасига тегсин. Молларни маргимуш ангидрид эритмаси солинган сувда чўмилтиришда, шунингдек, уларга бу эритмани пуркаш ёки у билан ишқалашда эритманинг проценти тегишли даражада бўлиши лозим.

Эритманинг проценти нормадан ошиб кетса, у ҳолда ҳайвоннинг териси кўйиши, экзема ва дерматит пайдо бўлиши, ҳайвон заҳарланиб, ҳатто ўлиши мумкин. Аксинча, суюқлиқ таркибидаги дори (ҳайвонлар турига қараб) кўрсатилган процентдан камайиб кетса, у каналарга мутлақо таъсир қилмайди. Шунинг учун ҳар сафар маргимуш ангидрид эритмасини ишлатиш олдидан унинг процентини маҳсус асбоб-арсенометр ёрдамида ёки бюретка усули билан титрлаб текшириб турилади.

### **НАТРИЙ АРСЕНИТ ТАРКИБИДАГИ МАРГИМУШ АНГИДРИДНИ АНИҚЛАШ**

Маҳсус инструкцияга биноан натрий арсенит саноатда оқиши кул ранг порошок ҳолида, оч ва тўқ қора рангдаги думалоқ донача шаклида, шунингдек, кул ранг ва қора паста шаклида чиқарилади. Қуюқлиги ҳар хил бўлган бу паста темир бочкаларга солинади, унинг таркибидаги маргимуш ангидрид 50—70% ни ташкил этади. Препарат таркибида неча процент маргимуш ангидрид борлигини аниқ билиш зарур, чунки маргимуш ангидрид миқдори белгиланган нормадан ошиб кетганида у, ҳайвонга зарарли таъсир этади, аксинча кам бўлганида препаратни қўлланиш кутилган натижани бермайди. Бу, канага қарши ишлатиладиган дориларнинг энг яхиси бўлиб, гемоспоридиоз касалликларини тарқатувчи каналарга қарши кенг қўлланилади.

Молларни чўмилтириш олдидан натрий арсенит таркибида неча процентли маргимуш ангидрид борлигини аниқлаш зарур. Маргимуш ангидриднинг проценти йодометрик ёки бромометрик усулларда аниқланади.

**Йодометрия усули** — йод эритмаси ёрдамида уч валентли маргимуш беш валентга айлантирилиб водород йодид кислотаси ҳосил қилинади. Водород йодид кислотасини ишқор билан боғлашда маргимуш ангидридни би-

риктиришга сарфланган йод эритмасининг миқдорига қараб натрий арсенит пастаси таркибида ёки унинг эритмасида қанча маргимуш ангидрид борлиги аниқланади. Бунда реакцияни тезлаштирувчи восита сифатида крахмал эритмасидан фойдаланилади. Крахмал эритмаси йод билан биринчандаги қўнғир кўк ранг ҳосил қиласди.

Натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидриднинг процентини аниқлаш учун ветврач ёки ветфельдшер қўйидаги препаратлар ҳамда асбобларни тайёрлаб қўйиши керак: йоднинг аптекада ёки маҳсус лабораторияда тайёрланган децинормал эритмаси, гипосульфитнинг децинормал эритмаси, натрий бикарбонат тузи, янги дистилланган сувда тайёрланган бир процентли крахмал эритмаси. Бунинг учун бир грамм картошка ёки гуручка крахмали 100 миллилитр сувда эритилади, крахмал яхши эриши учун эритма 4—5 минут қайнатилади, сўнгра совутилади. Тайёрланган эритмани ёруғлик ўтказмайдиган қора шишада икки-уч кундан ортиқ сақлаш мумкин эмас. Шунингдек, 25—50—100 миллилитрлик бюреткалар, 5—10 миллилитрлик пипетка, 100—250—500 ва 1000 миллилитрлик колбалар, граммларга бўлинган 20—50 миллилитрлик цилиндр, шиша воронка, арсенометр аппарати ҳозирлаб қўйилади.

Порошок ёки паста ҳолидаги натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини бюретка ёрдамида йодометрик усулда аниқлаш. Бунинг учун 0,5 грамм натрий арсенити  $100 \text{ см}^3$  дистилланган сувда эритилади. Бу эритма совутилгандан кейин ундан 250 миллилитрлик колбага 10 миллилитр солиб, унга 0,5 грамм натрий бикарбонат тузи ва 1 миллилитр крахмал эритмаси қўшиллади, сўнгра йоднинг децинормал эритмаси билан титрланади.

Эритмани титрлаш вақтида аввало йод эритмаси бюреткадан текширилаётган суюқлиққа бирданига 1 миллилитр туширилади, ундан сўнг томчилаб, то эритманинг ранги бир текис тусга, яъни қорамтириб бинафша рангга киргунча узлуксиз аралаштириб турилади, бу ранг икки-уч минут ичидаги ўзгармаса, титрлаш тугалланган ҳисобланади.

Энди бу эритма таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини аниқлашда титрлаш учун сарфланган йоднинг миқдори 10 га кўпайтирилади, сўнгра йод-децинормал эритмасини нормаллаштириш коэффициентига кўпай-

тириб, чиққан сонни маргимуш ангидриднинг доимий коэффициенти — 0,004948 га кўпайтирилади. Чиққан сон қуруқ ҳолдаги 0,5 грамм натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидрид процентини кўрсатади.

Қуруқ натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидриднинг миқдорини аниқлаш учун юқорида чиққан сонни 100 га кўпайтириб, 0,5 га тақсимлаш керак. Бунинг натижасида ҳосил бўлган сон қуруқ натрий арсенит таркибида неча процент маргимуш ангидрид борлигини кўрсатади. Масалан, 10 миллилитр эритмани титрлаш учун 5 миллилитр йод эритмаси сарфланган, йоднинг нормаллаштириш коэффициенти 1,2 га тенг (йодни нормаллаштириш коэффициенти тайёрловчилар томонидан ҳар галги таъмин партияда берилади).

,0 миллилитр,

107,

мм.

0,5 грамм  
грамм маргим

таркибида 0,297  
ланди.

Демак, паст 59,4% — маргим и натрий арсенит таркибида ид бор экан.

Натрий арсенит маргимуш ангидриднинг шу партияда берилган кўрсаткичларига қаро, таркибида 0,16% маргимуш ангидрид бўлган бир литр эритмани тайёрлаш тартиби қўйидагича:

$$\frac{0,16 \times 1000}{59,4} = 2,69 \text{ грамм.}$$

Бир литр 0,16% ли эритма тайёрлаш учун 2,69 грамм натрий арсенит олиш керак.

Натрий арсенитнинг концентрланган эритмаси таркибидаги маргимуш ангидриднинг миқдорини бюретка ёрдамида йодаметрик усулда аниқлаш. Натрий арсенитнинг концентрланган эритмаси унинг порошок ёки паста ҳолдагисини 95—100° иситиб икки-уч ҳиссадан кўпроқ сувда эритиш йўли билан тайёрланади.

Бу эритма икки-уч соат тиндирилади. Эритма яхши тинигач, у бошқа бутилкаларга қўйилади, сўнгра яхши-

лаб чайқатиб бундан маргимуш ангидриднинг миқдорини билиш учун намуна олинади.

Концентранган натрий арсенит эритмасидан 3 миллилитр олиб граммларга бўлинган бир литрлик колбага қўйилади. Сўнгра белгили жойигача сув қўйиб, яхшилаб чайқатилади. Бу эритмадан 250 миллилитрли колбага 10 миллилитр қўйилади ва унга 0,5 грамм бикарбонат натрий тузи ҳамда 1 миллилитр 1% ли крахмал эритмаси қўшилади. Сўнгра йоднинг децинормал эритмаси билан суюқлиқ кўк рангга кирғунча титрланади. Шундан сўнг титрлашга сарфланган ѹод децинормал эритмасининг миллилитр билан белгиланадиган миқдори, йоднинг нормаллаштириш коэффициенти (0,004948) га, сўнгра 100 га кўпайтирилади. Чиққан сон концентранган натрий арсенит эритмасининг 3 миллилитрида маргимуш ангидриднинг грамм ҳисобидаги миқдорини кўрсатади. Концентранган натрий арсенит эритмаси таркибида неча процент маргимуш ангидрид борлигини билиш учун ҳосил бўлган сонни 100 га кўпайтириб, учга тақсимлаш керак.

Масалан, 10 миллилитр суюлтирилган эритмани титрлаш учун йоднинг децинормал эритмасидан 2,6 миллилитр сарфланади, шунда йоднинг нормаллаштириш коэффициенти 1,1 га teng:

$$\begin{aligned} 2,6 \times 1,1 &= 2,86, \\ 2,86 + 0,004948 &= 0,0141, \\ 0,0141 \times 100 &= 1,41 \text{ грамм.} \end{aligned}$$

Демак натрий арсенитнинг 3 миллилитр (қуюқ) концентрат эритмаси таркибида 1,41 грамм маргимуш ангидрид бор экан.

$$\frac{1,41 \times 100}{3} = 47\%.$$

Шу тартибда текширилаётган эритма таркибида 47% маргимуш ангидрид борлиги аниқланади.

### **Тайёрланган ишчи эритма таркибидаги маргимуш ангидрид процентини аниқлаш**

Натрий арсенитнинг молларни чўмилтириш учун тайёрланган эритмасида қанча маргимуш ангидрид борлигини билишда ваннадаги суюқ эритмадан 50—100 миллилитр олиб, фильтр қофоздан ўтказилади. Бу эритма-

дан 10 миллилитр олиб, унга 0,5 грамм натрий бикарбонат тузи ва 1 миллилитр крахмал эритмаси қўшиб, юқорида кўрсатилгандек йод билан титрланади. Титрлашга сарфланган йод эритмасининг миқдори йоднинг нормаллаштириш коэффициентига кўпайтирилади, шундан сўнг ҳосил бўлган сон 0,004948 га (маргимушли ангидриднинг доимий коэффициентига) кўпайтирилиб чиқкан сон яна 10 га кўпайтирилади.

Ҳосил бўлган сон ишчи эритманинг таркибидаги маргимуш ангидриднинг процентини кўрсатади.

Масалан 10 миллилитр ишчи эритмани титрлаш учун 3,3 миллилитр децинормал йод сарфланганида, йоднинг нормаллаштириш коэффициенти 1,1 га teng.

$$3,3 \times 1,1 = 3,63.$$

$$3,63 \times 0,004948 = 0,0179 \text{ грамм.}$$

$$0,0179 \times 10 = 0,179 = (0,18\%).$$

Демак, натрий арсенитнинг суюқ эритмаси таркибидаги маргимуш ангидрид 0,18% ни ташкил этади.

#### **Натрий арсенитнинг ишчи эритма таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини арсенометр ёрдамида аниқлаш**

ВБ-2 типдаги (Болдырева) арсенометр суюқ эритма таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини иш жойининг ўзида (яъни эритмани каналарга қарши пуркаш олдидан) аниқлашда ишлатилади. Бундан ташқари, бу аппаратдан порошок ва паста ҳамда концентрланган эритма ҳолдаги натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини тахминан белгилашда фойдаланилади. Бу асбоб бир учи кавшарланган (биркитилган) диаметри 12—14 миллиметрли, туби колбасимон кенгайган шиша найдан иборат. Шиша найдининг юқори қисми 0,13 дан 0,30 гача ўлчовларга бўлинган, бу текширилаётган эритма таркибидаги маргимуш ангидриднинг процент билан ўлчанадиган миқдорини кўрсатади. Бунинг пастки «КР» қисми қандай мўлжалда крахмал эритмаси қўйиш кераклигини кўрсатади. Бунинг учун шиша найдага унинг «КР» билан белгиланган жойигача крахмал эритмаси қўйилади ва бунга 10 миллилитр йоднинг децинормал эритмасидан қўшилади.

Сўнгра 50—100 миллилитрик колбага 2 грамм бикарбонат натрий тузи солиб, бунга натрий арсенитнинг тек-

ширилаётган эритмасидан 50—75 миллилитр қўшилади, колба чайқатилиб, суюқлиқ яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра бу аралашма колбадан арсенометрга (0,30 рақамига етказиб) қўйилади. Шундан сўнг аста-секин 0,29, 0,28 ва ҳоказо рақамларга қаралади. Суюқлиқ шиша найдаги ҳар бир рақамга бориб етганидан кейин, арсенометр пробка билан маҳкам бекитилади ва ундаги эритма яхшилаб аралаштирилади. Арсенометрдаги суюқлиқнинг ранги қорадан ҳаво рангга ўтгандан кейин унинг устига пипеткада яна текширилаётган эритма бир томчи томизилади.

Бунда приборни айлантириб туриш керак. Эритмадан бир-икки томчи томизилгандан кейин арсенометрдаги суюқлиқ рангсизланса, яъни тиниқ тусга кирса, титрлаш тугалланган ҳисобланади. Арсенометрдаги рақамлар билан кўрсатилган ўлчов белгилари суюқлиқнинг қайси рақамга чиққанлигига қараб текширилаётган эритма таркибидаги маргимуш ангидриднинг процентли миқдорини билдиради.

Эслатма. Натрий арсенитнинг концентрат эритмасидаги чўкинди хира бўлса, тайёрланган ишчи эритмани анализ қилишда ишчи эритмага 0,01% қўшиб тўғриланади. Эритма ифлос (хира) бўлса, у ҳолда эритмага 0,02% қўшилади.

Қуруқ ёки паста ҳолидаги натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини арсенометр ёрдамида аниқлаш. Бир грамм паста 45 миллилитр иссиқ сувда эритилади. Сўнгра бу суюқлиқ 50 миллилитрга етказилади ва яхшилаб аралаштирилади. Шундан сўнг бу эритмадан олиб, ўлчов рақамлари бўлган колбага пипеткада 15 миллилитр қўйилади. Бунинг устига 2 грамм бикарбонат натрий тузи қўшилади ва 100 миллилитрга етгунча сув қўйилади. Бу эритма арсенометрда юқорида кўрсатилгандек титрланади. Ҳосил бўлган сон 333 га (доимий коэффициентга) кўпайтирилади. Бунинг натижасида қуруқ натрий арсенит таркибида неча процент маргимуш ангидрид борлиги маълум бўлади. Масалан, арсенометр 0,24% ни кўрсатади. Текширилаётган паста ҳолидаги натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидриднинг миқдори  $0,24 \times 333 = 79,92\%$  га тенг.

Натрий арсенитнинг концентранган эритмаси таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини арсенометр ёр-

**дамида аниқлаш.** Бунинг учун ўлчовли колбага 100 миллилитр сув солиб, унга натрий арсенитнинг қуюқ эритмасидан 1 миллилитр қўшилади, сўнгра бу эритма туби кенгайтирилган колбага солинади ва унга икки грамм бикарбонат натрий тузи қўшиб, юқорида кўрсатилганидек, арсенометр ёрдамида титрланади. Шундан сўнг арсенометр шкаласи кўрсатган сонни 100 га кўпайтирилади. Бу усулда концентрланган натрий арсенит эритма таркибидаги маргимушли ангидриднинг 13 дан 30 гача бўлган процентли миқдори аниқланади. Қуюқ эритма таркибида маргимуш ангидрид 30—60% ни ташкил этса, у ҳолда бир миллилитр эритмада 200 миллилитр сув олинади ва арсенометр шкаласи кўрсатган сон 200 га кўпайтирилади.

Масалан, 100 миллилитр сувга қуюқ эритмадан бир миллилитр қўшиб, арсенометрда титрланганда шкала 0,25 га етади, шунда эритма рангизланса, у ҳолда буни 100 га кўпайтирилади, яъни  $0,25 \times 100 = 25\%$  чиқди.

Демак, натрий арсенитнинг қуюқ эритмаси таркибидаги маргимуш ангидрид 25% ни ташкил этади. Арсенометр шкаласи кўрсатган сонни 200 га кўпайтирасак:  $0,25 \times 200 = 50\%$  бўлади.

**Натрий арсенитнинг суюлтирилган эритмаси таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини бромометрик усулда бюretка ёрдамида аниқлаш.** Бунинг учун колбага 10 миллилитр суюқ эритма солиб, унга яна 10 миллилитр дистилланган сув, 5 миллилитр кучли хлорид кислота ва 5 томчи 0,1% ли метилхлоран қўшилади. Сўнгра калий броматнинг децинормал (0,1N) эритмасида титрланади.

Шундан сўнг маргимуш ангидриднинг миқдори йодометрик метод каби чиқарилади. Чунки калий броматнинг 1 миллилитр децинормал эритмасидаги маргимуш ангидриднинг миқдори 0,004948 граммга teng. Қуруқ паста ҳолдаги ва қуюқ эритма шаклидаги натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидрилар миқдорини ҳам худди шу усулда аниқлаш мумкин.

**Натрий арсенит эритмасидаги маргимуш ангидридни иш жойининг ўзида титрлаш учун реактивлар тайёрлаш.** Натрий арсенит ва унинг эритмаси таркибидаги маргимуш ангидридни дала шароитида (фермада) аниқлашда фиксоналдан тайёрланган йоднинг децинормал эритма-

сидан фойдаланиш анча қулайдир. Фиксонал (стандарт титр) оғзи ковшарланган шиша ампуладан иборат бўлиб, ичида маълум миқдорда қуруқ ёки эритма ҳолдаги модда бўлади. Бу ампулада кўпинча бир литр децинормал ( $0,1\text{H}$ ) ёки бир литр сантинормал ( $0,01\text{H}$ ) эритма тайёрлаш учун етарли миқдордаги модда бўлади. Йоднинг ёки гипосульфитнинг децинормал эритмасини ( $\frac{1}{10}$  грамм эквивалентини) фиксоналдан тайёрлаш учун сирти яхшилаб ювилган ампулани воронка устига тутиб туриб очилади, унинг ичидаги модда бир литрлик ўлчовли колбага солинади ва ампула дистилланган сувда колба устида яхшилаб ювилади, шундан сўнг колбага белги қўйилган жойгача сув солинади.

Фиксоналдан тайёрланган гипосульфитнинг децинормал эритмасини ишлатиш олдидан икки-уч кун тиндириб қўйилади. Йоднинг децинормал эритмасини тайёрлашда сантинормал фиксоналдан ( $0,01$  миллилитр  $\frac{1}{100}$  грамм эквивалент) фойдаланиш маъқул. Бундай ампуладаги фиксоналга  $100$  миллилитр сув қўшиб эритилади.

Фиксоналдан тайёрлаган эритмаларнинг нормалаштириш (тўғрилаш) коэффициенти бўлмайди, яъни улар бирга teng. Титрланган эритма ёруғликни ўтказмайдиган қорамтиришида сақланади. Йод, бромат калий ва гипосульфитларнинг децинормал эритмаси, шунингдек, крахмалнинг бир процентли эритмаси дала шароитида тайёрлаш иши билан тажрибали мутахассислар шуғулланиши лозим. Улар бу эритмаларни тайёрлашда маҳсус инструкцияга қатъий риоя қилишлари керак. Яххиси, бу эритмаларнинг тайёр ҳолдагисини аптекадан олиш керак. Чунки калий броматнинг ва йоднинг децинормал ( $0,1\text{H}$ ) эритмаларининг нормалаштириш коэффициентини чиқариш осон эмас, у янглиш чиқарилса, кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкин.

**Қанага қарши молларни чўмилтириш учун ванна тайёрлаш.** Молларни чўмилтиришда ваннага солинадиган натрий арсенитнинг миқдори ваннанинг ҳажмига ва қуруқ ёки паста ҳолдаги препаратнинг таркибидаги маргимуш ангидрид процентига қараб белгиланади. Препарат таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини аниқлаш учун ёки маргимуш ангидриднинг  $1\text{ л } 0,16\%$  ли эритмасини тайёрлаш учун  $160$  рақамини препарат тар-

кибидаги маргимуш ангидриднинг процентини кўрсатувчи сонга тақсимлаш керак.

Масалан, паста ҳолдаги натрий арсенит таркибида 40% маргимуш бўлганида  $160:40=4$  грамм бўлади. Демак, маргимуш ангидриднинг 0,16% ли эритмасини тайёрлаш учун 1 л сувга 4 грамм 40%ли паста ҳолидаги натрий арсенит солиш керак эди.

Шундан сўнг ванна тўлдирилганда қанча натрий арсенит солиниши аниқланади. Бунинг учун 1 л эритма тайёрлашга сарфланадиган препарат миқдори ваннинг литр ҳисобидаги ҳажмига кўпайтирилади.

Масалан:  $4 \text{ грамм} \times 30\,000 \text{ л} = 120\,000 \text{ грамм}$  ёки  $120 \text{ кг}$  натрий арсенит олинади.

Ваннага солинадиган маълум миқдордаги препаратни 2 ёки 4 ҳисса кўпроқ сувга солинади, бу сувни иситиб, препарат эритилади. Бу эритма ванна тўлдирилаётганда сув билан бирга солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Шундан сўнг бу эритмани яна титрлаб унинг проценти тўғри (0,16%) чиққанлиги аниқланади.

**Эритмани тўғрилаш.** Молларни чўмилтириш олдидан ваннага солинган эритма аралашмасини текшириш лозим. Суюқлик кучсиз, яъни 0,16% ли эмас, 0,14% ли бўлганида, 0,16% дан 0,14% и чиқариб ташланади, шунда 0,02% қолади. Бу рақам ҳар литр сувга 0,02 грамм маргимуш ангидрид етишмаслигини кўрсатади.

Ваннага 30 000 л сув кетса, у ҳолда ваннадаги сув таркибида 6000 грамм ( $30\,000 \text{ л} \times 0,2 = 6000$ ) маргимуш ангидрид етишмас экан. Демак, ваннадаги эритманинг процентини 0,16 га етказиш учун унга яна 6000 грамм маргимуш ангидрид қўшиш лозим экан. Лекин маргимуш ангидриднинг 100% лиги бўлмайди. Қуруқ ёки паста ҳолдаги натрий арсенит таркибида 59,38% маргимуш ангидрид бўлса, у ҳолда бу моддадан ваннага 6000 грамм эмас, балки қўшимча равишда солинадиган қуруқ ёки паста ҳолидаги препаратнинг миқдори қўйида-гича ҳисоблаб чиқарилади.

$$\frac{6000 \times 100}{59,38} = 10,104 \text{ кг}$$
 натрий арсенит солинади.

Демак, ваннадаги суюқлиқнинг кучи 0,16% ли бўлиши учун унга қуруқ ёки паста ҳолдаги 59,38% ли натрий арсенитдан 10,1 кг қўшиш керак.

Суюқ эритмада маргимуш ангидриди 0,16% дан кучлироқ (масалан 0,19% ли) бўлса, у ҳолда ваннадаги сувнинг ҳар литри ҳисобига қўйидаги миқдорда сув қўшилади:

$$0,19 - 0,16 = 0,03, \quad \frac{0,03 \times 1000}{0,16} = 187,5 \text{ см}^3 \text{ с ув.}$$

Ваннадаги суюқлиқнинг кучини камайтириб, стандартга етказиш, яъни 0,16% га келтириш учун суюқлиқнинг ҳар 1000 л ҳисобига қўйидаги миқдорда сув қўшилади.

$$187,5 \text{ см}^3 \times 1000 = 187500 \text{ миллилитр ёки } 187,5 \text{ л.}$$

### **Ҳайвонларни каналарга қарши бошқа хил акарицид препаратлар билан дорилаш**

СК-9 препарати, у хлорланган скипидарнинг техник мойга қўшилган аралашмасидан иборат бўлиб, ўювчи натрий эритмасида нейтраллаштирилган. СК-9 препаратининг ташқи кўриниши шилимшиқ, мойсизмон, қора суюқ моддадан иборат, ўзига хос ҳиди бор. Сув қўшилса яхши аралашиб, сарғиш оқ рангли эмульсия ҳосил қиласи.

Молларни канага қарши чўмилтириш ёки уларнинг танасига дори пуркашда бу препаратнинг сувга аралаштирилган эмульсияси ишлатилади. СК-9 препаратидан эмульсия тайёрлашда иссиқ сув ишлатилади, сувнинг иссиқлиги 16—18° дан паст ва 40° дан юқори бўлмаслиги керак. Бу дори иссиқлиги 16° дан паст бўлган сувда яхши эримайди, 40°дан ортиқроқ иситилган сувда эса унинг таркиби бузилиб, фойдали хусусияти йўқолади.

Дастлаб бу препаратнинг қуюқ эритмаси тайёрланади. Бунинг учун уч ҳисса препаратга бир ҳисса сув қўшилади. Сўнгра унга қуюқ қаймоқ шаклидаги масса ҳосил бўлгунча сув қўшилади. Бу — ишлатиш учун тайёр эмульсия ҳисобланади.

Моллар СК-9 препарати билан канага қарши ҳар бешетти кунда бир марта чўмилтириб турилади. Молларни ваннада чўмилтириш учун СК-9 препаратининг бир процентли, уларга дори пуркаш ёки танасини дори билан ишқалаш учун эса уч процентли эмульсияси ишлатилади.

Препаратни сувга аралаштиришда суюқлиқ бетига мой сузиб чиқса, уни олиб ташлаш лозим.

Полихлорпринен. Бу препарат хлорланган терпенлар группасидан бўлиб, қорамтири, ёпишқоқ бўлади. Бу препаратнинг саноатда икки хили ишлаб чиқарилади: минерал мойда эритилган 65% эмульсияси ҳамда соляр мойига қўшиб, 50% ли қилиб тайёрланган эмульсияси. Молларни канага қарши дорилашда биринчи хили, яъни минерал мойда эритилган эмульсияси ишлатилади. Бу препаратнинг суюқ эритмаси юқорида баён этилган дори сингари тайёрланади. Молларнинг танасига бу дорининг 2—3%ли эритмасидан беш-етти кунда бир марта пуркаб турилади.

Каналарга қарши гексахлоран—креолин эмульсиясини ҳам ишлатиш мумкин. Эмульсияни тайёрлаш техникаси қўтирилган молларни соғим сигирларга, шунингдек, гўштга топишириладиган молларга, уларни сўйишга 30 кун қолганда пуркаш тўхтатилади. Чунки мол организмида гексахлоран кўп вақтгача сақланади, соғим сигирларда эса бу дори унинг сути таркибиغا ўтиши мумкин. Ҳайвонларнинг танасига дори механизм воситасида ёки ДУК, ОДН «Штанга», «ОНК», «Автомакс» ва бошқа чанглагичлар ёрдамида пуркалади. Қишида ва кузда молларга ҳиаломма детритум канасининг личинка ва нимфаларига қарши дори пуркаш учун гексахлоран дустининг 12%ли эритмасини ишлатиш мумкин. Бу дори ҳар ойда бир марта пуркалади.

### ЯЙЛОВ ВА МОЛХОНАЛАРДАГИ КАНАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Гемоспоридиоз касаллигини юқтирадиган каналарни қириб йўқ қилиш осон эмас, аммо фан ва ишлаб чиқариш соҳасида эришилган янги-янги ютуқларга тўғри амал қилинганда бундай каналарни қириб ташлаш мумкин. Каналар мол боқиладиган биноларда, шунингдек, яйловларда яшаб кўпаяди. Улар учун зах бинолар, ёввойи ўтлар ўсган жойлар қулай шароит ҳисобланади, бундай жойларда улар айниқса кўп бўлади.

Бинобарин, каналарга қарши курашда улар учун қулай бўлган ташқи муҳит шароити ўзгартириб, ноқулайга айлантирилади, шу йўл билан улар турли ривожланиш стадиясида қириб йўқотилади.

Ўзбекистон шароитида каналарни қириб, бутунлай йўқотиш мумкин. Бунинг учун табиатни ўзгартириш, яъни деҳқончиликни интенсив равишда ривожлантириш, қўриқ ерларни ўзлаштириш, чопиқ талаб экинлар экиш ва бошқа агротехник ҳамда мелиоратив тадбирларни амалга ошириш лозим, шунда каналарнинг кўпайиши учун қулай бўлган биоэкологик шароит туб томири билан ўзгаради. Бу тадбирлар пироплазмоз ва франсаиеллез касалликларини юқтирадиган, бир эгалик ҳисобланган боофилус калькарatus номли каналарни қириб тугатишда самарали натижа беради. Чунки бу каналарнинг бутун ривожланиш цикли (20—25 кун давомида) бир ҳайвонда кечади. Бу эса молларни танасига акарицид дорилар пуркаш ёки уларни чўмилтириш йўли билан, шунингдек, агротехник ва мелиоратив тадбирларни қўллаш орқали каналарни йўқотиш, ҳатто бутунлай тугатишга имкон беради. Пироплазмоз ва франсаиеллез касалликларига таъсиричан моллар оғилда боқилганда уларни касаллик юқишидан сақлаб қолиш мумкин. Чунки бу касалликни юқтирадиган каналар молхонада бўлмайди, улар асосан нам, зах яйловларда яшайди.

Шунинг учун моллар оғилда боқилганда бу касалликлар камдан-кам учрайди. Оғилда боқилаётган моллар орасида бу касалликларни молхонага келтирилган ўт ёки қуруқ хашак билан бирга, боофилус калькарatus каналари кириб қолган тақдирдагина учратиш мумкин.

Тейлериоз касаллигини юқтирувчи ҳиаломма детритум ва анатоликум номли каналар юқорида айтилганидек, молхонада ҳам, яйловларда ҳам кўпаяверади. Шунинг учун молларни қўлда боқиш йўли билан уларни тейлериоз касаллигидан сақлаш мумкин эмас. Тейлериозни юқтирадиган ҳиаломма детритум каналари личинкалик даврида молга тушади ва нимфага айлангунча (20—25 кун) мол танасида унинг қонини сўриб яшайди, уларнинг бир қисми ҳайвон танасидан ерга тушади, нимфаларнинг кўп қисми ҳайвон танасида қолиб, қишлиб чиқади. Кўклам келиб, ҳаво исигач, улар ҳам ўз эгасини ташлаб, ривожланиш циклини давом эттириш учун ҳайвон танасидан ташқи муҳитга ўтади. Нимфаларнинг узоқ вақт ҳайвон танасида бўлиши уларни акарицид дорилар воситасида йўқотишга имкон беради. Куз, қиш

ва эрта баҳорда молларга уч-тўрт марта препарат эритмаси пуркалади ёки танасига паста суркаб ишқаланади. Шундан сўнг каналар жуда камаяди. Етук каналар молга май ойининг охиридан бошлаб сентябргача тушиши мумкин. Бинобарин, мол танасидаги каналарга қарши кураш тадбирлари ёз ойларида ҳам қўлланилиши керак.

Ҳиаломма анатоликум асосан молхоналарда бўлади, улар молларга ўзларининг турли ривожланиш даврида ана шу молхоналарда ёпишади. Молхонадаги каналарни йўқотиш учун бу биноларга дори сепилади. Бунинг учун одатда таркибида бир процент техник гексахлоран ёки ДДТ ва 5% креолин бўлган эмульсия, шунингдек полихлорприненning 3—5% ли эмульсияси билан хлорофоснинг 5% ли эритмаси ишлатилади. Кейинги иккита препаратдан бинонинг ичини дорилашда фойдаланилади.

Молхонани дезакаринизация қилишда, ДУК, ОНҚ маркали ва бошқа чанглагичлардан фойдаланилади. Бу чанглагичлар ишлатишдан олдин яхшилаб тозаланиши лозим.

А. М. Нецецкий ишлаб чиққан методга биноан молхонага биринчи марта марта ойида, молларга кана тушмасдан олдин, иккинчи марта эса май-июнь ойларида дори сепилади.

Мол боқиладиган жойдаги ҳамма биноларга дори сепиш керак. Деворлардаги тирқиш ва ёриқларга, айниқса кўпроқ дори сепиш лозим, чунки бундай жойларда каналар жуда кўп бўлади, улар шу жойда урчиб кўпаяди. Молхоналарга дори пуркаш тугаллангандан сўнг девор тирқишлири ва ёриқлари 12% гексахлоран дусти аралаштирилган (10:1 нисбатида) лой билан суваб бекитилади, сўнгра бино шамоллатилади.

Молларни кана тушмаган яйловларда боқиш ҳам каналарни йўқотишга қаратилган кураш тадбирларидан биридир. Молларни ўтлатиш учун бир-икки йил ташлаб қўйилган, айниқса танасини кана босган жайдари моллар ўтлатилмаган яйловлар танланади.

Моллар яйловда ўтлатилаётган даврда кана пайдо бўлишига қарши профилактик (мол танасига дори пуркаш, ваннада чўмилтириш ва бошқа) тадбирлар қўлланилади.

Денгиз сатқидан 1400—1700 м баландликдаги тоғли яйловларда гемоспоридиоз касаллигини тарқатувчи каналар бўлмайди. Шунинг учун ёзда гемоспоридиоз касалликларига мойил бўлган, айниқса ўзга районлардан келтирилган молларни баланд тоғлардаги яйловларда боқиш керак.

Молларга кана яйловга ҳайдаш вақтида йўлда ёпишиб қолмаслиги учун уларни канадан ҳоли йўлдан олиб бориш ёки яйловга ҳайдаш олдидан профилактик тадбирларни амалга ошириш лозим. Яйловдаги моллар ҳар куни текшириб турилади, уларга кана ёпишгани маълум бўлса, териб олиб ташланади, биронта молнинг касалланганлиги сезилса, дарҳол уни даволашга киришилади. Баъзан химиявий профилактика (касалликнинг олдини олиш) тадбирларини қўлланишда беренил ёки азидин препаратини ишлатиш яхши натижа беради.

#### **ХЎЖАЛИКЛАРДА МОЛЛАРГА КАНА ТУШИШИННИГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

Гемоспоридиоз касалликларини юқтирувчи каналар бўлмаган хўжаликлардаги молларга бу зааркунанда бошқа райондан келтирилган молдан ўтиши мумкин. Шундан кейин хўжаликда гемоспоридиоз касаллиги тарқалади. Бунда кана босган молгина касалланиб қолмай, балки, у билан бир жойда боқилаётган жайдари моллар ҳам оғрийди.

Шунинг учун кана бўлмаган хўжаликларга кана босган молларни келтириш қатъий тақиқланади. Бошқа хўжаликлардан мол олиш зарур бўлганида мол келтирилиши биланоқ канага қарши дориланиши лозим.

Гемоспоридиоз касалликлари учраб турадиган хўжаликлардан келтирилган моллар 15 кунгача карантинда сақланади. Сўнгра яхшилаб текширилиб, канага қарши икки марта дориланади. Шундан кейингина бундай моллар хўжаликларнинг подасига қўшилади.

Молларни гемоспоридиоз касалликларини тарқатувчи зааркундалардан сақлаш учун кана тарқалган хўжаликлардан мол келтириш (айниқса жайдари моллар) чекланган бўлиши керак.

Гемоспоридиоз билан касалланган моллар узоқ вақт касалликни юқтириши мумкин. Бу хусусият кўпроқ тейлериоз касаллигига тааллуқли, чунки кўпроқ тейлериоз касаллигининг қўзғатувчиси тейлериа мол организмида бир неча йил сақланади. Пироплазмоз ва франсаиеллез касалликларининг қўзғатувчилари эса кўпи билан бир йилгача сақланади. Шунинг учун касалликка мойил молларни жайдари моллардан ажратиб, алоҳида сақлаш ва уларни доимо канага қарши дорилаб туриш лозим.

Сўнгги вақтларда беренил препаратининг пироплазмоз касаллигига қарши юқумли гемоспоридийларда тозалаш хусусияти аниқланди. Шунинг учун моллар беренил ёки азидин препарати билан қўшимча равишд дориланиши керак. Айрим хўжаликларда, ҳатто районларда ҳам юқорида кўрсатилган комплекс тадбирлар мукаммал амалга оширилмоқда. Бунинг натижаси тейлериоз, пироплазмоз, франсаиеллез ва анаплазм касалликлари бутунлай тугатилди ёки улар онда-сон учрайди. Бундай хўжаликлар жумласига Тошкент ласть, Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йилли» Карл Маркс номли колхозлар, Янгийўл районид «Чиноз» наслчилик совхози, Юқори Чирчик райони ги «Политотдел» колхози ва Ўзбекистондаги бошқа гина колхоз ҳамда совхозлар киради.

Тошкент обlastida гемоспоридиоз касалликла ҳамда уларнинг тарқатувчиларига қарши комп тадбирлар амалга оширилиб кўпгина хўжаликлар соҳада катта муваффақиятларга эришилди.

#### АРГАЗИД [ЮМШОҚ] КАНАЛАР

**Уларнинг морфологик тузилиши.** Аргазид — ю каналар жуда кенг тарқалган ўргимчаксимонла вакиллари ҳисобланади. Оч каналарнинг танаси узунроқ — овал, эллипс шаклида, олд томони бир сизроқ, оқ-сарғиш, қўнғир рангда. Танаси (хитин шоқ, чўзилувчан уларнинг дорзал ва вентрал қалқ бўлмайди. Айрим тур каналар личинкаларининг емонида дорзал сатҳи кенгроқ хитинлашган плебор. Танасининг юмшоқлиги кананинг тезда тикичрайиши ёки катта бўлишига имкон беради. Таги хитини бўртган, юлдузсимон ва ғадир-будир.

Аргазидларнинг жинсий диморфизми унчалик сезилмайди. Эркаклари урғочиларига қараганда бирмунча кичикроқ. Уларнинг жинсий органи ҳам бошқача.

Бу каналарнинг танаси икки қисмдан: хартум — гностосма ва идиосомадан иборат. Танасининг вентрал сатҳида хартум, коксал безининг чиқарув тешиги, перитрема ва оёқлари жойлашган. Хартуми одатда юмшоқ ва катта, у етук кана танасининг олд қисмида жойлашиб, танадан четга чиқмайди.

Имаго билан нимфаларининг тўрт жуфт оёқлари бор. Оёқларининг бўғимлари иксодид каналариникидан фарқ қилмасдан, олти бўғимдан иборат.

Биринчи ва иккинчи жуфт оёқларининг орасида (тана ичидаги жойлашган) коксал безининг тешиги очилади. Ушбу тешикдан коксал суюқлиқ (қоннинг бир қисми бўлиб, озиқлик хусусиятини йўқотган) ташқарига чиқади. Бу суюқлиқ ажralиб чиқиши билан аргазид каналар хўжайинларини сўриб, тезда девор ёриқларига кириб кетади.

Жинсий тешиги танасининг ўрта қисмида биринчи ва иккинчи жуфт оёқларининг биринчи бўғин (коксини) тўғрисида жойлашган. Урғочиларининг жинсий тешиги кўндаланг ёриқча шаклида олд ва орқа томондан бурма шаклидаги паллачалар билан чегараланган. Эркакларининг жинсий тешиги ярим ой шаклида, анал тешиги тўрт жуфт коксларининг тўғрисида, унинг орқа томонида жойлашган. Перитремалари одатда учинчи ва тўртинчи жуфт оёқларининг биринчи бўғими кокснинг оралиғида жойлашган. Личинкалари деярли думалоқ, учжуфт оёғи бор. Личинка хартуми танасининг олдида бирмунча чиқиб туради.

**Биологияси.** Аргазидлар иксодидлардан бинолардеворларни ёриқларида, қушларининг уяси, кемиричиларнинг ини каби берк бинода яшashi билан ажral туради. Шунинг учун каналарни эски иморатларда яшадиган қонсўарлар дейилади. Аргазидлар жуда хилхил сут эмизувчи ҳайвонларнинг қонини сўради. Амудлар қушларда, судралиб юрувчи, ҳатто сувда, қуруюрувчи ҳайвонлар танасида ўрта ҳисобда 2—50 ми паразитлик қиласи. Айримларигина ўз эгаларининг насида бир соат ва ундан ҳам кўпроқ яшайди.

Личинка ва нимфалари бир марта қон сўриб тўйларидан кейин туллаб келгуси даврига айланмаг

хўжайинларига ҳужум қилмайди. Имаголари эса ҳайвонларга ҳужум қилиб ўз хўжайиннинг қонини бир неча марта сўради. Аргазидлар иксодидларга қараганда камроқ қон сўради ва улар оч ҳолидагига нисбатан 10—13 марта катталашади (иксодидлар 100 марта ва ундан ҳам кўпроқ катталашади). Юмшоқ каналарнинг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири — уларнинг ҳамма ривожланиш даврларида узоқ вақт оч яшаши (5—7 ва ҳатто 10—15 йилгача) ҳисобланиб, кананинг ёши ортган сари очликка кўпроқ чидайди.

Ташқи муҳитда тухум қўяди ва туллайди. Урғочи кана ҳар бир қон сўрганидан кейин ерга тушиб ёз ва куз ойларида ўнлаб, ҳатто юзлаб тухум қўяди, уларнинг бутун ҳаёти даврида қўйган тухуми мингга етади. Урғочи кана тухум қўйганидан кейин орадан бир ой ўтгач бу тухумлардан личинкалар чиқади ва улар танаси қуриган замон ҳайвонларга ҳужум қила бошлайди. Личинкалар қон сўриб тўйғанидан кейин коксал суюқлигидан тозаланади ва ўзлари жойлашган девор ёриқларида туллаб, нимфага айланади. Нимфа дарҳол ҳайвон қонини сўра бошлайди. Аргазидлар иксодидлардан бир қанча нимфал даврни (2 дан 7 гача) ўтказгандан кейингина имагога айланиши билан ажralиб туради. Каналарда метаморфоз ҳодисаси тўрт ойдан бир йилгача давом этади, етук кана ўрта ҳисобда 15—25 йил яшайди. Кўпчилик аргазидлар ҳайвонларга кечаси ҳужум қиласди, улар (кундузи жуда кам паразитлик қиласди) қандалага ўхшаш ҳаёт кечиради. Айримлари ҳайвонлар яшайдиган бинода (Орнитодорус лаҳорензис ва Аргас персикус) яшашга мослашиб олган. Аргазид каналар тез кўпаяди, улар биноларнинг ёриқ ва тешикларида бир неча йил яшайди. Каналар ҳайвон танасига (айримлари қушларга) кўплаб ҳужум қилғанлигидан уларни безовта қиласди, ориқлатади, маҳсулдорлигини камайтиради ва ниҳоят, ҳайвон ҳалок бўлиши мумкин.

Айрим каналар қўйларнинг гемоспоридиоз, товуқларнинг спирохетоз, қорамолларнинг анаплазмоз, отларнинг энцефаломиелит, туляремия, бурцеллёз, куйдирги ва бошқа касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатади. Ҳамма Аргазидэ оиласига кирувчи каналар икки кичик оиласига (Орнитодоринэ ва Аргазидэ оиласига) бўлиниб, бизларни ҳар қайсисидан биттадан авлод Орнитодорус ва Аргас қизиқтиради.

## Орнитодорус авлоди


Бу авлоднинг бир қанча тури бўлиб, асосан Африкада, камроқ Евразия ва Америкада тарқалган. СССРда фақатгина молхонада яшайдиган бир турини ўрганишнинг ветеринария соҳасидаги аҳамияти катта. Бу паразитлар ўз бошидан тухум, личинка, нимфа (5 тагача нимфа даври бўлади) ва имаго даврларини кечиради. Улар асосан йирик сут эмизувчи ҳайвонларнинг қонини сўради.

**Орнитодорус лахорензис** (27—28-расмлар). Бу кана қўтон канаси ҳисобланади, у Догистон, Озарбайжон, Грузия, Арманистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда тарқалган.

У қоронғи, зах молхоналарда, қўрада, бостиридада ҳаёт кечиради. Баъзан сичқон, юмронқозиқ ва шунга ўхшаганларнинг инида, ёриқ ва кавакларда яшайди.

27-расм. Орнитодорин канасининг вентрал сатҳи:


- 1 — тумшуқ учи; 2 — камерастоми; 3 — лунж; 4 — гипостома; 5 — пайпаслагичлар; 6 — хартум асоси; 7 — бўйин; 8 — I—IV — кокслар; 9 — стигмалар; 10 — анал тешиги; 11 — анал орқасидаги кўндаланг жўяклар; 12 — аномаргинал жўяклар; 13 — дорсовентрал жўяклар; 14 — преонал тик жўяклар; 15 — жинсий тешик; 16 — кокс усти жўяклари; 17 — преонал кўндаланг жўяклар



Кўпинча бу кана қўйда, туяда, аҳён-аҳёнда қорамол, эчки, эшак, итларда паразитлик қиласди. Баъзан ёввойи ҳайвон ва одамларга ҳужум қиласди. Кана кўпинча ҳайвонларнинг боши, елкаси, умуртқа поғонаси ва айрим вақтларда бошқа жойларида жойлашади.

Личинка ва нимфаларнинг биринчи икки даври ҳайвонга ҳужум қилиб, қонини сўради ва узоқ вақт хўжайин танасидан тушмасдан шу ерда туллайди. Имаголари кечаси ҳужум қилиб, 10—60 минут хўжайинининг қонини сўради ва дарҳол ёриқ ва тешикларга кириб яшириниб олади.

Личинкалари одатда сентябрь ойининг охирги кунлари ҳужум қиласди. Нимфалари бутун қиш фаслида, кўп-



28-расм. Орнитодорус лаҳорензис:  
A — дорсал ва  
B — вентрал сат-  
хини

роқ декабрь — февраль — март ойларида паразитлик қиласи. Шу вақтнинг ўзида имаголар ҳам учрайди.

Шундай қилиб каналар октябрь — февраль ойларида ҳайвонларга ҳужум қиласи, ундан кейинги ойларда бутунлай йўқолиб кетар экан.

Ёзда учинчи нимфа туллаб имагога айланади ва уруғланиб, тухум қўя бошлайди.

**Биологик хусусиятлари.** Ҳар бир ургочи кана уруғланганидан кейин орадан 8—10 кун ўтгач, 7—40 кунда 50 тадан 500 тагача тухум қўяди. Личинкаларнинг эмбрионал ривожланиш муддати 35—40 кун давом этади. Қон сўриб тўйган личинкалар учинчи нимфага ва у туллаб, имагога айланиши бир неча ойдан кейин бошланиб, одатда май ойида ўтади. Эркаклари 50 миллиграммга яқин, ургочилари 200—300 миллиграммдан кўпроқ, етук нимфалари 50—100 миллиграммгacha қон сўради. Етук каналар ҳайвон танасида туриб, коксал суюқлигини чиқариб, яна қон сўра бошлайди.


**Зарари.** Ҳайвонлар ориқлайди, маҳсулдорлиги ҳамда терисининг сифати пасаяди. Каналар таъсирида қўйларнинг мускуллари фалажланиб, сезувчанлиги ортади, айрим рефлекслари йўқолади, ҳатто ҳалок бўлади. Қўйларга каналар ҳужум қилгач орадан 4—5 ҳафта ўтгандан кейин фалажлар ривожланади. Текшириш натижаларига кўра, бу кананинг қўйларга тейлериоз ва анаплазмоз қўзғатувчиларини юқтириши аниқланган. Улар танасида туляремия, бруцеллёз, отларнинг энцефаломиелит, туяларнинг трипанозомоз қўзғатувчиси сақланади.

## Аргас авлоди

Аргас авлодининг 15 га яқин тури бўлиб, Осиё ва Африкада тарқалган. СССРда фақатгина бир тури кенг тарқалган бўлиб, у қушларда паразитлик қиласди.

Аргас персикус (персид канаси 29-расм). Етук аргас канасининг катталиги  $10-13 \times 6$  мм, тухум шаклида оқ-сарғиш рангли паразитдир. Танасининг устки хитин қоплами бўртиб чиққан, донашор, жуда ҳам юпқа ва чўзилувчан. Дорзал сатҳида кўп миқдорда радиал шаклида, тартибли овал, бирмунча думалоқ формадаги диска жойлашган. Жинсий тешиги биринчи жуфт чаноқларининг (коксларининг) оралифида ёки ундан бирмунча пастроқда жойлашган. Анал тешиги эса жинсий тешикдан орқароқда тўртинчи жуфт оёқлар коксининг кетида бўлади. Перитремаси ярим ой шаклида, бу кананинг ривожланиш цикли бошқа аргазидлар каби бир неча фазадан иборат. У тухум, личинка, учта нимфа ва имаго даврларни ўз бошидан кечиради.

Биологик хусусиятлари. Персид кана асосан товуқхоналарда баъзан бинолардан ташқарида, дараҳт ва буталарда, йилнинг иссиқ фаслларида товуқлар тунайдиган бостиurmада, ёввойи ҳайвонларнинг инларида девор ёриқларида яшайди. Каналар биноларнинг ёриқ ва тешикларида, устун, шип, товуқ катакларида кўп миқдорда урчиб кўпаяди. Каналар асосан товуқларнинг қонини сўради, айрим вақтда ўрдак ва фозлар, от, қорамоллар, чўчқа ва қушларнинг (чумчуқлар) танасида паразитлик қиласди. Улар қушларга тунда ҳужум қилиб, тананинг патсиз қисмига ёпишади. Имаго ҳамда нимфалари 1,5—2 соат, личинкалари 4—10 кун қон сўрганидан кейин уни оддий кўз билан кўриш мумкин. Ҳар бир нимфа ўз хўжайини танасини ташлаб ерга тушади, дарҳол туллайди ва ривожланиб, келгуси нимфа ёки имагога айланади. Имаго ҳавонинг иссиқ даврида бир неча марта озиқланиб.



29-расм. Аргас персикус:  
1 — дорсал ва 2 — вентрал сатҳи

15—16 кундан кейин тухум қўя бошлайди. Улар ҳар сафар 30—100 тадан тухум қўяди. Тухумларнинг ривожланиши 18—24 кўн давом этиб, улардан чиқсан личинкалар қушларга бир неча кундан кейин ҳужум қиласди.

Бу кананинг тўлиқ ривожланиш цикли ўрта ҳисобда 3—8 ойга teng. Личинкалари 8, нимфалари 24 ой, имаголар 3,5 йил очликка чидайди. Бу каналар ривожланиш даврининг ҳамма фазаларида қишлиайди. Улар май ва сентябрь ойларида паразитлик қиласди. Қушлар ёз ва куз ойларида кучли каналайди.

Каналар бир товуқхонадан иккинчисига танасида кана ёки личинкалар бўлган товуқлар орқали ўтади. Айрим вақтларда эса каналар девор ва зовурлардан кечаси ўрмалаб, иккинчи бинога ўтиши мумкин.

**Зарари.** Каналарнинг паразитлик қилишидан товуқлар ориқлади, кампушт бўлиб қолади. Кана таъсирида қушлар фалажланади. Бундан ташқари, персид кана ўзининг ҳамма актив фазаларида товуқ, ўрдак ва ғозларнинг спирохетоз қўзғатувчисини тарқатади.

Спирохетоз қўзғатувчиси С. галлинарум трансовариал усулда каналарнинг келгуси учта авлодигача ўтади. Персид кана қорамолларнинг анаплазмоз қўзғатувчисини бруцеллёз, куйдирги, лептоспироз, товуқларнинг Осиё ўлати ва бошқаларни тарқатиши ҳам мумкин.

### **АРГАЗИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛARI**

Аргазидларнинг ҳаёти товуқхоналарда, ёриқларда, тешикларда ўтишини ҳисобга олиб, бундай биноларни тез-тез ремонт қилиб, тешик ва ёриқларни суваб, устидан оқлаш керак. Қўтон каналар тарқалишининг олдини олиш учун акарицид препаратлар билан дориланмаган молларни қўрадан-қўрага ўтказмаслик керак. Ҳайвонларнинг каналагани сезилганда ҳам қўйлар иккинчи қўтонга ўтказилмайди, акс ҳолда касаллик тарқалишининг олдини олиб бўлмайди, балки кана бошқа хўжаликларга ҳам тарқалиши мумкин. Қўра ва қўтонлардаги Орнитодорус лаҳорензис каналарни йўқотишда хўжалик шароити ҳисобга олинади, шундан кейин унга камида икки йилгача мол киритилмайди.

Бунинг натижасида бу кананинг личинкалари биринчи йилиёқ тўлиқ ўлади, оч урғочи каналар тирик қолганида, тухум қўйиш қобилияти кескин камаяди. Мана

шундай тухумдан чиққан личинкалар ва оч қолган имаголар ҳайвонга ҳужум қилгани билан уни фалажлантира олмайди.

Демак, қўтон ва қўраларга икки йилгача ҳайвон киритилмаганида, у ердаги каналар кескин камаяди, шутартибда моллар касалликдан сақланади.

Персид каналарининг тарқалишига қарши янги келтирилган товуқлар соғлом товуқлардан узоқроқда сақланади, уларнинг танасида кана бор-йўқлиги текширилади, шундан кейингина бу товуқлар дориланади. Бинолардаги аргазид каналарни қиришда химиявий препаратлардан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун 12% ли гексахлоран дусти кемирувчиларнинг инига, девор ёриклига қўйилиб устидан суваб ташланади. Шунда гексахлоран дустининг таъсири бир йилгача сақланади. Бутешикларга ишлатилган автолни, бундан ташқари олти процентли креолин эмульсиясидан тайёрланган 2% ли гексахлоран эритмасини қўйиш ҳам мумкин. Одатда ремонтдан кейин бинолар 15—20% ли гексахлоран дусти қўшиб оқланади.

Қўтон, қўра каналарига қарши дезинсекцид препаратлар шимдирилган ғовлар (дезобаръер) қурилади. У одатда девор, шип оралари ёки девор бўйлаб узунасига қилинади. Бу ғов деворлар 8—10 см чуқурликда ўйилиб, ичига бир текис гексахлоран дусти тўлдирилгач, сувалади.

Девор бўйлаб ўрмалаган каналар дуст тўлдирилган ғовга дуч келиб ҳалок бўлади.

Товуқхоналар ҳар ойда гексахлоран билан узлуксиз дорилаб турилади. Товуқхонадаги катак ва қўноқларга бирорта ёпишқоқ дезинсектицид ёпиштириб турилади.

Товуқхоналарда ДУК автомашинасида гексахлоран эритмасини чангитиш ҳам яхши натижа беради. Катакларда боқиладиган серпушт товуқларни канадан сақлаш учун катакларни 0,5% ли хлорофос эритмасида дорилаш мумкин, бу эритма паррандалар учун заарсизdir.

Ҳайвон танасидаги Орнитодорус лаҳорензис каналарига қарши улар гексахлоран дусти билан дориланади. Гексахлораннинг 12% ли дусти ишлатилганда ҳайвон танасидаги личинкалар бир сутқада, нимфа ва имаголар эса яқин икки-уч кун ичида ҳалок бўлади. Препарат кананинг ташқи томонидан таъсир этади (контакт заҳар).

Қўй танасига қўтон канаси тарқалганда уларни биноларга киритишдан олдин дорилаш керак. Иккинчи марта акарицид ишлатишда, олдинги дорилашнинг натижасига ва биноларда каналар бор-йўқлигига аҳамият берилади ва бу иш орадан тўрт-беш кун ўтказиб яна тақрорланади. Товуқ ва бошқа ёввойи паррандаларда Аргас персикус каналар бўлганида юқорида қайд этилган усул қўлланилади, бунда уларнинг қанотининг ости яхшилаб дориланиши лозим.

Шунингдек, товуқхоналарни дудланувчи шашкалар ёндириб (бир шашкани  $500\text{ m}^3$  берк бинода ёки  $250\text{ m}^3$  очиқ майдонда ёндириш) дорилаш ҳам яхши натижа беради.

Каналарга қарши акарицид препаратлар ишлатишда қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан тақдим этилган инструкция ва қўлланмаларга амал қилиниши керак.

### ГАМАЗОИД КАНАЛАР

Гамазоид группасига 20 дан ортиқроқ оилани ўз ичига олган каналарнинг вакиллари киради, уларнинг хили жуда кўп. Улар ер шарининг ҳамма ерига тарқалган. Бу каналарнинг кўпи паразит ҳолда ҳаёт кечиради.

Гамазоидлар орасида ҳайвон ҳамда қушлар танасида вақтинча ва доимий яшайдиган ташқи (акто) паразитлар билан бирга, ички (эндо) паразитлари ҳам бор. Эндо-паразитларга итларнинг бурун ва пешона бўшлиғида, тюленларнинг бурун бўшлиғида, товуқларнинг кекирдак ва ўпкаларида яшайдиган каналар киради.


Гамазоид каналарнинг хўжайинлари кўп ва хилмажилдир. Улар кемирувчилар, ҳашаротхўрлар, кичкина йиртқичлар, шунингдек, қушлар, судралиб юрувчилар ва ҳар хил ҳашаротлардан иборат. Уй ҳайвонлари, ит ва товуқлар ҳам гамазоид каналарнинг хўжайинлари ҳисобланади.

Бу каналар тупроқда, ўрмонда, яйловларда, ҳайвон уяларида яшайди. Гамазоид каналар асосан яширин ҳаёт кечиради. Улар хўжайинларига, уларнинг инларида, уясида ва товуқхоналарда ҳужум қиласи. Айримлари хўжайинининг қонини қисқа вақт сўради. Бошқа вақт уя ва инларда яшаб кўпаяди. Гамазоидлар тухум қўйиб кўпаяди, аммо тирик туғадиганлари ҳам бор. Туғилганидан кейин личинка, икки марта нимфа ва имаго давр-

ларини ўз бошидан кечиради. Бу каналарнинг айримлари ҳайвонларга, қушларга ва одамга ҳар хил касалликларнинг қўзғатувчиларини юқтиради.

### Товуқ канаси (*Дерманиссус галлинарум*)

Бу кана танаси бирмунча узунроқ овал шаклда, орқа томони кенгроқ, туклари кўп бўлади. Хартум ва оёклари узун. Ҳелицераси (пастки жағ) ингичка, узун игнага ўхшаш бўлиб, терини тешиб, қон сўришга мослашган (30- расм).



30- расм. Товуқнинг Дерманиссус галине канаси.

*A* — дорсал ва *B* — вентрал сатҳи.

1 — урғочи кана; 2 — эркак кана

Танасида узунроқ қалқон борлиги сезилиб туради. Қалқон тананинг орқа томонида энсизроқ, оқиш бўлади. Кана қизғиши, эркаклари  $0,60-0,32$  мм урғочилари  $0,7-0,75 \times 0,4$  мм.

**Биологик хусусиятлари.** Урғочи кана бир цикл ривожланиш даврида 3—20 дона тухум қўяди. Уларнинг ривожланиши (ҳарорат ўрта ҳисобда  $20-25^{\circ}$  бўлганда) икки-уч кун давом қиласди. Личинка 24—30 соатда туллаб, нимфага айланади. Протонимфа қон сўриб тўйганидан кейин орадан уч-тўрт кун ўтгач туллайди ва дейтонимфага, у, ўз навбатида, бир ярим-тўрт кундан кейин имагога айланади. Нимфалар бир марта қон сўриб тўйганидан кейингина туллаб имагога айланади.

Товуқ канаси — уй ва ёввойи паррандаларнинг паразити бўлиб, баъзан уй ҳайвонларига ҳам ҳужум қилади. Кананинг бу тури асосан Европада ва СССРнинг жанубий районларида кенг тарқалган.

**Зарари.** Бу каналарнинг тез-тез ҳужум қилишидан товуқлар ориқлайди, пушти камаяди, айrim вақтларда ҳалок бўлиши мумкин. Шунингдек, товуқ канаси отлардаги фарбий АҚШ энцефаломиелит, товуқларнинг энcefалит вирусларини ҳам тарқатади.

**Кураш чоралари.** Каналарга қарши товуқ пиретрум ва гексахлоран дусти билан дориланади. Товуқхона ва бошқа кана босған биноларга гексахлораннинг сувдаги суспензияси пуркалади.

Катак, охур ва қўноқларни соляр мойи билан дезинсекция қилиш товуқхона ва патларни хлорофоснинг 0,5% ли сувдаги эритмаси билан дорилаш яхши натижада беради.

## САРКОПТОИД КАНАЛАР

Турли уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда қушлар ўртасида учрайдиган кўпгина инвазион касалликлар саркоптоид (Акариформес, яъни ҳақиқий каналар) туркумига кирувчи каналар томонидан қўзғатилади. Акариформес — туркумига кирувчи каналардан саркоптиформес ва тромбидиформес кенжак туркум вакилларини ўрганишнинг ветеринария соҳасида аҳамияти катта.

Ҳайвон ва қушларда паразитлик қиласидиган каналар саркоптиформес кенжак туркумининг иккита: саркоптоидэ билан аналгезоидэ катта оиласига киради.

Саркоптоидэ катта оиласи ўз навбатида икки акаридэ (қичима қўтирилган қўзғатувчилари) билан псороптидэ оила вакилларидан ташкил топган. Акаридэ оиласига акарус ҳамда нотоэдрес авлодлари, псороптидэ оиласига эса псороптес, хориоптес ва отодектос авлодлари киради. Аналгезоидэ катта оиласи қушларнинг патида паразитлик қиласидиган кўпгина оиласидан ташкил топган бўлиб, улардан кнемидокоптидэ оиласи кнемидокоптес авлод вакиллари қушларда қўтирилган касаллигини қўзғатади.

## ҲАЙВОНЛАРНИНГ ҚҮТИР КАСАЛЛИКЛАРИ

Ҳайвонларда бир группа сурункали инвазион тери касалликлари учрайди. Бу касалликлар ҳайвон танасининг кучли қичиши билан характерланади, шунинг учун бу касалликка «қўтири» ёки «қичима» деб ном берилган. Бир турли ҳайвонларда бир неча хил қўтири каналари паразитлик қилиши мумкин.

Акарус қичима қўтири касаллигининг қўзғатувчи; псороптес тери устки қўтири касаллигининг қўзғатувчи; хориоптес терихўр қўтири касаллигининг қўзғатувчи; ва ҳоказо. Ҳар бир қўтири касаллиги қўзғатувчининг ўзига хос биологик хусусияти бор. Улар ҳар хил қўтири касаллигини қўзғайди.

### Акароз

Акароз сурункали қичима қўтири бўлиб, у билан қорамол, туя, шимол буғиси, чўчқа, қўй ва айрим ёввойи ҳайвонлар касалланади. Турли ҳайвонларниң қичима қўтири касаллигини Акарус авлодига кирадиган ҳар хил каналар қўзғайди.


Отлардаги қичима қўтирини — Акарус сиро вар экви, чўчқаларда — Акарус сиро вар, суис; қўйларда — Акарус сиро вар, овис, қорамолларда Акарус сиро вар, бовис, эчкиларда — Акарус сиро вар. капри, туяларда — Акарус сиро вар. дромедария, итларда — Акарус сиро вар. канис, шимол буғиларида — Акарус сиро вар. рангифера, қуёнларда — Акарус сиро вар. куникули, тулкиларда — Акарус сиро вар. вулпис қўзғайди. Акароз одамларда ҳам учрайди.

**Қўзғатувчи.** Қичима қўтирининг қўзғатувчилари Акарус авлодига киради. Акарус жуда ҳам майданда кана, у кўзга кўринмайди. Унинг танаси юқоридан пастга қараб дорзо-вентраль йўналишда яссиланган, бош, кўкрак ва қорин қисмлари бир бутун бирикиб кетган (31-расм).

Акарус авлодининг вакиллари гунгурт оқиш, бу қисман уларниң ривожланиш фазасига боғлиқдир. Личинкалари тиниқ оқ. нимфа ва вояга етган қичима қўтири каналари қорамтири бўлади.

Уларниң жинсий белгилари (диморфизм) ҳам сезиларлидир. Урғочи каналар  $0,3-0,5 \times 0,2-0,3$  мм, эркаклари эса  $0,2-0,3 \times 0,1-0,2$  мм. Қичима қўтири каналари-

нинг тана түзилиши тошбақаники каби думалоқ, ташқи томонидан юмшоқ кўндаланг йўлли хитин билан ўралган маълум тартибда жойлашган майда-майда тукчалари бор.



31-расм. Қичима қўтириданаси. Акарис сиро вар экви.  
А — ургочиси (дорсал сатҳи), Б — эркаги (вентрал сатҳи)

Танасининг олдидағи оғиз аппарати тақа шаклида. Оғиз аппарат кемирувчи типда тузилган. Оғиз хартуми иккита ҳелицера (юқоридаги иккита жағлари) ва плас-тинкасимон гипостомдан (пастки бириккан бир бутун жағдан) иборат, ҳелицера биқинларида уч бўғинли се-зиш органлари жойлашган. Вояга етган кана ва ним-фаларнинг пастки қорин томонида тўрт жуфт конусси-мон оёқлари бор, улардан олдинги икки жуфти кўпроқ, яна икки жуфти камроқ тараққий этган, кейинги оёқ-лари тананинг орқа томонига қараб йўналган бўлади. Личинкаларининг фақат уч жуфт оёқлари (икки жуфти олдида ва бир жуфти кетида) бор. Одатда каналарнинг (уст томонидан қаралганда) микроскоп остида орқа оёқлари кўринмайди, фақатгина оёқлари устидаги узун тукчаларгина кўринади. Айрим қўтиридан оёқларини энг охирги бўғинининг панжасида амбулакра деб ата-ладиган қўнғирсисимон сўргичи бўлади. Кана оёқларидаги бу амбулакралар каналарнинг қайси авлодга киришини аниқлашда, яъни диагноз қўйишда аҳамияти катта.

Қўнғироқсимон сўргичлари ургочи қичима қўтириданаларини биринчи ва иккинчи жуфт эркакларининг биринчи, иккинчи ва учинчи жуфт оёқларининг панжа-сида бўлади.

Ургочи каналарнинг жинсий органлари тухумдан ва тўртинчи жуфт оёқларининг орасида кўндалангига очи-

ладиган тухумдан халтасидан иборат. Бу ерда кана тухум қўяди, бундан ташқари, яна шу ерда битта думалоқ тешикча бўлиб, жинсий алоқа учун хизмат қиласди. Орқа чиқарув тешиги эса жинсий тешик орқасида жойлашган.

Эркак кананинг жинсий органлари уруғдонлардан, уруғ найчаларидан ва тўртинчи жуфт оёқларининг пастидаги жойлашган тақасимон жинсий аъзодан иборат.


Қичима қўтирилган касаллигини қўзғатувчи каналарнинг бошқа қўтирилган каналар каби қўзлари ва маҳсус нафас олиш органлари бўлмайди. Улар бутун танаси билан нафас олади. Қичима қўтирилган каналари терининг эпидермис қатламининг ичида эгри-буғри жой (чиғаноқ) да ҳаёт кечиради. Бу жойга ўзларининг тухумларини қўяди ва эпидермис ҳужайралари ҳамда тўқима суюқликлари билан озиқланади.

**Касалликни қўзғатувчиларнинг ривожланиши.** Кўпгина олимлар паразитнинг эмбрион давридан кейинги ривожланиш вақтида ҳамма қўтирилган каналари каби, қичима қўтирилган каналарида ҳам личинка, биринчи нимфа (протонимфа), иккинчи нимфа (телеонимфа) ва вояга етган эркак ва урғочи стадияларидан фарқ қиласди.

Уруғланган иккинчи нимфа, яъни урғочи кана эпидермис шох қатламини кавлаб, ўзларига йўл (галерея) қиласди ва шу ерда яшайди. Бу жойга урғочи кана овал шаклдаги икки қават парда билан ўралган тухумини қўяди (32-расм). Тухумларининг узунлиги 0,15—0,20 мм.


32-расм. Қичима қўтирилган Акарус терининг шох қаватини тешиб туҳум қўймоқда

1 — шамоллатувчи тешиги;  
2 — терининг тешилган шох қавати; 3 — тери юзаси;  
4 — терининг шох қатлами;  
5 — тери эпидермисининг донадор қатлам ҳужайралари



Кенглиги 0,09—0,13 мм. Битта урғочи кана 40—50 та тухум қўяди. Шундан кейин орадан уч-беш кун ўтгач олти оёқли личинка чиқади, у тезда озиқланиб, яна учбеш кундан кейин анабиоз ҳолатига ўтади. Кейин у туллайди ва тўрт жуфт оёқли биринчи нимфага (про-

тонимфага) айланади. Биринчи нимфа озиқланади ва тахминан уч-тўрт кундан кейин яна бир марта туллаб, иккинчи нимфага (телеонимфага) айланади. Иккинчи урғочи нимфанинг жинсий аъзоси етишган бўлса ҳам ҳали тухум қўядиган тешиги бўлмайди. Урғочи нимфа уруғланиши мумкин. Иккинчи нимфа туллаб бўлганидан кейин етук урғочи канага айланади (33-расм).



33-расм. Акарус авлоди қичима қўтириш каналарнинг ривожланиш схемаси:  
 Т — тухум; Л — личинкалар; Пн — протонимфалар; Тн — телеонимфалар; ♂ — эркак кана;  
 ♀ — урғочи кана

Урғочи кана томонидан ҳосил қилинган тери эпидермисидаги йўлларда кананинг ҳамма тараққиёт даврларини учратиш мумкин. Урғочи кана ҳосил қилган йўлни каналар иккинчи нимфада алмаштиради ва ўзига янги йўл ясади. Эркак нимфалар ўzlари янги ҳосил қилган йўлга ўтади ва аста-секин тери устига чиқиб, урғочи иккинчи нимфани уруғлантиргандан кейин кўп ўтмай ўлади. Кейинчалик урғочи каналар терининг тоза қисмини кемириб, эпидермисдан ўzlари учун маҳсус йўл ясади. Урғочи кана мана шу жойда икки-уч кундан кейин урғочи етук канага айланиб, тухум қўя бошлайди. Урғочи қичима қўтириш каналари горизонтал йўлдан ташқари қисқагина, 1—2 мм узунликда вертикал йўналишда ҳам йўл ҳосил қилади. Бу тешиклар (йўллар) каналарни ҳамма ривожланиш даврларида ҳаво билан таъминлаб туради. Иккинчи (телеонимфа) нимфалар эса, бу тешикдан терининг устига чиқади.

Қичима қўтириш каналарининг тухумдан тухумгача ривожланиши учун икки-уч ҳафта, ўрта ҳисобда 15 кун

ўтади. Қаналар жуда тез кўпаяди. Битта урғочи канадан қулай шароитда 3 ой ичида 1,5 млн. кана пайдо бўлади. Одатда урғочи каналар эркак каналарга нисбатан кўп бўлади ва тахминан олти-саккиз ҳафта яшайди. Ҳайвон танасидан ташқарида ҳавонинг намлиги ва иссиқлик даражасига қараб қичима қўтирилган каналар тахминан 21 кун оч яшай олади. Шунингдек, қичима қўтирилган каналар қурғоқчиликка ҳам чидамсиздир. Масалан: улар ҳарорат 50—80° га етгандаги 30—40 минутда ўлади.

**Эпизоотологияси.** Танасида ҳар хил ривожланиш даврини кечираётган қичима қўтирилган ҳайвонлар акароz, яъни қичима қўтирилган қасаллигининг манбаи бўлиб ҳисобланади. Қасаллик соғлом ҳайвонларга яйловда, кўпроқ молхоналарда ва бошқа жойларда ёнма-ён туриши, суркалиши, шунингдек ҳайвонларни тозалаш вақтида ишлатиладиган асбоблар, ёпқич, чўтка, тароқ, кийим, ниҳоят молбоқарлар ва ҳоказолар орқали тарқалиши мумкин. Ёш ҳайвонлар қичима қўтирилган қасаллиги, чунки ёш ҳайвон организмининг қўтиридан сақланиш реакцияси катта ҳайвонларга нисбатан кучсиз бўлади. Бундан ташқари, ёш ҳайвонларнинг териси қичима қўтирилган қасаллигининг ривожланиши учун қулайдир. Ҳайвоннинг ёши катталашган сари унга қичима қўтирилган қасаллиги камроқ юқади ва бирмунча енгил ўтади. Масалан, чўчқалар текширилганда, бир-икки ойлик чўчқалар 59%, 3—5 ойликлари 35%, 6—12 ойлиги 9,9%, бир-икки ёшида 4,5%, ниҳоят, икки-уч ёшида 2,5% қўтирилган қасаллиги билан касалланганлиги аниқланди.

Хўжаликда қичима қўтирилган қасаллигининг тарқалишида яширин кўринишда касалланадиган катта ёшдаги ҳайвонларнинг аҳамияти катта, чунки уларда қасаллик сурункали кечади. Бу нуқтаи назардан хўжаликдаги сут эмизувчи урғочи ҳайвонлар билан эркақ ҳайвонлар хавфлидир. Қўтирилган қасаллиги ҳайвонларга нисбатан кўпроқ четдан келтирилган зотли ҳайвонлар касалланади ва уларда қасаллик оғир ўтади.

Молхоналар юқумсизлантирилмасдан, уларга соғлом ҳайвонларни киритиш, соғлом молларни касалланганларига қўшиб боқиши каби нуқсонлар қўтирилган қасаллигининг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Қасалланган ҳайвонлардан ерга тўкилаётган чиринди ва жунлардаги қичима қўтирилган қасаллари ҳамда уларнинг тухумлари, айниқса зах ерга тушган қасаллар ва уларнинг тухум-

лари бир ой сақланади, у ҳайвонга дарҳол ёпишиб олади. Қичима қўтирнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши йилнинг фаслига ҳам боғлиқ.

Ёзда каналар кўплаб ҳалок бўлади, айримларигина сақланади. Куз ва қиши ойларида қичима қўтир каналар тез кўпаяди.

Қўтир касаллигининг давом этишида ҳайвоннинг озғин-семизлиги ва тоза боқилишининг ҳам аҳамияти катта. Яхши семирган, шунингдек, териси доимо тоза сақланадиган моллар қичима қўтир билан касалланмайди. Аксинча, озғин ва қаровсиз, терилари доим ифлос ҳайвонлар қичима қўтир билан тез касалланади ва уларда касаллик оғир ўтади.

Шундай қилиб, ҳайвонларни зоогигиена талабига жавоб бермайдиган кичкина, захкаш, ифлос молхоналарда асраш, сифатсиз озиқ билан боқиш, зоотехника ва ветеринария хизматининг қониқарсиз ташкил этилиши, ҳайвонларда қичима қўтирнинг жуда тез ривожланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бир турдаги, масалан, чўчқалардаги қичима қўтир кана бошқа хил ҳайвонларда ва одам организмида паразитлик қилиб, уларда бу касалликни қўзғатиши мумкин.

Лекин қичима қўтир каналар ўзларига мос бўлмаган ҳайвон терисида ривожланиши учун қулай шароит тополмайди ва кўп ўтмасдан ўлади. Натижада касалланган ҳайвон ўз-ўзидан согайиши мумкин.

**Патогенези.** Қичима қўтир каналар ҳайвон терисини кемириб, чиганоқлар ҳосил қиласди. Каналар ҳайвон терисини жароҳатлайди ва касалланган организмга ўзининг заҳарини сочади. Улар таъсирида тери яллиғланади ва серозли ҳужайра инфильтрацияси пайдо бўлиб, экссудатга айланади. Бунинг натижасида тери устида майда пуфакчалар ҳосил бўлади. Тери қичиганида ҳайвонлар қашинади, шу вақтда пуфаклар ёрилади, ҳайвонларнинг тоқатсизлик билан қичиниши натижасида жароҳатланган тери шишиб яллиғланади. Ҳайвон узлуксиз қичиниб терининг травматик жароҳатланган қисмида микробларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади, мана шу ерда кичкина-кичкина йирингли тугунчалар пайдо бўлади. Касалликка қарши ўз вақтида курашилмаса терининг толали дерма қатлами терлаш ва ёғbezлари, жун тола пиёзчалари бузилиб, терининг нормал физиологик хусусияти ўзгаради. Тери қалинлашиб, ўз

эластиклик хусусиятини йўқотади, тери чуқур ёрилиб, қон чиқиб туриши ҳам мумкин.


Бу эса ҳайвоннинг ориқлашига ташқи муҳит таъсирiga бўлган чидамлилиги (резистентность) камайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари касаллик қиши ва ҳатто ёз фаслида тананинг катта қисмига тарқалиб, терини жароҳатлайди, ўрнига зич бириттирувчи тўқима ўсади. Терисининг жароҳатланган қисмидаги жуни тушиб, ҳайвон ориқлаши ва ҳатто ўлиши мумкин.

Баҳор ва ёз фаслларида ҳайвонларнинг озиқланишини асраш ва боқиши яхшиланиши ҳамда яйловда қуёш нурлари таъсирида, теридаги пўстлоқлар ажраб туша бошлайди, ҳужайралардаги инфильтратлар йўқолади, терининг дерма қисмининг эластиклик хусусияти, тери безлари ва жун толалари пиёзчасининг иш қобилияти тикланиб, ҳайвон тузалади.

**Клиник белгилари.** Ҳамма ҳайвонларда акароз сурункали кечади. Қичима қўтирилган каналари, аввало ҳайвонларнинг бош қисмига юқади. Ҳайвон бошининг пешона ва олдинги қисмларига, кейинроқ бошининг ҳамма терисига, айрим турдаги ҳайвонларни (от ва чўчқа) думининг атрофига, бўйнига, кўкраги атрофига тарқалади (34- расм).

Қичима қўтирилган каналларни касаллик юққанидан кейин орадан икки-уч ҳафта ўтгач пайдо бўла бошлайди. Акароз билан деярли ҳамма ҳайвонлар касалланади, аммо қорамоллар ва қўйларда у жуда енгил, от, эчки чўчқа, туя ва шимол буғиларида эса касаллик бирмунча оғир кечади. Эчки, чўчқа ва буғиларда бошқа хилдаги қўтирилган каналларни учрамайди. Қичима қўтирилган каналларни касаллик белгилари эндигина онасидан ажратилган ва 4—6 ойлик чўчқаларда аниқроқ кўринади. Касалликнинг биринчи белгиси организмда қичима қўтирилган канални чиганоги жойлашган ернинг кучли қичишидан иборат.

Касаллик ҳайвоннинг бош қисмидан, яъни кўз қувогидаги чуқурча, лунж, қулоқ атрофи, оч биқин, елиннинг кейиниги сўргичларининг атрофидан бошланади. Терининг қичима қўтирилган канални тарқалган жойида ҳарорат кўтарилади ва тери қизаради. Кейинчалик касаллик ҳайвоннинг орқа умуртқасига, биқинларига, орқа оёқларининг ички қисмига тарқалади. Эркак чўчқаларнинг уруғдан териси касалланади. Касалликнинг бош-



34-расм. Құтир қаналарнинг ұар хил турдаги ҳайвонларда дастлаб жойлашадиган жойлары. Акарус түр шаклида; Псороптес параллел чизиқлар; Хориоптес қора рангда; Отодеклетес нүқталар билан белгиланған

ланиш даврида ҳосил бўлган тугунча ва йириңгларни кўрмаслик мумкин, чунки ҳайвоннинг қашиниши билан ёрилган йириңчалар қуруқ пўстлоққа айланади. Айрим вақтларда чўчқалар жароҳатланган тана қисмида қончиқунча қичинади. Кўз қовоғи ва унинг атрофи кучли қичишидан майдамайдада қазгоқлар пайдо бўлади ва жуни тўкилади. Натижада ҳайвон терисига оқ гунгурт порошок сепилгандай кўринади. Тери секин-аста қалинлашади ва эластиклик хусусиятини ўйқотади. Терининг айрим жойлари ёрилади, қалинлашиб, бурмалар пайдо бўлади.

Қаналар умуман организмга заарли таъсир этади, қон таркибида эозинофилнинг кўпайиб, қизил қон до-

началари ва гемоглобин миқдорининг камайиши билан характерланади. Қасалланган ҳайвон ем-хашак емайди, ориқлайди, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Ҳайвон дарҳол даволанмаса, етарли миқдорда тўлиқ сифатли ем-хашак берилмаса ва зоогигиена талабига жавоб бермайдиган шароитда боқилса, касаллик танага тарқалиб чўчқаларни ўлимга олиб келади.

Қичима қўтириб касаллиги одатда чўчқаларда жуда суст ривожланади. Қичима қўтириб билан касалланган чўчқалар бир яшардан каттароқ бўлса, бундай ҳайвонлар ўзларининг клиник кўриниши билан табиий «соғ бўлади», лекин уларнинг терисида қичима қўтириб канаси узоқ вақт сақланади ва бундай ҳайвон касалликнинг тарқалишида асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Қичима қўтириб билан туяларнинг бўйин, қорин ва биқинлари, шимол буғисининг бош, елка, курак сүяклари ва кўкрак қафасининг териси кўпроқ жароҳатланади.

Отларда ҳам қичима қўтириб тананинг бош ва елка томонидан бошланиб, бош ҳамда бўйин терисида тугунча ва пуфакчалар кўпаяди. Терининг жароҳатланган қисми айниқса, иссиқ биноларда кучли қичиёди. Ориқ ҳайвонларда жароҳат тананинг бошқа қисмларига (курак, биқин, кўкрак қафаси атрофига) тез тарқалади. Тери қазғоқланиб қалинлашади, жунлари тушади. Ҳайвоннинг тинмасдан қичиниши туфайли тери устида пўстлоқ ва яралар пайдо бўлади. Отлар терисининг жароҳатланган қисми қашланганида, у юқориги лабини кўтариб қўмирлатади. Қасаллик ўз вақтида даволанмаса, ҳайвон танасида, айниқса бўйин атрофидаги жунлари тушиб, бурмалар пайдо бўлади. Қасалланган ҳайвонлар секинаста ориқлайди, иш қобилиятини йўқота боради, сифатли ем-хашак билан яхши зоогигиена шароитда боқилмаса, ҳайвон ориқлаб ўлиши мумкин.

Қичима қўтириб каналари қорамолларнинг ҳам бош ва бўйин атрофида жойлашади, жуда кучли заарланганида тананинг бошқа қисмларига тарқалиши мумкин.

Итларнинг асосан бош қисми, тана ва думи атрофи бирмунча камроқ жароҳатланади. Акароз тулкилар ўртасида ҳам кенг тарқалган.

Акароз қўй ва эчкиларда ҳам учрайди ва у енгил ўтади. Улар терисининг жунсиз қисмida: лаблари, бурун атрофи, қулоқларининг учи, айрим вақтларда оёқларининг пастки қисмida жойлашади.

Акароз қўйларга қараганда эчкilarда бирмунча кўпроқ учрайди. Эчкilar кучли касалланганда ҳамма танасига тарқалади. Эчкilarning акароздан ўлиши тез-тез кузатилади.


**Нотоэдроз** — мушук, ит, қуён юмонқозиқ ва сичқонларда нотоэдрес авлодига кирадиган қичима қўтиришканалар учрайди. Мушук, ит ва қуёнларда нотоэдрес кати (35-расм) туридаги қичима қўтиришкан паразитлик қилади. Қуёнларда эса яна иккинчи Н. куникула қичима қўтиришкан паразитлик қилиши мумкин. Кемирувчи ҳайвонларнинг қичима қўтиришканалари одам танасига ўтиб қўтиришканаллигини қўзғатади.

Ташқи кўриниши ва ривожланиши жиҳатдан нотоэдрес авлодига кирадиган қичима қўтиришканалар Акарус авлодига кирадиган каналардан унчалик фарқ қилмайди. Нотоэдрозда мушукларнинг боши, асосан қулоқ атрофи жароҳатланади. Эътибор берилмаса тананинг ҳамма қисмига тарқалади ва ҳайвон ўлади.

Кана итлар бош терисининг турли қисмида, асосан қулоқ тоғайларининг чеккасида жойлашади.

#### **Тери усти қўтиришканалари қўзғайдиган касалликлар**

Ҳайвонларда псороптидэ оиласига кирадиган каналар томонидан қўзғатиладиган инвазион қўтиришканал-



35-расм. Нотоэдрес қати канаси.  
Ўнгда—урғочи кана (дорсал сатҳи),  
чапда—эркак кана (вентрал сатҳи)


ликлари ҳам кенг тарқалган. Булардан уч авлод: Псороптес (тери усти қўтиришканаси), Хориоптес (терихўр қўтиришкан) ва Отодектес (қулоқ қўтиришканаси) вакилларини ўрганишнинг аҳамияти катта.

Қичима қўтиришканалар Акаридэ оиласининг вакилларидан Псоротидэ оиласининг вакиллари тери устида паразит ҳолда яшаши, эпидермис ичидаги чиғаноқ ҳосил қилмаслиги билан ажралиб туради.

## Псороптоз

Псороптоз — тез тарқалиб сурункали кечадиган тери усти қўтирилган касаллигидир, у билан қўй, от, қорамол ва қуёнлар ҳамда кўпгина ёввойи ҳайвонлар касалланади. Турли ҳайвонларнинг ўзига хос хусусий тери усти қўтирилганаси бор. Кўйларда тери усти қўтирилган касаллигини — Псороптес коммунис овис, қорамолларда — Псороптес коммунис бовис, отларда — Псороптес коммунис еқви, қуёнларда — Псороптес коммунис куникула қўзғайди (36-расм).

Терининг қўтирилган касаллиги псороптоз ҳам бошқа қўтирилган касалликлари каби терининг экзематоз яллиғланиши ҳамда ҳайвоннинг кучли қичиниши билан характерланади, у қўйчилик, айниқса майин жунли қўйчилик хўжаликларига катта иқтисодий зарар келтиради. Касалланган ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ҳамда терисининг сифати кескин пасаяди. Касалланган қўйни сеимиририш учун қўшимча равишда кўпгина ем-хашак сарфланади ва ниҳоят қўтирга қарши кураш ҳамда профилактик тадбирларни амалга ошириш учун жуда ҳам кўп ишчи кучи, препаратлар талаб қилинади ҳамда каран-



36-расм. Псороптес қўтирилганаси:

*A* — қазиб шимувчи оғиз аппарати (1—пайпаслагич; 2 — хелицера; 3 — максиллер пластинка). *Б* — чапда урючи, ўнгда эркак қана

тин давридаги чекланишлар натижасида хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказилади.


**Кўзғатувчиси.** Тери усти қўтири канаси — Псороптес овал шаклда бўлиб, қўтири каналарнинг энг каттаси ҳисобланади. Оч-сариқ ёки сарғиш-қўнғир рангли псороптес қўтири кананинг катталиги  $0,5-0,9 \times 0,2-0,5$  мм.

Тери усти қўтири каналарининг оғиз аппарати конус шаклидаги терини тешиб сўришга мослашган хартумдан иборат, унинг учларида кичкинагина қисқичлари бўлған бирмунча чўзиқ юқориги (ҳелицералар) ва пластинка шаклидаги пастки (гипостом) жағлардан тузилган. Олдинги икки жуфт оёқлари яхши ривожланган. Оёқларидаги қўнғироқсимон сўрғичлари узунгина бўғин-бўғин стерженларда жойлашган. Бундай қўнғироқсимон сўрғичлар ургочиларининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи жуфт, эркакларининг эса биринчи, иккинчи ва учинчи жуфт оёқларида бўлади. Эркак ва ургочиларининг учинчи жуфт оёқлари узун пиёзча (ҳета) билан таъминланган. Эркакларининг тўртинчи жуфт оёқларида сўрғич ва қилчалар бўлмайди. Ҳар хил ҳайвонларда учрайдиган тери усти қўтири Псороптес каналарнинг тузилиши бирбирига ўхшайди.

Бу паразитлар терининг устида кўпаяди. Улар терини тешиб янги чиққан лимфа суюқлифи билан озиқланади.

**Ривожланиши.** Бу кана Псороптес ҳайвонлар терисида тўп-тўп бўлиб жойлашади, чунки уларнинг личинка ва протонимфалари ҳамда қисман телонимфалари терини теша олмаганликлари учун озиқ топа олмайдилар. Улар жинсий вояга етган каналарнинг ҳайвон терисининг эпидермис қисмини тешганида ажратиб чиққан сероз-лимфа суюқлифи билан озиқланади. Ҳар бир ургочи тери усти қўтири канаси, ҳайвоннинг жароҳатланган терисининг жуни кўп жойига 60 тагача тухум қўяди. Узунлиги 0,3 мм ва эни 0,14 мм ли псороптес тухумлари каналар ажратиб чиқарган маҳсус ёпиширувчи моддалар ёрдамида тери эпидермисига мустаҳкам ёпишади. Келгусида зародишларнинг (муртак) ривожланиши учун намлик 85—90% ва иссиқлик  $36-37^{\circ}$  бўлиши керак. Тухумдан уч-олти кундан кейин олти оёқли бирмунча узунчоқроқ личинка чиқади, у дарҳол, озиқланиб орадан икки-уч кун ўтгач туллайди ва 8 оёқли протонимфага айланади (37- расм).

Протонимфа бир қанча кундан кейин, яъни бир марта туллагач, телеонимфага, у эса жинсий вояга етган тери усти қўтирилганади.



37. расм. Псороптес қўтирилганага ривожланиш даврлари:  
1 — личинка; 2 — протонимфа; 3 — телеонимфа

Шундай қилиб, тери усти қўтирилганага қулай шароитда 16—20 кунда тўлиқ ривожланади. Уларнинг ноқулай шароитда тухумдан-тухумгача ривожланиши уч ойдан ортиқ чўзилиши мумкин. Псороптес каналар ҳайвон танасида икки ойдан ортиқ яшайолмайди.

**Эпизоотологияси.** Тери устидаги қўтирилганади манбай ҳисобланади. Касаллик касалланган ҳайвондан захкаш молхоналарда, яйловда, сув манбалари ва бошқа жойларда ёнма-ён зич туриш, суркалиш билан бирга мол боқиши, уни тозалаш вақтида ишлатиладиган асбоб-ускуналар, чўтка, тароқ, кийим ва ҳоказолар орқали, ниҳоят, молбоқардан юқади.

Ит ва бошқа ҳайвонлар ҳам псороптоз тарқалишини тезлаштиради. Тери усти қўтирилганади псороптоз касаллиги куз ва қишида ҳайвонлар нам, заҳкаш, тор биноларда асралганда тез тарқалади. Тери усти қўтирилганади танаси қичима қўтирилганади танаси қараганда бирмунча қаттиқроқ кутикула билан ўралган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ҳайвон танасидан ташқаридаги таассуротга бирмунча чидамлидир. Псороптес 6—8° иссиқлик ва ҳавнами 85—100% бўлган молхонада икки ойгача, яйлоғларда 35 кунгача тирик яшайди. Паразитнинг тирик яшаш муддати ташқи муҳит таъсирига боғлиқ. Тери усти қўтирилганади минус 2—12° да тўрт кунда, минус

25° да эса 6 соатда ўлади. Бу каналарнинг охирги ривожланиш даврлари бирмунча чидамлидир. Янги қўйилган псороптес тухумлари 70° иссиқликда 40 кунгача, тухум ичида личинка ривожланган бўлса 12 кунгача тирик яшайди.

Яйловларда ҳарорат ва намлик тез-тез ўзгариб туради, шунинг учун тери усти қўтирип каналарнинг тухумлари тўрт кундан саккиз кунгача тирик бўлади. Ёз ойлари қўтирип каналарнинг ривожланиши учун ноқулайдир. Ёзда молларнинг жуни олинади, улар туллайди, бунинг натижасида уларнинг терисига офтоб тегади. Бу вақтда айрим каналар терининг қуёш нури тушмайдиган чуқур бурмаларига (қулоқ супраси, кўз қовоғидаги чуқурча, дум тагидаги бурмалар, уруғдон териси, туёқ ораларига) яшириниб, касалликнинг клиник белгисини ривожлантира олмайди. Бундай ҳайвонлар хўжаликда кузда тери усти қўтирип касаллигининг тарқалишига сабаб бўлади. Акароz каби псороптозда ҳам ҳайвоннинг семизлик дарражаси ва тоза боқилишининг аҳамияти катта. Ориқ ҳайвонлар терисининг шох қатлами йўқолиб, терида бўлган жароҳатнинг жуда секин битиши кананинг ҳайвонларга юқиши, овқатланиши учун қулай шароиг ҳисобланади. Семиз, териси соғлом ва тоза бўлган ҳайвонлар псороптозга бирмунча чидамли бўлади. Уларга қўтирип касаллиги кам юқади.

Шунингдек, ҳайвонлар зоогигиена талабларига мос келмаган шароитда асралганда сифатсиз ем-хашаклар билан боқилганда зоотехника ва ветеринария хизмати яхши ташкил этилмаган хўжаликларда қўтирип касаллиги кенг тарқалиши мумкин.

**Патогенези.** Тери усти қўтирип каналари ҳайвоннинг терисидаги жуни қалин ва кўп бўлган ҳамда тери намлиги ўзгармайдиган қисмида жойлашади. Уларнинг ёмон патогенлик таъсири ҳайвон касаллангандан икки-уч ҳафта кейин кўрина бошлайди Овқатланиш учун тери усти қўтирип каналари конуссимон, ўткир учли хартуми билан терини тешиб, травматик жароҳатлайди ҳамда ўзининг заҳар моддасини ажратади. Терининг эпидермис қатламидаги нерв толаларининг механик ва химик таъсланиши терининг овқатланишини ҳамда нормал ишлаш қобилиятини ўзgartади. Натижада терининг жароҳатланган қисми яллиғланади, у ерда серозли ҳужайра инфильтрати пайдо бўлиб, у экссудатга айланади. Натижада

да тери устида майда, лимфа суюқлиғи билан тұлған қызил ёки сариқ тариқ ёки ёсмиқ донидек пуфакчалар пайдо бўлади. Терининг жароҳатланган қисми қичишидан ҳайвонлар дуч келган предметларга суркалиб қичиради. Натижада қичинган ердаги пуфакчалар ёрилади. Тери шиддатли яллиғланади. Терининг жароҳатланган қисмида модда алмашинуви ўзгаради, жунлари гўкилади, ажралиб чиқсан тери ҳужайралари экссудат билан шишади, уларнинг қуришидан пўстлоқ ҳосил бўлади. Терининг жароҳатланган эпидермис қатламида иккинчи тариқали секундар микроблар ривожланиши учун қулагай шароит яратилади, шундан кейин терида кичкина кичкина йирингли пуфакчалар ҳосил бўлади. Касалланган ҳайвонларнинг терисидан жуни тушади, жуда ориқлаб кетиб, қишида ўлиши ҳам мумкин.

**Клиник белгилари.** Псороптоз касаллигига бурмалар унчалик кўп бўлмайди акароз касаллигига эса кўп бўлади. Мана шу хусусияти билан псороптоз акароздан ажралиб турди. Терининг паразитлар тарқалган қисмидаги жунлари осонгина тушади. Ҳайвон тунда кучли қичинади. Қўйларда, айниқса майин жунли зотларда тери усти қўтири — псороптоз шиддатли, ярим шиддатли, сурункали ва яширин кўринишларда кечиб доимо ҳайвон терисининг жуни қалин жойлари жароҳатланади.

Қўйлар жуда оғир шароитда боқилганда касаллик шиддатли ва ўртача ўтади. Жароҳат кўпинча ҳайвоннинг бел, думғаза, яғрин ва курак сүяклари атрофидан бошланади. Дастрлаб жароҳатланган терида майда тугунчалар пайдо бўлади, улар иссиқ, захкаш молхоналарда сақланғанда, айниқса ёмғир ёққандан кейин кучли қичииди.

Қўйлар терисини қашийди, тишлайди, бунинг натижасида тери травматик жароҳатланади. Мана шу ерда ёпишқоқ экссудат тўпланиб унинг қотишидан пўстлоқ ҳосил бўлади. Қўтири каналари секин-аста кўпая бошлайди, яллиғланиш ҳодисаси кучаяди; жароҳат терининг соғлом қисмига тарқала бошлайди. Терининг кичик-кичик жароҳатланган қисми бирикиб, жунлари тутам-тутам бўлиб тўкилади, ҳайвоннинг ҳадеб қичинавериши ва иккинчи даражали микробларнинг тушиши натижасида қон қуйилади, тери пўстлоқли ва йирингли яллиғланади, қўйда камқонлик белгилари кўринади, ориқлайди ва кўп қўйлар совуқ тушиши билан ҳалок бўлади.

Езда жуни қирқилгандан кейин қўйлар тузала бошлайди. Терисининг жуни тушган жойларидан жун чиқади. Бундай қўйлар ташқи кўриниши жиҳатидан соғлом ҳисобланади. Аммо улар ўз вақтида даволанмаса, айрим тери усти қўтирип каналари жароҳатланган тери бурмаларининг қуёш нури тегмайдиган жойларида (қулоқларининг ичида, думнинг остида, туёқ ораларида, елин ва уруғдонларда) яшириниб қолади. Қўй боқиши шароитлари ёмонлашганида, у ориқлайди, тери бурмаларида сақланиб қолган қўтирип каналар жуда ҳам тез ривожланади ва тери усти қўтирип касаллигини қўзғайди.

Сурункали псороптоз секин ўтади, бу қўзиларда ёз ойларида учрайди, кузга келиб касаллик кучая бошлайди.

Яширин формадаги псороптоз, ёзда яхши боқилган, семиз қўйларда учрайди. Қўйларнинг жуни қирқилгандан отлар туллаганидан кейин, тери усти қўтирип каналарининг ривожланиши учун ноқулай шароит яратилади, улар фақатгина қуёш нуридан яшириниб, теридаги айрим бурмаларда сақланади, холос.

Отларнинг тери усти қўтирип касаллигига — псороптозда ҳам акароздагидек клиник белгилар пайдо бўлади. Одатда псороптоз билан отларнинг бўйни, ёли ости териси, бели, елка қисми ва думининг атрофи жароҳатланади. Қорамолларда тери усти қўтирип канаси мол шохининг атрофига, бўйнининг устки қисмидаги думининг учида жойлашиб, касаллик оғир ўтади.

Тери усти қўтирип билан қуёнларнинг қулоқлари жароҳатланади.

### **Хориоптоз [терихўр қўтирип]**

Хориоптоз — сурункали кечадиган тери усти қўтирип касаллиги ҳисобланади, у Хориоптес авлодига мансуб бўлиб узунлиги 0,3—5 мм дир. Бу касалликини терихўр қўтирип каналари қўзғайди. Қўзғатувчининг тўрт жуфт оёқларининг ҳаммаси узун, устки томонидан қараганда танасининг четидан чиқиб туради. Оғиз аппарати кесилган конус шаклида, чайновчи типда тузилган, бу канатерининг устки қисмидаги яшаб, теридан кўчиб ажралаётган эпидермис ҳужайралари (қипик, қазғоқ, пўстлоқ) билан озиқланади. Терихўр қўтирип каналарининг оёқларидаги қўнғироқ шаклидаги сўрғичлар, қисқагина бўй

ғимларга ажратилган оёқ стерженларида жойлашган. Эркакларининг орқа томонида иккита палласи ва тўртта узунчоқ қиллари бор (38- расм).

Отларда — Хориоптес экви, қорамолларда — хориоптес бовис, эчкиларда — Хориоптес капри, қуёнларда — Хориоптес куникула турига мансуб терихўр қўтири каналар паразитлик қиласи.

Терихўр каналар моллар ноқулай шароитда боқилган хўжаликларда учрайди. Улар отлар оёғининг тўшайдиган бўғинлари атрофида, думининг пастки томонида, баъзан сакраш бўғинлари терисида паразитлик қилиб, оёқ қўтири деб аталадиган қўтири касаллигини қўзгайди. Терихўрлар қорамолларнинг дум терисида, унинг илдиз қисмидаги бурмаларида яшайди. Қуёнларнинг қулогида паразитлик қиласи.

Терихўрларнинг ривожланиши яхши ўрганилган эмас. Улар худди тери усти қўтири канаси — Псороптес каби ривожланса керак деб тахмин қилинади. Улар ташқи муҳитда (молхонада, асбоб-ускуналарда) 65 кунгача тириклик қобилиятини йўқотмайди.

### Отодектоз [қулоқ қўтири]

Отодектоз ҳам сурункали кечадиган инвазион касаллик бўлиб, Псороптидэ оиласининг Отодестес авлодига кирадиган терихўр Отодектес цинотис қўтири кана томонидан қўзғатилади. Касаллик ит, тулки, мушукларда учрайди.


Қўзғатувчиси. Бу каналар овал шаклда бўлиб, урғочилари 0,3—0,5 мм, эркаклари эса 0,2—0,4 мм. Урғочиларининг икки олдинги панжаларида қўнғироқсимон сўрғич бор. Эркакларида бундай сўрғичлар тўрт оёғининг ҳаммасида бўлади. Эркак кана танасининг орқасида паллалар эмас, улар ўрнида иккита қили бўлиб, улар бир оз баландроқ кўринади (39- расм).

Қўзғатувчилиарининг ривожланиши етарли ўрганилган эмас. Улар 9—10 кун давомида ривожланади, деб фараз қилинади. Бу турдаги терихўр каналар қўзғата-



38- расм. Хориоптес қўтири канаси

диган касаллик ёвойи ҳайвонлар урчтиладиган хўжаликларда учрайди, бу билан тулки болаларининг оғир касалланганлиги кузатилган. Қаналар қулоқ тоғай супрасининг ички томонида, ташқи эшитиш йўлида ҳамда қулоқнинг пардачасида жойлашади. Касаллик бошланганида қулоқнинг заарланган ери кучли қичий-



39- расм. Ит қулоғидан олинган отодектес цинотис қулоқ қўтиридан

ди, яллиғланади. Ҳайвон бошларини силкитиб, қулоқ супраси билан қашинади.

Товуш ўтказадиган бўшлиқдан суюқлиқ ажралиб турди, у қуриб пўстлоқ ҳосил қиласди. Отодектоз касаллиги микроблар таъсирида оғирлашади, шундан кейин йирингли яллиғланиш рўй беради. Ёвойи ҳайвонлар қулоғининг ўрта ва ички пардаси тешилиб, мия пардасининг яллиғланиши кўзатилади.

### ДИАГНОСТИКА

Умуман, қўтири касалликлари ўзига хос бўлган клиник белгилари билан ҳамда лабораторияда текшириб аниқланади. Ҳайвонларни клиник текшириш вақтида ҳавонинг иссиқ ёки совуқ бўлишидан қатъи назар, дастлаб ҳайвон терисида вужудга келган яллиғланишлар, тугунчаларда зардоб тўпланиши (инфильтрат), пўстлоқ ҳосил бўлиши, жун тўкилиши, бурмаларининг пайдо бўлиши

каби белгиларга алоҳида аҳамият берилади. Бу вақтда хўжаликлардаги эпизотологик шароитлар ҳисобга олиниши керак. Клиник белгилари аниқ бўлганида диагноз қўйиш унчалик қийин эмас, аммо қўтириб касаллигининг бошланиш даврини, айниқса ёзда, эскириб кўринадиган формасини аниқлаш бирмунча мураккаброқdir. Шуни унутмаслик керакки, текширишда касалликни қўзғатувчи каналарнинг турини аниқлаб бўлмайди ҳамда қўтириб касалликларида рўй берадиган клиник белгилари кўпгина бошқа касалликларда ҳам учраб туради. Шунинг учун қўтириб касалликларига диагноз қўйиш микроскопик усулда қўзғатувчи каналарни ёки уларнинг тухумларини топишга асосланганидагина аниқ бўлади. Кана ёки уларнинг тухумларини топиш учун терининг янги жароҳатланган қисми билан соғ тўқима чегарасидан (соскоб) қиринди олинади, чунки бу жойларда қўтириб касаллигини қўзғатувчи каналар жойлашган бўлади. Қиринди катта ҳамда кўрсаткич бармоқ билан ушланган кенг дамли скальпелни терига қўйиб, теридан суюқлиқ, ҳатто қон белгиси чиққунча қириб олинishi керак. Қиринди маҳсус оғзи берк шиша идишга ёки халтачага солиниб, оғзи маҳкамлаб беркитилади. Ҳайвонлар қўтириб касалликлари билан кучсиз касалланганларида (кўпинча ёз ойлари) қиринди уларнинг бўйин ёли, жағ ости, елин, чот оралиғи, мояқ халтаси, қулоқ ичи ва оёқларининг ички томонидаги терисидан олинади. Қичима қўтириб каналарни топиш бирмунча қийинроқdir, чунки бу каналар тери устида эмас, балки тери ичида яшайди, шунинг учун қон чиққунча қириб олинади. Олинган қиринди миқдори тахминан 1 см<sup>3</sup> бўлиши керак.

Олинган қиринди хўжаликда ёки лабораторияда иложи борича тезда (уч-беш кун) текширилиши керак. Бундан кечиктирилганда қиринди қуриб, жун толалари сина бошлайди. Кана ўз ҳаракатини йўқотади. Лабораторияга юборилган материал Пётр косачасига солиниб, унинг остига дистилланган ёки қайнатилган сув билан ҳўлланган фильтр қофози тўшалганида, қўтириб каналарнинг ҳаракатчанлиги бирмунча узоқроқ давом этади.

Қиринди лабораторияга зич беркитилган пробиркада ёки пергамент қофоздан қилинган халтачада юборилиши мумкин.

Юборилган материал этикетка билан таъминланиб, ҳайвоннинг тури, бирка номери, қиринди олинган жойи ва вақти кўрсатилади. Теридан олинган қиринди ўлик канани топиш (мортал усулда) ёки тирик каналарни топиш (витал усулларда) текширилади.

**Мортал усуллар** — теридан олинган қиринди соат ойначасига ёки лаборатория косачасига ёки предмет ойначасига солинади. Кейин, қиринди устига, унга икки баравар 10% ли ўювчи калий ёки натрий ишқори қўйилади. Қиринди ишқор эритмасига аралаштирилгандан кейин тери қириндисидаги пўстлоқ юмшагунча, тахминан 25—40 минут кутилади. Текширишни тезлаштириш талаб қилинса, тайёрланган материал 60—70° қиздирилади. Сўнгра бу материал оз-оздан предмет ва беркитувчи (покровний) ойначалар орасига жойланиб, микроскопнинг энг кичик катталигида кўрсатувчи объективларида кўздан кечирилади. Аниқроқ кўриш учун микроскопнинг кўриш майдонини қоронфироқ қилиш тавсия қилинади.

**Витал усуллар.** Бу усуллар тирик каналарни топиш ва ўтказилган даволаш тадбирларини, қўтириш каналари га бўлган таъсирини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Витал усуллари жуда кўп, улардан қўйидагиларни ишлатиш қулайроқдир.

1. Теридан олинган қиринди соат ойначасига ёки лаборатория косачасига солиниб, устига беш-саккиз баравар сув қўйилади. Қиринди сувга аралаштирилиб, ҳарорати 30—40° ли термостатга 15 минут қўйилади. Сўнгра соат ойначасига ёки лаборатория косачасига солинган материал микроскопнинг предмет столчасига қўйилиб, кичик катталикда кўрсатувчи объективда текширилади. Яхшироқ кўриш учун микроскопнинг кўриш майдонини қоронфироқ қилиш керак. Каналар одатда иссиқроқ сувда тез ҳаракат қила бошлайди ва кўзга тез кўринади.

2. Тери қириндиси лаборатория косачасига солиниб, қопқоқчаси беркитилади. Сўнгра косачани қопқоқчаси билан пастга айлантириб, ҳарорати 50° ли сувга қўйилади. Тахминан, 25—30 минут ўтгач, косачани олиб, унинг қопқоқчасини кўриш майдони қоронфироқ қилинган микроскопнинг столчасига қўйиб, кичик катталикда кўрсатувчи объективда кўздан кечирилади. Шунда кана иссиқлик таъсирида қириндидан ажралиб чиқиб ҳаралана бошлайди ва осонгина кўзга кўринади.

3. Тери қириндиси соат ойначасига солиниб, устига бир неча томчи керосин томизилади. Каналар керосинда 4—6 соатгача тирик яшайди ва қиринди ичидаги тирик кананинг ҳаракати микроскоп остида яхши кўринади. Тери қириндиси текширилаётган бир пайтда, фақатгина қўтирилган кана топиб қолинмасдан, балки уларнинг тухумлари ҳам кўринади. Бу вақтда кана тухумларининг ўлик ёки тириклигини ажратиш керак. Қўтирилган тирик тухумлари овал шаклда, ичидаги муртак (зародиш) оқ бўлади ёки тухум ичидаги личинка бўлиб, тухум қобиғига тегмай туради. Ўлик тухумлар эса овал, ассимметрик шаклда, ташқи пардаси тиришган ёки тухум ичидаги личинка тухумнинг ташқи пардасига зич тегиб туради. Тери қириндиси қўтирилган касалланган ҳайвонлар даволангандан кейин орадан икки-уч кун ўтгач қайта текширилади. Ҳайвонлар тўғри даволанганида орадан 12—14 кун ўтгач олинган тери қириндисида тирик кана ва унинг тухумлари бўлмайди.

#### ҚЎТИР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲАЙВОНЛАРНИ ДАВОЛАШ

Қўтирилган ҳайвонлар тезликда соғломларидан ажратиб даволанади. Даволашдаги муваффақият фақатгина қўлланиладиган акарицид препаратларнинг таъсирига боғлиқ бўлмасдан, балки даволаш учун ҳайвоннинг жароҳатланган терисини тайёрлашга ҳам боғлиқдир. Даволаш вақтида қўтирилган каналарининг қалин пўстлоқ пардасига ўралган тухуми, личинка, нимфа ва имаго даврларига нисбатан акарицид препаратларига чидамироқ бўлади. Шунинг учун ҳайвонлар даволангандан кейин тириклик хусусиятини йўқотмаган тухумлардан чиққан личинкаларни ҳам ўлдириш мақсадида, орадан тахминан 5—8 кун ўтгач яна бир марта даволаш керак. Даволашдан олдин ҳайвон терисининг жароҳатланган қисмига кўк совун эритмаси суртилади. Эртасига терига суртилган кўк совун иссиқ сувда ювилиб жароҳатланган тери устидаги пўстлоқ, ёғоч пичноқчада қирилади. Шундан кейингина бирорта акарицид препарат билан даволаш керак.

Қўтирилган ҳайвонларни даволашда, уларнинг турини, ёшини, семиз ёки ориқлигини ва, ниҳоят, йилнинг фаслини ҳисобга олиш керак. Масалан: таркибида креолин,

скипидар, деготь бўлган мазлар билан даволангандада мушуклар ўлиши мумкин.

Кавшовчи ҳайвонлар эса таркибида симоб бўлган мазларни ишлатганда касалланиши, айримлари ҳалок бўлиши мумкин. Қўзи, улоқлар, бўғоз қўйлар, катта ёшдаги эркак қўйларга нисбатан нозик бўлади. Қишида ҳайвонлар чўмилтирилмайди. Чунки шамоллаш натижасида ҳар хил касалликлар рўй бериши мумкин.

Ҳозир қўтирилган касаллигини даволашда қўйидаги усулардан фойдаланилади:

1. Дуст билан даволаш.
2. Медикаментлар билан даволаш.
3. Гипосульфит ва хлорид кислотаси билан Демьянович усулида даволаш.
4. Ваннада чўмилтириб даволаш.
5. Камерада (газ дудлатиб) даволаш.

### **ДУСТЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ**

Бу усул фақатгина йилнинг совуқ фаслларида куз, қишиш ва эрта баҳорда қўлланилади. Акарицид препарати сифатида гексахлоран ёки ДДТнинг 10—12° ли дусти ишлатилади. Ҳозир бу препаратлар чорвачиликда ва деҳқончиликда жуда кам ишлатилади. Бўрдоқига боқилган молларни сўйишдан 30 кун олдин ҳамда соғим сигирларни умуман ДДТ билан даволаш ман этилади.

ДДТ дусти ёки гексахлоран дусти қўлда чўтка, яъни дока халтачада ҳайвоннинг терисига ва жунининг орасига сепилади. Даволаш ишлари очиқ ҳавода ўтказилади.

### **МЕДИКАМЕНТЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ**

Қўтирнинг барча тури билан касалланган ҳайвонларни йилнинг ҳамма фаслларида ҳар хил мазлар ва линиментлар билан даволаш мумкин. Даволаш учун тайёрланган линимент ва мазлар ҳайвон терисининг жароҳатланган ерига суркалади. Препарат чуқур, тери эпидермисига шимилиб қўтирилган каналарга узоқ муддат таъсир қилиши учун 40—50° қиздирилиб, чўтка билан яхшилаб ишқаланади. Қишида албатта иссиқ молхонада даволаниши лозим. Ҳайвон қўтирилганда кучли касал-

ланганида, аввало танасининг биринчи ярми, орадан икки-уч кун ўтгач иккинчи ярми даволанади.

Линимент ва мазлар билан исталган вақтда даволаш мумкин, аммо бунинг учун кўп вақт талаб қилинади, бундан ташқари ҳайвон териси кучли таъсирланади.

Кўпинча қуидаги линимент ва мазлар ишлатилади:

**Мурин линименти.** Бу дорини тайёрлаш учун 20 қисм тозаланмаган карбол кислотасига, 20 қисм деготь, 10 қисм скипидар, 200 қисм кўк совун, 1000 миллилитр сув аралаштирилади. Ҳосил бўлган дори — линимент ҳайвон терисининг жароҳатланган қисмига уч кун суртилади, тўртинчи куни ювиб ташланади.

**Деготли линимент** тайёрлаш учун бир қисм деготь, бир қисм олтингугурт, икки қисм кўк совун, икки қисм спирт солинади.

**Венскийнинг дёготли линиментини** тайёрлаш учун 100,0 деготь, 100,0 олтингугурт, 700,0 кўк совун ва 700,0 спирт солинади.

**Нефть линиментини** тайёрлаш учун беш қисм совун, 10 қисм нефть, 100 қисм қайноқ сув олиниб, яхшилаб аралаштирилади.

**Креолинли линимент** тайёрлаш учун 100 қисм креолин, 100 қисм кўк совун ва 800 қисм спирт олиниб, улар яхшилаб аралаштирилади.

**Муриннинг мукаммаллаштирилган линименти** — 5 қисм карбол кислотаси, 10 қисм креолин, 5 қисм скипидар, 2,5 қисм нордон натрийли карбонат тузи, 50 қисм кўк совун, 1000 қисм сув аралашмасидан ҳосил бўлади. Бу линиментларнинг ҳаммаси уч кун суртилиб, тўртинчи куни ювиб ташланади.

**Олтингугурт билан деготли линиментни** тайёрлаш учун 8 қисм олтингугурт, 10 қисм скипидар, 100 қисм кўк совун, 1000 қисм сув олиб улар яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган линимент бир ҳафта ўтказиб, иккинчи марта суртилади.

**Деготли мазь тайёрлаш** учун бир қисм деготь, 10 қисм вазелин олиниади. Шунингдек, линиментларни тайёрлашда автол, дизель ёқилғиси, нефть, айрим вақтларда керосиндан ҳам фойдаланиш мумкин. Лекин керосин дерматит касаллигини қўзратиши мумкин.

Линиментлар терининг жароҳатланган ерига суртилгандан кейин айрим ҳайвонларнинг териси яллиғланади


(у оғрийди, шишади). Бундай вақтларда дарҳол мазъ иссиқ сув билан совунлаб ювиб ташланади.

**Вилькинсон мазини** (хусусий) тайёрлаш учун 10 қисм кальций карбонат тузи, 15 қисм олтингугурт, 15 қисм деготь, 30 қисм нафталинили мазъ, 30 қисм күк совун ва 4 қисм сув олинади.

«К» совуни билан даволаш — 4% ли «К» совунининг сувдаги эмульсияси даволаш олдидан тайёрланиб, 45° иссиқликда ишлатилади. Одатда ҳайвонни даволаш олдидан «К» совунининг сувдаги кучли концентрат эмульсияси тайёрланади. Сўнгра 4% ли эмульсия тайёрлаш учун керакли миқдорда сув қўйилади. «К» совунининг иссиққина бу эмульсияси жунли чўткада ҳайвон терисининг жароҳатланган қисмига жуда ҳам қунт билан суртилиши керак. Орадан беш-етти кун ўтказиб даволаш иши такрорланиши лозим.

### **ГИПОСУЛЬФИТ БИЛАН ДЕМЬЯНОВИЧ УСУЛИДА ДАВОЛАШ**

Бу усул ҳайвон терисида гипосульфит билан хлорид кислотасининг бирикиши натижасида ҳосил бўладиган сульфит ангидриди билан эркин олтингугуртнинг акарицид таъсиридан иборатdir.



Терининг жароҳатланган қисмига жундан қилинган чўткада 35—40° иссиқликдаги 60% гипосульфит эритмаси суртилади. Тери қуриб, унинг устида оқ унсимон кукун ҳосил бўлганидан кейин унинг усти 40° иссиқликдаги 5—10% ли хлорид кислота эритмаси билан ҳўлланади.

Касаллик эндиғина бошланганида уни бир марта даволаш билан ҳайвон тузалиши мумкин, даволаш кечиктирилганда уч-тўрт кун оралатиб яна икки-уч марта даволаш керак.

### **НАТРИЙ ГИПОСУЛЬФИТ ВА НАТРИЙ БИСУЛЬФАТ БИЛАН ДАВОЛАШ**

Аввало кукун ҳолдаги натрий гипосульфитга тенг миқдорда натрий бисульфат, сўнгра сув аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашма касалланган ҳайвон терисининг жароҳатланган қисмига суртилади.

Натрий гипосульфит ва натрий бисульфатни 40° ли 30% ли сувдаги эритмаси шаклида ҳам қўллаш мумкин. Бу эритмалар алоҳида-алоҳида чўткада терининг жароҳатланган қисмига суртилади. Натрий бисульфат эритмаси биринчи бўлиб, терига суртилган натрий гипосульфит эритмаси қуригандан кейин суртилади. Тахминан уч-тўрт кундан кейин даволаш курси такрорланади.

Юқоридаги препаратлар ҳайвон танасига суртилгандан кейин ўзаро реакцияга киришиб, сульфит ангидридини ҳосил қиласди. Бу ҳодиса тахминан беш кун давом этади, шунинг учун каналар ва уларнинг тухумларидан чиққан личинкалар шу вақт ичидаги ўлади, натижада ҳайвон соғаяди.


### ВАННАЛАРДА ДАВОЛАШ

Бу усул қўйларнинг тери усти қўтири (псороптоз)ни даволашда ёзда қўлланилади. Шу мақсадда стандарт ванналардан фойдаланилади. Ванналар одатда ердан қазилиб, цементланган (узунлиги 12—15 м, тагининг кенглиги 60 см, суюқлиқ кўтарилиган сатҳининг кенглиги 90 см ва чуқурлиги 1,5 м) ёки яшикдан қилинган бўлиб, унга кириладиган томони тик, чиқиладиган томони бирмунча ясси тузилган, тепкичаги бўлади.

Ваннага кириладиган томонда унча катта бўлмаган майдон ажратилиб, у ердан қўйлар ваннага ҳайдалади, ваннадан чиққандан кейин қўйлар устидан оққан суюқлиқ ваннага қайтиб тушиши учун иккинчи майдонча бўлиши керак. Ванна ёнида ўчоқ бўлиб, унга қозон ўрнатилган. Бу қозонда сув иситиб эритма ва эмульсиялар тайёрланади (40- расм).

Одатда чўмилтиришдан олдин отардаги қўйлардан бўғозлари, ориқ қўйлар ва қўзилар ажратилади ва улар алоҳида-алоҳида чўмилтирилади. Чўмилтиришдан уч-тўрт кун олдин уларнинг жунлари олиниб, даволашга тайёрланади, чўмилтиришдан 10 соат олдин озиқ бериш тўхтатилади, бир-икки соат олдин суфорилади. Ҳайвонлар маҳсус ажратилган йўлдан ҳайдаб келиниб, ваннага туширилганда калласи билан бир-икки секунд шўнгитиб юборилади. Ваннадан чиққан қўйлар чиқиш майдончасида 15—20 минут туради, бу вақтда унинг устидаги эмульсия оқиб тушади, кейин улар шамол тег-

майдиган, офтоб тушмайдиган жойга ҳайдалиб, уч кун ветфельдшер ёки ветврач назорати остида бўлади. Ваннадаги суюқлиқнинг ҳарорати 36—38° бўлиши шарт. Кўйларни эрталаб ёки кечқурун салқинда чўмилтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки жазирама иссиқда қўйларнинг териси куийб, улар заҳарланиши мумкин.



40-расм. Ваннанинг схематик тузилиши

Шунингдек, ёмғир ёққан, шамол турган кунлари чўмилтириб бўлмайди. Акс ҳолда, қўйлар шамоллаб қолиши мумкин. Одатда уч ойдан ошган қўзилар билан ориқ қўйлар алоҳида чўмилтирилади. Бўғоз қўйлар билан (уч ойлик бўлгунича) қўзилар жуда эҳтиётлик билан қўлда чўмилтирилади. Чўмилтирилган қўйлар шу атрофдаги қўтирилган яна қўшилади ва 5000 қўй чўмилтирилади, шундан кейин эмульсия алмаштирилиб, ваннанинг ичи тозаланади.

Хозирги вақтда турли қўтирилган касалликларининг олдини олиш ва даволаш мақсадида гексахлоран, ДДТ аралаштирилган креолин эмульсияси ва бошқалар ишлатилади.

**Гексахлоранли креолин эмульсиясини тайёрлаш учун** бир ҳисса тоза гексахлоран ёки икки ҳисса ДДТ, тўрт ҳисса тошқўмир мумидан тайёрланган 6, 10, 11- номерли «чўмилтириш» креолини олинади. Креолин қозонга қўйилиб, 60—70° қиздирилгандан сўнг, оз-оздан гексахлоран солиб, яхшилаб аралаштирилади. Бу аралашмага 60—70° иситилган беш ҳисса сув қўшиб яна яхшилаб аралаштирилади. Тайёрланган препарат «концентрланган» (қуюқ) аралашма дейилиб, ундан молларни чўмилтириш учун суюқ — ишчи эмульсия тайёрланади. Шу мақсадда ваннага 97,5 л сув қўйилиб унга 2,5 л қуюқ (концентрланган) гексахлоранли креолин эмульсияси қўшилади. Натижада ваннадаги суюқ эмульсия таркибида 0,25% гексахлоран ёки 0,5% ли ДДТ, 1% ли креолин бўлади.

Демак, ваннанинг ҳажмига қараб гексахлоран (ёки ДДТ) билан креолиннинг миқдорини олдиндан ҳисоблаб чиқиб, қуюқ концентрланган аралашма тайёрлаб, тўғридан-тўғри ваннага қўйиш мумкин.

Гексахлоранли креолин эмульсияси юмшоқ сувда тайёрланади, унинг ҳарорати 20—25° га етказилади, бу ваннада қўйлар бир минут чўмилтирилади. Бу эмульсияда бир марта чўмилтириш етарли. Сўнгра қўйлар ичидан қўтири билан касалланганларигина ажратиб олиниб иккинчи марта чўмилтирилади.

Одатда қўйлар бир марта чўмилтирилгандан кейин гексахлоран икки ойгача қўтири каналарни ўлдириши мумкин. Креолин эмульсияси ишлатилганда у қўйлар, чўмилтирилишидан 10 кун олдин текширилади. Бунинг учун креолиндан ( $40^{\circ}$  сувда) 2% ли эмульсия тайёрланади. Эмульсия бетида ёғ томчилари билан бирга қуюқ масса шаклидаги чўкма ҳам ҳосил бўлмаслиги керак. 10 соат давомида эмульсия бетида чўкма ҳосил бўлса, бу эмульсияни тайёрлашда ишлатилган сувга ишқор (поташ, кальцийланган сода) қўшилади.

Креолинни синаш учун унинг 2,5% ли эмульсиясида 10—15 та кучли касалланган қўйларни чўмилтириб, саккиз кунгача назорат остида боқилади. Бу вақтда қўйларнинг заҳарланиши сезилмаса, креолиннинг 2% ли эмульсиясида қўйлар чўмилтирилаверади.

Ваннадаги эмульсиянинг ҳарорати  $39-40^{\circ}$  га етказилади. Бунинг учун вақт-вақти билан яхши аралашти-

рилган қайноқ әмульсия құшиб турилади. Қўйларни беш-етти кундан кейин яна бир марта чўмилтириш керак. Чунки бу вақтда ҳайвон танасидаги қўтириш кана тухумларидан личинкалар етишиб чиқади ва улар иккинчи марта чўмилтирилганда тўлиқ ҳалок бўлади.

**Гексахлораннинг 3% ли гамма изомери билан активлаштирилган креолин әмульсияси.** Майин жунли қўйлар профилактик мақсадда гексахлораннинг 3% ли гамма изомери билан активлаштирилган креолиннинг сувдаги 0,5% ли, дағал жунли қўйлар эса 1% ли әмульсияси билан бир марта чўмилтириллади. Ваннадаги әмульсиянинг ҳарорати 18—20° бўлиши керак. Қўтириш қўйларни чўмилтириб даволаш учун ваннадаги тайёрланган суюқ—ишчи активлашган креолин әмульсиясини яна 0,25% га кўтариш керак.

Гексахлоран гамма изомерининг миқдори 3% дан кам бўлганида бундай сериядаги активлашган креолин қўтириш касаллигига қарши курашда фойдасизdir.


Қўйларни қўтиридан даволашда СК-9 препаратининг сувдаги 2% әмульсияси ҳам ишлатилади. Бунинг учун ваннадаги әмульсия 40° иситилганда қўйлар икки минут чўмилтириллади. Қўйлар бу әмульсияда профилактик мақсадда бир марта, даволаш учун ҳар 5—7 кунда икки марта чўмилтирилиши керак.

### **КАМЕРАДА ГАЗ ДУДЛАТИБ ДАВОЛАШ**

Бу усул барча фаслларда амалга оширилиши мумкин. Асосан от билан түя, баъзан бошқа турдаги ҳайвонлар даволанади. Бу усулнинг асосий камчилиги унинг кўп вақт талаб қилишидир.

Газ билан даволаш учун ҳар бир турдаги молнинг ўзига маҳсус камералар қуриб жиҳозланади. Сўнгра у сульфит ангидриди, яъни хлорпикрин билан тўлдирилади. Камеранинг сатҳи отлар учун: узунлиги 2,4 м, эни 0,9 м ва баландлиги 1,9 м. Бундай камеранинг сатҳи  $4,1 \text{ м}^2$  бўлади. Камералар бир ёки кўп жойли ҳамда доимий (стационар) ёки кўчма бўлиши мумкин (41-расм). Уларни қуриш учун ҳар қандай қурилиш материалларидан фойдаланиш мумкин, иссиқликни кам ўтказиб, ҳавони чиқармайдиган камералар талабга айнан жавоб беради.

Олтингугурт ёки углеродсульфит (сероуглерод) ни ёндириш учун камерага печь ўрнатиласи, у қулай қурилганда зарур миқдордаги сульфит ангидриди билан тұлиқ таъминлайды. Шу мақсадда ветеринария врачи А. Е. Любимов конструкциясига биноан тузилған печка жуда қулайдыр. Бу печка уч қисмдан, яъни ўт ёқадиган,



41-расм. Икки ўринли күтирга қарши ишлатиладиган газ камераси

олтингугурт ёндирадиган ва шамоллатиладиган (вентиляция) бўлимларидан иборат. Ўт ёқадиган бўлими ўз навбатида ўтин қаланадиган коробкадан, ўтхона панжараси, шамол кирадиган тешик, тутун чиқадиган мўридан иборат. Олтингугурт ёндириладиган бўлим ўт ёқиладиган бўлимнинг устида жойлашади, у коробка шаклида ҳамда унинг тагига металдан тайёрланган тигельча (плита) қўйилиб, ён томонидан ташқи ҳаво билан алоқада бўлиши, ёндириладиган олтингугуртни киритиш учун эшикчаси бўлади. Олтингугурт ёндириладиган бўлимнинг юқори қисмida мўри бор, ундан камерага олтингугурт гази киради. Газ дудлатиладиган камерада иккита — олд ва орқа томондан эшик бўлиши мақсадга мувофиқ, газ чиқадиган ёриқлар қолдирилмаслиги зарур.

Камеранинг ичига отларни орқа ва олдига ҳаракат қилмаслиги, йиқилса кўтариб қоладиган автоматик осувчи аппарат билан иккита кўндаланг ёғоч ўтказилади. Камеранинг олдинги эшигидан 1—1,5 м узоқликка столба кўмилади. Сўнгра от бошини камерага тортиб олмасин учун бу столбага тортиб боғлаб қўйилади.

Газ дудлатиладиган камеранинг юқорисига ишлатилган кийим, асбоб-ускуна, анжомлар осилади. Сўнгра

орқадаги эшикдан бутун танаси қуруқ бўлган от кири-тилади. Уни ичкаридан кўндаланг қўйилган ёғоч ва автоматик равишда кўтариб ушлаб қолувчи аппаратга ташқаридан олдинги эшикка яқин кўмилган столбага боғлаб қўйилади. Ёнгарчилик вақтида молларни газли камерада даволашга рухсат этилмайди, чунки уларнинг терисидаги намлик билан сульфит ангидриди реакцияга киришиб, сульфит кислотаси ҳосил бўлишидан (ҳайвон териси, шиллиқ пардалари куйиши мумкин) унинг таъсири йўқолади.

Камерада даволашдан олдин отнинг бўйнига юмшоқ материалдан қилинган бош-бўйинга «қопчиқ» кийгизилади, унинг бир томони эшикдаги овал тешикка, иккичи томони отнинг бўйни ва бошига ҳаво чиқмайдиган қилиб ёпиштирилади.

Юқорида келтирилган усулда газ камерани жиҳозлаш ва молларни даволаш, маълум талабга жавоб берадиган инструкцияга асосан бажарилади. Камерада олtingугурт дудлатиб даволашдан олдин молнинг тўғри боғланганлиги бош-бўйин атрофидаги «қопчиқ» танага мустаҳкам ёпишганлиги, эшикласининг зич бекитилганлиги яна бир марта текширилади. Отнинг аҳволидан бутун даволаш (сеанс) даврида хабардор бўлиб турилади.

Сульфит ангидриди қичима-қўтирилганасининг кутикуласидаги нафас олиш сатҳини ўраб, нормал ҳаво алмашинуви бузилади ва канани ўлимга олиб келади. Қичима қўтирилганасини ўлдириш учун камерада сульфит ангидридининг концентрацияси 5% га етказилиши шарт ( $0,5\%$  кўп ёки оз концентрацияда бўлиши мумкин).

Сульфит ангидриди  $25-30^\circ$  да канага яхши таъсир қиласиди. Шунинг учун қишида даволашдан олдин камерадаги печкага ўт ёқиб иситилади.

Шунингдек, камера ҳароратини  $40^\circ$  дан ошириш керак эмас, акс ҳолда мол терлаб, реакция таъсирида унинг териси куйиши мумкин. Дуд камераси олtingугурт (1,31 грамм олtingугурт ёндирилганда 1 л сульфит ангидриди) ёки углеродсульфид (1,33 грамм сульфид ёндирилганда 1 л газ) ёндириш йўли билан олинган сульфид ангидриди билан тўлдирилади. Керакли миқдордаги сульфид ангидридини тўплаш учун қанча олtingугурт ёки углерод сульфид кетиши ҳисобланган-


да, препаратнинг сифатига ва уларнинг тўлиқ ёнишига аҳамият берилиши керак.

**Ҳисоблаш.** Бир литр сульфит ангидридини тўплаш учун 1,31 грамм тоза олтингугурт ёндирилади, камеранинг 1 м<sup>3</sup> да, яъни 1.000 л ҳавода 5% сульфит ангидрид бўлиши учун 50 л тоза сульфит ангидриди керак. Шунча сульфит ангидридини тўплаш учун 66 ( $1,31 \times 50 = 66$ ) грамм олтингугурт ёндириш лозим.


Демак, 4 м<sup>3</sup> ҳажмли камерада 5% сульфит ангидридини тўплаш учун ( $66 \times 4 = 264$ ) 264 грамм олтингугурт керак. Маълум миқдордаги сульфит ангидридининг камера деворлари орқали шимилишини, қисман айрим ёриқлардан ташқарига чиқиб кетиши ҳисобга олиниб, олтингугурт бирмунча кўпроқ ёндирилиши керак.

Молларни дудлатиб даволашда камерага тўпланаётган сульфит ангидридининг концентрацияси ҳар 45—60 минутда иодометрия усулида аниқлашади (42-расм).

**Камерадаги сульфит ангидридининг концентрациясини иодометрия усулида аниқлаш.** Бунда сульфит ангидриди иоднинг сувдаги эритмаси билан реакцияга кириб, сульфат кислотага айланади. Иод эса рангиз суюқлиққа, яъни иодид кислотага айланади:



Формуладан сульфит ангидридини аниқлаш учун икки-тўрт литрли бутилка, 20—30 миллилитрли юувчи пробирка ва 1 м узунликдаги диаметри 1,5 см ли резина найча, қисқичлар, 250—300 миллилитрли ўлчагич цилиндр ва шкалаларга ажратилган 15 миллилитрли пишетка олиш лозим. Реактивлардан децинормал иод эритмаси билан 0,5% ли крахмал эритмаси ишлатилади. Камеранинг девори тешилиб, унга шишадан тайёрланган найча (конюла) киритилади. Конюланинг иккинчи учига резина найча уланади. Бу найча ювиш пробиркачаси билан, у эса сифони бўлган бутилка билан туташтирилади. Сифоннинг чиқарадиган каналчаси ўлчаш цилиндрига туташади. Камера деворидан ювиш пробиркачасига ва шиша идишдан ўлчаш цилиндрига борадиган резина найчаларга қисқич қўйилади. Ювиш пробиркачасига 5 миллилитр децинормал иод эритмаси билан 5 миллилитр дистилланган сув ва беш-олти томчи 0,5% ли крахмал эритмаси қўйилади. Аппаратнинг



42-расм. Иодометрия усулида камерадаги газни аниқлаш учун ишлатиладиган асбоблар:  
A—олтингүргүт ангидриди концентрациясини иодометрия усулида аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб:

1—канюла; 2 ва 5 қисқиçлар; 3—промивалка; 4—тубуслы шиша; 6—ўлчагиç цилиндр

B—иодометр шприци билан

зич беркитилганлигини текшириш учун биринчи ювиш пробиркаласыга борадиган қисқиç беркитилади ва иккинчи шиша идишдан ўлчаш цилинтрига борадиган қисқиç очилади. Цилиндрга сув чиқмаса, қисқиç очилиб, аппарат орқали ювиш пробиркасидаги суюқлиқ оқаргунча газ чиқарилади. Ўлчаш цилиндрга туташган сув миқдорига қараб анализ учун чиқарилган газнинг миқдори ҳисобланади.

Маълумки, 1 миллилитр децинормал иод эритмаси ўзига 1,1 миллилитр сульфит ангидридини биректиради. Ўлчаш цилинтрига 132 миллилитр сув тушган бўлса, у аппаратдан 132 миллилитр газ ўтганлигини кўрсатади ва ювиш пробиркасидаги 5 миллилитр эритма ( $1,1 \times 5 = 5,5$  миллилитр) 5,5 миллилитрли ангидридни биректиради. Демак, аппаратдан ҳаммаси бўлиб  $132 + 5,5 = 137,5$  миллилитр ҳавонинг сульфит ангидриди

билин аралашиб ўтганлиги аниқланди. Энди сульфит ангидридининг камерадаги процент миқдори аниқланади.

$$\frac{137,5 - 5,5}{100 - X} \quad X = \frac{100 \times 5,5}{137,5} = 4\%$$

Демак камерада 4% сульфит ангидриди бор экан, даволаш түғри ўтказилмоқда.

Моллар газ дудлатиб даволанадиган камералар аҳоли яшайдиган бинолардан, ферма экин майдонларидан узоқроқ қурилади, чунки сульфит ангидриди инсон ва ҳайвон организмига, ҳатто ўсимликларга ҳам зарар етказиши мумкин.

### ҚҮТИРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Хўжаликдаги қўтирни тўлиқ йўқотиш учун мураккаб комплекс тадбирлар бажарилиши керак. Бунинг учун қўтир билан касалланган молларни даволаш, касаллик юққанлиги гумон қилинган молларни профилактик мақсадда дорилаш, молхона, қўтон, асбоб-ускуналар, эгар-жабдуқлар дезинвазия қилинади. Қўтир мавжуд хўжалик карантин қилиниб, моллар етарли миқдорда сифатли озиқлар билан боқилади. Фақатгина қўтир билан касалланган молларни даволаш билан чегараланиб, комплекс профилактик тадбирлар амалга оширилмаган хўжаликларда баҳор келиб, ҳаво исиши билан қўтир каналар ўлади, аммо айрим каналар тирик қолиб, кузда ёғингарчилик натижасида намлик даражаси кўтарилади, бу каналарнинг кўпайишига, хўжаликда яна қўтир касаллиги пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Қўтир касаллиги тарқалган хўжаликлардаги моллар уч группага: касаллангани аниқланган, касаллик юққанлиги гумон ва соғ ҳайвонларга бўлинади.

Ҳар қайси группадаги моллар алоҳида-алоҳида боқилади. Касалланган моллар дарҳол юқоридаги усуллар билан даволанади ва бутун даволаш даврида етарли миқдорда сифатли озиқ бериб боқилади. Хўжаликдаги ҳамма моллар ҳар куни ветеринария врачи назоратидан ўтказиб турилади. Қўтир юққанлиги гумон

труппадаги моллар ҳам қўтирилган касаллигига қарши даволанади. Учинчи группага кирган соғлом моллар касалликнинг олдини олиш мақсадида дориланади.

**Чорва биноларини дезинвазия қилиш.** Моллар қўтирилган билан кўпинча қўтирилган моллар киритилган молхоналарда касалланган молларга ишлатилган асбоб-ускуналар, эгар-жабдуқлар, молбоқарларнинг ишчи кийимлари орқали заараланади. Шунинг учун молларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш билан бир қаторда, молхона, қўтон ва қўралар атрофидаги майдонларда қўтирилган каналарни ўлдириш тадбирлари ҳам амалга оширилиши керак.

Бинолар, унинг ичидаги барча асбоб-ускуналар, чўпонларнинг шу ерда киядиган коржомалари дезинвазия қилинади. Бунинг учун 5% ли совунли карбол кислота, 5% ли тошкўмир ёки 7—8% ли торфли креолиннинг 95° қиздирилган эмульсияси, 3% ли сульфат кислотаси билан карбол кислотасининг қайноқ эритмаси, 3% ли иссиқ лизол, 5% ли гексахлоран билан активлаштирилган креолин эмульсияси ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Гексахлораннинг соляр мойида тайёрланган эритмаси аэрозол усулида ( $1\text{ m}^3$  га 20—30 миллилитр эритма ҳисобида) ишлатилади. Ҳар етти-саккиз кунда икки-ўч марта дезинфекция қилинади. Қўтирилган билан касалланган ҳамма моллар тўлиқ даволангандан кейин сўнгги марта (заключительний) дезинвазия ўтказилади.

Яйловларни биологик заарсизлантириш мақсадида унда 2—5 ой мол боқилмайди, бу вақтда қўтирилган каналар биологик усулда очликдан ўлдирилади. Бу усулда, айниқса, молхоналарни дезинвазия қилиш қулайдир.

Даволаш ва касалликнинг олдини олиш (профилактика) мақсадда моллар дорилангандан ҳамда заарсизлантирилганнан кейин биноларга ўтказилади. Айни вақтнинг ўзида соғлом моллар боқилаётган молхоналар ойига икки марта дезинвазия қилинади. Хўжаликка янги сотиб олинган моллар профилактик жиҳатдан карантинга қўйилиб, тез-тез ветврач назоратидан ўтказиб турилади. Қўтирилган яширин касалланган ҳайвонлар жуда хавфлидир. Хўжаликда куз ва қишида қўтирилганнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилинганидагина бу касалликнинг тугатилганлигига ишониш керак. Чунки, ба-

ҳор ва ёз фаслларида қўтириш яширин кўринишда суурнекали кечиб, унга диагноз қўйиш қийин бўлади. Қўтириш касаллиги тўлиқ тугатилганидан кейин хўжалик бир йил мобайнида ветеринария врачи рўйхатига олиниб, унинг назорати остида бўлади.

Қўтириш касаллиги мавжуд отарлар, ферма ва отхоналардаги моллар даволаниб, касаллик тўлиқ тугатилгучида улар етарли миқдорда сифатли озиқ билан таъминланиши керак. Ҳамма қўй, эчки ва чўпонларнинг итлари акарицид препаратлар билан профилактик мақсадда дориланади, қўйларни захкаш, қоронфи ва кичик қўтон, молхоналарда, айниқса зич ҳолда асрашга йўл қўйилмаслиги керак.

Қишида қўйлар шамолсиз, ҳаво очиқ кунлари бостиришларда, очиқ базаларда боқилиши керак.

Ёзда бу моллар учун илгари касалланган қўйлар боқилмаган яйлов ажратилади.

От ва қорамоллар ҳар куни тозалаб турилиши, ҳар бир мол учун алоҳида станок (турар жой), асбоб-ускуна, эгар-жабдуқ, чўтка ва бошқалар ажратилиши зарур. Касалланган мол турган отхона, молхона, ҳовли ва яйловга соғлом моллар мутлақо киритилмайди.

Қўтириш билан касалланган ишчи ҳайвонлар алоҳида ажратилиб ишлатилади. Соғлом молларни касалланган моллар билан бир қудуқдан суворишга ёки бир оҳурдан боқишга йўл қўйиш керак эмас.

Қўтириш касаллиги аниқланган хўжаликка — отхона, ферма, ҳовли ва бошқаларга карантин эълон қилиниб, маълум инструкцияга асосан қўтириш касаллигини йўқотишга оид тадбирлар амалга оширилади. Энг охирги касалланган ҳайвон соғайиб кетганига 21 кун бўлганида хўжалик соғлом ҳисобланиб, ундан сўнг карантин бекор қилинади.

## ДЕМОДЕКОЗ

Демодекоз — қўтириш касаллиги каби инвазион касаллик бўлиб, у билан ит, мўйнали йиртқичлар, қорамол, эчки, айрим вақтларда от, чўчқа, қўй, мушук ва одамлар касалланади. Касаллик Тромбидиформес кенжа туркумига киравчи Демодицидэ — оиласининг Демодекс авлодига кирадиган каналар томонидан қўзғатилади.

Демодекоз хўжаликка катта иқтисодий зарар келтиришига қарамасдан, ҳанузгача етарли ўрганилган эмас.

**Қўзғатувчиси** — Демодекс кана (43-расм) бўлиб, унинг танаси бирмунча узунроқ оёқлари калта, ҳар қайси оёғи уч бўғинли, иккита тирноқ билан тугайди. Танасининг орқа қисми кўндалангига чизилган. Бу кананинг узунлиги 0,25—0,3 мм, эни 0,04 мм, тухуми урчуқ шаклида, узунлиги 0,07—0,09 мм, эни 0,025 мм. Паразит хўжайинларининг жун пиёзчаларида, тер ва ёғ безларида паразитлик қилиб ривожланади. Улар хўжайинларининг ҳамма ички органларида (ўпка, жигар, талоқ, ичак, сийдик пуфаги) ҳам паразитлик қилиши мумкин.



43- расм.

Демоде-  
коз қўзға-  
тувчиси —  
Демодекс

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Демодекс жун пиёзчаси, тер ва ёғ безларида ривожланади, урғочилари қўйган тухумлардан бир неча кундан кейин личинка ривожланиб, етук канани эслатади. Аммо у уч жуфт оёқлари борлиги билан кана ва нимфадан ажралиб туради. Личинка туллаб, биринчи нимфа га сўнгра яна бир туллаб, тўрт жуфт оёқли иккинчи нимфага айланади, хартуми ривожланади. Бир неча кундан кейин иккинчи нимфа жинсий жиҳатдан вояга етади. Унинг тўлиқ ривожланиши учун ўрта ҳисобда 25 кун ўтади.

**Эпизоотологияси.** Касаллик соғлом молни касаллангани билан бирга боқишда, улар бир-бирига тегишидан (контакт), асбоб-ускуналар орқали юқади. Бу касаллик айниқса молбоқарлардан механик равишда, унинг ишчи кийимлари орқали ҳам тарқалиши мумкин.

Демодекоз касаллиги билан кўпинча калта жунли, бирор бошқа касаллик билан оғриган ориқ ва ёш итлар касалланади. Ҳайвонларни демодекоз билан сунъий касаллантириш жуда қийин. Демодекоз кана ташқи муҳит таъсиридан тез ўлади. Лаборатория шароитида, ходильникда 21 кунгача сақланиши мумкин.

**Патогенези.** Патогенли таъсири, инвазиянинг даражаси ва ҳайвоннинг умумий ҳолатига боғлиқ. Каналар жун пиёзчаси, тери ва ёғ безларида урчиб кўпаяди. Бунда ҳайвоннинг жуни тўкилиб кетади. Шунинг билан бирга, улар ҳар хил патоген микроблар учун йўл очиб беради.

**Клиник белгилари.** Белгилари асосан итларда ўрганилиб, икки хил тангача (чешуйчатий) ва йириングли (пустулёз) формада ўтади.

Тангача формаси — оёқ терилари, кўз, баъзан гавдада учрайди, касалланган ернинг жунлари тўкилади, доғлар пайдо бўлади, бу доғларниң усти кўкимтиргижигар рангдаги пўстлоқлар билан ёпилган бўлади. Терининг жароҳатланган жойи унчалик қичимайди, касаллик бир неча ойларга чўзилади.

Пустилёз формаси — ҳайвоннинг оёқ, бош ва танасида учраб шу ердаги жунлари тўкилади. Бадани қизариди заарарланган жойларда тугунчалар пайдо бўлади. Сўнгра бу тугунчаларниң ичи йириングли суюқлиқ билан тўлган пуфакчаларга айланади. Бу жойлардаги жунлар тўкилади. Терининг усти мисга ўхшаган қизил рангли кепак сепилгандек пўстлоқлар билан қопланади.

Касаллик бу формада ўтганда ҳайвон кам тузалади, кўпинча ориқлаши ёки сепсис ривожланиб ўлимга олиб келади.

Қорамолларда касаллик қулоқ атрофида, танасининг ён томонларида, елка ва қобирға ораларида тариқ дони, нўхат катталигида тугунчалар ҳосил қилиб, жунларининг тўкилиши билан характерланади.

Отларниң энса терилари, мушукларниң калла терилари, чўчқаларниң калла ва баданининг бошқа жойидаги териси заарарланади.

Диагнози клиник белгиларига асосан қўйилса ҳам микроскопда текшириб тасдиқланиши керак. Демодекс каналарни топиш учун заарарланган жойдан чуқур қилиб қиринди олинади ва қўтириш канаси каби текширилади.

**Даволаш.** Қўтириш касалликларини даволашда қўлланиладиган дори ва усуллар демодекоз учун ҳам фойдалидир. Итларни даволашда яна трипансиннинг 1% ли эритмасидан 0,5—1,0 миқдорда олиб ҳар олти кунда иккичарда венага юбориш фойдалидир.

**Кураш чоралари ва профилактик тадбирлар** ҳам қўтириш касалликларига қарши ўтказиладиган тадбирлардан иборат.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ЭНТОМОЛОГИЯСИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЭНТОМОЗЛАРИ

Ветеринария энтомологияси — паразит ҳашаротлар ва улар томонидан турли моллар ҳамда мўйнали ҳайвонлар ва қушларда қўзғатиладиган энтомозларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш шароитларини, диагностика, даволаш усулларини, профилактикаси ва уларга қарши кураш тадбирларини ўргатадиган фандир. Шунингдек, энтомология кўпгина паразит ҳашаротларни айrim инфекцион ва инвазион касалликларнинг тарқатувчиси нуқтаи назаридан ўрганади.

### ҲАШАРОТЛАРНИНГ УМУМИЙ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Ҳашаротлар, яъни инсекта синфига кирувчи ҳайвонларнинг танаси уч бўлак: бош, кўкрак ва қорин қисмларга бўлинганлиги билан характерлидир. Танаси ташқи скелетли, хитин билан қопланган. Уч бўғинли кўкрак қисмида уч жуфт бўғим оёқлари ва икки жуфт қанотлари бор.

Айrim турдаги ҳашаротларнинг қанотлари бўлмайди. Бош қисмида бир жуфт антеннаси (мўйловлари) бўлади. Ҳашаротлар кўкрак ва қорин қисмларининг икки ёнида очиладиган нафас олиш органлари — кекирдаклари орқали нафас олади. Уларнинг ҳазм қилиш органлари оғиз бўшлиғи, томоқ, қизилўнгач, ўрта ва орқа ичакдан иборат бўлиб анус билан тугайди. Оғиз бўшлиғига бир жуфт сўлак безларининг йўли туташади, ўрта ичакка эса ажратиш органлар функциясини бажарувчи мальпиги найлари очилади.

Қон айланиш системаси очиқ юрак ва аортадан иборат. Уларнинг қони хилма-хил рангда (оқ, сариқ, кўқ,

айрим вақтларда қизил) бўлиб, тана бўшлиғини тўлдириб туради.

Жинсий органлари қорин бўшлиғида жойлашади. Эркакларнинг икки дона уруғдони бўлиб, уларнинг ҳар биридан биттадан уруғ йўллари бошланади. Бу иккита уруғ йўлларининг бирикишидан битта умумий уруғ ташувчи канал ҳосил бўлади, копулятив орган бўлиб тугайди. Урғочиларининг иккита тухумдонлари бор, улардан тухум йўллари бошланиб қин-вагинага очилади.

**Ҳашаротларнинг биологияси.** Ҳашаротлар тўлиқ ва чала метаморфоз билан ривожланиб, тўлиқ метаморфоз вақтида тухум, личинка, ғумбак ва имаго даврларини ўтади. Ҳашаротлар чала метаморфоз билан ривожланганда ғумбак ёки личинка даврини ўтмайди, аммо тузилиши жиҳатидан имагони эслатади.

**Ҳашаротлар систематикаси.** Ҳозирги вақтда ҳашаротларнинг бир миллионга яқин тури аниқланиб, шундан 50 мингдан кўпроғи ҳайвонларда паразитлик қилиб яшашга мослашган. Бу паразит ҳашаротлар тўртта: икки қанотлилар (диптер), битлар (аноплюра), пархўрлар (маллофага), бургалар (апониптер) туркумига бирлашганлар. Икки қанотлилар туркуми учта кенжак туркумга бўлинади, улағга калта мўйловлилар — брахицера (бўка, сўна ва чивинлар), узун мўйловлилар — нематоцера кулицид пашшалар (кулицидлар) ва куклеродлилар — пупипара (қўй ва от қон сўрғичлари) вакиллари киради.

Молларда бўка касалликлари кенг тарқалган, қорамолларда — гиподерматоз (тери бўка касалликлари) шимол буғиларида — эдемагеноз (тери бўка касаллиги), отларда — гастрофилёз (қорин-ичак бўка касалликлари), қўйларда — эстроз (бурун бўшлиқ бўка) касалликларини ва бошқа касалликларни тарқатувчи ҳашаротларга қарши кураш тадбирларини ўрганиш зооветеринария ходимлари учун муҳим вазифадир.

### ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГИПОДЕРМАТОЗИ [ТЕРИ БЎКА КАСАЛЛИГИ]


Тери бўкаси ҳиподерма бовис, ҳиподерма линеатус ва бошқалар қорамолларда сурункали кечадиган гиподерматоз касаллигини вужудга келтиради. Гиподерматоз бошқа республикалар каби Ўзбекистонда ҳам кўп

тарқалган бўлиб, хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиради: ҳайвон терисининг сифати пасаяди, сути камаяди, гўштнинг ҳам сифати, ҳам миқдори пасаяди.


#### Касалликнинг қўзғатувчиси ва унинг ривожланиши.

Бу касалликни қорамолларнинг териси остида паразитлик қиласидан тери бўкасининг личинкалари қўзғайди. Тери бўкаси икки қанотли ҳашарот бўлиб, катта чивинга ўхшайди. Унинг танаси сариқ ва қора қуюқ туклар билан қопланган бўлади. Тери бўкаси апрель ва май ойларида пайдо бўлиб, уруғланган ургочи бўка тухум қўя бошлайди. Ургочи бўкалар қорамолларнинг орқа оёқлари ва қорин жунларига тухум қўяди. Ҳар бир ургочи бўка 500 дан ортиқ тухум қўяди. Орадан икки-тўрт кун ўтгач тухумдан майдаги личинкалар пайдо бўлади ва тери ни тешиб, унинг остига ўтади, сўнгра тери ости бириктирувчи тўқималари орқали ҳайвоннинг бўйнига томон силжийди ва қизилўнгач деворига ўтиб, у ерда 5 ой яшайди. Сўнгра молнинг орқа томонига қараб йўл олади.

Ўзбекистон шароитида бўка личинкалари молнинг орқа томонига,— елкасига декабрь, январь-февраль ойларида етиб келади. Бу ерда личинкалар ғуж бўлиб (шиш ҳосил қилиб) яшай бошлайди, нафас олиш учун танасининг олдинги томонидаги ўткир илмоқлари, тана туклари ва ферментлар билан ҳайвон терисини тешади. Личинка орқа томонида жойлашган кекирдаги билан нафас олиб елкадаги шишда тахминан бир ой яшайди, сўнгра шишдаги тешикдан чиқиб ерга тушади (44-расм). Личинкалар одатда ҳайвон терисидан февраль ойининг охирларида ерга туша бошлайди. Ерда ғумбакка айланниб, 20—25 кундан кейин бу ғумбаклардан қанотли бўкалар чиқади. Уларнинг оғзи бўлмаганлиги учун ташқаридан озиқланмайди. Шу сабабли қанотли бўканинг умри жуда қисқа бўлиб, у бир неча кунгина яшайди холос. Шу давр ичида у мол терисига тухум қўяди.



A




B

44- расм. Ҳиподерма бўкаси:

А—қанотли даври (ёнида тухуми бср), Б—учинчи ёшдаги личинкалари (чапда *X. bovis*, ўнгда — *X. lineatum*)

Урғочи бўкалар тухум қўйиш учун яйловлардаги қорамолларга учиб келиб қўнганда улар чақмаслигига қарамасдан, мол жуда безовталаради ва ўтламайди. Кўпинча моллар бўкадан сақланиш учун яйловлардан қо-



45- расм. Тери бўкасининг ривожланиш схемаси

ча бошлайди. Бекинишга жой топилмаганида улар ўзларини сувга ташлаб, оёқ ва қоринларини бўкалар тухум қўйишидан иложи борича ҳимоя қиласиди. Тоғли жойларда эса, қорамоллар яйловлардан қочиш вақтида кўпинча баланд жойлардан йиқилиб жароҳатланади ёки майиб бўлади, ўтлай олмагани учун эса сути камаяди. Личинкалар мол танасидаги қон ва эт (гўшт) билан озиқланиб тери ости тўқималарини заарлайди, натижада шу жойдаги гўштнинг сифати пасаяди.

**Кураш чоралари.** Ўзбекистон шароитида тери бўкасининг личинкаларига қарши декабрдан апрель-май ойларигача кураш олиб борилади (45-расм). Бунинг учун тери бўкасининг ҳайвон танасидаги личинкалари шишлардан қўлда сиқиб чиқарилади ёки шишлардаги личинкаларга дори юбориб ўлдирилади. Ҳайвон танасидаги шишларнинг ҳаммаси бир вақтда очилмайди, шунинг учун бу ишни ҳар 10 кунда бир марта қайтариб туриш зарур.

Личинкаларни сиқиб чиқаришда уларни эзиб юбориш ярамайди. Чунки личинкалар эзилиб кетганда ҳайвон-

даги шиш йиринглаб, яра ҳосил бўлади. Личинкаларни шишлардан сиқиб чиқаргандан кейин ўрнига йод суриш лозим. Ҳайвон танасидан сиқиб чиқарилган личинкалар, албатта эзиз ташланиши ёки бирорта дезинсектицид препарати эритмасига солиниши керак.


Тери остидаги личинкаларни турлича тайёрланган химиявий дорилар: ДДТ, оқ чемерица илдизи ва хлорофос каби дорилар билан ҳам ўлдириш мумкин. Химиявий препаратлардан энг яхиси 1—3% ли хлорофосдир, у терига суртилади, ичирилади ёки тери ости ва мускул орасига юборилади. Шу билан бирга мол терисидаги личинкаларни ўлдириш мақсадида мол терисига бўка ўсиш даврида ДДТнинг 4—5% ли вазелин ёки кондицион соляр ёғидаги аралашмаси суртилади. Бу дори бир ой ҳайвонни тери бўкаси юқишидан ҳам сақлайди. Молларни қанотли бўканинг ҳужумидан сақлаш мақсадида куннинг иссиқ вақтида биноларда сақлаш ва уларни кечаси ҳамда эрталаб ўтлатиш тавсия этилади.

### **ОТ, ЭШАК ВА ХАЧИРЛАРНИНГ ГАСТРОФИЛЁЗИ [ОШҚОЗОН БЎКАСИ]**

От, эшак, хачирларнинг ошқозонида гастрофилус авлодига кирувчи 5 хил бўканинг личинкалари паразитлик қилиб гастрофилёз касаллигини қўзғатади. Бу касаллик ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилишини издан чиқарди, ориқлатади ва иш қобилиятини пасайтиради.

**Касаллик қўзғатувчилар ва уларнинг ривожланиши.** Ошқозон бўкалари етуклиқ даврида чивинга ўхшайди, лекин қанотли даврида от, эшак ва хачирларга зарар етказмайди. Фақат бўкаларнинг личинкаларигина катта зарар етказади. Урғочи бўкалар ёзда учиб юриб, бир туёқли ҳайвонларнинг лабларига, бўйни, олдинги оёқ, кўкрак ва қорин жунларига тухум қўяди. Отнинг жунига қўйилган тухумдан тўрт-беш кунда личинка чиқади. Бу личинкалар жуда майд бўлиб, бир миллиметрдан ошмайди. Битта ошқозон бўкаси бир мавсумда 700 тагача тухум қўяди. От тили билан терисини ялаган вақтда тухумлардан чиқсан личинкалар отнинг тилига ёпишади, сўнгра улар оғиз орқали ошқозонга боради. Личинкалар ошқозон деворига ёпишиб олиб, бу ерда узоқ вақт паралади.

зитлик қилади (46- расм). Баъзан отларнинг ичагида ҳам личинкалар учрайди. Отларнинг ошқозонидаги личинкалар шу ерда қишилайди ва ривожланиб, 12—20 миллиметрга етади. Баҳорда ёки ёз бошларида отнинг тезаги билан ерга тушади. Ерда ғумбакка айланади. Улар-



46- расм. Гастрофилус бў-  
каси:

*A*—учинчи ёшдаги личин-  
калар, *B*—ошқозонда ли-  
чинкаларининг жойлашиши

дан 25—30 кунда икки қанотли етук бўкалар чиқади. Отларнинг ошқозонида бўка личинкалари жуда кўп бўлади, баъзан улар мингтадан ҳам ошиб кетади. Личинкалар отларнинг ошқозонида паразит ҳолда яшаб, отларга жуда катта зарап келтиради, ошқозон деворига ёпишиб олиб, уни яллиғлантиради, қаттиқ касалликка дучор қилади ва охири ўлишига ҳам сабаб бўлади.

**Касалликнинг белгилари.** Бу касалликка учраган ҳайвонларнинг иштаҳаси пасаяди, баъзан бутунлай ўйқолади. От айниқса овқат ҳазм қилиш процессида бошини қорнига эгиб туради, натижада ҳайвон жуда озиб кетади. Отларда доимий ошқозон оғриғи ва тез-тез санчиқ сезилади, ўлган ва сўйилган отларнинг ошқозони очиб қаралганда, ошқозон бўкаларининг жуда кўп нусхада личинкалари кўринади. Бўка личинкаларининг борлиги асосан эрта баҳорда аниқланади. Касалликни аниқлаш учун отларнинг ахлати синчиклаб қаралади ва тўғри ичагига қўл солиб текширилганда ҳам бўка личинкаларининг борлигини билиш мумкин. От ўлгандан сўнг меъдадаги ўзгаришларга қараб диагноз қўйилади.

**Кураш чоралари.** Касалликнинг олдини олиш учун аввало отларнинг жунидаги тухум ҳамда личинкалар ўйқотилиши керак. Бунинг учун ўткир пичноқ ёки шиша синифи билан бўкаларнинг тухумлари бор жойлар жун ётган томонга қаратиб қирилиши керак. Отлар шу усулда ёзда ҳар тўрт-беш кунда бир марта алоҳида ажратилган жойларда тозаланиб, улардан тушган жун ва


тухумлар күйдириб ташланади. Отлар жунидаги бўка-  
ларнинг тухумларини ва улардан чиқадиган личинка-  
ларни креолинда эритилган 0,25 % ли гексахлоран билан  
ҳам йўқотиш мумкин. Ошқозон бўкасига қарши кура-  
шишда яхши натижаларга эришиш учун барча хўжа-  
ликларда бир вақтда кенг кураш олиб борилиши лозим.

Отларнинг меъдасидаги ва ичакларидағи личинка-  
ларни йўқотиш учун бир кунда уч марта 6 миллилитрдан  
(тойларга 3 миллилитр) сероуглерод ёки бир марта 75  
миллилитр тўрт хлорли углерод олиниб желатина ёки  
зонд билан ошқозонга юбориш тавсия қилинади.

### ҚЎЙ ЭСТРОЗИ

**Қўй бўкаси** — эструс овис қўй ва эчкиларга катта  
зарар келтирадиган паразит бўлиб, эстроз касаллигини  
қўзғайди. Қўй бўкаси чивинга ўхшаган, унинг личинка-  
лари қўй ва эчкиларнинг бурун ва манглай бўшлифида  
паразитлик қиласди. Ўзбекистон шароитида қўй бўкаси  
кўп тарқалган, эстроз билан касалланган қўй, эчки  
«сохта айланчиқ» касаллигига учраб, кўпинчә нобуд  
бўлади.

**Касаллик тарқатувчиси ва унинг ривожланиши.** Воя-  
га етган икки қанотли чивин шаклидаги бўканинг умри  
қисқа, у 25 кундан ортиқ яшай олмайди. Ургочи бўка  
тухум қўймайди, балки личинка туғади, шунинг учун бу  
бўкани тирик туғар чивин ҳам дейишади (47- расм).



47- расм. Эструс овис:

A—ургочи, B—эркак, C—  
биринчи ёшдаги ва D—  
учинчи ёшдаги личинка-  
лар (ўнгда дорсал, чапда  
вентрал сатҳи кўрсатилган)

Ҳар бир урғочи бўқада 450—700 та личинка бўлади. Бўка ўзининг майданда личинкаларини қўйларнинг бурун тешигига қўяди. Қўйнинг бурунига тушган личинкалар тезда буруннинг ичкарисига қараб силжийди, булар бир ёшлик личинкалар деб аталади.

Бурун кавагининг ичига тушган личинка июль-август ойларида ҳайвоннинг миясига қараб силжийди ва пешона бўшлиғига ўтиши мумкин. Бу ерда икки марта туллаб, икки ва ундан кейин уч ёшлик личинкага айланади. Уч ёшга етган личинка пешона бўшлиғидан яна бурун бўшлиғига қайтиб чиқади ва қўй аксиргандага ерга тушиб, тупроқ орасига киради. Тупроқ орасида ғумбакка айланади, ундан 18—25 кунда қанотли бўка учиди. Уруғланган урғочи бўка девор ёриғи ёки бинога учиди боради ва у ерда бирор чуқурга қўниб, тинчгина ўтиради, ўзининг танасида личинкалар ҳосил бўлгандан кейин қўйлар орасига учиди бориб, қўйнинг бурун кавагига личинкаларини сочади: Ўзбекистон шароитларида қўй бўкаси бир йилда тўлиқ икки авлод бера олади. Қанотли бўкалар кўклам ва кузда учрайди.

Кўкламда улар биринчи майдан кейин 10—15 июнгача учиди юради ва шу пайтда қўй ҳамда эчкилар бурнига ўз личинкаларини сочади. Бу личинкалар август ойида икки марта туллаб, учинчи даврига айланади ва вояга етиб, август-сентябрь ойларида қўй ва эчкиларнинг бурнидан ерга тушади. Ерга тушган личинкалар ғумбакка айланиб, улардан қанотли бўкалар чиқа бошлийди. Бўка одатда сентябрь ойларида жуда кўп жойда учрайди.

Кузда қўй ва эчки бурнига тушган личинкалар бутун қиши мавсумида яшаб, эрта баҳордан бошлаб май ойигача ерга тушаверади. Ерга тушган личинкалар ғумбакка айланиб, ундан май ойидан 10—15 июнгача қанотли бўка чиқади. Шундай қилиб, бўка личинкалари қўйларнинг бурнида баҳорги заарланиш даврида 4 ой яшаса, кузги заарланиш даврида 6—7 ой яшайди.

**Қасаллик белгилари.** Бўка личинкалари танасидаги туклари билан қўй, эчкиларнинг бурун деворини жароҳатлаб яллиғлантиради. Натижада ҳайвоннинг бурнидан қон аралаш шилимшиқли экссудат оқади. Қўйлар пишқиради, аксиради, иштаҳаси бўғилади, ориқлайди. Пешона бўшлиғига ўтган личинкалар қўй ва эчкини жуда оғир аҳволга солади. Натижада қўй ва эчки ҳушидан

кетиши, бир жойда айланиш ва бошқа ценуроз касалликларидек (сохта айланиш) белгилар юз беради.

Касаллик оғирлашганда қўй ва эчки ўлади. Бўка касаллиги билан кўпинча қўзилар оғрийди.

**Кураш чоралари.** Қўй бўкасининг бир яшар ва ундан майда личинкалари пульверизаторда қўйнинг бурун шиллиқ пардасига йоднинг 0,25% ли сувдаги эритмаси, гексахлораннинг креолиндаги эмульсияси ёки эркак поротник экстрактининг эмульсияси пуркалиб ўлдирилади. Ерга тушган уч яшар катта личинкалар эзиб ташланади. Қўйлар турадиган жойларда ерга тушган катта личинкаларни йўқотиш учун ҳар куни қўй гўнги бир жойга тўплаб куйдирилиши зарур. Касалликка қарши қўй, эчкilarнинг қанотли бўкалари тутиб йўқ қилиниши керак. Маълумки, бўкалар кечқурун, кечаси ва эрталаб учмайди, мана шу вақтда баланддаги нарсаларга (девор, катта тош) қўниб турди. Шу жойлар ёки тахтадан қилинган кўчма деворлар ҳар куни эрталаб кўздан кечирилади ва ундаги бўкалар тутиб йўқотилади. Қўйларга туз бериладиган новаларга тешик қопқоқ қилиб, бирорта ҳидли дезинсектицид суркаб қўйилса, қўйлар туз ялаш вақтида тумшуғига препаратни юқтиради, натижада бўка ҳужум қилмайди.


#### **ТРАНСМИССИВ КАСАЛЛИК ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИНИ ТАРҚАТУВЧИ ҲАШАРОТЛАР**

Жуда кўп тарқалган турли хил ҳашаротлар молларда паразитлик қиласи ва инфекцион ҳамда инвазион касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатади. Бу нуқтai назардан жуда ҳам кенг тарқалган икки қанотли қонсўрар ҳашаротлардан — табанидэ, симулидэ, ҳелеидэ ва куликоид оиласининг вакиллари алоҳида ажралиб турди. Уларни ўзбек тилида **сўналар**, симулид майда **чивинлар**, куликоид **заҳкашлар** ва кулицид **пашшалар** деб аталади.

**Сўналар.** Кўпгина ўлка, область ва районларда кенг тарқалган. Икки қанотли қонсўрар ҳашаротлардан — сўналар табанидэ оиласига киради. Ҳозирги вақтда табанидэ оиласининг 2 200 дан кўпроқ тури аниқланган.

Сўналар заҳкаш, тўқай ва ўрмонзорларда ўрта ҳисобда бир йил давомида ривожланиши мумкин. Қон сў-

риб түйгөн урғочи сұна узоги билан бир ой яшай олади. Шу вақтда кичкина-кичкина, суви оқадиган ариқларнинг лабидаги ўсимлиқларнинг тана ёки поясига 300 тадан 1000 тагача тухум қўяди. Ўртача бир-икки ҳафтадан кейин бу тухумлардан личинкалар чиқиб улар 10—11 ой сув ва тупроқда яшаб, у ердаги органик моддалар билан озиқланади (48-расм). Ҳаво совиганида тухумдан личинка чиқиши бир ой давом этиши мумкин.



48- расм. Сұналар:

*A* — Табанус бовинус, *B* — Имагосининг оғиз аппарати — пастки лаб; *P* — пастки жағ пайпаслагичи; *C* — ривожланиш фазалари (тухум, личинка ва ғумбак)

Личинкалик даври тахминан бир йилга яқин давом этади. Личинкалар олти марта туллайди ҳамда метаморфоз ўзгаришларини тўлиқ тутатмаган ҳолда қишлиб чиқади. Баҳор келиши билан личинкалар ҳамма ривожланиш даврларини тутатиб, бирмунча қуруқ жойга ўрмалаб чиқади ва у ерда ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври олти кундан 25 кунгача давом этади, сўнгра қатонли, етук ҳашаротга айланади.

Айрим ривожланиб улгуролмаган личинкалар иккинчи марта такрор қишлиайди. Сўналарнинг фақатгина урғочилари қон сўради, холос. Эркаклари эса ўсимликларнинг шираси билан озиқланади. Сўналарнинг учиш муддати ҳар хил бўлиб, зоналарнинг иқлим шароитига боғлиқ. Марказий областлар билан Сибирда июнь ойининг иккинчи ярмидан июль ойининг охиригача (ўртача 50 кун) учади. Жанубий районларда учиш олдинроқ бошланиб, бирмунча узоқроқ давом этади. Сўналар эрталаб уча бошлайди, аммо энг актив кўриниши соат 11 дан

15 гача бўлали. Ҳарорат  $+15^{\circ}$  дан паст бўлса сўна унча ҳаракат қила олмайди.

Улар озиқланиш учун мол терисининг ҳамма ерига ўтириб қон сўриши мумкин, лекин бўйни, оёқлари ва белига кўпроқ ҳужум қиласди. Сўналар 5—15 минут ва ундан ҳам кўпроқ вақт қон сўриши мумкин. Сўналарнинг ҳашаротхўр қушлар қизил ари, ниначи, тухумхўрлар ва шу каби бошқа душманлари ҳам бор.

**Сўналардан келадиган заарлар.** Сўналар одатда ўрмонларда, тўқайда, оқар сувлар четида, денгиз атрофига кенг тарқалган. Улар молларга турли йўллар билан ҳужум қилиши мумкин. Сўналарнинг айниқса, катта сўналар (табанус авлоддининг вакиллари) нинг сўлаги жуда ҳам заҳарли бўлиб, чаққан жойи кучли оғрийди. Шунинг учун сўна чаққан жойда тери шишиб, қизаради ва бу ердан бир-икки томчи қон оқади.

Ҳақиқий сўналар — паутлар (ола қанотлилар) молларнинг кўпроқ қорин, оёқларининг ички томонига қўнади. «Злотоглазки» деб аталадиган сўналар отлар кўзининг ички бурчагига кўпроқ қўнади. Сўналар учган вақтда моллар кучли безовталанаёт, улардан ҳимояланиш мақсадида яйловдан биноларга қочиб, озиқланмасдан оч қолади, натижада ориқлайди. Сўналар қорамолларга тухум қўйганда, уларнинг сути ўрта ҳисобда 10—15% камаяди. От ва бошқа ишчи ҳайвонларнинг иш қобилияти пасаяди. Сўналарнинг табанус авлодларининг энг зарарли томони, уларнинг механик усулда ҳар хил инфекцион ва инвазион касалликларни: сил, куйдирги, туляремия, юқумли анемия, трипанозомозлар, анаплазмоз ва бошқаларнинг қўзғатувчиларини тарқатиши дадир.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Сўналарга қарши курашда ишончли чоралар ҳозирча ишлаб чиқилган эмас. Ҳамма тадбирлар гиусларни ўлдиришга мўлжалланган. Шу мақсадда чорвачилик интенсив ривожланган зоналардаги яйловларни қуритиш учун мелиорация ишлари амалга оширилиши, яйловларни бутазорлардан тозалаб ўт экиш, кичкина-кичкина жарликларни текислаб, ҳовузчаларни кўмиш мақсадга мувофиқдир. Ялангликдаги ва ўрмонзорлардаги яйловларда, моллар турадиган лагерларда қанотли, паразит ҳашаротларга қарши гексахлоранга маҳсус термик аралашма қўшиб дудлатилиди. Бунинг учун 50% гексахлоранга 50% термик ара-


лашмаси бўлган НБК-Г17 маркали шашкадан фойдаланилади. Гексахлораннинг дудидан муваффақиятли фойдаланиш учун шамолининг йўналиши, дудланадиган жойнинг чегараси ва миқдори аниқланади. Одатда очиқ жойда 400, ўрмонзорда 100—200 гектардан кам бўлмаган майдон дудлатилади. Майдон қанча катта бўлса, дудлатиш шунчалик фойдали натижа беради.

Битта шашка дудлатилганда 8 гектар майдондаги симулидэ, ҳелеидэ, куликоидэ оилаларининг вакиллари симулид — майда чивинлар, куликоид — заҳкашлар, кулицид — пашибалар ёки 1—3 гектар ердаги сўналар қирилади. Шашкалар эрталаб ёки кечқурун дудлатилиди, айниқса булутли, туманли ҳавода дудлатиш самарали бўлади. Қонсўрар ҳашаротларнинг янги авлоди пайдо бўлса, дудлатиш яна бир марта такрорланади. Ишчи отларни қонхўр сўналар ҳужумидан сақлаш мақсадида асбоб-ускуналар (эгар, хомут ва ҳоказо) устидан 10% ли креолин эмульсияси сепилгац, ёпқич ёпилади. Ҳайвонларни сўналарнинг ҳужумидан сақлаш учун куннинг иссиқ, сўналар актив учадиган соатларида соя бостириларда ёки қуруқ яйловларда боқиш керак. Очиқ яйловга кечаси, эрталаб ҳайдалади. Фақат ҳаво булат ва туманли кунлари моллар яйловларга кундузи ҳайдалиши мумкин.

Ҳайвон терисига суркаладиган инсектицидлар уча узоқ таъсир этмайди. Текшириб кўрилган препаратлардан фақатгина сиртдан таъсир этадиган контактли инсектицидлар яхши натижа беради. Улар терига суркалдан кейин чуқур шимилиб, уч кунгача терига қўнган ҳашаротларни ўлдиради. Қонхўр ҳашаротларнинг яхши атири ва бошқа ҳидли гулларга чидай олмаслигини ҳисобга олиб, уларга қарши ҳар хил синтетик усулда олинган репеллентлар (хурkitувчи моддалар) ишлатилади. Улардан энг яхшиси кучли ва чидамили геран ҳидли дифенил окси ( $C_{12}H_{10}O$ ), сирень ҳидли терпинол ( $C_{10}H_{18}O$ ), диметилфталат ( $C_{10}H_{10}O_4$ ) ва бошқалардир.

Соляр мойида тайёрланган дифенилоксиднинг 5—10% ли эритмаси, терига суркалдан сўнг, ҳайвонлар сўна ҳужумидан уч кунгача, куликоид заҳкашлардан (мокрецлардан) — икки сутка, кулицид пашибалардан ва симулид майда чивинлардан 12 соат ҳимоя қилиниши мумкин. Битта катта ёшдаги ҳайвонни дорилаш учун ўрта ҳисобда 75 миллилитр эритма сарфланади.

Соляр мойида тайёрланган 5—10% ли терпинол эритмаси ҳайвонларни кузда чақадиган чивиннинг (стомақсис кальцитранс) ҳужумидан тўрт сутка, кулицид пашшалардан уч ва симулид майда чивинлардан бир сутка ҳимоя қиласди. Маълумки сўналар, ёзда учиб, хартумига тез-тез сув олади. Уларнинг бу хусусиятини ҳисобга олиб, яйловда унчалик катта бўлмаган сув ҳавзаларига керо-



49- расм. Симулид майда чивинлар:

1 — симулиум чивини; 2 — тухум; 3 — личинка; 4 — гумбак; 5 — гумбак қутиси

син ёки мазут аралаштириб қўйилади. Сўналар сув олиш учун учиб келганларида, хартуми билан нефтнинг юпқа пардасига тегиб, жуда тез ўлади. Бундай «ўлим» сувлари деб аталадиган сувлардан ҳайвонларнинг ичишига йўл қўймаслик керак.

**Симулид майда чивинлар** (мошкалар, 49- расм). Ўзбек тилида симулид — майда чивин деб ҳам аталади. Улар майда ҳашаротлардан бўлиб, симулидэ оиласига киради. Уларнинг 300 дан кўпроқ тури аниқланган. Симулидларнинг чаққан жойидаги тери кучли қичиб, яллиғланади. Айрим районларда симулидларнинг таъсиридан ҳайвонлар нафаси қайтиб асфиксиядан ҳалок бўлиши мумкин.

Симулидлар кўпгина касалликларнинг (куйдирги, туляремия, япон. энцефалити ва арим протозоозларни) қўзғатувчиларини тарқатади ва айрим нематодларнинг (онхоцерклар, филярийлар ва ҳоказо) оралиқ хўжайини ҳамdir.

Симулид майда чивинлар асосан заҳкаш жойларда ривожланади. Урочилари уруғланиб, ҳайвон қонини сўриб тўйғанларидан сўнг оқар сувлардаги ўтларнинг тана ва пояларига 100—150 тадан тухум қўяди. Улар оқмайдиган сувдаги ўтларга тухум қўймайди.

Тухумлардан бир-икки ҳафтада личинкалар чиқиб, оқаётган сувдаги хас-чўпга ёпишиб олади. Уларнинг айрим қисми шу ҳолда қишлиashi мумкин. Личинкалар

ҳар хил органик моддалар ҳисобига яшайди. Симулидларнинг личинкалари беш марта туллагандан кейин ғумбакка айланади ва улардан сув остида вояга етган қанотли майда чивинлар чиқади. Бу ҳашаротларнинг тўлиқ ривожланиши учун 1,5—2 ой талаб қилинади. Сув остидаги майда чивинлар сувнинг кўпик ва пуфаклари билан сув бетига кўтарилиб, дарҳол ҳавода яшашга мослашади. Улар (фақат урғочилари) ҳайвонларга кундуз куни шамол эсмаганда ҳужум қиласиди. Булутли кунлари, кечаси, бүноларда ҳайвонларга ҳужум қилмайди.

Симулидлар ҳамма жойларда тарқалган бўлса ҳам, қурғоқчилик йиллари уларнинг сони кескин камаяди. Улар озиқ излаб дарё ва бошқа сув ҳавзаларидан бир неча километр узоқликка учиб боради ва ўрмонзорларнинг чекка қисмида жуда кўп тўпланади, улар бу ерда тинч, шамолсиз ҳавода актив ҳаракат қила бошлияди.


Симулидлар жуда хавфлидир. Урғочилари ҳайвон қонини сўра туриб, заҳарли сўлак ажратади. Улар чаққандан бир неча соат ўтгач, заҳарланиш белгилари пайдо бўлиши мумкин: тери шишиши, нуқтасимон қон қуйилиши, тананинг ҳарорати кўтарилиши, юрак уриши тезлашиши кузатилади. Жуда ҳам кучли ҳужум қилганда, улар ҳайвонларнинг бурун ва оғиз бўшлиқларига кириб асфиксия касаллигини қўзғайди.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Майда чивинлар интенсив учиш даврида ҳайвонларни бостиurmада, биноларда сақлаб ёки яхши шамол тегадиган жойларда сақлаб, ҳар уч кунда биронта инсектицид препарат билан дорилаш керак (сўналарга қарши кураш чоралирига қаранг). Молларни кечаси боқиш мақсадга мувофиқдир.

**Куликоид заҳкашлар** (мокрецлар) энг кичик ҳашаротлардан бўлиб, ҳелеида оиласининг куликоидес авлодига киради (50-расм). Заҳкашлар чаққанида тери қиҷийди ва тери ҳамда тери остидаги тўқималар шишади. Бундан ташқари, айрим заҳкашлар филяриата кенжак туркумига киравчи нематодларнинг оралиқ хўжайнини бўлиши билан бир қаторда, туляремия, қўйлардаги «инфекцион катарал лихорадка», Африкада отларнинг ўлат касаллиги вируси ва бошқа касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатади.

Ветеринария нуқтаи назарида: куликоидес нубеку-  
лозус К. абзолевтус, К. пуликарис турларини ўрганиш-  
нинг аҳамияти катта.

Ташқи кўриниши жиҳатдан куликоид заҳкашлар ку-  
лицид пашшаларни эслатади. Улар симулид деб атала-  
диган майда чивинлардан айрим турдаги заҳкаш, ли-



50- расм. Куликоидес пуликарис ном-  
ли заҳкаш:

1 — тухум; 2 — личин-  
а; 3 — гумбак; 4 — ур-  
кочи ва 5 — эркак за-  
хкаш

чинкалари оқмайдиган сувларда, айримлари эса қуруқ-  
ликдаги нам жойларда ривожланиши билан фарқ  
қиласди.

**Куликоид заҳкашларнинг ривожланиши.** Бу ҳашарот-  
лар, пастлик жойлардаги заҳкаш, ўрмонлардаги кички-  
на-кичкина сув ҳавзаларида, чуқурчаларда, зовур ва  
кўлмакларда яшаганликлари учун «мокрец»лар деб  
аталади. Улар айниқса Сибирда, Ўзоқ Шарқда кенг тар-  
қалган. Урғочилари қон сўриб тўйганларидан кейин,  
кўлмак сувлардаги ҳар хил предметларга 100—150 та-  
дан тухум қўяди. Орадан бир-беш кун ўтгач бу тухум-  
лардан 0,5 мм катталикдаги личинкалар чиқади. Улар  
ташқи муҳитда сапрозой ҳаёт кечиради ва секин-аста  
катталашади (15 мм гача). Уларнинг танаси 13 сегмент-  
дан иборат. Боши қўнғир, қолган сегментлари оқ бў-  
лади. Ўсимта шаклида анал тешигидан чиқиб туради-  
ган нафас органи «дихальци» энг охирги сегментида  
жойлашган. Личинкалари кўлмак сувларда ёки нам туп-  
роқларда яшаб, уч марта туллайди, 30—60 кундан кейин  
ғумбакка айланади. Мокрецларнинг қўнғир рангли  
ғумбаклари пашшаларнинг ғумбакларига ўхшаш, аммо  
улардан бирмунча кичик (0,5 мм гача) бўлади.


Уларнинг ғумбакларида иккита нафас олиш ўсим-  
таси бор. Одатда етук ғумбаклар сув бетида яшайди,  
улар нафас оладиган ўсимтасини ташқарига чиқариб

туради. Орадан беш кун ўтгач ғумбаклардан қанотли ҳашаротлар чиқади. Яшаш шароитига кўра куликоид заҳкашлар бир йилда икки-беш марта авлод беради.

Куликоид заҳкашлар сутканинг ҳамма вақтида ҳайвонга ҳужум қилиши мумкин, лекин шамолсиз тинч кунлари, эрталаб қуёш чиқаётган ва кечқурун қуёш ботаётган пайтларида (кўплаб) ёмғир ёққандан кейин жуда кўп нусхада чақади. Одатда куликоид заҳкашларнинг қон сўриш муддати 4—30 минут давом этади, бу вақтда у ҳайвоннинг кўп қонини сўради. Личинкаларнинг бир қисми қишлиайди.

Куликоид заҳкашлар ҳужум қилганида ҳайвонлар жуда безовталанади. Ҳайвонлар заҳкашлар ҳужумидан ҳимояланиб тепинади, думларини айлантиради. Айрим вақтда куликоидлар чаққан ерининг тери ости клетчаткасида шиш пайдо бўлади. Тери қичиганлигидан ҳайвонларнинг жуни тўкилади, ҳайвон ориқлай бошлайди.

Профилактикаси ва кураш чоралари — сўналарга қарши курашда ишлатиладиган тадбирлардан иборат.



51- расм. Кулицид пашиблар ва уларнинг ривожлаши фазалари:

A—урғочи кулицид пашиба,  
B—ўнгда кулекс ва чапда анофолес:

— тухум; 2—личинкалар; 3—  
ғумбаклар; 4—қанотли пашибларнинг қўниш пайти; 5—  
жинсий етук пашибларнинг бошчалари

**Кулицид пашшалар** (комарлар) кичкина ихчам ҳашаротлар бўлиб, кулицидэ оиласига киради (51-расм). Кулицидларни халқ тилида «индамаслар» деб ҳам атади, чунки улар кечқурун қуёш ботиши билан товушсиз учиб келиб, ҳар турли моллар ва ёввойи ҳайвонларга, қушларга ва одамга ҳужум қилиб, қон сўради. Кулицид пашшалар ҳамма ерда кенг тарқалган ҳашаротлардан бири бўлиб, кўпгина инвазион ва инфекцион касалликларнинг (безгак, филяриатозлар, энцефалит ва ҳоказо) қўзғатувчиларини тарқатади.

**Кулицид пашшаларнинг ривожланиши.** Кулицид пашшалар ботқоқликларда ривожланади. Ургочилари уруғлангандан кейин озиқланиш учун ҳар турли моллар ҳамда ёввойи ҳайвонларга, қушларга ва одамга ҳужум қилиб, қон сўради. Улар ҳаво иссиқлиги  $25-26^{\circ}$  ва нам етарли бўлганида жуда яхши учади. Одатда кулицид пашшалар кечқурун қуёш ботишидан эрталабгача, айrim вақтларда кундузи ҳам учади.

Битта ургочи пашша  $1,5-3$  миллилитр қон сўради. Озиқлангандан кейин сўрган қонни ҳазм қилиб, тухумлари етишгунча бирорта предметга қўниб туради. Ургочилари оқмайдиган чучук сув бетига ёки тош, ўт ва бошқа сув юқиб турадиган ерга бир неча юзлаб тухум қўяди. Орадан беш-етти кун ўтгач личинкалар етилади. Улар уч марта туллаб, ғумбакка, ундан кейин етук кулицид пашшага айланади.

Бир марта тухумдан имаго давригача тўлиқ ривожланиши учун уч-олти ҳафта талаб қилинади. Ургочиларининг қон сўриши ва тухум қўйиши ҳар мавсумда уч марта такрорланиши мумкин. Кулицид пашшаларниг тухум ва личинкалари нам тупроқда ёки сув остида ривожланади. Етук тухумлари ташқи муҳит таъсирига жуда чидамли. Улар сув остида яшashi ва қишлиши мумкин. Кулицид пашшалар асосан ўрмонзорлардаги унча катта бўлмаган сув манбалари, кўлмак ва зовур сувларига тухум қўйиб ривожланади, бу улар учун энг қулай жой ҳисобланади. Сув ичидаги личинкалар ҳаво олиш учун вақт-вақти билан сув бетига кўтарилиб, кейин яна шўнғиб кетади. Улар —  $10^{\circ}$  совуқда сув тагида узоқ вақт яшай олади.

Зоналарга, ҳавонинг иссиқ-совуқлигига ва кулицид пашшаларнинг турига қараб улар бир йилда бир неча авлод бериши мумкин. Қишида кулицид пашшаларнинг


урғочилари ертўла, болохона, молхона ва бошқа қорон-  
фироқ пана жойларда қишлоғиди.

**Кулицид заҳқашлар келтирадиган заарлар.** Кулицидлар ҳайвонларга кўплаб ҳужум қиласиди. Улар қон сўраётган пайтида пайдо бўлган яраларга ўзларининг токсинли сўлагини ташлаши натижасида тери қичийди, бўртмачалар пайдо бўлади. Ҳайвонлар мана шу ҳашаротлар ҳужумидан ҳимояланиш даврида безовталаниб, тепинади, бошини уради, қичинади. Аммо кулицид пашшаларнинг асосий зарари ҳар хил инфекцион ва инвазион (безгак, сариқ «лихорадка», япон энцефалити, туляремия, таун, чўчқаларнинг африка тауни ва ҳоказо) касалликларнинг қўзғатувчиларини механик усулда тарқатишдан иборат ҳамда уларнинг доимий ёки оралиқ хўжайини бўлиб ҳизмат қиласиди.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Кулицид пашшаларга қарши кураш бутун СССР миқёсида медицина ва ветеринария ташкилотлари томонидан ўтказилади. Кураш уларнинг тухум қўйиб ривожланаётган пайтларидаги қанотли кўриниши, личинка ва ғумбакларини қиришга мўлжалланган. Бунинг учун мелиоратив тадбирлар амалга оширилиб, сунъий яйловларни кўпайтириш керак. Оқмайдиган кўлмак сувлар кўмилиб кўлмакчалар текисланмоғи лозим. Кулицид пашшаларнинг личинка ва ғумбакларини қириш учун сув ҳавзаларига нефть маҳсулотлари сепилади. Натижада сув бетида юпқа парда ҳосил бўлади, сўнгра кулицид пашшаларнинг сув остидаги личинка ва ғумбаклари нафас ололмасдан ҳалок бўлади. Сув манбаларини нефтлаш учун ҳар  $1\text{ m}^2$  га 50—60 грамм нефти мазут сарфланади. Шунингдек, кулицид пашшаларнинг личинкаларига қарши тиодифениламин (порошок кўринишида) париж кўки ва бошқалар чангтилади.

**Ҳақиқий чивинлар (мусцидийлар).** Чивинларнинг хили жуда кўп, улар мусцидэ оиласига киради. Чивинларнинг СССРда 60 дан ортиқроқ турлари аниқланган. Аммо ветеринария соҳасида муска, стомоксис, фанниа, ҳематобиа, липерозиа ва бошқа авлодларнинг вакилларини ўрганишнинг аҳамияти катта. Чивин мўйловларининг охирги бўғинларида маҳсус «арист» деб аталадиган қили бўлади. Кўпгина турдаги чивинлар тухум қўйиб ривожланади, аммо чивинларнинг личинка туғадиган турлари ҳам бор. Чивинлар кўпгина инфекцион ва инва-

зион касалликларни механик усулда тарқатиб, чорвачилик хўжаликларига катта заар етказади. Улар хартум, панжа, қанот ва танасидаги тукчаларида узоқ вақтгача вабо, дизентерия, паратиф, сарамас ва бошқа ҳар хил касаллик вирусларини сақлаб тарқатади (52-расм).



52-расм. а — Коровница чивини, б — уй чивини, в — куз чивини, г — куз чивинининг оғиз органи билан боши:

1 — кўзи; 2 — антеннаси; 3 — пайпаслагич; 4 — юқориги лаб; 5 — томокости; 6 — пастки лаб; 7 — хитинлашган тишлар

Кузги чақадиган чивин «стомоксис калцитранс» куйдирги, туляремия, сарамас ва бошқа кўпгина вируслар қўзғайдиган касалликларнинг қўзғатувчиларини тарқатади. «Коровница» деб аталадиган чивин турлари телязий паразитининг оралиқ хўжайини (Муска конвексифронс, М. амика, М. ларвипара, М. аутумналис) ҳисобланади.

**Уй чивинларининг ривожланиши.** Урғочи уй чивини ёзда тухумини 150—160 тадан бўлажак личинкалари ейдиган озиқларга: от тезаги, ахлат, тезак ва бошқаларга қўяди.

Бу тухумлардан 24 соатда олд томони учлик, орқа томони бирмунча тұмтоқ личинкалар чиқады. Ташқи муҳит таъсирида 5—15 кундан кейин личинкалар ғумбакка айланади ва улардан уч-етти кунда вояга етган қанотли ҳашаротлар етилади. Жинсий вояга етган чивин ўрта ҳисобда 30—35 кун яшайды, у қишлош қобилиятига әга. Чивинлар қон, тезак, йириңг, балғам ва сұлак билан озиқланади. Қатор инфекцион касалликтарнинг қўзғатувчилари чивинларнинг ҳазм органларидан ўтса ҳам патогенлик хусусиятини сақлаб қолиши аниқланган.

**Кузги чивин (стомоксис калцитранс)нинг ривожланиши.** Урғочи чивин асосан янги от тезаги ва бошқа ҳайвонларнинг тезагига, тезак бўлмаса, бошқа ахлатга 120—150 тадан тухум қўяди. Орадан бир-уч кун ўтгач личинкалар чиқиб, у ердаги органик моддалар билан озиқланади ва икки-уч ҳафтадан сўнг ғумбакка айланади. Ғумбаклардан қанотли, вояга етган чивинлар етилади. Чивинлар бир ойда бир авлод беради.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Ҳозир мавжуд қонсўрар ҳашаротларга қарши кураш усулларини амалга ошириш қийин, улар хўжалик учун жуда қимматга тушади. Бу усуллар, чивинлар тухум қўйган жойлардаги личинкаларини қиришдан, яйловдаги ҳайвон танаси ва бинодаги вояга етган қанотли ҳашаротларни ўлдиришдан ва ниҳоят, молларни уларнинг ҳужумидан ҳимоя қилишдан иборат. Қонсўрар ҳашаротларни урчиб кўпаядиган жойларида ўлдириш учун маҳсус машина ёрдамида бир гектар ердаги сув бетига 2—3 кг гексахлоран пуркаш фойдалидир. Бу усул қўлланганда сувда ривожланаётган личинкалар бутунлай қирилиб кетади. Шу мақсадда тиодифениламин (техник фенотиазин) ишлатилмоқда. Бу препарат сувда яхши эримайди ва сув бетида узоқ сақланади. Бир гектар сув бетига 1,5—2 кг тиодифениламин суспензияси ёки унинг сўндирилган оҳак, кўча тупроғи ва шунинг каби индиферент кукуни билан аралашмаси сепилади.

Шунингдек, сув ҳавзаларини дорилаш учун нефть ва уни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар (ҳар 1 м<sup>3</sup> сувга 30 грамм ҳисобида) ишлатилиши ҳам мумкин.

Қонсўрар ҳашаротларга қарши биологик усулда курашиш учун «карась», «карп» ва бошқа авлодларга кирув-

чи балиқларни урчитиш аҳамиятлидир. Улар қонсўрар ҳашаротларнинг сув манбаларида яшаётган личинка ва ғумбаклари билан озиқланади.

Шунингдек, сув тўпланган майдага-чуйда ҳовузчалар, балиқ ва кўлмак сувларини йўқотиб, яйловларни қуритиш учун мўлжалланган мелиоратив ишлар амалга оширилиши керак. Бундай ерларга беда ва бошқа ўтларнинг уруғларини сепиб, сунъий яйловлар яратишнинг аҳамияти катта. Алоҳида олинган майдонлардаги қонсўрар ҳашаротларни ўлдириш ва ҳайвонларни уларнинг ҳужумидан сақлаш мақсадида НҚБ-Г17 маркали термик гексахлоранли шашка аэрозоли дудлатилади, молхоналар оқланади. Молхоналардаги чивинларга қарши гексахлораннинг сувдаги суспензияси ( $1\text{ m}^2$  майдонга 1—2 грамм порошок) сепилади.

Инсектицидлар чивин қўнадиган жойларга: шип, бўлмалар, дераза, эшик, деворларнинг ички ва ташқи томонларига сепилади. Молхонанинг  $1\text{ m}^3$  ҳажмига 1—2 грамм АДВ-гексахлоран ишлатилади. Отхоналар, мол боқиладиган ҳовли, қўтон ва чўчқаҳоналар тозаланиб, гўнглар ўз вақтида гўнгхоналарга чиқарилиб, майдонлар ҳар хил бошқа ифлосликлардан тозаланиб турилиши керак. Молхоналарнинг деворида ёриқ қолдирилмасдан сувалиши, сийдик ва бошқа суюқлиқлар оқадиган ва тўпланадиган ариқ ҳамда қудуқчалар мунтазам равишида (ҳар беш кунда бир марта) тозалаб турилиши лозим.

Ёзда отхона атрофидаги майдонларга, отлар бойланадиган жойларга гексахлоран ёки ДДТ дустини сепиш ( $1\text{ m}^2$  га 1,5—2 грамм ҳисобидан) мақсадга мувофиқдир.


Гўнглар хўжаликдаги маҳсус дезинфекция, дератизация ва дезинвазия кўрсатмаларига мувофиқ заарсизлантирилади. Қонсўрар ҳашаротларга қарши курашиш учун уларнинг паразитлик қилиш вақти ва муддатини ўрганиб, паразитлик интенсив учадиган даврда ҳайвонлар 5—10 кунда бир марта гексахлораннинг 5—10% ли дусти ёки таркибида 0,25% гексахлоран бўлган 1% ли креолин билан дорилаб турилиши керак.

Ёзда чивинларнинг тухум қўйиб ривожланадиган жойлари ҳар беш кунда гексахлоран иштирокида активлаштирилган креолин концентратидан тайёрланган 5% ли эмульсияси билан ( $1\text{ m}^2$  га 0,2—0,3 л эмульсия ҳисоби-

дан) дориланади. Ҳайвонларни қон сўргич ҳашаротлар ҳужумидан сақлаш мақсадида улар устига индивидуал тўр ёки 0,25% ли гексахлоран эритмаси шимдирилган ёпқич ёпиб қўйилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

### ЧОРВА МОЛЛАРНИНГ ГЕМАТОПИНИДОЗИ

Ҳайвонлардан бир группасига анаплюра туркумига кирувчи битлар ҳужум қиласи. Ҳар турли ҳайвоннинг ўзига хос бити бўлиб улар от, қорамол, чўчқа, ит ва бошқаларда гематопинидоз касалликларини қўзғатади, шунингдек кўпгина юқумли касалликларни ҳам тарқатади. Ҳайвонларда учрайдиган битлар тери ва қон сўрувчи паразитлардан ҳисобланади. Бир турли ҳайвоннинг бити бошқа турдаги ҳайвонларга ўтмайди (53-расм). Ҳайвон-



53-расм. Битлар:

1 — от бити; 2 — чўчқа бити;  
3 — қорамол бити

битлари майда ҳашаротлардан иборат бўлиб, танасининг узунлиги 2—5 мм гача етади. Чўчқада учрайдиган битлар каттароқ бўлади. Битларнинг ҳаёт кечириши қўйидагича: урғочи бит ҳайвон жунларига тухум қўяди (сирка). Тухум қўйишда бит ўзидан маҳсус ялтироқ модда чиқаради, бу модда тухумларни қўйилган жойига қаттиқ ёпиширади. Бир неча кундан кейин тухумлардан личинкалар чиқади. Бу личинкалар қон сўриш қобилиятига эга бўлиб, уч марта туллагандан кейин 22—25 кун ичida етук битга айланади ва тухум қўя оладиган бўлади. Бит ҳайвон терисини чаққан вақтда ўзидан сўлак чиқаради. Бу сўлак терини қичитади, натижада ҳайвонларни жуда безовта қилиб, ориқлатиб юборади. Бит кўпайиб кетгандан ҳайвоннинг жунлари тушиб кетади ва териси яллигланиб яраланади. Тери яраланиши натижасида ҳайвон бошқа юқумли касалликларга жуда таъсиран бўлиб қолади.

Бит иссиқ ва нам шароитда тез кўпаяди, шу сабабли ҳайвонлар, айниқса куз ва қиши ойларида кўп битлайди, яйловга чиққаёт, битлар кескин камаяди, ҳатто йўқолиб ҳам кетади. Ҳайвонлар тоза бўлмаганлигидан битлайди. Битлаган ва битламаган ҳайвон бир ерда сақланганда, бит тоза ҳайвонга ҳам тездади. Битлаган ҳайвонга тутиладиган асбобларни битламаган ҳайвонга ишлатилганда ҳам касаллик тез тарқалади.

**Касалликни аниқлаш.** Ҳайвоннинг битлаган битламаганлигини билиш қийин эмас, битлаган ҳайвон ҳар вақт қичинади, жуни тўкилади.


**Кураш чоралари.** Битга қарши курашда битлашнинг олдини олиш тадбирлари яхши натижа беради. Бунинг учун ҳайвонлар яхши парвариш қилиниши, тез-тез то-залаб турилиши ва молхоналар озода сақланиши лозим. Молхоналар ва молларнинг идиш-асбоблари вақтвақти билан дезинвазия қилиб турилиши керак. Молхоналарни битдан сақлаш учун молларни 10 кун бошқа молхоналарга кўчирилади. Шундан кейин молхонада қолган бошқа битлар ўз-ўзидан ўлиб кетади. Битлаган ҳайвонларни даволашда қўтириб касалликларида ишлагиладиган дори ва усуллар қўлланилади. Қўпроқ ДДТ ва гексахлорандан фойдаланилади. Улар 5—7% ли дуст ҳолида бит босган жойларга сепилади. Ёзда эса юқорида кўрсатилган дориларнинг сувда ёки креолин эритмасида тайёрланган эмульсиялари ишлатилади.

Булардан ташқари, тамакидан тайёрланган 2—4% ли қайнатма ёки 2% ли креолин эритмаси таъсирида битлар ўлади. Бу дорилар фақат етук битларни ва унинг личинкаларини ўлдиради, у бит тухумларига (сиркасиға) таъсир этмайди. Шунинг учун ҳам икки ҳафтадан сўнг ҳайвонлар такрор даволаниши керак.

## МАЛЛОФАГОЗ

**Маллофагозлар** деб қанотсиз Маллофаг томонидан қўзғатилган касалликка айтилади. Бу туркумга кичик (бўйи 1—2 мм) ҳашаротлар киради. Пат ва жунхўрлар (54-расм) ҳайвонларнинг жунига ёпишиб (от, қорамол, қўй, ит ва ҳоказолар) ёки қушларнинг пари ва патларига ёпишиб паразитлик қиласи. Маллофаглар хўжайиларининг жун, пат ва терилари эпидермасидаги қазгоқлари билан озиқланади. Паразитлар ҳайвонларнинг терисини кирлатиб қичитади, натижада ҳайвонлар ёки

қушларнинг қашинишидан жун ва патлари тушиб кетади. Жунхўрлар ҳайвонларга вирус касалликларини тарқатади,— деган фикрлар ҳам бор. Айниқса пархўрлар патогенлидир. Уларнинг таъсирида қушлар ориқлаб, пушти кескин пасаяди.



54-расм. Жунхўрлар билан пархўрлар:

1 — қўй жунхўри; 2 — от жунхўри; 3 — ит жунхўри; 4 ва 5 пархўрлар

**Қўзғатувчиларнинг ривожланиши.** Пар ва жунхўрлар фақатгина эгаларининг танасида ривожланади. Улар нотўлиқ ўзгариш типида кўпаяди, яъни ғумбак даври бўлмайди. Урғочилари ўзлари ажратган маҳсус ёпишқоқ модда ёрдамида, тухумларини жун ёки парларнинг ораларига ҳамда тери эпидермасига яқин жойларга ёпиширади. Орадан беш-ён кун ўтгач тухумлардан личинкалар чиқиб, уч-беш марта туллайди ва икки-уч ҳафтадан кейин (тухумдан чиққан вақтидан бошлаб) жинсий вояга етган ҳашаротга айланади. Тўлиқ ривожланиш цикли уч-тўрт ҳафта давом этади.

**Эпизоотологияси** — пар ва жунхўрлар билан касалланган қушлар ҳамда ҳайвонлар соғломлари билан бирга боқилганда, умумий фойдаланиладиган предметлар, анжомлар, тўшамалар орқали соғломлари ҳам заарланади. Биноларнинг тор бўлиши, парранда ва ҳайвонларнинг зич боқилиши, озиқларнинг етарли ва сифатли эмаслиги бу ҳайвонларнинг кучли заарланишига сабаб бўлади.

Пар ва жунхўрлар куз ва қиши ойларда жуда кўпаяди. Чунки бу даврда ҳавонинг намлиги юқори ва ҳайвон жунлари узун бўлади, бу паразитларнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Қуёш нури ва қуруқлик бу паразитларга заарли таъсир этади, уларни ўлдиради. Ташқи муҳитга тушган жун, пар ва пархўрлар уч-саккиз кундан кейин очликдан ҳалок бўлади.

**Патогенез ва клиник белгилари.** Ҳайвонларда гематопинидоз касаллигидагидейдик ўтади. Қушларда оғирроқ бўлади, улар ориқлаб кетади, пушти камаяди, пар ва патлари тўкилади, жўжалар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари юқорида танишиб ўтилган гематопинидоз ва канага қарши қўлланиладиган тадбирлардан иборат.** Эктонаразитлар билан заарланган парранда ва ҳайвонларни даволаш учун таркибида гексахлораннинг гамма изомери бўлган никохлоран (сувдаги эмульсияси) билан дориланади. Бунинг учун пахта ёки докадан қилинган тампон юқорида айтилган эмульсия билан ҳўлланиб, паррандалар қанотининг остки, бўйин, елка, қорин, кўкрак ва бошқа пар, пархўрлар жойлашган қисмларига суртилади. Шунингдек, заарланган жўжаларнинг клеткларига тўғридан-тўғри никохлоран эмульсияси пуркаб даволаш ҳам мумкин. Бунинг учун ҳар бир жўжага 20 миллилитр, 3—4 ойликларига 50 миллилитр, катта товуқларга 90 миллилитр эмульсия сарфланади. Девор, шип, пол, қатак ва бошқа жойларга бу эмульсия ( $1 \text{ см}^3$  майдонга 160—200 мл ҳисобидан) маҳсус установка — гидропульт ёрдамида сепилади.

Ҳайвонлар ва паррандаларнинг эктонаразитларига қарши курашиш учун никохлораннинг эмульсияси тавсия этилиб у СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ветеринария бошқармаси томонидан 1962 йил 14 сентябрда тасдиқлаган инструкцияга асосланиб ўтказилиши керак. Паррандаларнинг паразитларига қарши курашда нафталиндан фойдаланиш ман қилинган, чунки у овқат ҳазм қилиш органларини заҳарлайди, Паррандаларни паразитларга қарши илиқ ( $38^\circ\text{C}$ ) 1% ли кремнефторит эритмасида чўмилтириш ҳам яхши натижада беради. Ҳайвон ҳаво иссиқ вақтларда чўмилтирилади, бу иш икки ҳафтадан кейин яна бир марта такрорланади.

Текшириш натижаларига кўра натрий кремнефториднинг тўзғоқ ёки йўлдан олинган чанг-тупроқда тайёрланган 10—20% ли дусти билан ҳафтасига икки марта даволанганда товуқлардаги пархўрлар тўлиқ ҳалок бўлади. Шу билан бир қаторда молхона билан товуқхоналар яхшилаб дезинфекция қилинади.

## ВЕТЕРИНАРИЯ ПРОТОЗООЛОГИЯСИ ВА ҲАЙВОНЛАРНИНГ ПРОТОЗООЗЛАРИ

Протозоология — патогенли содда ҳайвонлар, протозолар (Протозоа) ва улар томонидан қўзғатиладиган протозозларни ўргатадиган фандир. Протозоологиянинг таркибий қисми жуда ҳам хилма-хил бўлиб, ҳозирги вақтда 3 000 га яқин паразит протозоолар борлиги аниқланди. Уларнинг кўпи ҳайвонларда паразитлик қилишга мослашган. Протозооларнинг яшайдиган эгаларига кўра ветеринария ва медицина протозоология фани фарқ қилинади. Қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларда паразитлик қиладиган протозоозларни ўрганиш билан ветеринария протозоологияси шуғулланади. Протозоолар хилма-хил орган ва тўқималарда паразитлик қилади. Масалан, қонда — гемоспоридийлар, ичак, жигар ва буйрак ҳужайраларида — эймерийдийлар, жинсий орган йўлларида — трипаномозлар, трихомонадлар ва ретикуло-эндотелиал системаларнинг ҳужайраларида — лейшманийлар ва бошқалар паразитлик қилади.

**Протозооларнинг тузилиши.** Протозоолар — микроскоп остида кўринадиган бир ҳужайрали организм бўлиб, уч қисмдан: протоплазма, ўзак (ядро) ва пардадан иборат. Кўпгина турдаги протозооларнинг органоид ва оргенеллалари (цитостом, хивчинлар, сохта оёқлар ва ҳоказо) бўлиб, улар сут эмизувчиларнинг органлари бажарадиган вазифаларни бажаради.

**Протоплазма** — органик (оқсил, углевод ва липоидлар) ва анерганик (туз ва сув) моддаларнинг каллоид аралашмасидир. Протоплазманинг ташқи қавати бирмунча қуюқ — эктоплазмага ва ички таркибида ҳар хил

донадор киритмалари, вакуолалари бўлган эндоплазмага ажралади.

**Ўзак** (ядро) — макронуклеус асос ҳисобланади. У чўзиқроқ ёки деярли думалоқ бўлади, ҳужайра марказида ёки унинг периферик қисмида жойлашиб, оқсили бирикмалардан ташкил топган. Ўзакнинг таркибий қисми асосли бўёқлар билан бўяладиган хроматин ҳисобланади.

Шунингдек, айрим турдаги содда ҳайвонларнинг қўшимча ўзаклари ҳам бор (трипанозомларда) улар макронуклеус деб аталади. Протозоолар ҳайвонлар танасида жинсиз йўл билан кўпайиб, хилма-хил формада бўлади. Ташқи муҳитда ноқулай шароит мавжуд бўлса инцистирланиши (ўралиши) мумкин. Улар цитостома (офиз тешигини эслатади) орқали ёки осмотик равишда озиқланади. Кўпгина содда ҳайвонларнинг озиқ ҳазм қиласидиган вакуолалари бўлади ва ҳазм қилинмаган озиқ қолдиқлари эса қисқарувчи вакуолалар ёрдамида ташқи муҳитга чиқариб ташланади. Содда ҳайвонлар сохта оёқлари, тўлқинсимон мембрана, киприк ва хивчинлари ёрдамида ҳаракат қиласиди.

**Протозоолар** жинсли ва жинсиз кўпайиши мумкин. Аммо кўпгина содда ҳайвонларда жинсиз кўпайиш жинсли кўпайиши билан алмасиб (гемоспоридийлар, эймерийлар) туради. Жинсиз кўпайишнинг кўринишларида оддий иккига бўлинниш (тeng катталиктаги иккита ҳужайра), куртаклаш (она ҳужайрадан бир қисми ажралиб чиқади) ҳамда шизогония (она ҳужайраси 8—32 ҳужайрага бўлинади) усулида кўпаяди.

Жинсий кўпайиш уруғланиш билан амалга ошади. Протозоолар иккита жинсий ҳужайранинг тўлиқ қўшилиши (коньюгация) ҳамда ўз-ўзини уруғлантириш (автогамия йўли билан уруғланади. Шунингдек, айрим протозоолар биргина хўжайнин танасида (масалан, кокцидийлар), бошқалари иккита хўжайнин иштирокида (масалан, гемоспоридийлар) кўпайганлиги учун бир ва икки хўжайнли паразитлар деб ҳам аталади. Икки хўжайнли протозоолар учун кана ёки ҳашаротлар дефинитив ҳўжайнин ҳисобланиб, уларнинг танасида жинсий йўл билан кўпаяди, уй ва ёввойи ҳайвонлар эса оралиқ ҳўжайнин бўлганлиги учун уларнинг танасида жинсиз йўл билан кўпаяди.

**Протозооларнинг систематикаси** содда ҳайвонлар (протозоа) типига киравчи ҳамма организмлар иккита:

Плазмодрома билан Цилиофора кенжә типларга бўлина-ди. Плазмодрома, яъни плазматиклар кенжә типига ки-рувчи содда ҳайвонлар сохта оёқлар ёки хивчинлари билан ҳаракат қиласди. Цилиофора кенжә тип вакиллари бутун танасини ўраб олган киприкчалари билан ҳаракат қиласди, шунинг учун ҳам уларни айрим авторлар кип-риклилар деб аташади.

Плазмодрома кенжә тип бир қанча синфни ўз ичига олиб, улардан иккита: хивчинлилар (Мастигофора) ва споралилар (Спорозоа) синф вакилларини ўрганиш ветеринария соҳасида катта аҳамиятга эга. Киприклилар (Цилиофора) кенжә типи учта синфга кирувчи протозоолардан ташкил топган бўлиб, улардан биргина цилиата синф вакиллари ҳайвонлар ва балиқларда паразитлик қиласди. Протозоолар синфи ўз навбатида, туркум, оила, авлод ва турларга бўлинади.

**Протозооларнинг патогенлик таъсири.** Паразит про-тозооларнинг ҳайвон организмига кўрсатадиган патоген таъсири кўпгина факторларга: паразитнинг биологик хусусиятлари, уларнинг сони, йилнинг фасли, иқлим, ҳайвоннинг ёши ва умумий аҳволига, шунингдек, ҳайвонларни боқиш, озиқлантириш, ишлатиш ва ҳоказоларга боғлиқ. Мана шу шароитларнинг ўзгариши билан прото-зой касалликларини қўзғатувчиларнинг патогенлик хусу-сияти кучайиши ёки кучсизланиши мумкин.

Протозой касалликларини қўзғатувчи паразитларнинг механик ва токсик таъсиридан оғир кўринишдаги клиник белгилар ривожланади. Гемоспоридийлар таъсиридан эритроцитлар, кокцидийлар таъсирида эса ичак ва жигардаги эпителиал ҳужайралар парчаланади. Три-панозомлар токсини таъсиридан от ва туяларда қатор асабий ўзгаришлар рўй беради. Йилнинг фаслига кўра кокцидиоз билан қуёнлар эрта баҳорда заарланиб, ка-саллик оғир кечади. Қорамолларнинг анаплазмоз касал-лиги, бошқа республикаларга қараганда Ўзбекистонда оғир ўтади. Шунингдек, нокулай шароитда, сифатсиз озиқлар билан боқилган ҳайвон организмидаги про-зооларнинг патогенлик хусусияти кучли бўлади.

## **СПОРАЛИЛАР ТОМОНИДАН ҚЎЗҒАТИЛАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР**

Ҳаракат қилувчи органеллалари бўлмаган, споровик (Спорозоа) синфи вакиллари томонидан қўзғатиладиган

касалликларга спорозоозлар дейилади. Споралилар ҳайвонларнинг қизил қон ва эпителнал ҳужайраларида яшаб, паразит ҳолда ҳаёт кечиради. Спорозоозлардан энг кўп тарқалгани гемоспоридиоз билан кокцидиозлардир, улар чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий заар келтиради.

### ГЕМОСПОРИДИОЗЛАР

Бир группа поротозой касалликларининг умумий номи гемоспоридиозлар деб аталиб, уларнинг қўзғатувчилари ҳемоспоридиа туркумига киравчи споровиклардир. Улар облигаттрансмиссив касалликларга кириб, табиий шароитда биологик тарқатувчилар — яйлов (иксодид) каналари орқали касалланган ҳайвондан соғломларига ўтади. Гемоспоридиозлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги, мавсумийлиги, маълум районларда тарқалганлиги ва тоза бўлмаган иммунитетнинг мавжудлиги билан характерланади. Гемоспоридийлар уй ҳайвонларининг қизил қон доначалари — эритроцитларида ва ретикулоэндотелиал система (РЭС) ҳужайраларида паразитлик қиласи.

**Гемоспоридийларнинг морфологик тузилиши.** Гемоспоридийларнинг тури ва ривожланиш даврига қараб бир ёки қўш ноксимон, амёбасимон, ҳалқасимон, овал, таёқчасимон, қўшув белгисига ўхшаганлари бўлади.

Гемоспоридийларнинг ҳажми 0,6—0,7 микрон оралиғида бўлиб, катта (эритроцит радиусидан катта) ва кичик (эритроцит радиусининг ярмидан кичик) гемоспоридийлар деб аталади. Айрим турдаги гемоспоридийлар эритроцитнинг марказий қисмида айримлари унинг перифериясида жойлашади. Ноксимонлари бир-бири билан ўткир ва ўтмас бурчак ҳосил қилиб бирикади. Эритроцитлар парчалангандан кейин гемоспоридийлар қоннинг плазма қисмига ўтади.

**Гемоспоридийларнинг биологияси.** Ҳамма гемоспоридийлар яйлов каналари (иксодидлар) ва уй ҳайвонлари иштирокида ривожланади. Касалланган ҳайвонларнинг қонини сўрган кана, эритроцит билан бирга ҳар хил гемоспоридийларни ютиб юборади. Ютилган паразитлардан думалоқ, ҳалқасимон ва амёбасимонлари кана организмида ҳазм бўлади, фақатгина ноксимон гемоспоридийлар кананинг ичагидаги эпателиал ҳужайраларга ўтиб, жинсий ҳужайрага айланади. У ерда эркак ва ур-

ғочи жинсий ҳужайралар қўшилиб, бирмунча узунчоқроқ оокинета ҳосил бўлиб, ургочи кананинг тухумдонига, ундан шакланаётган тухумга ўтиб, спорокинетга айланниб, унинг ичида **спорозоитлар** ривожланади.

Айрим каналарнинг тухумлари гемоспоридийлар билан 60% заарланиб, бир қанча авлодгача инвазиянинг транссовариал ўтиши мумкин. Спорозоитлар каналарнинг сўлак безларида тўпланади. Инвазияланган яйлов каналари соғлом ҳайвонларга ҳужум қилиб, уларнинг қонини сўраётган пайтда ўз сўлагидаги спорозоитларни қонга киритади ҳамда специфик хўжайин эритроцитлари ёки ретикуло-эндотелиал система (РЭС) ҳужайраларига ўтиб, жинсиз йўл билан кўпайиб, касалликни қўзғайди. Яйлов каналарининг танасида инвазия кўп (йиллар давомида) вақтгача сақланади, аммо оралиқ хўжайин организмидаги гемоспоридийлар тезликда ҳалок бўлади.

**Гемоспоридийлар систематикаси.** Ҳозирги вақтда ҳамма гемоспородиоз қўзғатувчиларининг систематикаси деярли аниқланган эмас. Гемоспоридий туркуми учта: Пироплазматиде, Тейлерииде, Анаплазматиде оиласига бўлинади. Пироплазматиде оиласи вакиллари кўпинча ноксимон бўлиб, эритроцитда оддий, иккига бўлиниши ёки куртаклаш йўли билан кўпаяди. Тейлерийде оиласига кирувчи споралилар ҳам битта Тейлерия авлодини ташкил қилиб, эритроцитда ҳалқасимон, таёқчасимон, ва бошқа кўринишда учрайди. Улар РЭС ҳужайраларида шизогания йўли билан кўпайиб, анор дончалари (гранатных тел) деб аталадиган Кох шарчаларини ҳосил қилади. Анаплазматиде оила вакиллари нуқтасимон паразитлар, улар ҳам эритроцитда иккига бўлиниб кўпаяди.

**Гемоспоридиозларнинг келтирадиган иқтисодий зарарлари.** Гемоспоридиоз касалликлари жамоат чорвачилигига жуда катта иқтисодий зарар етказади. Улар ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини кескин камайтиради, кўплари ҳалок бўлади. Масалан, анаплазмоз ва тейлери оздан касалланган қорамолнинг 40—50% и ўлиши мумкин. Гемоспоридийлар ҳайвон организмининг резистентлик ҳамда репродуктив қобилиятига заарли таъсир этади ва гемоспоридиоз касалликларини бошидан кечирган қорамолларда (ўртacha 30% ининг) юрак ва бошқа органларининг иш қобилияти издан чиқади. Маҳсулдорлиги ва ишлаш қобилияти пасаяди. Бу касалликлар маҳаллий

ҳайвонларни зотли моллар билан чатишириб, уларнинг сифатини яхшилаш учун ўтказиладиган наслчиллик ишларига тўсқинлик қиласди. Чунки зотли молларни гемоспоридиоз тарқалган хўжаликларга келтириш хавфли, чунки наслдор ҳайвонлар оғир касалланади.

**Гемоспоридиозлар эпизотологияси.** Гемоспоридиозларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиши учун учта шароит, яъни: а) касалликни бошидан кечирган ва танасида узоқ муддат гемоспоридиоз қўзғатувчиларини ташувчи ҳайвонлар; б) гемоспоридийларни тарқатувчи яйлов каналари; в) касалликка мойил ҳайвонлар билан маълум табиий шароитлар бўлиши шарт. Мана шу эпизотологик занжирнинг бирортаси бўлмаса, ҳайвон гемоспоридиоз билан касалланмайди.

Ҳар йили гемоспоридиозлар учраб турадиган хўжаликларда уларнинг қўзғатувчилари ҳам доим мавжуд бўлади. Гемоспоридиоз билан касалланган ҳайвонлар каналар учун асосий манба ҳисобланади ва улар, ўз навбатида, касалликни мойил ҳайвонларга юқтиради (гемоспоридиоз занжири). Профессор Марков фикрича ҳозир гемоспоридиоз манбалари қўйидагича классификацияланади:

**1. Гемоспоридиозларнинг латент (яширин) очаглари.** Гемоспоридиоз касаллигини тарқатувчи яйлов каналари ва гемоспоридийларни ташувчи ҳайвонлари бўлган жойлар латент очаг ҳисобланади. Бу ердаги ҳайвонлар ҳар йили каналар ҳужумидан гемоспоридиоз билан доим заарланиб туради, натижада, нисбий чидамликни ортиради. Шунинг учун бундай латент очагдаги катта ёшли маҳаллий қорамоллар гемоспоридиозлар билан касалланмайди. Бузоқлар эса енгил касалланиб, жинсий вояга етгунча нисбий мойилсизликни ортиради. Яширин очаг, четдан келтирилладиган, мойил, айниқса зотли моллар учун хавфлидир, чунки уларнинг нисбий иммунитети бўлмайди, гемоспоридиозлар билан оғир касалланади ва кўплаб ҳалок бўлади.

**2. Гемоспоридиознинг эпизоотик очаги.** Бу очаг касалликни тарқатувчи яйлов каналари, қўзғатувчини ташувчи (касалликни бошидан кечирган) ҳайвонлар ва иммунитети заифлашган ҳолда четдан келтирилган зотли молларнинг, яъни эпизоотик занжирнинг учала таркибий қисмининг мавжудлиги билан характерланади. Мана шу очагдаги ҳайвонлар ҳар йили гемоспоридиоз

билин касалланади. Аммо айрим сабабларга кўра, ма-салан, ҳаво қуруқ келган йиллари яйлов каналарининг сони, нусхаси кескин камайиб кетиши туфайли ҳайвон гемоспоридиозга нисбатан иммунитетини йўқотади. Келгусида яйлов каналарининг ривожланиши учун қулай шароит пайдо бўлиши билан улар тезликда ривожланиб, кўпая бошлайди ва ҳайвонларга гемоспоридийларни юқтиради.

3. Гемоспориоздан хавфли зона — бундай жойларда танасида гемоспоридийлар бўлмаган яйлов каналари ва касалликка мойил ҳайвонлар мавжуд бўлиб, фақатгина гемоспоридийларни ташувчилар бўлмайди. Бундай хўжаликка фавқулодда гемоспоридийларни ташувчи бирорта ҳайвон келтирилса гемоспоридиознинг эпизоотик очагига айланади. Район, область ва ўлкаларда географик иқлим ҳамда хўжалик шароитларининг ўзгариши билан юқорида кўрсатилган очаглар ҳам ўзгариши мумкин, яъни гемоспоридиознинг эпизоотик очаги латент (яширин) очагга айланиши ва аксинча бўлиши мумкин.

Мамлакатимизнинг айрим зона ва массивларида яйлов каналари бўлмаганлиги учун гемоспоридиоз касалликлари ҳам учрамайди, чунки бундай жойларда яйлов каналарининг ривожланиши учун керак бўлган экологик шароитлар мавжуд эмас. Гемоспоридиозлар фақатгина специфик — кана иштирокида юқтирилади. Ҳайвонлар кана босган яйловларда боқилганда, яйловдан-яйловга ҳайдалганда, ҳайвон сув ичадиган жойларда, айрим вақтларда молхона ва фермаларда турганда ҳам уларга каналар ҳужум қилиб, гемоспоридиоз билан заарлайди. Гемоспоридиозлар — мавсумли касалликлардир. Улар асосан йилнинг иссиқ фаслларида, кўпинча ёз ойларида учрайди. Ҳар турли ҳайвонлар ўзига хос гемоспоридийлар учрайди. Ҳозир қорамолларда — ўн битта, отларда — икки, қўйларда — олти, чўчқа ва итларда биттадан гемоспоридиоз касалликлари учрайди.

### ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРДА ИММУНИТЕТ

Гемоспоридиоз касалликларининг иммунитети тўлиқ ўрганилган эмас. Албатта бу касалликларда ҳам организмда иммунитетнинг ҳосил бўлиш ҳодисаси умумий

физиологик қонуниятларга мос келади. Лекин иммунитет ҳосил бўлиш жараёнида нерв системаси бўлимларининг қанчалик таъсир қилиш даражаси конкрет аниқланган эмас, чунки гемоспоридиоз касалликларида, умуман, ҳамма протозоозларда ҳосил бўладиган иммунитет инфекцион касалликлarda пайдо бўладиган иммунитетдан кескин фарқ қиласди.

Гемоспоридиозлар билан касалланиб яхши бўлган ҳайвон организмида бу касалликларнинг такрорланмаслиги учун умумий чидамлилик пайдо бўлади. Бу чидамлилик гемоспоридиоз касалликларининг ҳаммасига эмас, балки айrim қўзғатувчиларига нисбатан ривожланади. Гемоспоридиоз, қўзғатувчилардан бир қанча тури мавжуд бўлган хўжаликларда, уларнинг бир томонидан қўзғатилган инвазия билан касалланган ҳайвон бошқа хил гемоспоридийларга мойиллигича қолади. Гемоспоридийлар морфологик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам улар ўзларининг иммунобиологик хусусияти ҳамда вирулентлик даражаси билан бир-биридан ажралиб туради. Бу биологик жиҳатдан хилма-хил бўлган паразитлар кўпинча маҳаллий «локал» гемоспоридий штаммаларига қарши иммунитет ҳосил қиласди.

Бундай моноштаммали иммунитет Пироплазма бигеминум, П. Кабалли, Пироплазма канис, Тейлериа, аннулата каби инвазияларда ҳосил бўлиши бизга маълум. Ҳайвонларни бошқа хўжаликка ўтказганда, уларнинг айrim турли гемоспоридиозлар билан такрор касалланишини ҳам моноштамп қоидасига асосланиб тушунириш мумкин. Масалан: ҳайвоилар биринчи марта касалланган хўжаликдаги гемоспоридиозларга қараганда, мана шу ҳайвон ўтказилган иккинчи хўжаликдаги гемоспоридийлар ўзларининг иммунобиологик ҳамда вирулентлик хусусиятининг кучлилиги билан фарқ қиласди.

Гемоспоридиоз касалликларига нисбатан ҳайвон организмининг чидамли бўлиб қолишини стерил бўлмаган иммунитет, яъни «премуница» ҳосил бўлиши билан тушунириш керак. Стерил бўлмаган, яъни «ностерил» иммунитет пайдо бўлганда организмдаги шу касалликни қўзғатган паразит тўлиқ йўқолмайди, балки маълум миқдорда сақланиб қолиб, касалликнинг такрорланмаслиги учун иммунитет, яъни «премуница» ҳосил қиласди. Паразит организмдан тўлиқ чиқариб ташланса, иммунитет

ҳам йўқолиб кетади. Шунинг учун ҳам ностерил иммуни-  
тети бўлган организм касаллик манбаи ҳисобланади.  
У яйлов каналарига касаллик қўзғатувчиларини юқти-  
риб паразитнинг табиатда алмашиб туришини таъмин-  
лайди.

Иммунологик реактивлик, яъни ностерил иммуни-  
тетнинг ҳосил бўлишида ҳужайра ҳамда гуморал фак-  
торлар ҳам иштирок этади. Организмдаги ҳар хил ҳимоя  
реакциялари орасида паразит ва уларнинг ҳаётий маҳ-  
сулотларини ретикуло-эндотелиал системалардаги актив  
ҳужайралар, ретикуляр тўқима ҳужайралари, лимфа  
тугун эндотелийси, суяк ичидаги, талоқ ва жигардаги  
ретикуляр, эндотелиал ҳужайралар билан оқ қон тана-  
чалари томонидан фагацитоз қилинишининг аҳамияти  
кatta. Ҳимоя реакцияси қанча кучли бўлса, организм-  
даги ретикуло-эндотелиал система ҳужайралари би-  
лан оқ қон ҳужайралари фагоцитлар ҳам кўпая боради.  
Бу вақтда моноцитлар билан паразитлар ўртасида ўзига  
хос муносабат ҳосил бўлади, яъни моноцитлар сони қан-  
чалик кўп бўлса, паразитлар сони шунча кам бўлади ва  
аксинча. Бу ҳодиса от пироплазмозида яққол кўзга таш-  
ланади.

Макрофагларнинг кўпайиши ҳамда уларнинг па-  
разитларни фагацитоз қилиш активлигини кучайтириши  
билан гемоспоридийлар жойлашган тўқималарнинг ял-  
лиғланиши янада кучаяди. Иммунитет ҳосил бўлишида,  
шунингдек, нейтрофил билан эозинофил энзимлари ҳам  
актив иштирок қиласди. Ҳайвоннинг тузалиш даври ва  
ундан кейин ҳам нейтрофил билан эозенофил миқдори-  
нинг кўпайиши буни исботловчи далил ҳисобланади.  
Гемоспоридийлар ҳамда уларнинг ҳаётий маҳсулотла-  
ри — токсинлари антиген бўлиб, улар таъсирида орга-  
низмда специфик антитела — аглютининлар, принципи-  
тиналар ишлаб чиқарилади. Мана шу антитела паразит-  
ларга таъсир этади ва уларни фагоцитларга тайёрлаб,  
иммунитет ҳосил бўлишида иштирок қиласди.

Шундай қилиб, организм реактивлигининг ошиши,  
антитела ишлаб чиқилиши, модда алмашув ҳодисасининг  
жадаллашиши ҳамда яллиғланишининг кучайиши нати-  
жасида организмда иммунитет ҳосил бўлади.

Ҳайвон организмининг реактивлик хусусияти па-  
разитнинг патогенлик таъсирини чеклаб, организмни маъ-  
лум физиологик ҳолатда тутади. Уни такрор касалла-

нишдан зақлайди. Организмнинг ҳимоя кучи билан паразитлар ўртасида вақтинча «мувозанат» ҳосил бўлиб, у келажакда ҳайвон организми ёки паразит фойдасига ўзгариши мумкин.

Ҳайвон сифатсиз озиқланиши, асраш шароитининг ноқулайлиги, ҳар хил физик ва химиявий таъсиrotлар, юқумли ва қатор юқумсиз касалликлар таъсирида организмдаги «мувозанат» бузилганида иммунитет кучсизланади, паразит тез ривожланиб, патогенлик таъсири кучаяди. Бунинг натижасида шу касаллика хос клиник белгилари бўлган маълум касаллик такрорланади ва бунга рецидив дейилади. Бундай рецидивлар гемоспоридиозларнинг турига боғлиқ бўлса ҳам, у кам учрайди ва бу масала ҳозиргача етарли ўрганилган эмас.

Ҳайвонга тўлиқ ва сифатли озиқ бериб, қулай шароитда боқиш, тўғри ишлатиш натижасида организмнинг касалликка чидамлилиги ҳамда иммунитети кучаяди. Бинобарин, организмнинг ҳимоя реакцияси гемоспоридийларга актив ва салбий таъсир этади, натижада уларнинг сони камайиб патогенлик хусусияти йўқолади. Паразитлар организмдан секин-аста йўқола беради. Организмдаги паразит тўлиқ йўқолганида, у билан бирга «премуниция» ҳам йўқолганлигидан, ҳайвон шу штаммали гемоспоридийга яна мойил бўлиб, касаллик қайта юқиши ва ривожланиши мумкин.

Гемоспоридийларнинг сифатий ўзгариши мураккаб процесс бўлиб, аввало паразит кичраяди, қисман цитоплазмасини йўқотади, шунинг учун у анаплазмоид кўринишини эгаллаб, бўёқлар билан яхши бўялмайди. Гемоспоридийлар ўзларига хос вирулентлик ҳамда иммунитет ҳосил қилдириш хусусиятини йўқотади. Умуман, ҳайвоннинг касалликка мойил бўлишига қарамасдан, уни касаллантира олмайди. Паразитларнинг кучсизланиши билан бирга, ҳайвон организмида ҳам маълум ўзгариш рўй беради. Унине реактивлик хусусияти заифлашади, ҳимоя қилиш мосламалари сустлашиб, ҳайвон яна касалликни юқтиради ва гемоспоридиоз билан оғир касалланади. Ҳайвоннинг гемоспоридиоз билан биринчи марта касалланганидан кейин орадан узоқ вақт ўтганида ундағи иммунибиологик ўзгариш шунчалик аниқ бўлади. Яъни вақтнинг ўтиши билан иммунитет йўқола боради. Шунингдек, касаллик қанчалик оғир ўтса, иммунитет ҳам шунчалик кучли бўлиб, узоқ чўзилади, аксинча, ҳайвон

енгил кўринишда касалланса, унинг иммунитети ҳам кучсиз бўлиб, у узоқча чўзилмайди.

Келажакда ҳайвоннинг гемоспоридиозларга мойил бўлмаслиги уларга касаллик юқтирувчи кананинг такрор (реинвазия) — инвазияланишига боғлиқ. Каналар гемоспоридиоз билан касалланиб соғайган ҳайвонларга ҳамма вақт инвазия юқтириб, организмнинг иммуно-биологик реактивлигини сақлаб, унинг ҳимоя мосламаларини узоқ вақт қувватлаб туради. Демак, бундай «реинвазия» тез-тез бўлиб турганида, иммунитет ҳам кучайиб узоқ вақт ўз кучини йўқотмайди. Реинвазия даврида ҳайвонга паразит юқиб, у касалланганида ҳам унда касаллик енгил ўтади, клиник белгилари ривожланмайди. Демак, ҳайвон касаллангандан кейин навбатдаги «реинвазия» бўлмаса иммунитет кучсиз бўлиб, ҳайвон узоқ вақт соғлом бўлиши мумкин эмас. Бундай иммунитетнинг кучи ва муддати гемоспоридийларнинг турига, уларнинг вирулентлик даражасига, касалликнинг ўтиш формасига, организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ бўлади. Аксинча инвазиянинг юқиши тез-тез такрорланиб, мустаҳкамланиб турганида иммунитет кучли бўлади ва у ҳайвонни касалликнинг такрорланишидан ҳимоя қиласади.

Ҳайвон қулай шароитда боқилганда, мана шу майллизизлик яна ҳам кучлироқ бўлади. Гемоспоридийлар ва уларнинг ҳаётий маҳсулотларига нисбатан ёш ҳайвон организмининг реактивлиги паст бўлганлигидан, шунингдек, ташқи муҳит факторлари (ишлатмаслик, қулай шароитда боқиш, она иммунитетини олиш ҳам) таъсир этганлигидан ёш ҳайвонларда гемоспоридиоз катта ёшдаги ҳайвонларга қараганда бирмунча енгилроқ ўтади. Шунингдек, ёш ҳайвон РЭСнинг катта ёшдаги ҳайвонларга қараганда бирмунча актив эканлигининг аҳамияти катта. Аммо тейлериознинг бузоқларда ўткир ва оғир ўтиш сабаблари бу қоидага итоат этмайди ва у етарлича ўрганилмаган.

## ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРНИНГ ПАТОГЕНЕЗИ

Гемоспоридиозлардаги патологик ўзгаришлар тартиб-ли равишда ривожланади. Гемоспоридиозлар таъсирида ҳайвоннинг нерв системасида рефлектор бузилишлар ривожланиб, организмда модда алмашиниш ва реактивлик қобилияти издан чиқади.

Гемоспоридийлар бирламчи касаллик қўзғатувчи сифатида ҳайвон организмида жуда тез ривожланади.

Паразиглар ва уларнинг ҳаётий маҳсулотлари кучли заҳарлидир, у бош мия ярим шари, ҳар хил рецепторларга таъсир қиласди. Шунингдек, паразитлар организмни актив мезинхима орқали ҳам заарлайди. Бу вақтда, гемоспоридийлар, уларнинг токсинлари эритроцитлар, ретикуло-эндотелия ҳужайралари томонидан шимилади. Ҳосил бўлган таассурот тананинг ҳар хил рецептор майдонидан афферент нерв толалари орқали марказий нерв системасига ўтади. Натижада, организмнинг физиологик ҳолатига, таъсир кучига мос жавоб реакция пайдо бўлади. Мана шу кутилмагандан содир бўладиган кучли таассурот марказий нерв системаси ҳамда ҳар хил органлар нормал фаолиятининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Нерв системаси ва айрим органларнинг функционал ўзгариши секин-аста ривожланиб боради. Бу органлар кучсиз бўлганлигидан инкубацион даврда касаллик белгисини кузатиб бўлмайди. Гемоспоридиоз касаллигига аллергия ҳолатининг пайдо бўлганида, гемоспоридий ва уларнинг токсинлари таъсирида организмнинг реактивлиги бузилади. Сезувчанилиги кучайган (сенсибилизацияланган) организмда нерв рецепторларининг қитиқланиши яна ҳам ортади, модда алмашинуви кескин издан чиқади, органлар функцияси бузилади. Бу организмда носпецифик токсик модда ҳосил қилиб, патологик процессларнинг ривожланишини яна ҳам тезлаштиради. Паразитлар кўпайиб, улар ажратган специфик ва носпецифик заҳарлар организмга тўхтовсиз таъсир қиласди марказий нерв системасидаги бирламчи қўзгалиш яна ҳам тезлашади. Натижада организмда содир бўладиган ҳамма органларнинг функцияси издан чиқади.

Айрим орган ва системалардаги патологик ўзгаришлар аниқ ривожланганида касаллик ўзига хос клиник белгилари билан характерланади.

Орган ва системалардаги функционал ўзгаришларни кўрсатувчи касаллик белгилари қуйидагилардан иборат: асад, юрак томирлар, камқонлик (анемия) ва ҳазм органларида рўй берадиган синдром группаларига бўлиш мумкин. Гемоспоридийлар ажратган ҳаётий маҳсулотлар, шунингдек специфик заҳарлар нерв рецепторлари орқали иссиқлик алмашинувини бошқарувчи марказга таъсир қилиб, уни бузади, натижада гемоспоридиозларда ҳамма вақт ривожланадиган характерли белги (синдром) лардан бири — иситма пайдо бўлади.

Ҳайвон танасининг ҳарорати кескин кўтарилиб, узоқ вақт пасаймайди. Натижада ҳайвоннинг умумий аҳволи оғирлашади. Касаллик бошланишида касалланган ҳайвоннинг қони таркибидаги эритроцит ҳамда гемоглобин миқдори кескин камайганлигидан гемоспоридиозларнинг иккинчи синдромаси кучли камқонлик (анемия) пайдо бўлади.

Гемоспоридийлар, уларнинг ҳаётий маҳсулотлари, но-специфик заҳар моддалар активлашадиган мезинхима ҳужайралар таъсирида эритроцитлар парчаланади. Эритроцитлар миқдорининг кескин камайиши организмда қон ишлаб чиқарувчи система (гемопоэтик система) органдарининг секин ишлаши натижасида касалланган ҳайвоннинг аҳволи жуда ҳам оғирлашади. Кўринадиган шиллиқ пардалар оқаради. Ҳайвон ўлганидан кейин ёриб кўрилганда мускулларининг камқонлиги (оқариши) эритроцитнинг камайганлигини кўрсатувчи клиник белгилар содир бўлади. Шиллиқ парда, тери ости клетчаткаси, зардоб пардаларининг сарғайиши ҳамда гемоглобинурия пайдо бўлиши ҳам эритроцитларнинг камайганлигидан далолат беради. Бундай камқонлик ҳамда тўқималарининг сарғайиши каби белгилар эритроцитларнинг парчаланиши натижасида ривожланади, чунки қизил қон таначалари парчаланганида гемоглобин унинг таркибидан қон плазмасига ажралиб чиқади.

Плазмадаги гемоглобиннинг бир қисми буйрак орқали чиқиб сийдикӣ сарғайтиради, иккинчи қисми эса билурубинига айланиб қон таркибida сақланади, шунинг учун ҳам улар шиллиқ ва зардоб пардаларга шимилиб, уларни сарғайтириб юборади. Тўқима ва ҳужайраларнинг сарғайиш даражаси (интенсивлиги) парчаланаётган эритроцит миқдори, шунингдек, жигар билан буйракнинг ҳолатига bogлиқ. Эритроцит таркибидаги гемоглобин

миқдорининг камайиши, резистентлигининг кўтарилиши, шунингдек, қон таркибидаги ўзакли эритроцитларнинг пайдо бўлиши, анизацитоз, пойкилоцитоз, полихроматофилия, гемосидероз ҳодисалари, моноцитнинг кўпайиши ҳам анемиянинг кўринишларидан ҳисобланади.

Эритроцитларнинг парчаланиши, қон таркибидаги сифат ўзгаришлар, газ ҳамда оқсил алмашиш ва умумий модда алмашинининг бузилиши, кислота билан ишқорлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг бузилиши (ацидоз ривожланиши) натижасида анемия синдромалари билан бирга юрак томир синдромалари ҳам ривожланади.

Озиқ етишмаслиги ва кислороднинг танқислигидан юрак иши издан чиқади, юрак уриш ритми ўзгаради, пульс тезлашади, айрим ҳоларда аритмия пайдо бўлади. Организмда қон айланиши кескин бузилади.

Орган ва тўқималарда коллоген толаларнинг гидрофиллик хусусияти кучайганлигидан пульс секинлашиб, қон босими пасаяди. Умуман, қоннинг миқдор ва сифат ўзгариши организмда сув тўпланишга сабаб бўлади. Қон айланишининг бузилиши, унинг етишмаслиги туфайли нафас олиш қийинлашади. Ҳайвон ҳарсиллайди, кичик қон айланиш системасида қон димланса, ўпка шишиди, унда сув тўпланади. Юрак ишининг секинлашиши, қон томир деворларида ўтказувчанликнинг кучайиши, тўқима гидрофиллик хусусиятининг кўтарилиши, тўқималарда хлоридларнинг тўхтаб қолиши ва ацидознинг ривожланиши натижасида касалланган ҳайвоннинг оёклари, кўкрак ҳамда қоринларида сув тўпланиб шишиади.

Модда алмашиш процессининг бузилиши, қон таркибида кальций моддасининг камайиши натижасида паразитлар ажратган ҳаётий маҳсулотлар носпецифик токсик моддалар таъсирида қон томир деворлари бузилади. Капиллярларнинг ўтказувчанлиги ошади, унинг деворларидан қон сиза бошлайди. Шунинг учун ҳам кўринадиган шиллиқ ва зардоб пардаларда, ҳар хил орган ва тўқималарда, айрим ҳолларда тери ости клетчаткасида, ҳатто терида геморрогия (қон қўйилиши) ривожланади, кейинчалик тўқималарда сув тўплана бошлайди. Ўпка ва тўқималарда сув тўпланганигидан газ алмашиниш бузилади, анексемия ривожланади. Тўқималарда модда алмашинуви охиригача етмасдан оралиқ моддалар ҳосил бўлиб, организмни заҳарлайди. Жигар билан буйракларда де-

генератик ўзгаришлар ривожланганлигидан уларнинг функцияси бузилади, тўқималарда тўпланган заҳар моддаларни организмдан чиқариб ултурмайди ёки заҳарсизлантира олмайди.

Патологик процесс бошланганида организмдаги қант ҳисобига, кейинчалик оқсил ва ёф ҳисобига уларнинг кўп миқдорда сарфланганлигидан модда алмашинуви тезлашади, қонда олтингугурт, фосфор, қолдиқ азот, ёф кислоталари ва бошқа кислота маҳсулотлари кўпайиб, тўқималарнинг гидрофиллик хусусияти кучаяди. Лимфа системасининг яллиғланиши туфайли кучли ацидоз пайдо бўлади, тўқималарда дистрофия ривожланиб, айрим ҳолларда улар некрозга айланади. Актив мезинхима ҳужайраларининг қитиқланиши, ретикуло-эндотелиал система (РЭС) ҳужайраларида пролиферация ва гиперплазия ривожланганлигидан талоқ, жигар лимфа тугунларининг ҳажми кескин катталашади.

Қон айланишнинг нерв системасида ҳамда рефлектор бошқарилиши бузилиши натижасида пайдо бўлган қон димланиши натижасида тилда, ичак, жигар ва буйракларда чукур патологик процесслар ривожланади. Касалланган ҳайвон тузалиш даврида юқорида айтилган ҳамма тўқималарда патологик ўзгаришлар, шунингдек, касаллик белгилари — синдромлари аста-секин йўқола боради. Лекин анемия, ҳайвондаги бўшашиш, қувватсизлик ҳамда ошқозон ва ичаклардаги катарал яллиғланиш узоқ вақтгача давом этади.

### ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРНИНГ ДИАГНОСТИКАСИ

Гемоспоридиозларга диагноз қўйишда касалланган ҳайвонларнинг клиник белгиларини ўрганиш билан бирга лабораторияда текшириш усулларидан ҳам фойдаланилади. Шунингдек, эпизоотологик маълумотлар, патологоанатомик (ёриб кўриш) натижалари ҳам ҳисобга олинади. Бунда фақатгина этиологик диагноз қўйилиб қолмасдан балки, касалликнинг ҳар хил ривожланиш даврида касалланган ҳайвоннинг умумий ҳолати ҳам аниқланади. Касалланган ҳайвоннинг диагнози аниқ ва ўз вақтида қўйилғандагина касаллик муваффақият билан тезда даволаниши мумкин. Акс ҳолда касаллик чўзилиб кетиб, даволаш учун яхши натижа бермайди.

Аниқ диагноз қўйиш учун касалланган ҳайвон организмидан специфик қўзғатувчи — гемоспоридийларни топиш керак.

**Клиник усулда диагноз қўйиш.** Касалликларнинг клиник белгилари ҳамма вақт шу касалликка характерли бўлавермайди. Айрим тур ҳайвонлардаги қатор клиник белгилар бир қанча турдаги гемоспоридиоз касалликларида учрайди. Аммо бир вақтнинг ўзида қатор, маҳсус белгилар тўпламига (синдромаларига) асосланниб ўёки бу гемоспоридиозга тахминий бўлса ҳам бирмунча аниқ диагноз қўйиш мумкин.

Гемоспоридиоз билан касалланган ҳайвонларнинг асосан нерв системаси бузилади, ошқозон-ичак ишлари издан чиқади, тана температураси кўтарилади, анемия ривожланиб, шиллиқ пардалари сарғаяди. Гемоглобинурия ҳодисалари ҳам кўпроқ учраб туради. Бу вақтда ўёки бу гемоспоридиозга характерли белгилар бирин-кетин тартибли равишда пайдо бўлади, аввало нерв системининг функцияси ўзгаради, кейинчалик унга юрак томирларининг ўзгариши, анемия, ошқозон-ичак функциясининг бузилишидан пайдо бўладиган белгилар қўшилади. Гемоспоридиозларга диагноз қўйишда бу касалликларнинг узоқ чўзилишини, иситма типларини, анемиянинг ривожланиш даражасини, кўринадиган шиллиқ пардаларнинг сарғайиш даражаси ва уларга қон қўйилганлигини, гемоглобинурия бор ўёки йўқлигини, бор бўлса унинг пайдо бўлиш вақтини, касалланган ҳайвоннинг йўталиши, кўзидан ёш оқиши, юзаки жойлашган лимфа тугунлар ҳолати ҳисобга олиниши керак. Касалликнинг давом этиш муддатига қараб қорамоллар билан қўйлар жуда тез шуддатли ўтадиган анаплазмоз ва тейлериоз каби касалликларни бошқа узоқ муддатга чўзиладиган касалликлардан ажратиш; отлардаги кўпинча сурункали ўтадиган нутталлиозни ўткир ўтадиган от пироплазмозидан фарқ қилиш мумкин.

Иситма хилларига кўра ҳам нутталлиозни от пироплазмозидан, қорамолларнинг анаплазмози уларнинг бошқа гемоспоридиозларидан ажралиб туради. Шунингдек, қорамоллар билан қўйларда гемоглобинурия (қон сийиш) ҳодисаси рўй бергандা уларни анаплазмоз ўки тейлериоз деб диагноз қўйиш мумкин эмас, чунки бу касалликларда гемоглобинурия ҳодисаси бўлмайди.

Қорамолларнинг юзаки лимфа тугунлари катталашиб, кўзларидан ёш оқиб турса, йўталса уларга тейлериоз деб тахминий диагноз қўйиш мумкин. Диагноз клиник усулда қўйилганда ҳайвон бошқа усулларда текшириб тасдиқланиши керак.

**Лабораторияда текшириб диагноз қўйиш.** Касалликни қўзғатувчи специфик гемоспоридийларни топиш учун касалланган ҳайвоннинг периферик қон томирларидан, одатда қулоқ қон томирларидан қон олиниб, ундан мазок тайёрланади, тайёрланган мазок дарҳол метил ёки этил спирти билан «фиксация» қилинади-да, сўнгра Романов усулида бўялиб, микроскоп остида текширилади. Мазок касалланган ҳайвонни даволашдан олдин биринчи томчи қондан тайёрланади, чунки биринчи томчи қонда гемоспоридийлар кўп бўлади.

Мазок микроскоп остида текширилганда ундан гемоспоридийлар топилмаса ёки уларнинг бор-йўқлиги гумон қилинса орадан кўп вақт ўтмай қайтадан мазок тайёрланиб текширилади ёки гемоспоридийларни тўплаш (обогошения) усулидан фойдаланилади. Гемоспоридийлар билан зааррланган эритроцитлар соғлом эритроцитларга қараганда бирмунча енгил бўлади ва мазокнинг чеккасида тўпланади. Шунинг учун ҳам микроскоп остида мазокнинг четларини текшириш таклиф қилинади. Тейлернозга шубҳа туғилганида, касалликнинг бошлиниш даврида юзаки жойлашган ва нормадан катталашган лимфа тугунидан олинган суюқлиқдан (пунктатадан) мазок тайёрланиб, микроскоп остида паразитнинг «анор доначалари» («гранатние тело») деб аталадиган доначалар изланади. Гемоспоридийларни топиш мақсадида янги ўлган ҳайвонларни ёриб, уларнинг талоқ, жигар, юрак ва бошқа органларидан мазок — «огпечаток» тайёрланиб (предмет ойнасининг юзасига — органларига суртиб) текширилади.

Ҳайвон ўлганидан кейин орадан кўп вақт ўтган бўлса текшириш учун материал қон томирлардан, туёқ ёки қулоқ тери капиллярларидан олинади.

Касалланган ҳайвоннинг диагнозини олдиндан (прогнозини) айтиш учун қўшимча текшириш, айниқса гематологик текширишдан олинган кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Шу мақсадда эритроцитларнинг чўкиш тезлигини (РОЭ), эритроцит билан лейкоцитларнинг миқдорини аниқлаш, гемограмма тузиш, резерв ишқорни

аниқлаш, сийдикда оқсил борлигини аниқлаш, сийдикнинг ранги, оғирлиги ва бошқа кўрсаткичларни текшириш керак.

**Эпизоотологик маълумотларга асосланиб диагноз қўйиш.** Айрим хўжаликларда гемоспоридиозлар кўпгина ҳайвонларда учрайди, аксинча бошқа хўжаликларда фатгида бир турли ҳайвонлар ўртасида тарқалган бўлади. Демак, диагноз қўйишда гемоспоридиозлар тарқалаётган шароитни (гемоспоридиоз ситуациясини), яъни касаллик тарқалган жойни ва шу хўжаликдаги касалланаётган ҳайвон турини, қўзғатувчининг турларини, тарқатувчи каналарнинг хилларини аниқлаш билан ҳам тахминий бўлса-да, бирмунча аниқ диагноз қўйиш мумкин. Бунда касалланаётган ҳайвоннинг ёши, тури, келиб чиқиши, улар боқиладиган яйловлар ва фасллар ҳисобга олиниши керак.

От пироплазмози баҳор ва кузда учрайди. Қўй гемоспородиозлари билан қорамол тейлериози ёзда учраса, шу молларнинг анаплазмози бирмунча кейинроқ, яъни кузда учрайди. Ҳар хил гемоспоридиоз касалликларининг қўзғатувчиларини тарқатадиган каналар ҳам ҳар хил бўлганлигидан каналарнинг турини аниқлашнинг аҳамияти ҳам катта. Касалланган ҳайвон кўздан кечирилиб, текшириш вақтида унинг танасидан топилган кананинг турига қараб унга диагноз қўйиш мумкин.

**Патолого-анатомик ўзгаришларга асосланиб диагноз қўйиш.** Ўлган ҳайвонлар ёриб кўрилганда тўқима ва органларнинг камқонлиги, сарғайғанлиги, талоқ ва жигарнинг катталашғанлиги, кавшовчи ҳайвонларда қатқориннинг қотиб қолганлиги, шиллиқ ва зардоб пардаларда қон қуйилганлиги, сийдик пуфагида «қонли сийдик» борлиги, ширдонда тугунчалар билан яранинг борлиги (тейлерияд), қоннинг суюқ ва рангизлиги яққол кўзга ташланади. Бу гемоспоридиоз касаллигига характерли белгилар ҳисобланади. Паренхиматоз органлардан тайёрланган мазок таркибида типик формада бўлмаса ҳам гемоспоридийларни топиш мумкин.

**Каналарнинг гемоспоридийлар билан заарланганлигини аниқлаш йўли билан диагноз қўйиш.** Айрим хўжалик ҳатто фермалардаги эпизоотик шароитларни ўрганиш гемоспоридиоз тарқалаётган шароитни аниқлаш мақсадида каналарнинг гемоспоридийлар билан заарланганлигини аниқлаш керак. Бунинг учун ҳайвон танаси-

дан териб олинган яйлов каналарининг сўлак безлари лабораторияларда текширилади. Шундай қилиб кана танасида гемоспоридийлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Шу мақсадда қон сўриб тўйган урғочи кана олиниди, у оч бўлса, уч-тўрт кун қуён ёки бошқа бирорта ҳайвон танасига қўйиб, қонга тўйдирилади. Шундан кейин канани ёриб, унинг сўлак безлари ажратиб олиниди. Олинган сўлак бези предмет ойначага қўйилади ва бир томчи сув томдириб, игна билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган эмульсия предмет ойначасининг бетига бир текис тарқатилади.

Бу усуlda тайёрланган мазок уйда ёки  $20-24^{\circ}$  иссиқликда 2—3 соат сақланиб термостатда қуритилади, сўнгра метил спиртида 10 минут сақланиб Романов усулида бўялади.

Гемоспоридийларнинг катталиги икки-уч микрон атрофида бўлиб, думалоқ, овал, нок ва бошқа шаклда кўринади. Гемоспоридийлар орасида унча катта бўлмаган овал ва думалоқлари билан бирга, бирмунча катталари (3—16 микрон) ҳам учраб туради. Аммо айрим ҳолларда уларнинг ўзаги (хромотинлари) парчаланган масса кўринишида бўлиши мумкин. Паразитнинг бирмунча чўзиқроқ якка кўриниши жуда характерлидир: унинг бир учи қайрилган, иккинчиси ўткир, ядроси катта ва марказда жойлашган бўлади. Одатда гемоспоридий ҳужайрасининг икки учи ва ён томонлари бирмунча аниқроқ бўялади.

Кана қўйган тухумлардан препарат тайёрлаш жуда осон. Бунинг учун ҳайвон танасидан қонга тўйган кана олиниди, тухум қўйдириш учун ҳар бир урғочи кана пахтага ёки докага ўралиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида пробиркага солинади. Ўрта ҳисобда олти-саккиз кундан кейин пробиркага қўйилган тухумлардан мазок тайёрланади. Бунинг учун предмет ойначасига бир томчи сув ёки физиологик эритма томизилади ва унга 5—10 дона кана тухуми қўйилади-да, кичик шпател билан эзилади. Ҳосил бўлган эмульсия тезда предмет ойначага бир текис тарқатилади.

Бу мазок қуритилиб, Романов усулида бўялганидан кейин, микроскоп остида текширилади. Одатда кана тухумидаги паразит бирмунча узунчоқроқ — узунлиги 8—10 микрон атрофида бўлади.

## ГЕМОСПОРИДИОЗ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ

Гемоспоридиоз билан касалланган ҳайвонларни даволашда этиотроп (сабабни йўқотувчи), патогенетик (симптоматик) ҳамда функционал терапиядан фойдаланилади. Этиотроп усулда даволаганда организмда ривожланётган патологик процесси тезроқ тўхтатиш кўзда тутилади. Бунинг учун ҳар хил химиотерапевтик дорилар ишлатилади. Функционал усулда даволаганда касалланган ҳайвон организмидаги функцияси издан чиқсан ҳар хил орган ва тўқималарни тиклаб, мақсадга мувофиқ ишлатиш назарда тутилади. Касалланган ҳайвон этиотроп ва функционал усулларда мураккаб йўллар билан даволангандан ҳамда ҳайвонлар сифатли озиқлар билан тоза ҳавода, қулай шароитда боқилганда тезроқ тузалади. Касалликни даволашда дориларни тўғри танлаш учун шу касалликнинг қўзғатувчисини, унинг турини аниқ билиш ҳамда касалланган ҳайвоннинг умумий ҳолатини ҳисобга олиш керак.

Иш ҳайвонларида касаллик бошланиши билан уни ишдан озод қилиш ёки бошқа ҳайвонларни дарҳол подадан ажратиб, специфик ҳамда симптоматик дорилар билан даволаганда, бу иш муваффақиятли тугайди.

Гемоспоридиоз билан касалланган ҳайвон салқин, шамолсиз бино ёки бостирмаларда юмшоқ тўшамалар тўшаб боқилади. Касалланган ҳайвонни бир жойдан иккинчи жойга тез-тез кўчириш, ортиқча ҳаракат қилдириш ман этилади. Ҳайвон танасидаги каналар териб олиб, ўлдирилади. Касалланган ҳайвонларга тоза ва совуқ сув берилади. Касаллик кучайган даврда уларнинг озиқ рациони янги ўрилган ўт, маккажўхори кўкати, майда кесилган сабзи, лавлаги, карам барглари билан бойитилиши керак. Ҳайвон тузалиш даврида юқорида айтилган рационга донли озиқлар, янги согилган сут қўшилиши мумкин. Рацион таркибига ўт, сабзи, лавлаги, шунингдек 5—6 л сут қўшилганда ҳайвон витамин ва оқсили билан таъминланади, шунда унинг ичи қотмайди, ҳазм органларининг иши бузилмайди. Кейинчалик ҳайвон камроқ ишлатилиши керак, акс ҳолда чарчаб қолади. Ишчи ҳайвонлар гемоспоридиоздан тўлиқ согайганидан кейин ишлатилмаса, касаллик қайталаниб, ҳайвон ҳалок бўлиши мумкин. Ёш ҳайвонлар қари ва ориқ ҳайвонларга нисбатан тезроқ тузалади.

Нерв системасининг фаолияти, юрак-томир ишлари, ҳазм органларининг функциясини тартибга солиш ёки тиклаш учун ишлатиладиган симптоматик дорилардан ҳар бир касалланган ҳайвоннинг шу дорига нисбатан сезувчанлигини ҳамда ҳайвоннинг умумий ҳолати ҳисобга олинган ҳолда фойдаланилади. Бу дорилардан ўз вақтида фойдаланилганда, айниқса юрак иши билан ҳазм органларининг функцияси нормаллашади. Юрак билан томирларнинг ишини ҳамда нерв системаси фаолиятини тиклаб турадиган дорилардан кўпинча кальций хлорид (2, 3-кунлари) эритмаси, кофеин тузлари, камфора, глюкоза кабилар ишлатилади.

Ҳазм органларининг ишини яхшилаш мақсадида клизма қилинади, сурги тузлари, мой, спирт берилади; 10% ли ош тузи эритмаси (венага юборилади), карбохолин, сут, қатиқ, тез ҳазм бўладиган турли ўтлар берилади. Турли доривор моддалар ишлатилганда ҳайвонни даволаш вақтидаги умумий аҳволи, касалликнинг ривожланиш даврлари ҳисобга олинади.

#### ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРГА ҚАРШИ ИШЛАТИЛАДИГАН МАХСУС ХИМИОТЕРАПЕВТИК ДОРИЛАР

Ҳозир гемоспоридиозларга қарши асосан қўйидаги дорилар ишлатилади:

Трипансин (трипан блау) — қорамтири кўкиш кукун (порошок). Нутталлий билан франсаиеллилардан бошқа ҳамма пироплазматид оиласига кирувчи гемоспоридийларни тезда ўлдиради. У ҳайвоннинг ҳар бир килограмм оғирлигига 0,005 дозадан олиниб, бир процентли эритма шаклида 35—37° иситилиб, венага — қон томирига юборилади. Дори 0,3—0,4% ли ош тузида тайёрланади. Трипансин эритмаси итларнинг териси остига ҳам юборилиши мумкин. Касаллик оғирлашган ва ориқ ҳайвонларга трипансиннинг даволаш учун ишлатиладиган дозаси иккига бўлиб, ҳар 12—24 соатда юбориб турилади.

Трипансинни сақлаш муддати чексиз. Препарат юборилгандан кейин икки ҳафтагача тўқима ва органларни сарғайтиради. Трипансин юборилгандан кейин ҳайвон тасодифан сўйиб юборилганда, унинг гўштини истеъмол қилиш мумкин.

**Флавакридин** (трипафлавин) — сариқ порошок. У қўй, қорамол, от ва итларда учрайдиган турли гемоспоридийларни ўлдирадиган политроп таъсирга эга. Дори ҳайвоннинг ҳар килограммига 0,003—0,004 ҳисобидан олиниб, 1% ли эритмаси фақатгина қон томирига юборилади. Бунда эритувчи сифатида физиологик эритмалардан фойдаланилади. Бу дори юборилган ҳайвоннинг қуёш нурига сезгирилиги кучаяди. Шунинг учун флавакридин билан даволанган ҳайвон камидаги бир кун сояда сақланади. Айрим ҳолларда флавакридиннинг дозаси қўйларга 0,0004 бўлиб, физиологик эритмада тайёрланган 5% ли эритмаси ҳайвон гўшти орасига юборилади.

**Флаварган** (аргофлавин) — трипафлавин билан кумушнинг бирикмаси. Қўнғир ранг кукундори (порошок), у қорамолларнинг анаплазмози билан тейлериозидан бошқа ҳамма гемоспоридиозларни даволашда ишлатилилади. Дозаси: қорамолларга 0,6—0,7; қўйларга 0,06—0,09; отларга 0,8—0,9 дан 0,5% ли эритмаси қон томирига юборилади. Бу препарат 0,5% ли эритма шаклида ампулага солинган ҳолда бўлиши ҳам мумкин.

**Профлавин** (сентофлавин) — оч қизил кукундори (порошок). У ҳайвоннинг бир килограмм тирик вазнига 0,002—0,003 дозада олиниб, 1:300 нисбатда тайёрланган эритма шаклида вена — қон томирига юборилади. Профлавин қўйларнинг гемоспоридиози билан от нуттализи ни даволаш учун ишлатилади.

**Пироплазмин** (акаприн) — мочевинадан олиниади. Кўкиш, сариқ, аччиқ, ҳидсиз, сувда яхши эрийдиган кукундори (порошок). У анаплазмоз билан тейлериоздан бошқа ҳамма гемоспоридиозларни даволашда ишлатиладиган политроп препарат. Дозаси бир килограмм қорамолга — 0,001, қўйлар ва чўчқаларга — 0,002, отларга — 0,0006, итларга — 0,0006 дан, унинг дистилланган сувда тайёрланган 1—2% ли эритмаси гўшт орасига ёки тери остига юборилади.

Пироплазмин билан даволанган отларда терлаш, орзидан сўлак оқиши, кўзидан ёш оқиши, мускулларнинг титраши, ич кетиши, тез-тез сийиши каби ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Аммо бу ҳодисалар узоққа чўзилмайди.

**Новоплазмин** (ЛП-4) — мочевинадан олиниади. Дистилланган иссиқ сувда яхши эрийдиган оқ кристалл

модда. Анаплазмоз билан тейлериоздан бошқа ҳамма гемоспоридиозларни даволаш мумкин. Дозаси: ҳайвоннинг 1 кг тирик вазнига қараб қорамолларга — 0,0002, қўйларга 0,0004, отларга 0,0001. Новоплазминнинг пироплазмин каби дистилланган сувдаги 1—2% ли эритмаси мускул орасига ёки тери остига юборилади.

Новоплазминнинг дозасини ориқ ҳайвонларга икки баравар камайтириш мумкин. Шунингдек, новоплазмин оғиз орқали ҳам порошок ёки эритма шаклида берилиши мумкин.

**Гемоспоридин** (ЛП-2) — мочевинадан олинади. Уй температурасидаги сувда яхши эрийдиган оқ кристал ҳолдаги (порошок) кукундир. Эритмаси ёруғликда кўкаради. Қон томирига юбориш учун тайёрланган эритмаси фильтранади, аммо стерилизация қилинмайди. Препарат турли гемоспоридиоз қўзғатувчиларига нисбатан политроп таъсир кучига эга. Фақатгина анаплазмоз бундан мустаснодир. Дозаси: ҳайвоннинг бир килограмм тирик вазнига қараб кавшовчи ҳайвонларга 0,001, отларга — 0,0002. Унинг 1—2% ли эритмаси тери остига юборилади. Препаратнинг 25—50% ли эритмаси отларга икки — тўрт томчидан, қўйларга — бир томчидан конъюктива халтачасига ҳам томдирилиши мумкин.

**Тиарген** — кумуш билан олtingугуртнинг мураккаб бирикмаси. Сувда яхши эрийдиган, тами шўрроқ, аччиқ, оқ кукун дори (порошок).

Кавшовчи ҳайвонларнинг тейлериози билан анаплазмоздан бошқа ҳамма гемоспоридиозларга қарши ишлатилади. Дозаси ҳайвоннинг ҳар бир килограмм оғирлигига 0,01 олиниб, 2% ли сувдаги эритмаси қон томирига юборилади. Айрим ҳолларда тиаргеннинг сувдаги 5% ли эритмаси ҳам тери остига юборилиши мумкин.

**Альбаргин** — кумуш билан желатина бирикмаси, очиқ-сариқ порошок. Препарат камроқ бўлса ҳам, қорамолларнинг бабезиеллёзига қарши ишлатилади. Дозаси қорамолларнинг қон томирига 0,007 дан олиниб 2% ли эритма шаклида юборилади.

**Ихтарган** — кумуш билан ихтиол аралашмасидан иборат мураккаб бирикма. У қўнғир рангли кукун дори. Дозаси: қорамолларга 0,007, қорамолларнинг бир килограмм тирик вазнига бабезиеллёзга қарши венага 1% ли эритма юбрилади.

**Сульфантроль** — сульфаниламид, бу сувда яхши эрийдиган оқ порошок. Отларнинг нутталлиози, қорамолларнинг тейлериози билан анаплазмозини даволашда ишлатилади. Дозаси: ҳайвоннинг бир килограмм тирик вазнига 0,05—0,01. Унинг 4% ли эритмаси венага юборилади. Эритма ўтувчи пар билан стерилланиб фильтрланиши керак.

**Аминоакрихин** — сувда яхши эрийдиган тўқ-сариқ рангли кукун доридир. Дозаси: қорамолларга 0,003. Бу дори стерилланганидан кейин 1% ли эритмаси анаплазмоз билан тейлериозни даволашда венага юборилади. Дори ҳар 48 соатда икки марта юборилади.

**АЗИДИН.** Ватанимизда янги яратилган препарат. У сувда яхши эрийдиган сариқ енгил аморф порошокдир.

Даволаш ҳамда касалликнинг олдини олиш мақсадида қорамолларнинг пироплазмоз, франсаиеллёз ҳатто анаплазмоз билан тейлериозига ҳамда қўйларнинг гемоспоридиозига қарши ишлатилади. Дозаси ҳайвоннинг бир килограмм вазнига даволаш учун 0,003; профилактик мақсадда — 0,0015 граммдан олиниб, 7% ли эритмаси мускули орасига ёки териси остига юборилади.

**Беренил** — немислар яратган препарат. СССРда кавшовчи ҳайвон гемоспоридиозларига қарши кенг ишлатилмоқда. У сувда секин эрийдиган, сариқ порошокдир. Дозаси қорамолларнинг пироплазмоз, франсаиеллёз, бабезиеллёз касалликларини даволашда 0,003 қўйларнинг ҳамма гемоспоридиоз касалликларининг олдини олиш мақсадида 0,0015 граммдан олиниб, 7% ли эритмаси мускули орасига ёки тери остига юборилади.

### ГЕМОСПОРИДИОЗ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Гемоспоридиозларга қарши курашиш учун мураккаб тадбирлар комплекси таклиф қилинган.

Шу мақсадда гемоспоридиоз билан касалланган ҳайвон даволанади, соғлом ҳайвонларда профилактика тадбирлари амалга оширилади, гемоспоридийларни тарқатувчи яйлов каналари қириб ташланади, ташқи мұхитда каналар учун ноқулай шароит яратилади, ҳайвонларнинг умумий чидамлилигини (резистентлигини) оши-

риш учун курашилади. Қасалланган ҳайвонлар ўз вақтида қулай шароитда сифатли озиқ бериб боқилиб, тўғри даволангандагина касалликка тезда барҳам берилади.

Касалланган ва касаллиги гумон қилинган ҳайвонлар тезда подадан ажратилади, ишчи ҳайвонлар (от, ҳўқиз) ишдан озод қилинади ва улар салқин, тоза молхона, яъни бостирмага олинади. Ҳайвонни офтобда қолдириш, ҳайдаш ва ишлатиш натижасида унинг касаллиги оғирлашади.

Гемоспоридиозларга қарши профилактик тадбирлар асосан қўйидагилардан иборат:

1. Ҳайвонларни (яйлов каналарининг ҳужумидан сақлаш учун ёз ойларида тоғли яйловларда боқиш керак. Чунки тоғли яйловларда каналар бўлмайди, бу жойда уларнинг ривожланиши учун шароит ноқулайдир. Тоғли яйлови бўлмаган хўжаликларда каналар кўпайган вақтларда ҳайвонлар молхонада боқилиб вақт-вақти билан фақатгина яйратиш майдончаларига ҳайдалиши керак.

2. Гемоспоридиозларга қарши химиопрофилактик (митигирующая профилактика) тадбирлар амалга оширилади. Шу мақсадда отлар пироплазмозга қарши трипанси билан; қўйлар пироплазмози билан бабезиеллёзига қарши flavakridin, азидин, беренил ва гемоспоридиозларига қарши азидин ҳамда беренил билан дорилаб турилади.

Гемоспоридиоздан соғ бўлмаган хўжаликда бирорта ҳайвоннинг касалланиши аниқланса ёки ҳайвон танасида яйлов каналари борлиги аниқлангандан кейин орадан етти-ўн кун ўтгач хўжаликдаги ҳамма ҳайвонга маҳсус химиопрепаратлар юборилади. Шунингдек, касаллик учраб турган хўжаликлардан келтирилган (отлар ва қорамоллар) ҳайвонларга ҳам химиопрепаратлар юборилиши керак.

3. Химиопрофилактика мақсадида дори юборилган ҳар қайси ҳайвонга 12—14 кунгacha гемоспоридиоз касаллиги юқмайди. Шунинг учун ҳам йилнинг иссиқ фаслларида бу дорилар ҳар 10 кунда такрор юбориб турилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Ҳайвон танасидаги, молхона ва яйловдаги каналарга қарши кураш тадбирлари билан олдинги бўлимда батафсил танишиб чиқилди.

5. Сунъий иммунитет ҳосил қилиш учун ҳайвонларга кучсизлантирилган гемоспоридийлар юборилади. Айрим вақтларда кучсизланган гемоспоридийлар химиопрепаратлар билан бирга юборилади. Иммунитет ҳосил қилиш усули комплекси амалга оширилганда ҳайвонлар гемоспоридиоздан албатта сақланади.

6. Ҳайвонларни гемоспоридиоздан сақлаш учун уларни боқишиш, асраш, озиқлантириши қоидаларига түлиқ риоя қилиш ҳамда ҳайвоннинг умумий чидамлилигини ошириш керак. Шу билан бирга гемоспоридиозларга чидамли янги зот (порода)лар яратиш керак.

### ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРИ

Қорамолларда учрайдиган гемоспоридиозлардан қўйндаги: пироплазмоз, бабезиеллёз, франсаниеллёз, тейлериоз ва анаплазмоз касалликларини ўрганишнинг аҳамияти катта.


#### Пироплазмоз

Қорамолларнинг пироплазмози ўткир ўтадиган инвазион касаллик ҳисобланади. У приоплазма бигеминум деб аталадиган гемоспоридийларнинг эритроцитларда паразитлик қилиши натижасида ривожланади. Пироплазмоз мавсумий касалликлардан бўлиб, жанубий районларда, айниқса Шимолий Қавказда кенг тарқалган. Бу касаллик билан касалланган ҳайвонда иситма кўтарилиши, сариқлик, камқонлик ва қон сийиш каби клиник белгилари билан характерланади.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Пироплазма бигеминум икки, яъни дефинитив — (Боофилус калкаратус каналар) ва оралиқ (қорамоллар) хўжайин иштирокида ривожланади. Қўзғатувчи оралиқ хўжайиннинг қизил қон доначаларидаги эритроцитлари ва ички паренхиматоз органларида кўпаяди. Уларнинг оддий бўлининиб кўпайиши натижасида амёба, нок, ҳалқа шаклида ва бошқа кўринишдаги формалари ҳосил бўлади (55-расм). Аммо пироплазмаларнинг оралиқ хўжайини эритроцитларда ўткир бурчак ҳосил қилиб бириккан. Улардан қўшнок шаклидагиси жуда характерлидир.

Қорамолларга приоплазмоз Боофилус калкаратус номли яйлов канасининг пироплазма билан инвазияланган личинкалари ҳужум қилганида юқади. Ҳайвон қони-

ни сўраётган кана сўлагидаги пироплазма қон томирлари га ўтиб, дарҳол эритроцит ва ички паренхиматоз органларига кириб у ерда қўпаяді ва бутун организмга тарқалади. Мана шу ҳайвонга ҳужум қилган Боофилус калкаратус



55-расм. А — Пироплазма бигеминум ва унинг периферик қондаги хилма-хил формалари. Б — Бабезиелла бовис ва унинг периферик қондаги хилма-хил формалари

бир хўжайинли кана бўлганлигидан унинг қорамолларга ҳужум қилган личинкаси шу организмнинг ўзида нимфага, сўнгра эркак ва урғочи канага айланиб, қон сўриш вақтида пироплазма билан инвазияланади. Кана организмига ўтган пироплазма бигеминум жинсий йўл билан қўпайиб, кананинг тухумдонига ўтади. Сўнгра қонга тўйган урғочи кана ҳайвон танасидан ерга тушиб, тухум қўяди ва бир неча ҳафтадан кейин бу тухумлардан трансовариал усулда, яъни тухум орқали пироплазма билан инвазияланган личинка чиқади. Улар қорамолга ҳужум қилиб, қон сўриш билан бирга уларга пироплазмозни ҳам юқтиради.

**Эпизоотологияси.** Қасаллик ҳар йили Шимолий Қавказда икки марта; Догистон ва Закавказъеда — уч марта, яъни баҳор (апрель, май), ёз (июнь ойининг охири, июль ва август ойининг боши) ва куз (август ойининг охири ва сентябрь ойи)да жуда кучли тарқалади. Бир хўжайинлик Боофилус ҳар йили икки-уч авлод беради. Аммо ҳайвон пироплазмоз билан ёз ва куз ойларида куч-

ли касалланади, чунки бу вақтда баҳор ойларига нисбатан табиатда Боофилус личинкалари кўп бўлади. Қишида личинкаларнинг кўпи ўлади, шунинг учун ҳам баҳорда пироплазмоз унчалик кўп учрамайди. Қорамолларга пироплазмоз асосан бутазор, тўқайларда юқади, чунки бундай яйловларда Боофилус яхши ва тезроқ ривожланади. Бундай яйлов канасининг личинкаси олти-етти ойгача оч яшashi мумкин, шунинг учун личинкаларнинг айримлари қишлиб, уларнинг танасида пироплазма сақланиб қолади.

**Белгилари.** Пироплазмознинг инкубацион даври 10—15 кун давом этади. Касаллик ўткир кечиши ва икки-уч кун ичида ҳайвонни ҳалок қилиши мумкин. Касаллик тана ҳароратининг кўтарилиши билан бошланиб, у 40—42° га етади. Ҳайвон бўшашади, иштаҳаси йўқолади, касаллик кучайганда бутунлай ем-хашак емайди, кавш қайтармай қўяди, сув ичмайди, қалтирайди, кўзларининг шиллиқ пардалари касалликнинг бошида қизариб, сўнгра сарғаяди, нафас олиш оғирлашиб, юрак уриши, нафас олиши тезлашади. Соғим сигирларнинг сути камаяди. Ҳайвон қалтираб, зўрға юради. Қизил қон доначала-ри бузилиб, ҳайвон «қон сияди». Бу ҳодиса касалликнинг иккинчи, учинчи кунлари рўй беради ва у пироплазмоз касаллиги учун характерли белгилардан ҳисобланади. «Қон сийиш» ҳайвон тузалгунича ёки ўлгунича давом этади. Пироплазмоз ҳар хил кечиши мумкин. Баъзан, айниқса, ёш молларда у енгил ўтади ва ҳайвон тузалиб кетади, баъзан оғир кечиб, одатда ҳайвон ўлади. Пироплазма токсинлари юрак мушагига зарарли таъсир этади, қон суюқлашади. Касалликнинг биринчи ёки иккинчи кунларидаёқ эритроцит ичида пироплазма борлиги аниқланади. Ўлиш олдидан ҳайвоннинг тана ҳарорати нормаллашади ёки ундан ҳам пасаяди. Ҳайвон касалланганидан кейин учинчи-тўртинчи куни ҳалок бўлади. Пироплазмоз билан касалланган ҳайвонларнинг 30—40% и, асосан катта ёшдагилари ўлади. Маҳаллий моллар эса асрлар давомида мослашганлигидан ностерил иммунитет ҳосил бўлиб, бу касалликка бардош бера олади, аммо четдан келтирилган зотли молларнинг деярли ҳаммаси касалланади. Тоғли районлардаги қорамоллар пастлик жойларга ҳайдалганда, кананинг ҳужумига дуч келиб, пироплазмоз билан оғир касалланади. Пироплазмоз ўрта ҳисобда ўн кун давом этади ва қулай шароитда

касалликнинг белгилари секин-аста йўқола боради, тўлиқ тузалиш 1,5—2 ойга чўзилади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Пироплазмоздан ўлган ҳайвон ориқ бўлиб, унинг шиллиқ пардалари ватери ости тўқималари қонсизланган, чарвиси сарғайган, қони суюлган бўлади. Юраги катталашади, унинг мускуллари қонсизланади. Юракнинг устки ва ички пардасида нуқта-нуқта қон қўйилишлар кўзга ташланади. Жигар катталашиб, қаттиқ ва сарғиш қизил рангда бўлади. Ўт халтаси ҳар хил қора-қўнғир кўк рангли бўлиб кўринади. Талоқ икки-уч марта катталашади, четлари юмaloқланиб, паренхимаси юмшоқлашади. Қовуқ қизил қонли сийдик билан тўлган бўлади, қатқоринга қуруқ хашак тўлиб қотиб қолади. Ширдон бўш бўлиб, унинг шиллиқ пардаси бўртади ва у шиллиқ билан қопланади, қизаради, унга қон қўйилади. Ингичка ва йўғон ичак шиллиқ пардаларида ҳам худди шундай ўзгаришлар рўй беради. Чарви безлари катталашади.

**Диагнози.** Пироплазмоз касаллиги унинг тарқалиш шароитларини, яъни гемоспоридиоз занжирларининг мавжудлигини ҳисобга олиб, клиник белгиларидан: ҳайвон танасининг ҳарорати кўтарилиши, шиллиқ пардаларнинг сарғайиши, камқонлик ва қон сийиш каби ҳодисаларга қараб аниқланади. Бу усулда қўйилган диагнознинг тўғри эканлиги касалланган ҳайвоннинг периферик қон томирларидан олинган биринчи томчи қондан маҳсус тайёрланган мазок предмет ойнаси остига қўйиб микроскоп остида текширилади ва эритроцитда пироплазма борлиги аниқланади. Бундан ташқари, пироплазмознинг мавсумийлиги, хўжаликда бундан олдин ҳам гемоспоридиозларнинг бўлганлиги ва патологоанатомик ўзгаришлар ҳисобга олиниши керак. Қорамолларнинг пироплазмози учраб турадиган хўжаликларда шунга ўхшаган бошқа гемоспоридиозлар (франсаиллез, тейлериоз) ёки инфекцион касалликлар (лептоспироз, пастереллез, куйдирги, гемотурия ва ҳоказолар)нинг ҳам бўлиши мумкин.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Хўжаликда пироплазмоз касаллиги пайдо бўлиши биланоқ, ветеринария врачига хабар қилиниб, молларнинг тана ҳарорати ўлчанади. Касалланган ва касаллиги шубҳали бўлган моллар подадан ажратилади. Улар танасидаги каналар териб олиб йўқотилади ва ветеринария врачи томонидан


максус дорилар (трипанблау, флавакридин, пироплазмин, беренил ва азидин) билан даволанади. Бу касалликка мойил бўлган ҳамма молларга териси остига ёки венасига трипансин, беренил, азидин ёки бирорта бошқа дори юборилади. Иш ҳайвонлари ишдан озод қилинади. Касалланган ҳайвон қанчалик тез даволанса, унинг тузылиб кетиши шунчалик осонлашади. Аксинча, даволаш кечикирилганда кўпинча фойдасиз бўлади. Улар каналардан ҳоли молхоналарда ёки каналар бўлмаган яйловларда сақланиши лозим. Молхоналарга ем-харакат билан бирга каналар киришига йўл қўйиш керак эмас. Четдан келтирилган молларнинг териси вақт-вақти билан каналарни ўлдирадиган дорилар билан ишқалаб турилиши зарур. Касалланган молни даволаш билан бир қаторда уни парвариш қилиш ва озиқлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилиши керак.

Шу билан бирга улар салқин, кенг, қалин тўшамали молхонада тинч сақланишига алоҳида аҳамият берилиши талаб қилинади. Касалланган молга енгил ҳазм бўладиган озиқ (хўл беда, ўт) ҳамда кунига уч-тўрт марта тоза сув берилади. Қорамоллардаги пироплазмоз касаллигининг олдини олиш учун касалликни тарқатувчи каналар йўқотилиши; соғлом ҳайвонлар каналарнинг ҳужумидан сақланиши лозим. Боофилус каналари ҳайвон терисида паразитлик қилиш даврида механик усулда ёки кимёвий дорилар қўлланиш йўли билан йўқотилади, шунингдек, уларни яйловларда яшаш даврида ҳам йўқотиш мумкин.

Ҳайвон танасидаги каналарни механик усулда йўқотиш учун моллар ҳар куни синчиклаб кўздан кечирилади, топилган етук каналар териб олинади ва йўқотилади. Личинка ва нимфалари эса ҳайвон танасида қолади. Бироқ, каналарни бу усулда йўқотиш кўп вақт ва киши кучини талаб қиласи. Шунинг учун молларни каналардан тозалаш учун турли химиявий дорилар ишлатилади. Ҳайвонларни чўмилтириш мумкин бўлмаган қиши, эрта баҳор ва куз фаслларида кимёвий дорилар қуруқ ҳолда қўлланилади, чунончи, соғилмайдиган ва сўйилмайдиган ҳайвон танасига ДДТ дустӣ ёки гексахлоран пуркалади. Бу дорилар ҳайвон танасига қўл чўткаси ёки ўсимликларни чанглашда қўлланиладиган аппарат ёрдамида сепилади, сўнгра ҳайвон танасига ишқаланаади. Ҳайвон танасидаги каналарни суюқ дорилар билан ўлдириш учун

маргимуш (натрий арсенати) ёки гексахлораннинг ёки ДДТнинг креолиндаги эритмаси ишлатилади. Бу дорилар билан ҳайвонларни чўмилтириш ёки уни бутун баданига пуркаш керак. Ҳайвонларни дорилаб чўмилтириш учун хўжаликда суюқлиқни ўзидан ўтказмайдиган маҳсус ванналар (ҳовузчалар) қилинади (56-расм). Моллар ветеринария врачининг назорати остида чўмилтирилади. Маргимуш эритмасида чўмилтириш олдидан ҳайвонлар суғорилиши лозим, акс ҳолда улар заҳарли эритмани ичиб қўйиши мумкин. Бўғоз сигирларни ва уч ойликкача бўлган ёш молларни чўмилтириш ярамайди. Териси заарланган (ярали, жароҳатли) ҳайвонлар ҳам чўмилтирилмайди, эритма уларнинг заарланган жойига тегизмасдан суркалади.

Моллар одатда эрта билан ёки кечқурун чўмилтирилади ёки дори суртилади. Бошига эритма тегмаганида у челакда сепилади. Маргимуш эритмаси билан ҳайвонлар ҳар беш-олти кунда, гексахлоран ёки ДДТнинг кре-



56-расм. Қорамолларни чўмилтирадиган ванна

олиндаги эритмаси билан эса ҳар етти — ўн кунда бир марта чўмилтирилиши керак. Боофилус каналари ҳайвон танасидан ташқарида олти-етти ойдан ортиқ яшай олмайди. Бинобарин, канада бор яйловларда шу муддат ичида мол боқилмаса, канада ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Каналарнинг мана шу биологик хусусиятларидан фойдаланиб, вақт-вақти билан яйловларни алмаштириб туриш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, зах ўтлоқларни қуритиш, шудгорлаш ва ўт экиш, ёввойи ўтлар, бутазор, чангальзорларни тугатиш тавсия қилинади. Ёзда ҳайвонлар тоғ яйловларида боқилса, улар пироплазмоз касалликларидан сақланиб қолади. Одатда тоғлик ўтлоқларда касалликни тарқатувчи каналар бўлмайди. Тоғ яйловларига молларни эрта баҳорда, каналар қўзғалмасдан чиқариш керак. Подани ёзда бир жойдан иккинчи жойга кўчириш зарур бўлганида, уларни гексахлоран ёки ДДТ билан дорилаш зарур. Шундай қилинганида, каналар беш-олти кунгача молларга яқинлаша олмайди. Четдан зотли моллар (пироплазмоз касалликларидан хавфсиз бўлган жойлардан) келтиришда шуни назарда тутиш керакки, пироплазмоз касаллиги ёш молларда жуда енгил кечади ва улар тезда тузалиб кетади. Бинобарин, хўжаликка четдан келтирилган моллар ёш (10—12 ойлик) даврида олиб келиниши мақсадга мувофиқдир. Катта ёшдаги зотли молларни фақат куз ва қиш ойларида келтириб каналарнинг ҳужумидан сақлаш лозим.

### Бабезиеллёз

Қорамолларнинг бабезиеллёзи ҳам ўткир кечадиган касалликлардан бўлиб, Бабезиелла бовис номли гемоспоридийлар томонидан қўзғатилади. Бабезиеллёз ҳам пироплазмоз каби мавсумий касаллик, у клиник жиҳатидан ҳайвон танасининг ҳарорати кўтарилиши, шиллиқ пардаларнинг сарғайиши, камқонлик ва гемоглобинурия билан характерланади. Бу инвазия СССРнинг марказий областларида кўпроқ учраб, шимол пироплазмози деб ҳам аталади.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Бабезиелла кичик, эндоглоубуляр паразитлардан бўлиб, 1, 2, 3, микронга тенг. Эритроцит йида ҳалқасимон, овал, амёба шаклидаги ва нокка ўхшашлари ҳам бўлади. Бабезиелла эритроцитларда ёки ички паренхиматоз органларнинг тўқималарида оддий йўл билан бўлиниб кўпаяди. Қасаллик қорамолларга бу паразитнинг маҳсус тарқатувчиси бўлган иксодес авлодига кирувчи каналар томонидан юқтирилади. Бу урғочи кана танасига ўтган бабезиелла

жинсий йўл билан кўпайиб, кана тухумдонига, тухумига ўтиб, трансовариал усулда кананинг келгуси авлодига ўтади.

**Эпизоотологияси.** Бабезиеллёз бир йилда икки марта юқори тарқалиш нуқтасига кўтарилади. Биринчиси май ойидан августгача, иккинчиси августнинг иккинчи ярмидан сентябрь ойигача давом этади. Корелияда ва Ленинграднинг шарқий қисмида эса бабезиеллани тарқатувчи каналардан Йксодес персулкатус тарқалганлиги сабабли касалликнинг энг юқори нуқтаси йилига бир марта кузатилиб, май ойидан июль ойигача давом этади.

Бабезиеллани тарқатувчи каналар личинка, нимфа ва имаголик даврларида узоқ вақт оч яшаши ва табиатда инвазия манбаи сақлаши мумкин. Шунингдек, касалликни бошидан кечирган ҳайвонларнинг эритроцитида ҳам паразит узоқ вақтгача сақланиб қолади. Қорамоллар бабезиеллёз билан яйлов каналари кенг тарқалган бутазор ва ўрмонзор яйловларда касалланади. Бабезиеллёз эрта баҳор ва ёз ойлари жуда иссиқ келган йиллари кўп учрайди ва унча узоқ давом этмайди. Аксинча, ёз ойлари совуқроқ бўлган йилларда кассаллик узоқ вақтга чўзилади. Бабезиеллёз ҳам пироплазмоз каби катта ёшли ҳайвонларда оғир кечади. Уч ойгача бўлган бузоқлар бабезиеллёз билан енгил касалланиб тез тузалади.

**Белгилари.** Ҳайвонлар кана босган яйловга ҳайдалгандага 12—14 кундан кейин касалликнинг белгиси пайдо бўлади. Ҳайвон танасининг ҳарорати бир неча кун кўтарилиб туриши, сийдикнинг қизариши, шиллиқ пардаларнинг сарғайиши бабезиеллёзнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. Касалликнинг белгилари пироплазмознига ўхшайди.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Пироплазмоз касаллигидаги кабидир.

**Диагнози.** Касалликни аниқлаш характерли клиник белгиларга ва периферий қон томирларидан олинган мазокни микроскоп остида текшириб, қўзғатувчинини топишга асосланган. Бундан ташқари, бабезиеллёзнинг пайдо бўладиган фасли ва шу хўжаликнинг бу инвазиядан соғ эмаслиги ҳам ҳисобга олиниши лозим. Шу билан бирга мана шу касалликни шунга ўхшаш белгилари билан кечадиган касалликлардан (франсаиеллёз, гемотурия, куйдирги) ажратади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Бабезиеллёз тарқалмаган хўжаликдаги қорамолларни молхонада боқиши ёки ўт экилган яйловда боқиб, канада босган бутазор, ўрмонзорларга ҳайдаш керак эмас. Бабезиеллёзнинг хўжаликда пайдо бўлиши билан маҳсулдор молларни ўт экилган яйловда ва молхонада боқиши имконияти бўлмаса, дарҳол уларга химиопрофилактика мақсадида тиарген, гемоспоридин ва бошқа препаратлар юборилади. Касалликни тарқатувчи каналар паразитлик қилиш даврида, ҳайвонлар маргимуш эритмаси ёки гексахлоранли креолин эмульсияси билан дориланди.

### **Франсаиеллёз**

Қорамолларнинг франсаиеллёзи шиддатли кечадиган инвазион касалликлардан бўлиб, Франсаиелла колхида томонидан қўзғалади. Бу касаллик Шимолий Қавказда, Закавказъеда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Юқоридаги қўзғатувчисидан ташқари кўпгина қўзғатувчилари бор. Франсаиеллёз мавсумий касалликдир, ҳайвон танасининг ҳарорати кўтарилиши, камқонлик ва шиллиқ пардаларнинг сарғайиши билан характерланади. Пироплазмоздан фарқ қилиб, «қон сийиш» касалликнинг охирги даврида кузатилади ёки унинг мавжудлиги ўликни ёрганда кўринади.


**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Икки хўжайин иштирокида ривожланади, яйлов каналаридан Боофилус калкаратус дефинитив хўжайин; қорамол, бўйвол ва зебу оралиқ хўжайин ҳисобланади. Франсаиелла периферик қонда ва паренхиматоз органларда оддий, иккига бўлиниш йўли билан кўпаяди. Бўлиниш натижасида асосан ҳалқасимон, овал ва кўзойнакни эслатадиган кўш лимон шакллари ҳосил бўлади (57-расм).

Қорамолларга, франсаиеллалар билан инвазияланган яйлов каналари Боофилус ҳужум қилиб қон сўрганда улар касалланади. Кана қорамолнинг қонини сўра туриб, сўлагидаги паразитни ҳайвоннинг қон томирларига юборади. Бу каналар имаголик даврида заарланиб, қорамолларга касалликни личинкалик даврида юқтиради. Урғочи кананинг танасига ўтган франсаиеллалар жинсий йўл билан кўпайиб, уларнинг тухумига ва трансовариал йўл билан кананинг келгуси авлодига ўтади.

**Эпизоотологияси.** Франсаиеллёзнинг эпизоотологияси

пироплазмознига ўхшайди ва ҳайвон бу икки касаллик билан бир вақтда касалланади. Аммо франсаиеллёз кўпроқ учрайди.

Белгилари ҳам пироплазмозники кабидир, инкубацион даври 9—15 кунга чўзилади. Франсаиеллёз пиро-



57-расм. А—Франсаиелла колхида ва Б—Тейлерия аннулата ҳамда уларнинг периферик қондаги хилма-хил формалари

плазмозга нисбатан бирмунча секин ўтади. Шиллиқ пардалар кучли сарғаймайди, «қон сийиш» касалликнинг сўнгги кунлари кузатилади.

**Патологоанамотик ўзгаришлар.** Худди пироплазмознига ўхшайди.

**Диагнози.** Клиник белгилари ва периферик қондан тайёрланган мазокни микроскоп остида текшириб, типик формадаги (кўзойнаксимон) франсаиеллаларнинг борлигига асосланиб қўйилади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари** — пироплазмоз касаллигига қарши ўtkaziladigan тадбирлардан иборат.

### Тейлериоз

Қорамолларнинг тейлериози шиддатли ўтадиган инвазион касалликлардан бўлиб, тейлерия аннулататомонидан қўзфатилади. Тейлериоз бошқа гемоспоридиозлардан ҳайвоннинг ретикуло-эндотелиал система органлари-

ни заарлаб, юзаки жойлашган лимфа тугунларнинг катталашуви, «қон сийиш» бўлмаслиги билан фарқ қиласди.

Тейлериоз Ўрта Осиё, Шимолий Қавказ ва Закавказъеда кенг тарқалган. СССРда бу касалликнинг Тейлериа аннулата қўзғатувчисидан бошқа яна икки: Тейлериа мутане, Т. серженти турлари ҳам учраб туради. Тейлериоз Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг чорвачилик хўжаликларига катта иқтисодий заарар етказади. Касалланган молнинг турли маҳсулоти, айниқса сут маҳсулоти камаяди, қорамол кўплаб ҳалок бўлади ва касаллик наслчилик ишларига тўскинлик қиласди.

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** У икки хўжайинли, яъни дефинитив хўжайини бўлган Ҳиоломма авлодига кирувчи яйлов каналари ва оралиқ хўжайинлари — қорамол, буйвол ва зебулар иштирокида ривожланади. Қорамоллар тейлерия билан инвазияланган Ҳиоломма каналари чаққанида касалланади. Кана сўлагидан қонга ўтган тейлерий ретикуло-эндотелиал система органларида (лимфа тугунлар, жигар, талоқ ва буйраклар) шизогониал усулда кўпайиб, анор доначаларини эслатадиган (гранатние тела) деб аталувчи ганаҷаларни ҳосил қиласди. Бу анор доначалари (агомонитлар ва гамонитлар) ички органларнинг ҳужайралари ичida ва ҳужайра оралифида эркин бўлиши мумкин. Гамонитлар шизогониал (кўплаб) кўпайишининг охирги даврида парчаланиб, жуда ҳам кўп миқдорда эритроцитларга ўтади, бундай эритроцитга ўтган гамонтларни гаметоцитлар деб аталади ва уни периферик қондан топиш мумкин (57-расм). Гаметоцитлар полиморф, яъни кўп шаклли вергулсимон, ҳалқасимон, ноксимон ва ҳоказо бўлиб, ҳар бир эритроцитда уч-тўрт ва ҳатто ўн бир донагача учраши мумкин.

**Эпизоотологияси.** Тейлериоз мавсумий касаллик. У йилнинг иссиқ фасларида учрайди. Аммо тейлериоз айрим молларда январь ойида ҳам учраб туради. Аммо июнь-июль ойларида бу ҳодиса жуда кучаяди. Тейлериознинг қўзғатувчиларини тарқатадиган Ҳиаломма каналарнинг айрим турлари (Ҳ. детритум ва Ҳ. анатолиум) молхоналарда ривожланади, шунинг учун тейлериоз молхонада боқилаётган молларда ҳам учраши мумкин. Маҳаллий абориген зот молларда тейлериоз енгил ўтади. Аксинча, бошқа тейлериоз учрамайдиган жойдан

олиб келинган, айниқса маҳсулдор моллар оғир қасалла-ниб, қасалланган ҳайвоннинг кўпчилиги (65% и) нобуд бўлади. Бузоқлар тейлериоз билан оғир қасалланади.

**Белгилари.** Тейлериознинг инкубацион даври 15—30 кун ва ундан ҳам кўпроққа чўзилади. Қасаллик шиддатли кечиб, 7—20 кун давом этади ва кўпинча ҳайвоннинг ҳалок бўлиши билан тугайди. Тейлериознинг бошланиш кунлариёқ, ҳайвоннинг сиртқи лимфа тугунлари нормага нисбатан икки — тўрт марта катталашади, тананинг ҳарорати қасалликнинг бутун шиддатли даврида кўтарила-ди ( $41^{\circ}$  ва ундан ҳам юқориго) ёки унча узоқ бўлмаган муддатга пасайиб, сўнгра такрор кўтарилади. Токсин-ларнинг юрак мушагига, қон томирларига ва марказий нерв системасига таъсири қилиши туфайли юракнинг фаолияти бузилади. Қасалланган ҳайвон кўп ётади, йўта-лади, қашлаганде у сезмайди, терининг сезгирилиги ва рефлекслари пасайиб кетади. Ҳазм органларининг иш фаолияти издан чиқади: кавшамайди, олдинги қорин-ларнинг ҳаракати секинлашади, тезагига шиллиқ ва қон аралашган бўлади, кўзларининг коньюктива пардаси, тўғри ичакнинг шиллиқ пардаси ва қинда нуқта шакли-да қон қўйилишлар кузатилади. Кўзининг пастки ва юқориги каваклари шишиб, ундан қонга ўхшаш, шиллиқ-ли суюқлиқ оқиб туради. Ҳайвоннинг сийиши қийинла-шиб, оз-оздан тез-тез сияди, сийганда бели эгилади. Қасал ҳайвон озади ва соғайгандан кейин ҳам узоқ вақт-гача ориқ бўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Бурун, кўз ва анус-нинг шиллиқ пардаси оқариб, бирмунча сарғайган ва кўргина нуқта шаклида қон қўйилганлиги аниқланади. Тери ости клетчаткалари яллиғланади, бўйин, чот ва бошқа лимфа тугунлари шишган ва уларда қон қўйил-ганлигини кўрамиз: кўкрак ва қорин бўшлиқларида типик ёки қизғиш суюқлиқ бўлади. Ўпка ва юракка плевра пардаларига қон қўйилади. Ширдоннинг шиллиқ пар-даси яраланиб, жуда ҳам кўп нуқтасимон қон қўйилган-лиги аниқланади. Жигар, буйрак ва юракда оқиш сариқ ёки кул ранг-оқ гранулемага ўхшаш тугунчалар бўлади.

**Диагнози.** Қасалликнинг характерли клиник белги-ларига, йилнинг фаслига қараб диагноз қўйилади ва периферик қон томирларидан тайёрланган мазокдаги эритроцитда гамотоцитлар ҳамда лимфа тугунларидан олин-ган суюқлиқ «пунктата» да анор доначалари «гранатние

тела» борлиги аниқлаб тасдиқланади. Бундан ташқари, тейлериозга, патологоанатомик ўзгаришларга асосланиб ҳам диагноз қўйиш мумкин.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Тейлериоз тарқалган хўжаликларда молларни яйлов каналарининг молларга ҳужум қилиш мавсуми бошланишидан олдин тоғли яйловга ҳайдаш керак. Қорамоллар яйлов каналари бўлмаган молхоналарда боқилиб, ҳар олти кунда бир марта акарицид препаратлар билан дорилаб турилиши керак. Тейлериоз билан касалланган молларни даволаш учун касалликнинг биринчи белгиси пайдо бўлиши биланоқ ветврачга хабар қилиш, сифатли озиқ бериб боқиш, сугориш ва уларни парвариш қилиш зарур. Даволаш учун флавакридин, гемоспоридин, сульфантрол, азидин, беренил ва бошқа препаратлар ишлатилади.

### **Анаплазмоз**

Қорамоллар, буйвол ва зебуларнинг анаплазмози бирмунча сурункали ўтадиган инвазион касалликлардан бўлиб, анаплазма авлодига киравчи гемоспоридийлар анаплазма маргинатум ва A. россикум томонидан қўзғатилади. Анаплазмоз Шимолий Кавказ, Ўрта Осиё, Закавказъеда, шунингдек, Поволжье, Белоруссия ва Украина нинг айрим районларида учрайди. Анаплазмозлар кичкина нуқтасимон паразит бўлиб, протоплазмаси кўринмайди. Ҳар бир эритроцитда бир-уч донаси унинг периферий қисмида жойлашади. Эритроцитларнинг зарарланиши 20—50% га етади. Анаплазмозларни лимфатицлардан ҳам топиш мумкин.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Анаплазмалар ҳам икки, яъни дефинитив хўжайин — яйлов каналари: Боофилус калкарatus, Рипицефалус тураникус, Иксодес рицинус, Дермацентор пиктус ва Ҳиоломма авлодининг вакиллари ва оралиқ хўжайин қорамоллар, буйвол ва зебулар иштирокида ривожланади. Дефинитив хўжайин танасида анаплазмалар жинсий йўл билан кўпаяди. Анаплазмоз билан касалланган ҳайвоннинг қонини сўриб, инвазияланган яйлов каналари қорамолларга ҳужум қилиб, ўз сўлагидаги паразитни уларнинг қонига юборади. Қонга ўтган анаплазма эритроцит ва лимфацитларга кириб, унинг чеккасида нуқта шаклида жойлашади.

**Эпизоотологияси.** Анаплазмоз билан қорамоллар яйловда инвазияланади ва касаллик асосан ёз ва куз ойларида учрайди. Буйвол билан зебулар анаплазмоз билан сенгил касалланади. Бошқа гемоспоридийлардан фарқ қилиб, қорамолларнинг анаплазмози билан қўй ва эчкилар, лось ва туялар ҳам касалланади.

**Белгилари.** Анаплазмоз бирмунча сурункали ўтиб, уч-тўрт ҳафта давом этади ва ҳайвоннинг кескин ориқлаши билан характерланади. Касалликнинг инкубацион даври 20—80 кун давом этади. Касалликнинг биринчи кунлари ҳайвон танасиининг ҳарорати кўтарилади ( $40^{\circ}$  га этади) ва кейинчалик нормага тушиб, яна вақт-вақти билан кўтарилиб туради. Касалланган ҳайвоннинг кўринадиган шиллиқ пардалари оқариб, бирмунча сарғаяди, нафас олиш ва юракнинг уриши тезлашади. Кейинроқ кўзнинг қовоғи ва бўйин соҳаси шишади, кўзларидан ёш оқади, лимфа тугунлари катталашади. Соғим сигирларнинг сути камаяди. Касалланган ҳайвонларнинг ўрта ҳисобда 10—30% и ўлиши мумкин.

**Паталогоанатомик ўзгаришлар.** Унчалик характерли бўлмайди, ўликнинг ориқлиги, кўз, бурун, анус шиллиқ пардаларининг оқарганлиги қўрилади. Курак олди, чот ва бошқа лимфа тугунларининг катталашганлиги, юракнинг эпикард қатлами ва миакарднинг остида нуқта шаклида қон қўйилишлар бўлади. Ширдоннинг шиллиқ қатлами геморрагик ёки катарал яллиғланганлиги аниқланади.

**Диагнози** — периферий қон томирдан олинган биринчи-иккинчи томчи қондан тайёрланган мазокни маҳсус усулда бўяб, унда анаплазманинг бор ёки йўқлигига қараб касаллик аниқланади. Шу билан бирга касалликнинг клиник белгилари, паталогоанатомик ўзгариши ва эпизоотологик маълумотлар ҳам албатта ҳисобга олинади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Худди қорамолларнинг пироплазмоз ва бабезиеллёз касалликларига қарши ўtkaziladigan тадбирлардан иборат.

## ОТЛАРНИНГ ГЕМОСПОРИДИОЗЛАРИ

Отларда пироплазмоз билан Нутталлиоз каби протозой касалликлари учраб, уларнинг Пироплазма кабалли ва Нутталиа экви деб аталарадиган қўзғатувчилари эндо-глобуляр паразитлардан бўлиб ҳужайралар ичиди, эритроцитларида ва маҳсус яйлов каналарнинг ичак ва

бошқа органларидаги әпителіал ҳужайраларининг ичіда паразитлик қылады. Бу касалліклар отларда, хачир ва эшакларда ҳам учрайди.

### **Отларнинг пироплазмози**

От пироплазмози қон паразитлари қўзғайдиган шиддатли инвазион касалліктиң. Бу касаллік СССРнинг жанубий районларида, жумладан, Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Касаллік отлардан ташқари хачир ва эшакларда ҳам учрайди. Пироплазмоз йилқичиликка катта зиён етказади. Касалланган отларнинг кўпи ўлади. Отлар бу касаллікдан тузалса ҳам улар узоқ вақт иш қобилиятини йўқотади.

Пироплазмозга қарши курашиш учун кўпгина маблағ, ишчи кучи сарфланади.

**Қўзғатувчиси.** Отларнинг пироплазмози пироплазма кабалли деб аталадиган гемоспоридийлар томонидан қўзғатилади. Унинг шакли ва қизил қон дончаларининг ичидаги жойлашиши қорамол пироплазмозларига жуда ўхшайди. Пироплазмалар оддий ва куртаклаб бўлиниш йўли билан кўпаяди, шунда битта ҳужайрадан иккита паразит ҳосил бўлади. Булар қизил қон доначаларини бузиб чиқиб, заарланмаган эритроцитларга ўтади ва бу ерда уларнинг кўпайиши давом этади. Натижада қисқа вақт ичидаги кўп қизил қон доначалари бузилади. Пироплазмознинг қўзғатувчиси — Пироплазма кабалли уларни тарқатувчи маҳсус яйлов каналарининг танасида мурракаб жинсий йўл билан ривожланади. Бу паразит ургочи каналар қўйган тухумларидан кананинг келгуси авлодига ўтади. Отларнинг пироплазмоз касаллигини Дермацентор ва Ҳиаломма номли каналарнинг вакиллари тарқатади.

**Эпизоотологияси.** Ўрта Осиёда бу касаллікни асосан Ҳиаломма каналари тарқатади. Ўзбекистонда касаллік апрель ойининг биринчи ярмида пайдо бўлади, май ойида касаллік кучайиб, июнь-июль ойларида эса жуда кўпаяди. Касаллік сентябрь-октябрь ойларида ҳам учрайди. Пироплазмоз билан ҳар турли зот ва ёшдаги отлар касалланади. Бироқ, касаллік отнинг зотига ҳамда ёшига, қандай шароитда парвариш қилиниши ва ишлатилишига қараб ҳар хил кечади. От қанчалик ёш бўлса, унда касаллік шунча енгил кечади. Касалланиб тузалган отлар тўрт ойгача қайта касалланмаслиги мумкин.

Касалликни қўзғатувчи пираплазмалар кўп нусхадаги қизил қон доначаларини бузиб юборишлари натижасида ҳайвон танасида камқонлик юз беради. Ундан ташқари, бу паразитлар ўзларидан токсин (заҳар моддалар) чиқаради. Токсинлар ҳайвон танасини, шу жумладан нерв системасини заҳарлайди.

**Белгилари.** Касалликнинг яширин даври саккиз-ўн кунга чўзилади. Касаллик бошланганида от танасининг ҳарорати кўтарилиб, бир-икки кундан сўнг 40—41° га етади ва касалликнинг охиригача деярли ўзгармайди. Отнинг умумий ҳолати ёмонлашади: от бўшашади, ишга ярамайди, иштаҳаси йўқолади, дармонсизланади, бадани қалтирайди, гандираклаб юради. От қисқа вақт ичida озиб кетади. Тез-тез ва оғир нафас олади, сийдиги қуюқ, сариқ, баъзан қизил бўлади, кўз ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардалари сарғаяди, унда нуқта-нуқта қон қўйилишлар кўринади. От ишлатилганида касаллик оғирлашади ва кўпинча у ўлади. Касалланган от ўз вақтида даволанса, икки-уч кунда тузалади, аксинча, ўз вақтида даволанмаса, касаллик 8—12 кунга чўзилади ва от кўплаб ҳалок бўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Ўлган отнинг бурнидан сарғиш суюқлиқ оқиб туради. У ёриб кўрилганда тери ости тўқималари сарғайғанлиги ва унда қон қўйилганилиги кўринади. Ички органларининг ҳаммаси сарғаяди. Кўз ва оғиз бўшлиғининг шиллиқ пардалари оқаради, қон қўйилади. Ингичка ва йўғон ичакларининг шиллиқ пардалари бўртади. Шилимшиқ билан қопланган ва қон қўйилган бўлади. Қовуқ сариқ, баъзан қизил сийдик билан тўлган бўлади. Талоқ жуда катталашади, тўқимаси юмшайди, пардасида қон қўйилишлар кузатилади. Жигар катталашган, қўнғир рангда бўлади, уни кесганда қонли суюқлиқ оқади. Лимфа тугунлари бир оз катталашади, сувли ва қизарган бўлади. Ўпкаси катталашади, унинг пардасида қон қўйилганилиги кўринади. Ўпкаси кесиб кўрилганда, ундан сарғиш-қизил кўпикли суюқлиқ оқади. Йорак катталашади, мускуллари пиширилган гўштга ўхшайди.

**Диагнози.** Касалликнинг белгиларига қараб, отнинг қонини микроскоп остида текшириб кўриш ва инвазиянинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотларга асосланиб аниқланади. Қонни текшириш салбий натижа берганда у қайта текширилади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Касаллик хавфли ҳисобланган хўжаликларга зарур бўлса қишида, каналар йўқ вақтда четдан от олиб келиниши керак. Янгидан олиб келинган отлар учун каналардан холи бўлган яйловлар ёки тоза отхоналар ажратилади. Отлар ёзда каналар тарқалмаган йўллардан олиб келиниши ва йўлга чиқишдан олдин улар маргимуш эритмасида дориланиши керак.

Отлар танасидаги каналарни йўқотиш муҳимдир. Каналарни қўлда териб олиб ўлдириш ва турли дорилар ёрдамида йўқотиш мумкин. Отлар танасидаги каналар мунтазам равишда ҳар куни териб йўқотилганида улар анча камаяди. Каналарга қарши гексахлоран дусти, ДДТ, дезинсекталин, хлорофос, маргимуш каби кимёвий дорилардан кенг фойдаланилади. Бу дорилар билан отлар каналар тарқаладиган даврда ҳар беш кунда бир марта дорилаб турилиши лозим. Каналарни бевосита яйловларда йўқотиш чорасини кўриш керак. Каналар ёввойи ўтлар ўсган захкаш яйловларда кўпаяди. Каналарнинг личинка ва нимфалари кемирувчи ҳайвонларнинг қони билан озиқланиб ривожланади. Шунинг учун аввало яйловлардаги баланд ўсган ёввойи ўтларни йўқотиш, мумкин бўлган жойларда ерни ҳайдаш, ўтлар экиш, яйловдаги захкашликларни ва кемирувчи ҳайвонларни йўқотиш чораларини кўриш зарур. Касалликнинг олдини олиш тадбирларидан бири отларга трипанблау ёки трипансин дориларини юборишдан иборат. Бу тадбир отларга кана тушадиган вақт бошланганда ёки бирорта отда касалликнинг биринчи белгиси кўриниши билан бошланади. Дорилар ҳар 15—20 кунда бир марта ҳайвонларнинг бир килограмм тирик вазнига 0,005 грамм олиниб 4% ли эритма шаклида венага юборилади. Отлар, касалликнинг биринчи белгилари кўриниши биланоқ даволаниши керак. Тажриба шуни кўрсатдик, касалланган от биринчи куниёқ даволанмаса ва у ишдан озод қилинмаса ҳалок бўлади. Касалланган отни ўз жойида даволаш ва уни озиқлантириш, парвариш қилиш учун шароит қулай бўлиши зарур. Отларни мумкин қадар жойларидан қўзғатмаслик лозим. Касалликни даволашда трипансин, пироплазмин, трипанблау ва бошқа дорилар ишлатилади. Шунингдек, айрим носпецифик ва симптоматик дорилардан ҳам фойдаланилади.


## От нутталлиози

Нутталлиоз ҳам отларда учрайдиган гемоспоридиоз касалликларидандин. У Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, йилқичиликка катта иқтисодий зарар келтиради. Бу касаллик пироплазмозга нисбатан кўпроқ учрайди.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Касалликни Нутталлиа экви деб аталган қон паразитлари қўзғатади. Нутталлия пироплазмаларга қараганда кичик, кўпинча тўгарак, овал ва ҳалқа шаклида, улар баъзи хусусиятлари билан проплазмалардан ажралиб туради (58-расм).

Нутталлийлар организмининг қон томирлари ва қон ишлайдиган органдарига кўпроқ зарар етказади, қоннинг қайтадан тикланиши, пироплазмоздагига қараганда секин кечади. Ниҳоят нутталлия экви касалликдан тузалган отларнинг қонида узоқ вақт (7 йилгача) сақланади. Касалликни Ўрта Осиёда асосан Ҳиалиомма каналари, баъзан Риницефалус ва Дерматентор авлодига кирувчи каналар тарқатади.

**Белгилари.** Нутталлиоз шиддатли ва сурункали кўринишда кечади. Шиддатли кўриниши Ўрта Осиё шароитида кўпроқ учрайди. Бу кўринишда касаллик белгилари отларнинг пироплазмоз касаллигида юз берадиган белгиларидан деярли фарқ қилмайди. Аммо камқонлик кучлироқ бўлади. Касалланган от ўз вақтида даволанмаса, касаллик 14—20 кунга чўзилиши ва от ҳалок бўлиш хавфи туғилади. Сурункали кўринишдаги касалликнинг белгилари шиддатли кўринишдагисига қараганда сустроқ бўлади. Касаллик бир ой ва ундан ортиқ чўзилади.



58 -расм. Нутталли ва унинг шакли ҳамда катталиги

**Диагнози.** Қасалликнинг клиник белгиларига, пайдо бўлиш мавсумига, отларда каналарнинг топилишига ва касалланган ҳайвон қонида нутталлийларнинг борлиги-га қараб аниқланади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари** нутталлиозда ҳам худди отларнинг пироплазмоз касаллигига қарши ўтказиладиган тадбирлар амалга оширилади

### **ҲАЙВОНЛАР ВА ҚУШЛАРНИНГ КОКЦИДИОЗЛАРИ**

Кокцидиозлар — от, қорамол, қўй ва эчки, қуён, чўчқа, ёввойи сут эмизувчи ҳайвонлар, қушлар, парранда, балиқ ва бошқа ҳайвонларда учрайдиган касалликдир. Бу касалликнинг қўзғатувчилари Кокцидиа туркумига кирувчи споралилардир. Ҳар турли ҳайвоннинг ўзига хос маҳсус «специфик» кокцидийси бўлиб, улар асосан эймериидэ оиласининг вакиллари дир. Кокцидийлар эпителiali ҳужайраларнинг паразитлари дир. Улар ичак, жигар ва буйракларнинг шиллиқ пардасида паразитлик қиласи. Кокцидиоз ҳамма мамлакатларда тарқалган, у кўпроқ қуёнлар, товуқ, курка, қорамол, қўй ва эчки, от ва чўчқаларда учрайди. Бу касаллик чорвачиликка, айниқса товуқчилик билан қуёнчиликка катта иқтисодий зарар етказади. Қуёнлар ўртасида, ёввойи қуён ва паррандалар орасида кўп тарқалган касалликлардан бўлиб, у билан касалланган ҳайвонларнинг 85—90% и ҳалок бўлади.

Кокцидийлар асосан оралиқ ҳўжайин иштирокисиз ривожланади. Фақатгина айрим турлари ҳўжайин алмаштириб шизогония бир ҳўжайинда ва гаметогония эса иккинчи ҳўжайинда кўпаяди. Кокцидийлар аввало ҳайвонларнинг эпителiali ҳужайраларига кириб жинссиз йўл билан, яъни шизоганиал усулда кўпаяди. Сўнгра жинсий ҳужайра ҳосил қилиб, гаметогония йўли билан кўпаяди. Ташқи муҳитга кокцидиоз билан касалланган ҳайвоннинг тезаги орқали ооцистлар тушади ва ташқи муҳитда қулай шароит мавжуд бўлса ўз ривожланишини давом эттириб, спорогония йўли билан спора ҳосил қиласи. Ҳайвонлар алиментар йўл билан, яъни оғиз орқали сув ва ўтга аралаштириб спорозоитлари бўлган ооцистларни ютиб, кокцидиоз билан касалланади.


## ҚҮЁНЛАРНИНГ КОКЦИДИОЗИ

Қуёнларнинг кокцидиози протозой касалликлардан бўлиб, ичакда Эймериа магна ва жигарда эймериа штиде каби бир неча турдаги кокцидийлар паразитлик қилиб қўзгайди. Касаллик клиник жиҳатидан овқат ҳазм қилиш органлар функциясининг бузилиши, ич кетиши ёки ич қотиш, ич димланиш, заҳарланиш, камқонлик ва ориқлаш билан характерланади. Кокцидиоз кенг тарқалган инвазия бўлиб, қуёнларда тез-тез учраб туради. Кокцидиоз билан асосан ёш қуёнлар касалланиб, кўплари ҳалок бўлади.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Кокцидийлар (ооцистлари) овал шаклда бўлиб, узунлиги 20—25 ва эни 14—21 микронга teng. Қуёнлар спорозоитлари ривожланиб етишган ооцистларни озиқ ёки сув билан бирга ютганида кокцидиоз билан касалланади. Қуёнларнинг ичагига тушган ооцистлардан ажралиб чиқсан спорозоитлар эпителial ҳужайраларга кириб, мураккаб йўл билан (шизогония ва гаметогония усулида) кўпаяди. Гаметалар, яъни эркак ва ургочи жинсий ҳужайралар қўшилиб (коопуляция) зигота ҳосил қиласди. Янгидан ҳосил бўлган ҳар бир зигота парда билан ўралиб, ооцистга айланган ҳолда ичак бўшлиғига ўтиб, экскретлар билан бирга ташқи муҳитга чиқариб ташланади.

Намлик ва иссиқлик етарли миқдорда бўлганида яйловга тушган тезаклар ичида ооцистлар ривожланиб, икки-уч кундан кейин унинг ичида саккиз спорозоит ҳосил бўлади (59-расм).

**Эпизоотологияси.** Қуёнлар, асосан ёш қуёнчалар узоқ вақт тўшамалари алмаштирилмайдиган қуёнхоналарда инвазияланади. Кокцидиозга, айниқса ёши бир ойгача бўлган, онадан ажратилган қуёнлар мойил бўлиб, бирданига бир хил озиқдан иккинчисига ўтказилганда, оз ва сифатсиз озиқлар билан боқилганда касалланади. Кокцидийларнинг ооцистлари ташқи муҳит таъсирига чидамли, улар узоқ вақт инвазион хусусиятини йўқотмайди. Бу касалликнинг тарқалишида кемирувчи ҳайвонлар билан ҳашаротларнинг иштироки жуда катта. Чивинлар оёқларига ооцистларни ёпиширган ҳолда узоқ масофага ташиши мумкин. Қўпинча қуёнларни тозалашда ишлатиладиган асбоб-ускуналар (тозалагич, супур-



59- расм. А — Кокцидийларнинг ривожланиш схемаси:

1) Шизогония, 2) Спорозоит, 3) Шизонт, 4) Меразоитлар, 5) Гаметогония, 6) Макрограмета, 7) Макрограметларнинг уруғланиши, 8) Микрограметларнинг ҳосил бўлиши, 10) Эндоген цикл (Эпителиал тўқималарда), 11) Спорогония, 12) Ооцист ва, 13) Спора ва спороцистларнинг ҳосил бўлиши, 14) Споралардан спорозоитларнинг пайдо бўлиши, 15) Экзогон цикл (ташқи муҳит).

#### Б — Ооцистлар спорогонияси:

1 — социста; 2 ва 3 — бўлинишнинг бошланиши; 4 ва 5 — споробластларнинг ҳосил бўлиши, 6 — 7 — ичида спорозоитлари бўлган спороцистлар

ги, курак ва ҳоказолар) социстлар билан заарланганидан кейин кокцидиоз бир қуёнхонадан иккинчисига ўтади. Катта ёшдаги қуёнларни қуёнчалар билан бир хонада боқишиш, ёш қуёнларнинг кўплаб кокцидиоз билан қасаланишига сабаб бўлади.

**Белгилари.** Кокцидиоз қуёнларнинг ичаклари, жигар ёки ҳар иккала органини бирданига зааррлаши мумкин. Касаллик қуёнларнинг инвазияланган даражасига кўра шиддатли ёки сурункали кечиши мумкин. Унинг белгилари ҳамма вақт аниқ кўринмайди. Касалликнинг бошланишида ҳайвоннинг иштаҳаси пасаяди, дармонсизланади, ичи кетади. Ич кетиши, ич қотиш билан ал-

машинуви мумкин. Қуёнларнинг ичакларида газ тўпланди, ичак пардалари йўғонлашади, қовуқ сийдик билан тўлади, қорни катталашади, қуён тез-тез сийганлигидан, унинг орқа томони, орқа оёқлари ифлосланади, кўрина-диган шиллиқ пардалари оқаради, қуён ориқлайди, охири ўлади. Шиддатли кўринишда кечганда касалликнинг белгилари аниқ кўринади ва у уч-олти кун (камдан-кам икки-уч ҳафта) давом этади. Сурункали кўринишда кечганда касаллик бир-уч ойга чўзилиши мумкин. Қуёнлар жуда ориқлаб кетиб, 70% и ҳалок бўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар** унчалик характерли бўлмайди. Қуён ичакларининг, айниқса 12 бармоқли ичакнинг кенгайиб кетганлиги, унинг деворининг қалинлашганлиги, ичакнинг газ билан тўлганлиги, шиллиқ парданинг оқарганлиги ва шиллиқ молда билан қопланганлиги ҳамда нуқтасимон кўринишда қон қўйилганлиги кўринади. Касаллик сурункали ўтганда ичак шиллиқ пардаси кул ранг тусда бўлиб, унда жуда кўп тариқ дони катталигидаги тугунчалар борлиги аниқланади. Жигар жуда ҳам катталашади, унинг устки томонида кул ранг ёки оқ тўгарак шаклдаги жароҳатлар бўлади, ўт йўллари кенгаяди.

**Диагнози.** Касалланган қуёнлар қорнининг шишиб кетиши, тез-тез сийиши, ичи кетиши ва патологоанатомик ўзгаришларига қараб аниқланади. Аниқ диагноз қўйиш учун касалланган қуённинг тезаги Фюллеборн усулида текшириб, ооцистларнинг бор ёки йўқлиги микроскоп остида текширилади.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Қокцидиознинг олдини олиш учун қуёнчилик хўжаликлари баланд ва қуруқ жойларда ташкил этилиши ҳамда қуёнлар алоҳида-алоҳида хоналарда боқилиши керак. Бу хоналарда ахлат тўпланмаслиги учун уларнинг поли ғалвирсимон қилинади. Қуёнларнинг охур ва сув идишлари полдан юқорироққа ўрнатилиши лозим. Озиқ запаслари каламуш ва сичқонлар тега олмайдиган алоҳида бинода сакланиши керак.

Қуёнларнинг ахлати маҳсус гўнгхоналарга чиқариб ташланиши, ҳар бир қуёнга ёки бир неча қуён группасига тегишли асбоб-ускуналар (белкурак, супурги) биркитиб қўйилиши, хоналар эса ҳар куни тозалаб турилиши лозим. Бир-икки ҳафтада бир марта хоналар маҳсус аланга ёки қайноқ сув билан дезинвазия қилиб турили-

ши керак. Қуёш нури таъсирида кокцидийлар тезда ўлади. Шунинг учун ундан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш лозим. Арпа, сули ва шунга ўхшаш озиқларни қуёнларга беришдан олдин бир неча кун офтобга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Битта она қуёнга иккита катак ажратилиб, булардан бирида қуён турган вақтда, иккинчисига офтоб тушади. Қуён болалари катталаридан ажратиб сақланади. Хўжаликка янги келтирилган қуёнлар карантин ҳолатда сақланиб, уларда кокцидий ооцистлари бор ёки йўқлиги текшириб кўрилади. Қари ва кўп миқдордаги кокцидий ооцистларини чиқарадиган қуёнлар йўқотилади.

Қуён ўликларини асосан йўқотиш ёки итларга пишириб бериш керак. Она қуёнларнинг елини ҳар саккиз-үн кунда бир марта тозалаб ювилиши лозим. Қуёнлар тўйимли моддалари кўп, сервитамин ва сертуз озиқлар билан боқилганида қасалликка чидамлилиги ортади. Қасалланган қуёнлар ажратиб олиб даволанади. Қасалликка қарши маҳсус дори топилмаса креолин, ихтиол, иод, норсульфазол ва бошқа дезинфекцияловчи дориларни қўлланиш яхши натижка беради. Қасалланган қуёнларга таркибида углеводлар кўп бўлган озиқ берилганда у тезроқ соғайиб кетади.

### ҚОРАМОЛЛАРНИНГ КОКЦИДИОЗИ

Қорамоллар кокцидиози протозой қасалликлардан бўлиб, йўғон ичакнинг шиллиқ пардаларида паразитлик қиласидиган бир қанча хил кокцидийлар (Эймериа Зурни, Э. шмитт ва бошқалар) томонидан қўзғалади (60-расм). Бу инвазия ҳамма жойда кенг тарқалган. У билан асосан бузоқлар қасалланиб, ҳалок бўлиши кузатилади.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Қорамолларда 10 хил кокцидийлар паразитлик қиласиди. Улар ҳалқасимон, овал, тухум шаклида, эллипс шаклида, ноксимон ёки цилиндрик кўринишда бўлади. Ооцистларнинг катталиги ҳар хил бўлиб, узунлиги 18—45 микрондан ошмайди. Қорамоллар спорозоитлари ривожланиб етишган ооцистларни ташқи муҳитдан сув ёки ем-хашак билан ютганда кокцидиоз билан қасалланади. Ичак бўшлиғига тушган ооцистлардан спорозоитлар ажралиб чиқиб, дарҳол ичакнинг эпителиял ҳужайраларига кириб кўпая бошлайди. Жинссиз кўпайишдан ҳосил бўлган мерозоитлар янги

Эпителиал ҳұжайраларга кириб яна күпаяди. Кейинчалық жинссиз күпайиши жинсий күпайиш билан алмашади ва ҳосил бўлган ооцистлар ичак бўшлиғига тушиб, тезак билан ташқи муҳитга чиқариб ташланади. Ташқи муҳитга тушган қорамолларнинг кокцидий ооцистлари шароит қулай бўлганида, 2 кундан 17 кунгача споралар ҳосил килади.

**Эпизоотологияси.** Бузоқлар яйловда юриб, инвазионли ооцистлар билан заараланган сув ёки ем-хашакни истемол қилиб, кокцидиоз билан касалланади. Қасаллик яйловларда, айниңа ёғингарчилик күп бўлганида ва ёз иссиқ келган йиллари кўпроқ учрайди. Ҳайвонлар кокцидиоз билан молхоналарда, инвазияланган охур, тўшама ва бошқалар орқали ҳам заарланиши мумкин. Қатта ёшдаги қорамоллар, буйвол ва зебулар кокцидиоз билан клиник кўринишда касалланмасдан, қўзғатувчиларни тарқатадиган манба ҳисобланиб, касалликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади. Ташқи муҳитга тушган кокцидий ооцистлари тупроқда, ўтларда ва биноларда узоқ вақтгача (бир йилгача) тирик бўлади. Улар ҳар хил химиявий препаратлар ва совуққа чидамлидир.


**Белгилари.** Касалланган ҳайвоннинг овқат ҳазм қилиш органларининг функцияси бузилади, ичи кетади, тезак қуюқ ва қон аралаш шиллиқ билан қопланади. Ҳайвон тез-тез тезаклайди, тишларини ғичирлатади, та-насининг ҳарорати кўтарилади ( $40-41^{\circ}$ ), касалланган ҳайвон жуда қийналади, узоқ ётади, иштаҳаси йўқолиб, ориқлайди. Ҳайвон касалликнинг оғирлашиб бориши ва камқонликнинг кучайишидан ҳалок бўлади. Катта ёшдаги ҳайвонлар тезагида кокцидийлар бўлишига қарамасдан, касалликнинг клиник белгилари бўлмаслиги мумкин.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Кўринадиган шиллиқ пардалари оқаради, ануси ташқарига қараб бўртиб турди, орқа оёқлари, анус атрофи билан ифлосланади. Мезентериаль талашиб, қон томирлари қонга тў. тезакда қон аралашганлиги, унда ринли парда борлиги аниқланади. Қурагал яллиғланиб, унда жуда кўп нуқтешлар ва яралар борлиги кўринади.

**Диагноз.** Касалликнинг клиник беллаш ич кетиши, йўғон ичакдаги характеристикаларга сизайтади.

томик ўзгаришларни ҳисобга олиб, тезак ва ичак де-ворларидаги кокцидийларни микроскоп остида топишга асосланган.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Бузоқлар катта ёшдаги ҳайвонлардан ажратиб боқилади ва улар ҳар куни тозалаб турилади. Ҳар етти-үн кунда молхонадаги пол, деворлар, асбоб-ускуналар, анжомлар каустик соданинг қайноқ сувдаги эритмаси билан ювиб, тозалаб турилади. Моллар яйратиладиган майдонга қум сепиб қўйилади. Касалланган бузоқлар ва катта ёшдаги қорамоллар алоҳида — илгари мол ҳайдалмаган қуруқ яйловларда боқилади. Кокцидиоз билан касалланган ҳайвон фенотиазин, иоднинг сувдаги эритмаси, биомицин ва бошқа дорилар билан даволанади. Ҳовли ва молхоналардаги гўнглар тўпланиб, биотермик усулда заарсиз-



60-расм. Қорамол кокцидийларининг ооцистлари:

1—Э. Зурни; 2 ва 8—Э. эллипсоидалис;  
3 ва 7—Э. Шмитти; 4 ва 5—Э. зурнабаденсис; 9—Э. азербайжаника

61-расм. Қўй ва эчки кокцидий ооцистлари:

1—3—Э. фаурай; 4—5—Э. Нине Кол-Якимови; 6—Э. эмула; 7—галлаузой Э.; 8—9—Э. интриката

лантирилади. Молларга кокцидийларнинг ооцистлари тушган кўлмак сувларни ичирмасдан тоза, оқадиган сув берилиши керак.

### ҚҮЙ ВА ЭЧКИЛАРНИНГ КОКЦИДИОЗИ

Қўй ва эчкиларнинг кокцидиози ҳам протозой касалликлардан бўлиб, ҳар турли кокцидийларнинг (Эймериа фаурей, Э. аролинги, Э. интриката) ингичка ичак шиллиқ пардасида паразитлик қилиши натижасида ривожланади (61-расм). Касаллик бир ёшгача бўлган қўзи ва улоқларда кўпроқ учраб, оғир ўтади.

Қўзғатувчисининг ривожланиши билан касалликнинг әпизоотологияси худди қорамолларда учрайдиган кокцидийларнига ўхшайди.

**Белгилари.** Ҳайвон танасининг ҳарорати кўтарила-ди, у ориқлайди, бўшашибди, шиллиқ пардалари қонсизланади, тезаги шиллиқ ва қон аралаш бўлади, конъюнктивит, рахит касалликлари пайдо бўла бошлайди, бўйин мускуллари ва орқа оёқлари тиришади.

**Диагнози.** Қорамолларнинг кокцидиози каби аниқланади. Патологоанатомик ўзгаришлар ўрганилганда, ингичка ичакнинг заарланган қисмидан қиринди олиб микроскоп остида ооцистларнинг бор-йўқлигини аниқлаш тавсия қилинади. Даволаш учун ихтиол, олтингурут, фенотиазин, акрихин билан плазмоцид аралашмаси, норсульфазол, мис купороси, альбаргин қўлланганда яхши натижага эришилади.


**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Қўй ва эчкиларни қирлардаги яйловларда ўтлатиш, уларга сифатли ем ва тоза сув бериш лозим. Ем-хашак тоза жойда ёки охурга солиб берилиши, хона яхшилаб тозалаб турилиши керак. Касалликнинг олдини олиш мақсадида даволаш учун ишлатиладиган дорилардан бериб туреш тавсия қилинади.

### ҚУШЛАРНИНГ КОКЦИДИОЗИ

Қушлар кокцидиози протозой касалликлардан бўлиб, у билан асосан жўжалар қасалланади. Касаллик қушларнинг олдинги ва камроқ йўғон ичак шиллиқ парда ҳужайраларида паразитлик қиласидиган кўпгина кокцидийлар (Эймериа тенелла, Эймериа митис ва ҳоказолар)

томонидан қўзғатилади. Кокцидиоз қушларнинг, айниқса жўжаларнинг хавфли касалликларидан бўлиб, энзоотик кўринишда кечиб, ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилмаган хўжаликларда икки-уч ойлик жўжаларнинг кўплаб ўлишига сабаб бўлади.

**Кўзғатувчисининг ривожланиши.** Товуқларда ўндан кўпроқ кокцидийлар паразитлик қиласи. Уларнинг ооцистлари овал шаклда бўлиб, узунлиги 16—31 микрон ва эни 14—23 микронга етади. Спорозоитлари ривожланиб етишган ооцистларни сув ёки озиқ билан ютган жўжалар кокцидиоз билан инвазияланади. Ичак бўшлиғига тушган ооцистлардан спорозоитлар чиқиб, ичакнинг шиллиқ парда ҳужайраларига киради ва у ерда шизогония ва гаметогония йўли билан кўпаяди. Кейинчалик ҳосил бўлган зигота (ооциста) эпителиал ҳужайралардан ичак бўшлиғига тушиб, экскретлар билан ташқи муҳитга чиқариб ташланади. Жўжалар инвазияланганидан кейин орадан ўрта ҳисобда тўрт-етти кун ўтгач экскрети билан ооцистлар ажратади. Шароит қулай бўлганида ташқи муҳитга тушган ооцистларнинг спораланиши (споруляция) бир-икки кун давом этиб, инвазион ооцистларга айланади (62- расм).



62- расм. Эймериа тенелла ооцистлари.

1—4 — ооцистлар. 5—10 споробласт, спороциста ва спорозоитларнинг ҳосил бўлиши,  
11—12 — споралар

**Эпизоотологияси.** Жўжалар товуқхона, ҳовли ва сайд майдончаларида кокцидий ооцистлари билан ифлосланган сув ёки озиқни ютганида касалланади. Товуқларни кўплаб тор хоналарга қамаб боқиш, намликтинг ортиши, айниқса охур ва сув ичадиган новларнинг товуқ тезаги билан ифлосланиши кокцидиознинг кенг тарқалишига ва у билан товуқларнинг кўплаб касалланишига сабаб бўлади.

Шунингдек, кокцидийларни ҳар хил ёввойи қушлар, кемирувчилар ва ҳашаротлар ҳам механик усулда тарқатиши мумкин. Кокцидиозга, айниқса 20—60 кунлик жўжалар мойил бўлади. Касаллик жўжаларнинг бир хилдаги озиқ рационидан иккинчи, кўк, ширали ёки витамини кам бўлган рационга ўтиш даврида аниқ кўринади. Қушлар кокцидиози ҳамма ерда, ҳамма мамлакатларда кенг тарқалган. У асосан йилнинг иссиқ фаслларида пайдо бўлади. Товуқлар жўжаларга қараганда кокцидиозга бирмунча чидамлидир. Уларда касалликнинг клиник белгилари унчалик ривожланмаса ҳам тухум қўйиши камаяди. Кокцидий ооцистлари ташқи муҳитга тушганда узоқ вақтгача (4—9 ойгача) инвазион қобилиятини йўқотмайди.

**Белгилари.** Жўжаларда касаллик кўпинча ўткир формада кечиб, бир неча кундан икки-уч ҳафтагача давом этади. Кокцидиоз касаллигида кўпинча ичак заарланаади. Касалланган жўжалар тўдадан ажраб ёлғиз юради, кам ҳаракат қилади, патлари ҳурпаяди, қанотлари осилиб туради, иштаҳаси пасаяди, тез-тез ташна бўлади, ичи кетади. Ахлати суюқ бўлиб, унга кўпинча қон аралашган бўлади, орқа тешик атрофидаги патлари қотиб, ахлатлари билан ифлосланади. Жўжа ориқлайди, ўсиши секинлашади, охири оёқ ва қанотлари фалажланади. Касалланган жўжаларнинг 50—70% ҳалок бўлади. Катта (4—6 ойлик) жўжаларда ва товуқларда кокцидиоз касаллиги ич кетиш, ориқлаш, кам тухум қилиш, қанот ва оёқларининг фалажланиши каби ҳолларнинг алмашиниши билан ўтиб, улар камроқ ўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Жўжаларда паразитлик қилиб, касалликни қўзғатаётган кокцидийларнинг турига боғлиқ. Кокцидиоздан ўлган жўжа ёриб кўрилганда асосий патологоанатомик ўзгариш кўр ичакда, камроқ ингичка ичакда бўлади. Ичак деворлари ёриққа тутиб қаралганда, унинг шиллиқ пардаси қизарганлиги, баъзан

кўпгина ярачалар борлиги ва оқариб турган жойлардаги тугунчаларнинг микроскоп остида текширганда ривожланишининг турли давларидаги кокцидийлар борлиги аниқланади.

**Диагнози.** Касалликнинг клиник белгилари (товақларнинг ичи кетиши, тезагига қон аралаш бўлиши ва ҳоказолар) ва ажратилган тезакни Фюллеборн усулида текшириб, ооцистларнинг бор ёки йўқлигига қараб қўйилади. Одатда ўлган жўжани ёриб, ундаги патологоанатомик ўзгаришларга ва шиллиқ пардадаги тугунчалардан мазок тайёрлаб, микроскоп остида ооцистларнинг борлинин аниқлаш клиник усулда қўйилган диагнознинг тўғри эканлигини тасдиқлайди.

**Профилактикаси ва кураш чоралари.** Кокцидиоз касаллиги борлиги аниқланган товақчилик фермаларида ҳамма товақларни клиник текшириб, уч группага, яъни: аниқ касаллар, касаллиги гумон жўжалар (иштаҳаси унча яхши бўлмаганлари) ва соғлом группаларга ажрагилади. Касаллиги аниқ бўлган товақларни яхшиси сўйиши қулайроқ. Касаллиги енгил ва касаллиги гумон бўлганлари даволанади. Учинчи соғлом группага кирган товақлар эса алоҳида ажратилиб сифатли озиқлар билан озода товақхоналарда боқилади. Паррандахоналарнинг пол ва деворлари кунора яхшилаб тозаланиб, дезинвазия қилинади. Тўшама сифатида қуруқ қум ишлатилади. Охур, сув берадиган идиш ва бошқа асбоб-ускуналар ҳар куни тозаланиб, қайнаб турган 5% ли сода эритмасида юқумсизлантирилади-да, иссиқ сувда ювиб турилади. Паррандахона ва парранда ёйиладиган жойлардаги товақ тезаги тўпланиб, гўнгхоналарда юқумсизлантирилади. Нам ерда кокцидийлар яхши ривожланади. Шунинг учун жўжаларни қуруқ жойда асраш, боқиш кокцидиоз касаллигининг олдини олиш тадбирларидан бири ҳисобланади. Касалликнинг олдини олиш учун жўжаларни товақлардан ажратиб алоҳида асраш керак. Чунки кокцидийлар кўпинча катта ёшли товақлар орқали тарқалади. Парранда рациони сифатли бўлиши керак. Кокцидиоз билан касалланган қушларни даволаш учун жуда кўп дорилар синаб кўрилган. Булар ичida норсульфазолни дисульфан билан бирга бериш фойдали. Кейинги йилларда кокцидиоз билан касалланган қушларни даволашда фуразолидон ва ҳар хил антибиотиклар (пенициллин, синтомицин ва ҳоказолар) муваффақиятли қўлланилмоқ-

да. Шунингдек А. Жабборовнинг текширишига кўра Венгрияда ишлаб чиқилган ригекокцин порошогидан бир килограмм емга 500 миллиграммдан аралаштириб уч кун давомида бериш яхши натижа беради. Кокцидиознинг олдини олиш учун бир килограмм емга ригекокцин порошогидан 125 миллиграмм аралаштириб икки ойгача бериш, фенотиазиндан фойдаланиш тавсия этилади. Фенотиазин бир килограмм озиқقا 25 грамм ҳисобидан аралаштирилади.

#### **ОТ ВА ТУЯЛарНИНГ ТРИПАНОЗОМОЗИ**

От ва туяларнинг трипанозомози Мастигофора синфиға Трипанозома авлодига кирадиган паразитлар томонидан қўзғатилади. Трипанозомлар асосан специфик паразитлар бўлиб, ҳар турдаги ҳайвонда ўзига хос тури паразитлик қиласи. Фақатгина Трипанозома Нине-Кол-Якимови (63-расм) туя, от, эшак, хачир, ит ва кўпгина

63-расм. А-Туя қонидан ва Б — от қонидан олинган трипонозома Нине Кол-Якимови



кемирувчи ҳайвонлар учун ҳам патогенлидир. Трипанозомлар қоннинг зардоби ёки бир туёқли ҳайвонларнинг жинсий органларида шиллиқ пардаларида паразитлик қиласи. Паразитларнинг узунлиги 20—29 микрон ва эни 1,5—3 микрон бўлиб юпқа чўзилувчан парда билан қопланган. Трипанозомларнинг хивчинлари, тўлқинланувчан пардаси, ўзак (ядро) ва ўзакчалари (ядришко) бўлади. Улар бутун ҳужайра сатҳи орқали озиқланади ва бўйига қараб икки ҳужайрага бўлиниб, жинссиз йўл билан кўпаяди. СССРда кўпгина трипанозомоз касалликларидан отларнинг қочириш касаллиги ҳамда от ва туяларнинг су-ауру касалликлари учрайди.

#### **ТУЯ ВА ОТЛАРНИНГ СУ-АУРУ КАСАЛЛИГИ**

Су-ауру (трипанозомоз), туя, от, хачир ва эшакларда учрайдиган сурункали кечадиган инвазион касаллик бўлиб, уни Трипанозома Нине-Кол-Якимови деб аталади.

тан паразит қўзғайди. Бу касаллик асосан Ўрта Осиёда кўпроқ тарқалган. Узоқ йилларгача касалликка қарши махсус дори бўлмаганлигидан у чорвачиликка катта зарар етказар эди.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Трипанозомлар парма шаклда ва қилсимон хивчинлари бўлиб, узунлиги 25,1—26,5 микрон. Трипанозомлар ҳайвон қонининг зардобида (плазмада) паразитлик қиласи ва ундан озиқ моддалар билан озиқланади. Улар заҳар модда (трипанотоксин) чиқариб, организмнинг ҳамма аъзоларини, биринчи навбатда, нерв системасини заҳарлайди. Трипанозомлар оддий, узунасига бўлиниб, 2,4 паразит ҳосил қилиш йўли билан урчийдилар.

**Эпизоотологияси.** Касаллик қўзғатувчи паразитлар соғлом молга сўналар, чивинлар орқали ўтади. Шу сабабли касаллик сўна ва чивинлар уча оладиган, йилнинг иссиқ фаслларида пайдо бўлиб, сўна кўп тарқалган жойларда: дарё, кўл бўйларида учрайди.

**Белгилари.** Касалликнинг яширин даври 12—20 кун давом этади. Касаллик шиддатли ва сурункали кўринишда ўтади. Касалланган таянасининг ҳарорати ( $39,5-40^{\circ}$ ) кўтарилади, кейин пасайиб, нормал ҳолатга келади, сўнгра вақт-вақти билан кўтарилиб туради. Туяниг иштаҳаси йўқолади, кавшамай қўяди, бўшашади. Бўйин лимфа тугунлари катталашиб, яққол кўринадиган бўлиб қолади. Таяна тез-тез ётоқчилайди, баъзан ич кетиш ҳоллари юз беради. Кўзидан ёш оқади. Касаллик борган сари оғирлашиб, охири таяна ориқлаб ўлади. Ҳайвон учолти ҳафта ичидаги ўлмаса, касаллик сурункали кўринишга ўтиб, кўп ойларга чўзилади. Касаллик сурункали кўринишда кечганда, унинг белгилари суст кўринади. Бундан ташқари, ҳайвоннинг орқа томони фалажланади ёки ярим фалажланади, кўзига оқ тушади, жуни ялтираб турмайди. Касалланган отларнинг лаблари, лунжи, қуллоклари, жағи ости, кўкраги, жинсий органлари шишади, уларда тез-тез асабий ҳолатлар юз бермайди (от калласи билан деворга суюниб туради ёки ҳаяжонланади). Касаллик сурункали кечганда от иштаҳаси яхшилигига ва яхши боқилишига қарамай, ориқлаб кетади. Туялардаги сингари кўз пардасининг яллигланиши ва асабий ҳодисалар рўй беради. Отларда су-ауру кўпинча тўрт беш ойдан 1,5 йилгача чўзиладиган сурункали кўринишда учрайди.

Касалликдан тузалган ҳайвонларда инвазия узоқ вақтларгача сақланади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Касалланиб ўлган түя ва от ёриб қаралганда, унинг ориқлаганлиги, кўкрак ва қорин бўшлиғида зардоб суюқлиғи борлиги, томоқ ва лимфатик тугунларнинг катталашганлиги кўринади, қон суюлади, шиллиқ пардалари оқаради.


**Диагнози.** Касалликнинг ўзига хос белгиларига ва ҳайвон ёриб қаралганда кўзга ташланадиган ўзгаришларга қараб аниқланади. Касалликни лабораторияда аниқлаш учун ҳайвон қулоғидан озгина кесиб, предмет ойнага қон олинади ва ундан эзилган томчи ёки мазок тайёрланиб, микроскоп остида кўрилганда ўлик ёки ҳаракат қилиб турган трипанозомларни кўриш мумкин. Аммо бу паразитлар ҳайвон қонидан вақт-вақти билан йўқолиб туриши мумкин. Буни эътиборга олиб, текшириш натижаси манфий бўлганда, текшириш такрорланиши керак. Касалликни касалланган ҳайвон қонига формалин қўшиб ёки бошқа ҳайвонларга юқтириш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин.

**Кураш чоралари.** Туя ва отларни су-ауру касаллигидан сақлаш учун уларни сўналар кўп бўлган яйловларга ва сув манбаларига чиқариш керак эмас. Бундай жойлардан кечаси ёки салқин пайтларда, шунингдек, сўна ва чивинларни қўрқитадиган дорилар (ДДТ, гексахлоран) суркалган ёпқичларни отларга ёпиб фойдаланиш мумкин. Касалликнинг олдини олишда ва уни йўқотишида мунтазам текшириб туриш, касалланган ҳамда касаллик ташувчи туя ва отларни ўз вақтида ажратиб даволаш муҳим тадбирлардан биридир. Текшириш ишларини қишида ва ёз ўртасида ўтказиш мумкин. Қон сўрувчи ҳашаротлар пайдо бўлгунича касалланган ва касаллиги шубҳали ҳайвонлар даволаниб, соғайтирилган бўлиши керак. Касалланган туя ҳамда отларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш учун наганин деб аталган махсус дорилардан фойдаланилади. У отнинг ҳар килограммтирик вазнига 0,01 ва туяларга 0,035 граммдан олиниб, эритма шаклида қонга юборилади. Наганин бир марта юборилганда 1,5 ойгача трипанозомоз юқмайди. Шунинг учун наганин мана шу муддат ўтиши билан яна такрор юборилиши керак.

## Отларнинг қочириш [случная болезнь] касаллиги

Бу бияларни қочириш вақтида жинсий органлар орқали юқадиган ва сурункали кечадиган инвазион касаллик бўлиб, Трипанозома эквипердум томонидан қўзғатилиди. Бу касаллик эшак ва хачирларда ҳам учрайди.

**Қўзғатувчиси.** Бу трипанозомлар шакл жиҳатидан су-ауру трипанозомига ўхшаш бўлади. Аммо ўзининг биологик хусусиятлари билан ундан фарқ қиласди. Бу паразитлар отнинг жинсий органларига кириб, шиллиқ пардасида яшайди ва вақт-вақти билан қонга ўтиши мумкин. У шиллиқ парда шираси ва ҳайвоннинг қони билан озиқланади. Ўзларидан заҳарли моддалар чиқариб, организмни заҳарлайди ва отнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлади.



64-расм. Отларнинг қочириш касаллиги

1 — жинсий органнинг шишиши; 2 — «Талер бляшкалари»; 3 — юз нервининг фалажланиши

**Белгилари.** Касалликнинг яширии даври одатда иккича ойга чўзилади. Касалликни унинг белгиларига қараб уч даврга бўлиш мумкин. Биринчи даврда айғирларда притупция, ёрғоқ халта ва жинсий аъзо, бияларда тифаноқ лаблари ва елин шишади (64-расм). Жинсий органларининг шиллиқ пардасида кичик яралар пайдо бўлади, улар тузалгандан кейин ўрнида доғлар қолади. Касалланган от тез-тез қийналиб сияди, жинсий хоҳиши одатдагидан кучли бўлади. Биринчи даврда касалликнинг белгилари аниқ кўринмайди, ҳайвоннинг умумий ҳолати ҳам унчалик ўзгармайди. Иккинчи даврида ҳайвоннинг терисида характерли ўзгаришлар юз беради. Отнинг кўк-

рак, қорин ва сағрисида доғ шаклида диаметри 4—20 сантиметрли шиш (бляшка)лар пайдо бўлади. Бу доғлар баданнинг турли жойларига чиқиб, бир неча соатдан, кўпи билан бир суткадан сўнг йўқолади ва бошқа жойга чиқади. Учинчи даврда фалажлар пайдо бўлиши характерлидир. Масалан, юз нерви фалажланиши натижасида қулоқ, лаб ва тил осилиб, ҳаракатсиз бўлиб қолади. Оёқ нервлари фалажланса, от оқсайди, айғирларнинг ёрғоқ халтасида, бияларнинг тифаноқ лабларида ва елинида оқ доғлар пайдо бўлади. От иштаҳасининг сақланишига қарамай, ориқлайди, кўпинча ётоқчилайди, ўрнидан қийналиб туради. Касалликнинг охирида отнинг бутун орқа томони фалажланиб (шол бўлиб) у ўлади.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Касалланиб ўлган от ёриб қаралганда касалликка хос ўзгаришлар кўринмайди, унинг фақат ориқлаганлиги, юрак, сағри мускулларида ва жигаридагина баъзи ўзгаришлар кўринади.


**Диагнози.** Клиник белгилар, жинсий аъзо шиллиқларидан тайёрланган мазоқ микроскоп остида кўздан кечирилади ва РСК усулида текшириб аниқланади. Отларда мазкур клиник белгилардан бири бўлганида, ветеринария врачига хабар бериш керак. У касалликнинг белгиларига қараб аниқланади ва шу билан бирга, лабораторияда текшириш учун қон олади.

**Кураш чоралари.** Касалликнинг олдини олиш учун аввало касалланган ёки касаллиги шубҳали отларни қочириш керак эмас. Янгидан олиб келинган отлар 20 кунгача қочирилмайди. Касаллик тарқалганлиги гумон қилинган хўжаликдаги отлар мунтазам равишда текшириб турилади. Касалланган ва касаллиги шубҳали отлар соғломларидан ажратилади. Улар бир йилгача қочирилмайди. Қочириш касаллигига қарши кураш чораларининг энг муҳимлари отларни сунъий усулда қочиришdir. Касалланган ва касаллиги шубҳали отлар наганин, новарсенол дорилари билан даволанади. Бу дорилар касалликнинг олдини олиш учун ҳам ҳар 1,5 ойда отлар қонига юбориб турилади.

### ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ТРИХОМОНОЗИ

Қорамолларнинг трихомонози протозой касалликларидан бўлиб, мастигофора синфига кирувчи Трихомонатидэ оиласининг Трихомонос фэтус деб аталувчи хивчинилар томонидан қўзғатилади (65- расм). Касалланган

сигирлар бўғозлигининг биринчи ярмида бола ташлайди, йўлдошининг бачадонда узоқроқ муддатда сақланиши, жинсий органларнинг яллиғланиши ва сигирлар қисир қолиши билан характерланади. Трихомоноз, асосан ҳайвонларни табиий қочириш вақтида юқади. Шунингдек, ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилинмасдан қочириш вақтида ишлатиладиган асбоб-ускуналардан нотўғри фойдаланилганда ҳам юқади. Трихомонадлар от ва чўчқаларнинг ҳам жинсий органларида учраб туради. Уларнинг маҳсус турлари одамларнинг ҳам жинсий органлари, сийдик пуфаги ва йўғон ичакларида паразит-



65-расм. Трихомонос фетус:  
1 — вагинадан ва 2 — културадан  
олинган

лик қиласи. Қатор турдаги трихомонадлар сут эмизувчилар, қушлар, балиқлар, рептилийлар ва ҳатто ҳашаротларда ҳам учрайди.

**Қўзғатувчининг ривожланиши.** Қўзғатувчи Трихомонос фэтус сигирларнинг қин (вагина) ва бачадон шиллиқ пардаларида, буқаларнинг препуция халтаси ва таносил органларида жойлашиб, паразитлик қиласи. Улар бўйига ҳараб иккига бўлиниш йўли билан кўпаяди. Трихомонадлар ҳар хил ноқулай шароитнинг таъсиридан ҳажмини кичрайтириб, тезда ташқи кўринишини ўзгартириши (у думалоқ бўлиб хивчинларини, тебратувчи пардасини ўқотиб ҳаракатсизланади) мумкин. Улар жинсий органлардаги шиллиқли ҳужайралар, микроб ва эритроцитларни ютиб озиқланади.

**Эпизоотологияси.** Қорамолларнинг трихомонози РСФСР ва Украина, Белоруссия, Латвия, Озарбайжон, Грузия ва Арманистонда кўпроқ учрайди. Қорамоллардан бошқа моллар — қўй, эчки, чўчқалар Трихомонос фетусга унча мойил эмас, фақатгина айрим ёввойи ҳайвонларни (буйволлар, зебу гиридлари) трихомонадлар билан сунъий усулда зааралганганда 8—12 кундан кейин уларнинг жинсий органларидан ҳаракатчан трихомонад-

ларни топиш мумкин. Соғлом сигир, ғунажинларни қочириш вақтида касалланган буқалардан касалликни юқтиради. Шунингдек, касалланган сигирларнинг жинсий йўлларидан ажралган суюқлиқлар билан ифлосланган тўшама, асбоб-ускуналар, чивинлар ва ҳоказолар орқали ҳам юқиши мумкин. Трихомонадлар чивинларнинг танасида бир неча соат давомида тирик яшайди. У патологик материалда уч-саккиз кун, йирингли секретда — 18 кун, гўнг, сийдик ва шиллиқда 12 кунгача тирик бўлади. Улар 12° совуққа ҳам чидамлидир. Трихомонадлар ҳар хил антибиотикларга (биомицин, пенициллин, стрептомицин ва ҳоказолар) жуда чидамли. Қорамоллар трихомонадлар билан асосан қочириш даврида заарлангани учун касалликнинг тарқалишида трихомоноз билан касалланган буқаларнинг иштироки катта. Буларда касалликнинг белгилари бўлмаслиги, улардан олинган секрет ва шиллиқ оддий микроскоп остида текширилганда паразитнинг топилмаслиги мумкин. Бундай яширин кўринишда касалланган сигирлар соғломлари билан бир яйловда боқилганда, шунингдек, сунъий қочириш қоидалари бузилиб, номаълум буқаларнинг уруғи текширилмасдан қочириш учун ишлатилганда юқади. Трихомонознинг тарқалишига касалланган сигирга аниқ диагноз қўймаслик, ўз вақтида яхши текширмаслик ва бошқалар ҳам сабаб бўлади. Қорамолларни яйловда, яъни етарли миқдорда сервитамин ва сертуз озиқлар билан боқиш уларнинг трихомонозга бўлган чидамлилигини оширади. Трихомонос қорамолларнинг бола ташлаши, қисир қолиши, сутининг камайиши натижасида хўжаликка, айниқса наслчилик ишлари билан шуғулланадиган ва трихомоноз кенг тарқалган хўжаликларга катта иқтисодий зарар келтиради.

**Белгилари.** Сифатсиз озиқлар билан боқилган ҳайвонлар касалликка мойил бўлади ва трихомонадларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратилади. Буқаларнинг сийдик ва жинсий йўлларига ва сигирларнинг қинига ўтган трихомонадлар тезда кўпаяди ва яшаш даврида ҳосил бўлган кераксиз маҳсулотларни ажратади. Паразитларнинг ва улар томонидан ажратилган кераксиз маҳсулотларнинг маҳаллий таъсиридан бирламчи патологик ўзгаришлар: специфик тугунли вагинит, цервицит ва эндометрит ривожланади. Трихомонадлар бўгоз сигирларнинг бачадонига унинг бўйинчasi орқали ўтиш вақти-

да ўзи билан ҳар хил микробларни олиб киради. Трихомонадлар ва у билан бирга кирган микроорганизмлар таъсирида бачадондаги бола ўлиб, мацерацияланади. Бачадонда бирмунча лойқасимон суюқлик тўпланади. Бир оз вақтдан (1,5—3 ойдан) кейин бундай трихомоноз билан касалланган сигир бола ташлайди.

Сигирларда трихомонознинг тўрт хили учрайди: 1) катарал йириングли вестибулитовагинит, 2) катарал йириングли эндометрит, 3) идиопатик трихомонозли тўлиқ бола ташлаш, 4) пиометра.

Сигирлар касалланган буқалар уруғи билан уруғлантирилгандан кейин орадан бир-икки ҳафта ўтгач, қин (вагина)нинг шиллиқ қатлами шишиб қизаради. Сигир орқасига қарайверади. Бир-икки ҳафтадан кейин сигирларнинг жинсий аъзоларидан тугунча ва шиллиқ аралашган суюқлик оқа бошлайди. Қиннинг пастки ва ён деворларида аввало майда тошмачалар, кейинроқ тариқ дони катталигидаги қаттиқ тугунчалар пайдо бўлади. Бундай тугунчалар трихомонад қирғичи деб аталади ва қин қўл билан текширилгандан аниқ сезилади. Шиддатли кўринишдаги трихомонозли вагинит уч-олти ҳафта давом этиб, ҳайвоннинг тузалиши ёки касалликнинг сурункали кўринишга ўтиши билан тугайди. Кейинроқ патологик процесс бачадоннинг бўйин ва ўзига тарқалади. Сигирлар бўғозлигининг икки-учинчи ойида бола ташлайди. Айрим вақтларда ўлган бузоқ ҳамда унинг парда ва йўлдоши бачадонда туриб қолади. Пиометра даврида сигирнинг сути жуда камаяди, куйикгунича ўтадиган муддат чўзилиб кетади. Буқалар касалланганларидан кейин бир-икки кун ўтгач, уларнинг препуция халтаси шишиб, жуда оғрийди ва йиринг аралаш модда ажрала бошлайди. Таносил органининг шиллиқ пардасида майда қизил тугунчалар пайдо бўлади. Препуция халтасининг ташқи қаватининг қирраси яраланади. Касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб клиник белгилари уйчалик сезилмасдан йўқолиб боради. Аммо буқалар уруғи билан узоқ вақт касалликни соғлом сигирларга юқтириши мумкин. Чунки трихомонадлар уруғдоннинг қўшимча қисмига ўтиб, уруққа қўшилиши мумкин.

**Диагнози.** Касалланган ҳайвоннинг клиник белгилари (вагинит, шиллиқ аралаш йирингнинг ажралиши, бўғозликнинг биринчи ярмида бола ташлаш, эндометрит, қисир қолиш ва ҳоказолар) ҳамда эпизоотологик маълум

мотларни ҳисобга олган ҳолда жинсий органлардан аж-  
ралаётган суюқлиқларни микроскоп остида текшириб  
кўрилади. Трихомонадларни топиш учун қин ва бачадон-  
дан ажралаётган секретларни, «аборт» қилингандан бузоқ-  
ларнинг кўкрак, қорин бўшлиғи ва ошқозонидан суюқ-  
лиқ олинади. У 12 соат ичида текширилиши керак. Тек-  
шириш учун предмет ойначага бир томчи шиллиқ олиб,  
устидан ёпувчи ойна билан бостирилади-да, сўнгра  
200—600 марта катталаштириб кўрсатадиган, кўриш май-  
дени қоронғилаштирилган микроскоп остида текширила-  
ди. Сигир ёки буқа касалланган бўлса, ҳаракатчан три-  
хамонадлар топилиши мумкин. Текшириш учун олингандан  
шиллиқ қуюқлиқ қиласа, унга икки уч ҳисса ортиқ физио-  
логик эритма қўшиб суюлтириш керак.

«Аборт» қилингандан сигирдан олингандан суюқлиқни олдин  
центрифугада айлантириб, ҳосил бўлган чўкма текши-  
рилади. Шприц ёрдамида физиологик эритма пуркаб, ба-  
чадоннинг бўйин қисми, девори ва қиннинг деворлари  
ювиб олингандан суюқлиқнинг чўккан қисми текширилганда,  
унда жуда кўп трихомонадларнинг борлигини аниқлаш  
мумкин.

Одатда ювинди Петр косачасига олинади. Шиллиқ,  
сигир уруғлантирилгандан камида тўрт кун кейин, 8—20  
кун давомида текширилганда, унинг таркибида энг кўп  
трихомонадлар топилади. Текшириш учун буқаларнинг  
препуция халтачасининг шиллигини ёки препуция халта-  
сини ювиб, ювинди олинади. Бунинг учун препуция хал-  
тачасига 5—10 миллилитр физиологик эритма юбориб,  
уч-тўрт минут уқаланади (массаж қилинади), сўнгра  
мана шу ювинди косачага олиниб, центрифугалантири-  
либ, ҳосил бўлган чўкиндидан тайёрланган препарат ҳам-  
да буқаларнинг уруғи микроскоп остида текширилади.  
Текшириш учун олингандан уруқча ўн ҳисса кўп физиологик  
эритма қўшиб суюлтирилади ёки предмет ойначасига  
олингандан томчи уруқча сирка кислотаси (1 : 500) билан  
физиологик эритма аралашмасидан томизилади. Бу пре-  
паратда уруғ ўлиб ҳаракатсизланади, аммо трихомонад-  
лар эса ўз ҳаракатини давом эттиради. Трихомоноз билан  
касалланган деб гумон қилингандан ҳайвонлардан трихомо-  
надлар топилмаса, улар 1,5 ойгача ҳар саккиз-ўн кунда  
бир марта такрор текширилади.

Трихомонадларнинг морфологоанатомик тузилишини  
темирли гемотоксилин ёки генцианвиолетнинг сувдаги

топилмаган буқаларнинг уруғи билан беш-ўнта сигир қочирилади. Қочирилган сигирлар 15 кунгача назорат остида бўлади ва кун ора уларнинг қинидан ажралган шиллиқ микроскоп остида текширилади. Юқорида кўрсатилган мураккаб текширишлардан кейин трихомонадлар топилмаса, уларни трихомоноз билан касалланмаган — соғлом деб ҳисоблаш мумкин.

Молхона ва ҳовлиларни, айниқса сийдик ва бошқа суюқлик тўпландиган чуқурларни 20% ли янги сўндирилган оҳак билан дезинвазия қилинади. Хўжаликда трихомоноз касаллиги тўлиқ йўқолгунича касаллиги аниқ, касаллиги гумон ва касалликнинг юққанлиги гумон ҳайвонлар хўжаликдан ташқариға чиқарилмайди. Улар керак бўлганида гўштга топширилиши мумкин.

Трихомоноз бўлган хўжаликда чорвадорлар билан суҳбатлар ўтказилиб, касалликнинг моҳияти тушунтирилиши керак. Моллар сервитамин, минерал моддалари кўп озиқ билан боқилиши керак. Хўжаликда трихомоноз тугатилгунича сигир ва ғунажинлар сунъий қочирилади. Улар орасидан танлаб айримлари гинекологик жиҳатдан текширилади: қочириш ва туғиш журналлари текширилади ва ҳоказо. Трихомоноз касаллиги тарқалмаган хўжаликларда четдан келтирилган қорамоллар 30 кун карантинда сақланиб, яхшилаб текширилади, сўнгра қочиришга рухсат этилади. Яйловдаги соғлом молларнинг номаълум буқалар билан дуч келишига йўл қўйиш керак эмас.

### ЛЕЙШМАНИОЗ

Ҳайвонлар лейшманиози инвазион касаллик бўлиб, ҳужайра ўртасида паразитлик қилувчи бир ҳужайрали паразитлар—Лейшмания авлоди вакиллари томонидан қўзғатилади. Бу касаллик тери ва шиллиқ пардаларнинг заарланиши, талоқ ва жигарнинг катталаниши, парез, фалаж, анемия билан характерланиб, асосан итларда, баъзан бошқа ҳайвонларда ҳамда одамларда учрайди.

**Қўзғатувчининг морфологияси.** Морфологик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бир неча хил лейшманийлар маълум. Итлардаги ички лейшманиоз қўзғатувчиси — Лейшмания каниц ва тери лейшманиози — Л. тропика, одамлардаги ички лейшманиоз қўзғатувчиси — Л. дановани ва тери лейшманиози ёки пендин морази — Л. тропика томонидан қўзғатилади. Одамлар лейшманийсидан итлар заар-

ланади, аксинча — ит лейшманийсига одамлар таъсирчандир.

Лейшманийларнинг катталиги 2—4 микрон, овал ва баъзан юмaloқ бўлади. Уларнинг протоплазмаси Романов усулида кўк ёки оч зангори рангга бўялади. Паразитнинг марказига яқинроқ ёки чеккароғида қизғишибинафша рангга бўялувчи ядроси жойлашган. Ядрога яқинроқда калта таёқча ёки юмaloқ танача шаклидаги блефаропласт ётади. Паразитлар асосан эндателиал ҳужайраларда жойлашади ёки терининг ретикуло-эндотелиал ҳужайраларида, жигар, талоқ, лимфа тугунлари тўқималарида эркин яшайди.

**Кўзғатувчининг биологияси.** Лейшманийларни юқтирувчи—искабтопар пашшалар (москитлар) — Плеботомус тарқатади. Уларнинг ичак каналларида бирламчи бўлиниш йўли билан узунчоқроқ, унча катта бўлмаган ички паразитлар, ундан кейин хивчинли эркин ҳужайрадан ташқаридаги формаси ҳосил бўлади ва у мустақил ҳаракат қилиб юриши мумкин (66-расм).

Искабтопарларда лейшманийлар жуда тез кўпаяди ва саккиз-тўққиз кундаёқ уларнинг ривожланиши тугалланди. Улар барча ичак деворларига тарқалади ва оғиз бўшлиғигача ётади. Ҳайвонлар искабтопар чаққанда



66-расм. Плеботомус пашшанинг ҳазм органидаги лейшмания канис формалари

заарланади. Паразитнинг хивчинли формаси иссиқ қонли ҳайвонларнинг қон йўлига тушиб қолса, хивчиний ўқотади ва томир деворининг эндотелиал ҳужайралари га кириб олади. Заарланиш тирналган (скарификацияланган) терида инвазион искабтопарларнинг эзилишидан ҳам рўй бериши мумкин. Иссиқ қонли ҳайвонларнинг организмида оқ қон ҳужайраларининг эндотелийсида тезда кўпаяди (бир ҳужайрада кўпинча 100 ва ундан кўп паразит топилади).

Заарланган ҳужайралар емирилади, лейшманийлар ажралиб чиқади ва қонга тушади, ундан кейин янгидан бошқа эндотелиал ҳужайраларга ўтиб кўпаяди.

Искабтопарлар озиқланиш учун лейшманиоз билан заарланган ит ва одамларга ҳужум қилишдан инвазияланади: Лейшманийларни маҳсус уч «№ № №» озиқли муҳитда ўстириш ҳам мумкин. Лейшманийлар озиқ муҳитининг бетида ўсади ва 3—4-куни узунлиги 10—12 ва кенглиги 2—4 микрон бўлган хивчинли формаси ҳосил бўлади. Хивчинларнинг узунлиги 16—26 микронга етади. Культурада лейшманийлар қарийди ва итларнинг тўқимасидан олинган лейшманийларга ўхшаш хивчинсиз формалари пайдо бўлади.

**Эпизоотологияси.** Лейшманиоз касаллигига ҳар хил турдаги ҳайвонлар — асосан кемирувчилар мойилдир. Туя ва мушуклар ҳам касалланиши мумкин. Экспериментал равишда маймунлар, юмонқозиқлар, қумсичқонлар, сассиқ қўзан ва оқ сичқонлар заарланади. Касаллик асосан жанубий зоналарда шимолий кенгликтининг 40—42° гача, ёз фасли иссиқ мамлакатларда кенг тарқалади. Улар искабтопарнинг кемирувчилар уясида биргаликда яшидан табиатда узоқ сақланади.

Лейшманиознинг эпизоотологиясида ва эпидемиологиясида итлар ҳамда чиябўрилар катта роль ўйнайди, аммо касалланган ҳайвонлар билан улар бевосита kontaktda бўлгани билан заарланиш рўй бермайди.

Искабтопарлар кичкина, узунлиги 1,3—1,5 мм кул ранг ёки оч сариқ ҳашаротлардир. Уларнинг боши, кўкраги, қорни, қанотлари ва оёқлари тукчалар билан қопланган. Оёқлари узун ва ингичкадир. Ҳайвонларга фақат урғочилари ҳужум қиласи. СССРда искабтопарларнинг 20 дан ортиқ тури маълум. Плеботомус папаташи, П. сержанти ва П. хиненсис лейшманийларни ташийди. Искабтопарлар қоронғи жойларда, кемирувчиларнинг уяла-

рида, ғорларда, уйларнинг ертўласида, молхоналарда яшайди ва тунда қон билан озиқланади. Битта урғочи исқабтопар 100 тагача тухум қўяди.

Паразитнинг вояга етган босқичигача тўлиқ ривожланиши учун 45—60 кун керак. Бир йил мобайнида исқабтопарларнинг баъзи бир турлари икки-уч авлод беради. Ҳайвонлар лейшманиоз билан ёзда касалланади. Унга кўпинча калта жунли итлар таъсирчандир.

**Патогенез ва патологоанатомик ўзгаришлари.** Лейшманийлар ва уларнинг ҳаёт фаолиятидан ҳосил бўлган маҳсулотлар нерв рецепторларига ва иссиқлик бошқариш марказига таъсир қилиб, организмда иссиқлик бошқарилиши бузилади, иситма кўтарилади; нерв системаси бўшашади, парез ва фалажланади. Мезенхиманинг актив қўзғалиши натижасида ретикуло-эндотелиал системаси ҳужайраларининг гиперплазияси ва пролиферацияси рўй бериб, лимфа тугунлари жигар ва асосан талоқнинг (икки-уч марта) катталашишига олиб келади (кучли гиперлазия). Тери лейшманиози қўзғатувчисининг патоген таъсири тери ретикуло-эндотелиал ҳужайраларининг заарланишига сабаб бўлади, унда катта бўлмаган бўртмачалар ҳосил бўлади, бўртмачалар аста-секин катталашади, кейинчалик йиринглаб ярага айланади.

**Клиникаси.** Ички (висцераль) лейшманиоз итларда ўткир ва сурункали формада ўтади. Ўткир формаси иситма ва тезда зўрайдиган анемия, конъюнктивит, эпидермиснинг интенсив тушиши, терининг қуруқланиши ва жун синувчанлигйининг кучайиши кузатилади. Буруннинг шиллиқ пардаси ва препуция қалинлашади ва кўпинча яраланади, итларнинг бош ва орқа терисида, кўзлари атрофида, сўнгра тананинг бошқа қисмларида жунсиз жойлар ва яралар ҳосил бўлади. Лимфа тугунлари катталашади, парез ва фалажлар кузатилади. Лейшманиознинг ўткир формаси одатда бир неча кунга чўзилади ва қахексия вужудга келишидан ўлим рўй беради. Лейшманиознинг сурункали формасида белгилари унчалик характерли эмас. У уч йилгача чўзилиши мумкин бўлса ҳам, соғайиши билан тугалланади. Тери лейшманиозида итларнинг боши, буруннинг орқа қисми, қош ёйи усти, лаб, қулоқ ва бармоқ қисмларида тугунчалар ҳосил бўлади. Бу тугунчаларда жуда кўп миқдорда лейшманийлар тўпланади. Кейинчалик тугунчалар йиринглаб, яралар ҳосил қиласди.

**Диагнози** — клиник белгилар, эпизоотологик маълумотлар ва микроскопик текшириш натижалари асосида қўйилиши мумкин.

Лейшманийлар теридаги, асосан қулоқ соҳасидаги ва кўзнинг ички бурчагидаги йирингланган тугунчалардан олинган қириндилардан осон топилади. Ярадан материал инфильтратнинг чекка қисмидан ёки иккита предмет ойначасида эзилган грануляциядан олинади. Қиринди билан бирга, имкони борича қон оқтирмай зардобли суюқлиқ олишга ҳаракат қилиш керак. Зардобли суюқлиқ томчиси предмет ойначасига суртиб мазок тайёрланади ва метил спирти билан «фиксация» қилиб, Романов усулida бўяб текширилади. Микроскоп тагида ретикулоэндотелиал ҳужайралар қидириб, уларнинг протоплазмасидан лейшманийлар топилади. Текшириш вақтида компенсатор окуляр ва катталаштирилган объективдан фойдаланилади.

Ички лейшманиозни аниқлаш қийинроқ. Бунинг учун паразитлар кўп бўладиган органлардан суяк илиги текширилади. Бу мақсадда 15-номерли игна билан итларнинг кўкрак қисмидаги 6—7- қобирғанинг суяк тогай бирлашмаси соҳасидан (тешиб) функция қилинади; сўнгра шприц билан бир неча томчи суюқлиқ тортилади ва ёғисизлантирилган предмет ойначасига ундан юпқа мазок тайёрланади.

Итлардаги ички лейшманиознинг бошланғич босқичини аниқлаш учун лимфа тугунлар функция қилиб текширилади. Ички, яъни висцераль лейшманиозни аниқлаш учун махсус формалин реакцияси ҳам ишлаб чиқилган. Бунинг учун 1 млн. қон зардобига 2—3 томчи тоза формалин (40 % ли) қўшиладида, пробирка яхшилаб чайқатилади. Ижобий (мусбат) реакцияда зардоб тезда қуюқлашиб желатиналашади.

**Давоси.** Тери лейшманиозида физио-рентген-химиотерапия қўлланилади. Бошланғич босқичида тугунчалар соҳасига 5% ли акрихин эритмаси сепилади. Ички вицераль лейшманиозни даволаш ишлаб чиқилмаган.

**Профилактикаси.** Исқабтопарларнинг етук даври ҳамда личинкаларини уларнинг яшаб кўпаядиган жойида парадихлорбензол ва бошқа полихлоридлар билан, имагинал формасини эса гексахлоран эмульсияси билан йўқотилади. Лейшманиоз манбани бартараф қилиш учун

кемиравчилар уясини кўмиб бинолардаги ёриқлар бекитиб ташланади, чиябўрилар, дайди итлар ва кемиравчилар йўқ қилинади.

### ЧЎЧҚАЛАРНИНГ БАЛАНТИДИОЗИ

Чўчқаларниң балантидиози — протозой касаллик бўлиб, ёш чўчқаларда ошқозон-ичак тракти функциясининг бузилиши билан характерланади, унинг қўзғатувчиси инфузария синфининг Бурхаридэ оиласи Балантидиум авлодига кирувчи бир ҳужайрали паразитлардан, Балантидиум коли, Балантидиум сус ҳисобланади.

**Қўзғатувчисининг морфологияси.** Балантидий коли ва Б. сус узун, қатор жойлашган тукчалар билан қопланган ва овал формадаги паразитлар бўлади; уларниң узунлиги 47—120 микрон, кенглиги эса 27—85 микрон. Касалланган чўчқаларда балантидийлар ҳажми инвазия ташувчи чўчқалардагига қараганда кичик бўлади. Б. коли ва Б. сус морфологик жиҳатдан тасининг шакли, узунлиги, кенглиги ҳамда микронуклеуснинг катталигига қараб фарқ қиласи.

Чўчқалардан бошқа Б. коли одамларда ҳам паразитлик қиласи. Балантидийларниң бошқа хиллари қўйлар, кемиравчилар, қушлар, балиқлар, амфибийлар ва ҳашаротларда учрайди.

Чўчқаларда балантидийлар йўғон ичак бўлимида жойлашиб, паразитлик қиласи, баъзан улар ингичка ичак либеркун безлари ва лимфа тугунларидан топилади. Яшаш шароитига қараб уларни кескин патогенлик хоссасини эгаллаган тўқима паразити формасига ва ичакларниң ички қисмида яшаб ва қолдиқ овқатлар билан озиқланувчи комменсал формасига бўлиш қабул қилинган.

**Қўзғатувчисининг биологияси.** Чўчқаларниң ичакларида балантидийлар кўндалангига бўлиниб кўпаяди, адабиётларда уларниң куртакланиб кўпайиши мумкинлиги тўғрисидаги кўрсатмалар ҳам бор, аммо бундай кўпайиш балантидийлар учун ноқулай шароитларда (яллиғланиш экссудатларининг маҳсулотлари) бўлади.

Патоген паразитлар эритроцитлар, лейкоцитлар ва яллиғланиш экссудатлари билан, уларниң комменсал формаси эса бактериялар, замбуруғлар, крахмал доначалари ва озиқ қолдиқлари билан озиқланади. Улар ичакларда юмалоқланиши ва қалин парда билан қопланиши

мумкин. Бундай пардага ўралган, яъни инцистирланган балантидийлар тезак билан ташқи муҳитга чиқарилади ва узоқ вақт (10 кун ва ундан ортиқ) сақланади. Цисталарнинг диаметри 58—88 микрон атрофида бўлади. Чўчқаларнинг заарланиши аlementар, яъни балантидийларнинг цисталари билан ифлосланган сув ва озиқларни ютиб юборганда рўй беради. Қасалланган чўчқа болалири тез балантидийларнинг ҳаракатчан формасини ажратади, улар гоҳо ташқи муҳитда ҳам инцистирланади. Одамлар орасида балантидиознинг тарқалишида заарланган чўчқалар катта роль ўйнайди.

Балантидийлар уларга от зардоби ва гуруч крахмали кўшилган сунъий озиқ муҳитида ўсади. Улар асосан РН-7—7,2 даги «юрак муҳитида» ва 37—38° температурада яхши кўпаяди.

**Эпизоотологияси.** Балантидиоз ҳамма жойда учрайди. Уни катта чўчқалар тарқатади, уларнинг ўзлари касалланмайди, лекин бутун йил давомида паразитларни ташиб ташқи муҳитга чиқаради.

Цисталар минус 6—28° температурада 100 кундан кўпроқ, 18—20° совуқда —20 кун давомида ва сийдикда 10 кунгача сақланиши мумкин. Уларга қуёш нури таъсир қиласди. Баландтидийларнинг цисталари 3% ли карбол кислотаси, 2% ли креолин, 4% ли формалин, 10% ли хлорли оҳак эритмаларида ҳам тирик сақланади. Балантидийларнинг иккала хили чўчқаларда деярли бир вақтда қарийб тенг сонда учрайди.

**Патогенези.** Чўчқаларнинг организмига балантидийларнинг патогенли таъсири тўғрисидаги савол ҳозирча ҳал қилинмаган. Баъзи бир хўжаликларда ҳайвонлар балантидиозни ташувчи кўринишда учрайди, бошқа хўжаликларда эса касаллик бирданига авж олиб кетади. Кўпчилик ҳолларда бу инвазиянинг симптомсиз, ташувчи формаси устунлик қиласди. Баъзи бир ҳайвонларда, асосан сутдан ажралиш даврида резистентлиги пасайган чўчқа болаларида балантидийлар оғир касаллик — балантидий дизентериясини чақиради. Бунда паразитлар тўқима, ичак деворлари ичига, безлар орасига ва безлар ичига, шиллиқ ости ва мускул қаватларига чуқур кириб кетади. Натижада ичакларнинг шиллиқ пардаси некрозга учрайди. Шиллиқ парда сезиларли қалинлашади ва гиперемияланади. Заарланган участкаларда тўқималар йиригланади ва яраланади. Яралар кўпинча сероз қат-

ламгача тешиб киради. Балантидийларнинг патогенлик-хоссаси ошқозон ва ичакларнинг катарал яллиғланиши-нинг кучайиши билан яна ҳам кучаяди. Оғир ҳолларда процесс ҳайвоннинг ўлими билан тугалланади. Йўғон ичак, асосан кўр ва тегарчак ичакларни ёриб кўрганда шиллиқ пардаларининг қалинлашиши кўп шиллиқ ёки казеоз, сариқ кул рангли фасод (налёт) билан қопланиши, жуда кўп нуқтали ёки йўл-йўл қон қўйилиши, нўхатдан ёнғоқдек бўлган катталикдаги яралар борлиги аниқланади. Мезентериал лимфа тугунлар катталашади, шишади ва кўпинча геморроя ҳолатида бўлади.

**Клиникаси.** Касаллик асосан 2—2,5 ойлик чўчқа болаларида кузатилади ва икки ўткир ва сурункали ўтиб, колит, энтероколит ёки гастроэнтероколит кўринишида учрайди. Инкубацион (яширин) даври 5—16 кунга чўзилади.

**Диагнози.** Янги тезакдан тайёрланган мазокларни ёки чўчқа болалари ўлимининг биринчи соатларидан кейин (ўлганидан кейин орадан 6 соат ўтгач балантидийларни топиб бўлмайди) ўликни ёриб ичак шиллиқ пардаларининг заарланган участкаларидан олинган қириндиларни микроскоп остида текшириб диагноз қўйилади. Чўчқа болаларининг тезагини текшириш учун тезак иссиқ физиологик эритмага қўшилади ва бўялмаган (нативний) мазок тайёрланади. Микроскоп тагида ҳаракатчан формалари қидирилади. Бунда инвазияланиш даражаси ва балантидийлар формаси ҳисобга олинади. Циста кўринишдаги айрим экземплярлари топилса, касаллик эмас, балки балантидий ташувчилик тўғрисида гапириш мумкин. Тезакдаги цисталарни қидиришни осонлаштириш учун мазок люгол эритмасига бўялади. Одатда ўлик цисталар бўёқни қабул қилиб бўялади, тириклари эса бўялмасдан ўз рангини сақлаб қолади.

**Давоси.** Касалликнинг бошланғич босқичида чўчқа болаларига люгол эритмаси сут билан берилади (100 мл. люгол эритмаси 1 л иссиқ сутга аралаштирилади). Аралашма лойдан ясалган ёки чинни идишларга қўйилади ва чўчқа болаларига ичириладиган сув билан берилади. Чўчқалар болаларини осарсол, ятрен, эметин ҳамда ятрен билан осарсолни алмаштириб даволаганда деярли яхши натижаларга эришилади. Осарсол 1 кг вазнга 0,03 граммни ташкил қиласи, бир кунда у икки мартадан уч сутка кетма-кет берилади. Зарур бўлганида осарсол би-

лан даволаш курси тақрорланади. Ятрендан 1 кг вазнга 0,05 грамм ҳисобидан берилади. Препаратни клизма шаклида юбориш ҳам мумкин. Осарсол ҳамда ятрен билан олти кун даволаш мумкин. Бунинг учун дастлабки уч кун осарсол, кейинги уч кунда эса ятрен берилади. Шу билан бир вақтда чўчқа болаларига ацидафилин бериш тавсия қилинади.

**Кураш чоралари ва профилактикаси.** Балантидиозга қарши курашиш учун тезакни биометрик усулда заарлантириш йўли билан ташқи муҳитдаги инвазион элементларни йўқотиш, станоклар, сайд майдонларини қунт билан механик тозалаш, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти олимлари (Р. Ҳ. Ҳайитов, Э. Ҳ. Эргашев, Ж. Шоппўлатов) тавсия қилган юқори температурали пропан-бутан олови билан дезинвазия қилиш; касалланган чўчқа болаларини айириб қўйиш ва даволаш, уларни асрарда зоотехник ва зоогигиеник шароитларни яхшилашдан иборат комплекс профилактик тадбирлар ишлаб чиқилган. Рационаларга витаминли озиқлар киритилади, касалланган ҳайвонлар етарли миқдорда сут, сули сумалаги (кисель) ва ҳар хил бўтқалар билан озиқлантирилади. Ёзда чўчқалар лагерларда асрариши лозим. Улар учун бутун бинолар қуруқ бўлиши керак.

## ТОКСОПЛАЗМОЗ

Токсоплазмоз қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, кемиувчиilar ҳамда одамларда учрайдиган протозой касаллик бўлиб, унинг қўзғатувчиси токсоплазма авлодига қарашли Токсоплазма ганди ҳисобланади. Токсоплазмаларнинг систематик ўрни тўғрисидаги масала охиригача ҳал қилинмаган. Т. ганди кўп турдаги қатор хўжайинларга эга, у одам, қўй, чўчқа, ит, ёввойи ва уй қуёнлари, ҳар хил кемиувчиilar ва ҳар хил қушларда учрайди. Ундан ташқари, қушларда ўзининг токсоплазма тури ҳам учрайди, у симптомсиз паразитемия кўринишдаги касалликни чакиради ва сут эмизувчиларни заарлантирумайди.

**Қўзғатувчисининг морфологияси.** Токсоплазма кенглиги 2—4 микрон, узунлиги 4—7 микрон бўлиб, бодом донига ёки кокцидийларнинг меразойитига ўхшайди. Паразитнинг чеккалари ўткир, протоплазмаси Романов усулида турли тусдаги зангори рангга, ядроси ёқут-қизил рангга бўялади. Токсоплазмалар айланма ҳаракат билан

моноцитлар, ретикуло-эндотелиал ҳужайралар, шунингдек, нерв система ҳужайралариға киради. Улар эркин ҳолда ҳам юриши мумкин ва якка-якка, жуфт, псевдоцисталарнинг йиғилиб түпланиши кўринишида ҳам учрайди (67-расм).



67-расм. Перитониал экссудатдан олинган токсоплазмалар:

1 — ҳўл «фиксация», 2 — қуритилган фиксация

**Қўзғатувчисининг биологияси.** Токсоплазмалар деярли ҳамма ички органлар: ўпка, жигар, талоқ, ичак, мия, вақт-вақти билан қонда учрайди. Улар иккига бўлиниб кўпаяди (токсоплазмаларнинг кўпга бўлиниб кўпайиши ҳақидаги маълумотлар бор, лекин бу тасдиқланиши керак). Токсоплазмалар одатдаги озиқ муҳитида қийин ўсади, аммо ривожланаётган товуқ эмбрионида яхши кўпаяди.

**Эпизоотологияси.** Ҳайвонлар токсоплазма билан тури усулда заарланади. Инвазия онадан ҳомилага (интероутерин инвазия кўринишда), сут орқали, кўпинча соғлом итлар касалланган итлар билан бевосита kontaktда бўлганида, гўштхўр ва ҳар хил овқатни ейдиган ҳайвонларга эса инвазияланган гўштни еганда юқади. Токсоплазмозни қон сўрувчи бўғимоёқлилар ҳам тарқатиши мумкин. Тирналган ва ёрилган тери орқали ҳам заарланади.

Шу вақтгача инвазиянинг қўй ва қушларга юқиш усули аниқланмаган. Ҳайвон ва одамлардаги токсоплазмозни бир хилдаги қўзғатувчи чақиради. Токсоплазмоз билан заарланган ит ва мушук эпидемиологик нўқтаи назардан жуда ҳам хавфлидир. Заарланган ҳайвон организмидан паразит сийдик, тезак, балғам ва сут билан чиқарилади. Токсоплазмоз ер шарининг ҳамма қитъаларидағи ҳар хил климатик зоналарида, ёввойи ҳайвонлар ва ҳатто

судралиб юрувчилар орасида ҳам учрайди. Европадаги ҳайвонларда токсоплазмоз күпроқ февраль-март, де-кабрь, камроқ июнь-сентябрь, октябрь ойларида учраб, у билан ҳамма ёшдаги ҳайвонлар касалланади. Токсоплазмоз ташқи муҳит таъсирига чидамсизdir, у қуритилганда тез ҳалок бўлади, лекин физиологик эритмада, дистилланган сувда бир неча соат ва ёғсизлантирилган стерил сут билан қон зардоби аралашмасида 24 соат тирик сақланади. Токсоплазмалар ҳаммадан узоқ вақт Тиродэ эритмасида эмульгирланган мия тўқималарида яшайди. Уларга 50° температура ҳалокатли таъсир қиласиди.

**Патогенези ва касаллик белгилари.** Токсоплазмознинг патогенези ўрганилмаган. Унинг патоген таъсири қатор факторлар; ҳайвоннинг тури, ёши, заарланиш йўлига ва паразитнинг патогенлик хоссаларига боғлиқдир.

**Патологоанатомик ўзгариши.** Ичак шиллиқ пардалари лейкоцитлар ва паразит билан инфильтрацияланган шиллиқ ости қавати бўккан бўлади. Жигар ёғ бузилиш белгиси билан катталашади. Талоқ катталашган, унинг эндотелиал ҳужайраларида кўплаб паразитлар сақланади. Мускул толалари, мия капиллярлари ичида ва ганглияларининг эндотелиал ҳужайраларидан токсоплазмалар топилади. Ҳайвонларда ва одамларда токсоплазмоз сурункали формада ўтади. Касалланган организм узоқ вақт паразитни сақлайди ёки марказий нерв системаси, ўпка, юрак, кўзлари заарланиши билан оғир кечадиган касаллик намоён бўлади. Токсоплазмознинг ҳар хил ҳайвонлардаги клиник белгилари бир хилда намоён бўлмайди. Ҳайвонлар ўткир, яrim ўткир ва сурункали формада касалланиши мумкин.

Токсоплазмознинг ўткир формаси иситма, конъюнктивит, миокардит, гепатит, энцефалит ва пневмония ҳодисаси билан давом этади ва одатда ўлим билан тугайди. Итларда касалликнинг патологоанатомик ўзгариши ўлат (чума) даги ўзгаришга ўхшашdir. Ўлган ҳайвонларнинг ичакларидан яралар, миясидан энцефалит манбалари топилади. Ярим ўткир формаси учун кўзнинг тўр пардасига қон қуилиши, унинг шишиши ва некрози, гидроцефалия ва титраб-қақшали характерлидир. Бундай ҳолларда мия ёриб кўрилса, мия тўқималарининг некрози ва инфильтрат, томирларининг тромбози ва регенератив ҳодисалар каби ўзгаришлар топилади.

Сурункали давом этадиган формасида марказий нерв система ва кўзларда у ёки бошқа кучсиз кўринишлар ифодаланади. Итларда касалликнинг кўриниши ўлатга ўхшашдир (пневмония, диарея, нерв кўриниши) касалликнинг охирида ориқланиш рўй беради. Кўйларда юқорида айтиб ўтилган симптомлардан бошқа ҳаракатнинг бузилиши (айланчик), бола ташлаш ҳодисалари бўлиши мумкин. Товуқларда тожи рангсизланади, ичи кетиши, ориқланиши кузатилади.

**Диагнози.** Пневмония билан касалланган ҳайвон тирик вақтида унинг балғамидан мазоклар тайёрлаб бўяди ва мазокда токсолазма бор-йўқлигига қараб диагноз қўйилади. Токсолазмоз бошқа касалликлар билан бирга учраганигидан диагноз кўпинча хотўғри қўйилади.

Токсолазмаларни топиш учун орқа мия суюқлигини ёки мия, кўз, юрак мускуллари ва бошқа органларнинг гистологик кесимлари текширилади. Зарур бўлганида оқ сичқонларни зааралантириб биологик пробага мурожаат қилинади. Серологик (комплimentларни бирлаштириш реакцияси) ва аллергик диагностика методикаси (тери пробаси), бўёқлар билан проба (намуна) яхши натижа беради. Давоси ишлаб чиқилмаган. Сульфаниламид препаратларининг пирамидин қатори ҳосилаларининг, шунингдек, диазил (дараприм билан биргаликда), биомициннинг эфектив таъсири ҳақидаги кўрсатмалар ҳам мавжуд.

**Профилактикаси** — ишлаб чиқилмаган.

### ПАРРАНДАЛАРНИНГ СПИРОХЕТОЗИ

**Спирохетоз** — бир ҳужайрали организмлар қўзғайдиган инвазион касалликдир. Қасаллик ғоссан товуқ ва ғозларда учрайди. Бу касаллик илиқ иқлимли мамлакатларда, шунингдек, Ўзбекистонда ҳам тарқалган бўлиб, паррандачиликка катта зиён келтиради.

**Қўзғатувчисининг ривожланиши.** Спирохетозни энг оддий ҳайвонлар группасига кирадиган ва спирохета (спирохета галлинаrum ва бошқалар) деб аталадиган паразитлар қўзғайди. Қасаллик шиддатли кечиб йилнинг иссиқ фаслларида учрайди. Спирохета ипсимон, спиралга ўхшаш буралган, жуда майда организмдир. Спирохетани халқ орасида товуқ канаси, товуқ қандаласи деб атала-диган Аргас персикус ва айрим фикрларга кўра, Дерма-

ниссус авиум тарқатади. Бу каналар түқ жигар ранг, яссы тухум шаклида бўлиб, урғочиларининг узунлиги 7 мм, кенглиги 3 мм, эркак каналарининг урғочисидан икки баравар кичик бўлади. Урғочи каналарининг тухумларидан личинка чиқиб, кейинчалик нимфага, сўнгра жинсий жиҳатдан етилган каналарга айланади (юмшоқ каналарга қаранг). Эрон канаси Аргас персикус ўзининг барча ривожланиш стадияларида уй ва ёввойи паррандаларнинг қонини сўриб яшайди. Етук каналар ва нимфалар ёруғликдан қўрқади, кундузи бекиниб ётади. Паррандаларга кечаси ҳужум қиласди. Личинкалари, аксинча, ёруғликдан қўрқмайди ва кўпинча паррандаларга ёпишиб, кундузи қон сўради. Каналар парранданинг тожи, бўйни, сони, қанотларининг таги ва орқа тешиги атрофига ёпишиб қолади. Каналар касалланган паррандаларнинг қони билан бирга, спирохетларни ҳам сўриб олиб, иккинчи соғлом паррандаларга ёпишгандан уларга касалликни юқтиради. Каналар узоқ вақт, масалан, личинкалари 8 ойгача, нимфалари 1,5 йилгача ва етук каналар 5 йилгача оч яшай олади.

**Эпизоотологияси.** Спирохетоз, мавсумли касаллик бўлиб, кўклам-ёзда, яъни каналарнинг урчиши ва яшаши учун шароит қулай бўлганда жуда авж олади. Ўзбекистонда спирохетоз касаллиги одатда март охири ва апрель ойининг бошларида тарқалиб, май, июнь ва июль ойларида авж олади, сўнгра аста-секин камая боради. Баъзан сентябрь, октябрда ва ҳатто, ноябрь ойларида ҳам учрайди.

Аргас персикус, демак спирохетоз касаллиги паррандачилик фермасига эски паррандахоналарнинг ёғочлари, илгари канаси бўлган паррандаларни ташиган яшиклар, паррандаларга қарашиб вақтида ишлатилган асбоблар орқали ва, ниҳоят, паррандаларнинг ўзи билан келтирилиши мумкин.

**Клиник белгилари.** Касалланган парранда танасининг ҳарорати кўтарилиб, у  $43^{\circ}$  ва ундан ҳам ошади. Парранданинг иштаҳаси бўғилади, жуда ташна бўлади, патлари ҳурпаяди, тожи, сирғаси ва шиллиқ пардалари жуда оқаради, кейин кўкимтири, қизғиш рангга киради. Касалланган товуқлар бурчакка бориб туради ёки ётади. Оғир касалланган товуқларнинг боши эгилиб, қанот ва думи осилиб туради, у жуда ориқлаб кетади, камқонлик пайдо бўлади, ич кетиши бошланади, ахлати кўкимтири бўлади.

Касалликнинг охирида тананинг ҳарорати пасаяди, парранда бутунлай заифлашади ва томирлари тортишиб, 3—5 кун ичида ўлади. Тузалиб кетиш ҳоллари жуда кам учрайди.

**Патологоанатомик ўзгаришлар.** Спирохетоз касаллигидан ўлган парранда ориқ, тож ва сирғалари жигар рангда бўлади, жигари катталашади, илвираган, ҳар ер-ҳар ерини оқиш-сариқ ранѓдаги жонсизланган тўқималар қоплаган бўлади, талоғи уч баравар катталашади, баъзи жойлари жонсизланган тўқималар билан қопланади. Буйраклари катталашган бўлиб, салга узилади, ичаклари яллиғланади, ичакдаги модда суюқ кўкимтири рангга киради, юрак халтасида сарфиш суюқлиқ пайдо бўлади.

**Диагнози.** Касаллик ёппасига тарқалишига, мавсумийлигига ва паррандаларга Аргас персикус канасининг ёпирилишига қараб аниқланади. Касалликни паррандалардан ва ўлган паррандаларнинг органларидан олинган қонни микроскопда текшириб кўрилгандан кейингина тўлиқ аниқлаш мумкин.

**Кураш чоралари.** Ветеринария врачининг рухсатисиз паррандачилик фермасига ҳеч нарса келтирмаслик кепак. Ветеринария врачи касалликнинг хўжаликда тарқалмаслиги учун олиб келинган нарсаларнинг дезинвазия қилиш тадбирларини кўради, паррандаларни текшириб чиқади ва бошқа чораларни кўради. Касалликнинг олдини олиш учун кўклам-ёз фаслларида дуст қўшилган сўндирилган оҳак билан (бир челяк оҳак эритмасига 1—2 кг дуст) паррандахона деворлари, қўноқлар, катаклар, шип, устун ва тўсиқлар оқланади.

Аргас персикус деб аталадиган канани йўқотиш усули дарсликнинг «юмшоқ каналар» қисмида батафсил кўрсатиб ўтилган. Касалланган паррандани даволашнинг энг яхши воситаси новарсенолдан фойдаланишdir. Бу дори товуқнинг 1 кг тирик вазнига 0,02—0,06 грамм олинганда паразитнинг ривожланишини тўхтатади. У бир марта юборилгандан кейин парранда тузалиши мумкин. Новарсенол кукун шаклидаги дори бўлиб, сувда яхши эриганлиги учун унинг 1—2% ли сувдаги эритмаси касалланган то вуқнинг кўкрак мускулига юборилади. Агар касалланган парранданинг аҳволи яхшиланмаса, эртасига яна новарсенол юборилади. Новарсенол касалликни даволашдан ташқари, унинг олдини ҳам олади. Бу дори икки ҳафта давомида паррандани қайтадан касаллик юқишидан сақ-

лайди. Сүнггі йилларда спирохетозни даволаш учун пенициллин муваффақиятли құлланилмоқда. Ҳозирги вақтда спирохетозга қарши вакцина ишлаб чиқылған. У фенолда ўлдирилған спирохетозлардан ҳамда уларнинг маҳсулотидан тайёрланған дори бўлиб, қизил, озроқ чўкма ҳосил қиласидиган суюқлик кўринишида тайёрланади.

Вакцина жуда ҳам тоза, ишлатилгандан кейин ҳеч қандай маҳаллий ёки умумий ўзгариш рўй бермайди. Вакцина спирохетоздан соғ бўлмаган ёки ундан хавфли бўлган хўжаликлардаги товуқ, ғоз, ўрдак ва куркаларни эмлаш учун тайёрланған. У шприц орқали паррандаларнинг кўкрак ҳамда сон мускулларига ёки тери остига юборилади. Қушлар 30 кунликдан бошлаб эмланади. Иммунитет 3—4 кундан кейин ҳосил бўлиб бир йилгача сақланади.

## МУНДАРИЖА

Ветеринария арахно-энтомологияси . . . . .	3
Бўғимоёқлилар ва уларнинг систематикаси . . . . .	3
Касаллик қўзғатувчи ҳамда касаллик тарқатувчи бўғимоёқлилар . . . . .	5

### I БОБ

Ветеринария арахнологияси ва ҳайвонларнинг арахнозлари . . . . .	7
Ургимчаксимонларнинг систематикаси . . . . .	7
Иксодид (яйлов) каналари . . . . .	11
Иксодид каналарга қарши кураш чоралари . . . . .	43
Уй ҳайвонлари танасидаги каналарни қириш . . . . .	44
Ҳайвонларни мартимуш ангидрид эритмасида чўмилтириш . . . . .	46
Натрий арсенит таркибидаги маргимуш ангидридни аниқлаш . . . . .	48
Тайёрланган ишчи эритма таркибидаги маргимуш ангидрид процентини аниқлаш . . . . .	51
Натрий арсенитнинг ишчи эритма таркибидаги маргимуш ангидрид миқдорини арсенометр ёрдамида аниқлаш . . . . .	52
Ҳайвонларни каналарга қарши бошқа хил акарицид препаратлар билан дорилаш . . . . .	57
Яйлов ва молхоналардаги каналарга қарши кураш . . . . .	58
Хўжаликларда молларга кана тушишининг олдини олиш . . . . .	61
Аргазид (юмшоқ) каналар . . . . .	62
Орнитодорус авлоди . . . . .	65
Аргас авлоди . . . . .	67
Аргазидларга қарши кураш чоралари . . . . .	68
Гамазоид каналар . . . . .	70
Товуқ канаси (Дерманинкус галлинарум) . . . . .	71
Саркаптоид каналар . . . . .	72
Ҳайвонларнинг қўтирилган касалликлари . . . . .	73
Акароуз . . . . .	73
Тери усти қўтирилган каналари қўзғайдиган касалликлар . . . . .	82
Псороптоз . . . . .	83
Хориоптоз (терихўр қўтирилган) . . . . .	88
Отодектоз (қулоқ қўтирилган) . . . . .	89
Диагностика . . . . .	90
Қўтирилган касалланган ҳайвонларни даволаш . . . . .	93
Дустлар билан даволаш . . . . .	94
Медикаментлар билан даволаш . . . . .	94
Гипосульфит билан Демьянович усулида даволаш . . . . .	96
Натрий гипосульфит ва натрий бисульфит билан даволаш . . . . .	96
Ваниаларда даволаш . . . . .	97
Камерада газ дудлатиб даволаш . . . . .	100
Қўтирга қарши кураш чоралари ва профилактик тадбирлар . . . . .	105
Демадекоз . . . . .	107

## II БОБ

Ветеринария энтомологияси ва ҳайвонларнинг энтомозлари . . . . .	1
Ҳашаротларнинг умумий характеристикаси . . . . .	11
Қорамолларнинг гиподерматози (тери бўка касаллиги) . . . . .	11
От, эшак ва хачирларнинг гастрофилези (ошқозон бўкаси) . . . . .	112
Қўй эстрози . . . . .	116
Трансмиссив касаллик қўзғатувчиларини тарқатувчи ҳашаротлар . . . . .	118
Чорва молларнинг гематопинидози . . . . .	13
Маллофагоз . . . . .	1

## III БОБ

Ветеринария протозоологияси ва ҳайвонларнинг протозоэлари . . . . .	19
Споралилар томонидан қўзғатиладиган касалликлар . . . . .	13
Гемоспоридиозлар . . . . .	138
Гемоспоридиозларда иммунитет . . . . .	141
Гемоспоридиознинг патогенези . . . . .	146
Гемоспоридиозларнинг диагностикаси . . . . .	149
Гемоспоридиоз касаллигини даволаш . . . . .	154
Гемоспоридиозларга қарши ишлатиладиган маҳсус химиотерапивтик дорилар . . . . .	155
Гемоспоридиоз касалликларини даволаш ва профилактик тадбирлар . . . . .	158
Қорамолларнинг гемоспоридиозлари . . . . .	160
Пироплазмоз . . . . .	160
Бабезиеллёз . . . . .	166
Франсаиеллёз . . . . .	168
Тейлериоз . . . . .	169
Анаплазмоз . . . . .	172
Отларнинг гемоспоридиозлари . . . . .	173
Отларнинг пироплазмози . . . . .	174
Ог нутталлиози . . . . .	177
Ҳайвонлар ва қушларнинг кокцидиозлари . . . . .	178
Қуёнларнинг кокцидиози . . . . .	179
Қорамолларнинг кокцидиози . . . . .	182
Қўй ва эчкиларнинг кокцидиози . . . . .	185
Қушларнинг кокцидиози . . . . .	185
От ва туяларнинг трипанозомози . . . . .	189
Туя ва отларнинг су-ауру касаллиги . . . . .	189
Отларнинг қочириш (случная болезнь) касаллиги . . . . .	192
Қорамолларнинг трихомонози . . . . .	193
Лейшманиоз . . . . .	200
Чўчқаларнинг балантидиози . . . . .	205
Токсоплазмоз . . . . .	208
Паррандаларнинг спирохетози . . . . .	211